



ШАРҚ ТИЛЛАРИ ВА
ЭСКИ ЎЗБЕК ЁЗУВИ

II ҚИСМ



АЗИМОВ И., ТОЖИБОЕВА М., ГОЗИЕВ А.

ШАРҚ ТИЛЛАРИ ВА ЭСКИ ЎЗБЕК ЁЗУВИ

(II ҚИСМ)

*Олий ўқув юртларининг ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналиши
талабалари учун дарслик*



Э В Е Р О

Алматы 2021

Ж. А. ТҶШЕНЕВ АТЫНДАҒЫ УНИВЕРСИТЕТ
АҚПАРАТТЫҚ БІЛІМ БЕРУ ОРТАЛЫҒЫ

КІТАПХАНА

69444

ЎОЖ
КБЖ
А

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги
мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2020-йил 4-майдаги 285-сонли буйруғи билан наширға тавсия
этилган*

Такрирчилар:

Сулаймонова Нигора – филология фанлари номзоди, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети доценти;

Шоалиева Наргиза – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Мумтоз шарқ адабиёти ва манбашунослик кафедраси катта ўқитувчиси.

Тузувчилар:

Азимов Иномжон филология фанлари номзоди, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети доценти;

Тожибоева Маҳбуба филология фанлари номзоди, Муқимий номидаги Кўкон давлат педагогика институти доценти;

Ғозиев Алишер Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети катта ўқитувчиси.

А Азимов И., Тожибоева М., Ғозиев А.

Шарқ тиллари ва эски ўзбек ёзуви (II қисм): дарслик / И. Азимов, М. Тожибоева, А. Ғозиев. – Алмати: Эверо, 2021. – 392 б.

ISBN

Мазкур дарслик олий таълим муассасаларининг филология йўналиши талабалари учун мўлжалланган бўлиб, амалдаги таълим стандартлари, фан ва ўқув дастурлари асосида тузилган. Иккинчи қисмида эса Эрон мамлақати, форс тили, эроний тиллар гуруҳлари, форс тилининг тарихий тараққиёт босқичлари, форс тили фонетикаси, арабий ёзувлар ва уларнинг хусусиятлари, от кесимли содда йиғиқ гап, оломшлар (кўрсатиш, сўроқ, кишилиқ, ўзлик, гумон, биргалиқ), изофа, изофа занжири, форс тилида феъл, феъл замонлари, сифат, сифат даражалари, феъл майллари (буйруқ ва шарт-истак), феълнинг функционал шакллари (ўтган замон сифатдоши ва равишдоши, ҳозирги замон сифатдоши) лар, эргаш (мақсад, тўлдирувчи, пайт, аниқловчи, тўсиқсиз, шарт, сабаб) гаплар мавзуларига оид назарий ва амалий маълумотлар берилган. Ҳар бир қисм сўнигида мустақил таълим топшириқлари, тематик саволномалар ва тестлар жойланган. Дарсликнинг форс тили қисмидаги топшириқларни ёритиш учун фойдаланилган суратлар <https://www.google.com> интернет манзилдан фойдаланилди.

Бўл оқу қўралы жоғары оқу орынларының филологиясы студенттеріне арналған және қазіргі білім стандарттарына, ғылым мен оқу бағдарламаларына негізделген. Екінші бөлімде Иран елі, парсы тілі, иран тілдерінің топтары, парсы тілінің тарихи даму кезеңдері, парсы фонетикасы, араб жазулары мен олардың ерекшеліктері, қарапайым тілдесу, изофа, изофа тізбегі, парсы тіліндегі етістік, етістік шақ, сын есім, сын есім, етістік шақ (бұйрық және шартты), етістіктің функционалды формалары (өткен шақ сын есімдері мен үстеулері, қазіргі сын есімдер), ұстану (мақсат, толықтырушы, шақ), анықтаушы, кедергісіз, шартты, себептік) тақырып бойынша теориялық және практикалық ақпарат берілген. Әр бөлімнің соңында дербес оқу тапсырмалары, тақырыптық сауалнамалар мен тесттер бар. Оқулықтың парсы бөліміндегі тапсырмаларды көрсету үшін қолданылатын иллюстрациялар <https://www.google.com> сайтынан қолданылды.

ЎОЖ
КБЖ

ISBN

© Азимов И., Тожибоева М., Ғозиев А., 2021
© Эверо, 2021

ИККИНЧИ КИТОБ. ШАРҚ ТИЛЛАРИ.

НАЗАРИЙ ТАЪЛИМ ҚИСМИ.

1 – МАШҒУЛОТ

МАВЗУ: КИРИШ. ФОРС ТИЛИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ.

Режа:

1. Эрон мамлақати ва форс тили.
2. Алифбо ва ўзув.

Тилчи сўз ва иборалар. Эрон, Техрон, форс тили, давлат тили, эроний тиллар, ғарбий гуруҳ (форс, тожик, балуч, курд, гилон, мазандарон, семнон, толиш, тот), шарқий гуруҳ (афгон, пушту, осетин, ягноб, шугнон, вохон, сангличи, язғулом, ишкашим, зебоки, мунжон), дарий, лаҳжа, мунфасил ҳарфлар, муттасил ҳарфлар, қадимги давр, ўрта давр, ҳозирги давр, ўстон, шахристон, бахш, деҳистон.

Ўқув машғулотининг мақсади. Эрон, Техрон, форс тили, давлат тили, эроний тиллар, ғарбий гуруҳ (форс, тожик, балуч, курд, гилон, мазандарон, семнон, толиш, тот), шарқий гуруҳ (афгон, пушту, осетин, ягноб, шугнон, вохон, сангличи, язғулом, ишкашим, зебоки, мунжон), дарий, лаҳжа, мунфасил ҳарфлар, муттасил ҳарфлар, қадимги давр, ўрта давр, ҳозирги давр, ўстон, шахристон, бахш, деҳистон ҳақидаги назарий билимларни амалий равишда мустаҳкамлаш.

ЭРОН МАМЛАКАТИ ВА ФОРС ТИЛИ

Эрон мамлақатининг ер майдони 1648195 кв километр худудга ега бўлиб;

шимолдан Туркменистон, Каспий денгизи, Озарбойжон, Наҳичевон Автоном Республикаси;

шарқдан Афғонистон, Покистон;

ғарбдан Туркия ва Ироқ;

жанубдан Форс кўрфази ва Уммон денгизи билан чегарадош.


Эрон Каспий денгизи орқали Қозоғистон ва Россия, Форс кўрфази ва Уммон денгизи орқали эса Кувайт, Бахрайн, Арабистон, Қатар, Бирлашган Араб Амирлиги ҳамда Уммон давлатлари билан чегарадош.

Эрон мамлақати Шарқий Озарбайжон вилояти, Ғарбий Озарбайжон вилояти, Ардобил вилояти, Исфаҳон вилояти, Илом вилояти, Бушаҳр вилояти, Техрон вилояти, Чаҳормаҳол ва Бахтиёрӣ вилояти, Хуросони Розавӣ вилояти, Жанубӣ Хуросон вилояти, Шаимолий Хуросон вилояти, Хузистон вилояти, Занжон вилояти, Семнон вилояти, Сийстон ва Балучестон вилояти, Форс вилояти, Қазвин вилояти, Кум вилояти, Курдистон вилояти, Кармон вилояти, Кармоншоҳ вилояти, Кўҳчилуёе ва Буйераҳмад вилояти, Гулистон вилояти, Гилон вилояти, Луристон вилояти, Мозандарон вилояти, Марказӣ вилояти, Хурмузгон вилояти, Ҳамадон вилояти, Язд вилоятларига бўлинади.


Эрон 30 ўстон (вилоят), 363 шахристон (туман), 920 бахш (қишлоқ фукаралар йиғини худудидан катта худуд), 2430 дехистон (қишлоқ фукаралар йиғини), 1063 шаҳардан иборат.

Эронда 32 миллат ва элат истиқомат қилади.



Мамлакат аҳолиси 80 000 000 яқин кишини ташкил этади.



Эрон мамлакатининг пойтахти Техрон шаҳри. Мамлакатнинг ифтихори “Озоди” минорасидир.



Пул бирлиги риёл бўлиб, халқ 10 риёлни бир туман дейишади.





Эрон Ислом Республикасининг давлат байроғи.



Форс тили Эрон давлатининг расмий давлат тилидир. Фос адабий тилининг таянч диалекти – Техрон диалекти. Форс тили Ҳинд-Европа тиллар оиласига мансуб.

Эроний тиллар икки гуруҳга бўлинади:

1. **Ғарбий гуруҳ эроний тиллари:** форс, тожик, белуч, курд ва Каспий бўйи тиллари (гилон, мозандарон, семнон, толиш, тот) ва бошқа тиллар қиради.

2. **Шарқий гуруҳ эроний тиллари:** афғон (пашту), осетин, яғноб ва помир тиллари (шуғнон, вохон, сангличи, язғулум, ишкашим, зебоки, мунжон) ва бошқа тиллар киради.

Барча дунё тиллари ўзининг тарихий тараққиёт босқичи бўлгани каби форс тили ҳам ўзига хос тарихий тараққиёт босқичига эга. Форс тили тараққиёт босқичига кўра 3 даврга бўлинади:

1. **Қадимги форс тили** (мил.ав. VI-III асрлар);
2. **Ўрта давр форс тили** (мил.ав. III ва мил. VII асрлар);
3. **Ҳозирги давр форс тили** (IX асрдан шу кунгача).

Қадимги ва ўрта давр форс тили ўлик тил ҳисобланиб, унинг грамматик қурилиши ва луғат таркиби ҳақида бизгача етиб келган ёзма ёдгорликлар орқалигина маълумотга эга бўлиш мумкин.

Қадимий форс тили эрамиздан аввалги VI асрда Ахамонийлар сулоласининг расмий тили ҳисобланиб келган. Бу тилда ёзилган **Ахамонийларнинг** бир қанча ёзма ёдгорликлари бизгача етиб келган.

Маълумки, VII асрда араблар Эрон, Ўрта Осиё ва уларга қўшни бўлган бир неча мамлакатларни забт этадилар. Араблар бу мамлакатларда ислом дини билан бир қаторда, ўз маданияти, тили ва ёзувини кенг халқ оммасига тарғиб қила бошлайдилар. Натижада ислом дини, араб ёзуви, араб тили бу ерларда мустаҳкам ўрнашиб олади ва ривож топади. VII асрнинг охирига келиб маҳаллий халқлардан чиққан олимлар араб тилида диний, фалсафий, адабий, **ҳуқуқ ва тиббиётга** оид асарлар ёза бошладилар.

Араблар босиб олган бутун ҳудудда деярли икки аср мобайнида **араб тили** илм-фанга ҳукмронлик қилади.

IX асрда Эрон ва Ўрта Осиё халқлари ўз давлатининг мустақиллиги учун олиб борган курашда ғолиб чикдилар ва араб халифалиги ҳукмронлигидан озод бўлиб, ўзларининг Сомонийлар давлатини вужудга келтирдилар.

Сомонийлар дарий ёки форсий номи билан аталган маҳаллий **тили** ўзларининг давлат ва адабий тили деб эълон қилдилар. Дарий тили қадимги ва ўрта форс тилининг тарихий тараққиёти давоми сифатида шаклланди ҳамда араб сўзлари ҳисобига ўз лектик таркибини бойитди. Шундай қилиб, IX асрдан бошлаб форс тили тарихида 3-давр янги форс тили даври бошланди. Дарий тили тез

суръат билан тараққий этди ва кўп соҳалардан араб тилини сиқиб чиқариб, тез вақт ичида фан ҳамда адабиёт учун асосий тил бўлиб қолди.

Сомонийлар давлати барпо бўлишидан бошланган беш асрлик давр эрон халқи адабиётининг, хусусан шеърятнинг камолот чўққисига кўтарилган даври бўлди. Бу даврда дарий (форс) тилида инсониятнинг маънавий бойликлари хазинасига катта ҳисса қўшган, ўзининг ўлмас асарлари билан жаҳон китобхонларини мафтун этган Абу Абдулло Рудакийнинг лирик шеърлари, Абулқосим Фирдавсийнинг машҳур “Шоҳнома” асари, Умар Хайёмнинг рубоийлари, Саъдий Шерозийнинг “Гулистон” ва “Бўстон” асарлари, Амир Хусрав Деҳлавийнинг “Хамса”си, Шамсиддин Муҳаммад Ҳофизнинг ғазаллари, Абдурахмон Жомийнинг “Ҳафт авранг”и ва бошқа бир қанча шоир ва олимларнинг асарлари яратилди.

Форс тили ўз ёзувига эга бўлган энг қадимий тиллардан биридир.

Форс тили ўзининг оҳангдорлиги, синонимларга бойлиги ва сўзларнинг осонлик билан вазн ҳамда қофияга тушиши сабабли кўпгина мамлакат шоир ҳамда олимларини ўзига жалб қилади. Қисқа давр ичида Ўрта Осиёнинг бутун худудига, Озарбайжон ва Ҳиндистонгача ёйилиб, форс тилида бу мамлакатлар халқлари томонидан бой адабий ва илмий асарлар яратилди. Кўпгина ўзбек шоирлари ҳатто XIX асрнинг охирига қадар ўз шеър ва асарларини ўзбек тили билан бир қаторда форс тилида ҳам ёзганликлари маълумдир.

Форс тили IX асрдан то шу кунгача босиб ўтган тарихий тараққиёт даври анча ўзгаришларга учради.

Бу ўзгаришлар, биринчидан, форс классик адабиётида кенг истеъмол қилинган айрим сўзларнинг ҳозирги форс тилида ишлатилмай қолиши ёки улар маъносининг ўзгаришида кўринса, иккинчидан, ҳозирги форс сўз ясовчи элементлар асосида ясалган янги сўзлар ҳисобига бойишида намоён бўлади. Шу билан бирга форс тили грамматик категорияларининг шакли ва вазифалари бирмунча ўзгарди.


Ҳозирги форс тилининг луғат таркибида арабча сўзлар ва араб элементлари ниҳоятда кўпдир. Бундан ташқари, форс тилига

бирмунча араб грамматик ва график элементлари ҳам кириб келган. Буларнинг ҳаммаси форс тили грамматик қоидаларига бўйсунган ҳолда ишлатилади. Ҳозирги пайтда форс тили Ўзбекистонда илмий ва амалий мақсадда ўрганилади.

АЛИФБО ВА ЁЗУВ.

Форслар VII асрдан бошлаб то шу кунга қадар ўз ёзувларида араб алифбосини ишлатиб келмоқдалар. Араб тили товушларига мослашган ва шу тилнинг товуш системасини тўла акс эттира олган араб алифбоси форс товушларини тўла ифодалай олмади. Бунга сабаб, биринчидан, форс тили фонетик системасига тамоман ёт бўлган бир неча товуш ва белгиларнинг араб тилидан кириб келиши бўлса, иккинчидан, форс тилининг хусусиятларини ифода этувчи спелетсифик товушларнинг араб тили товушлари системасида бўлмаслиги ва уларни ёзувда ифодаловчи маълум ҳарфларнинг араб алифбосида йўқлиги бўлди.

Араб алифбоси 28 ҳарфдан иборат бўлиб, форслар ўз спелетсифик товушларини ифодалаш учун араб алифбосига қўшимча равишда қуйидаги 4 ҳарфни киритдилар: п (پ), ж: (ج), ч (چ), г (گ). Бу ҳарфларни ҳосил бўлишига кўра уларга яқин бўлган ҳарфлар асос қилиб олинди ва уларга иккитадан нукта ортириш орқали янги ҳарфлар кишиф қилинди.



Изоҳ: Гоф ҳарфи устига қўйилган икки нукта кейинчалик умумлаштирилиб, бир чизиққа алмаштирилди.


Араб – форс алифбоси

| харфнинг номи | харф ифода этаётган товуш | ҲАРФЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ | | | |
|---------------|---------------------------|---------------------|--------------|------------|-------------|
| | | сўз охирида | сўз ўртасида | сўз бошида | ёлғиз холда |
| алиф | о,а | ا | ا | ا | ا |
| бе | Б | ب | ب | ب | ب |
| пе | П | پ | پ | پ | پ |
| те | Т | ت | ت | ت | ت |
| се | С | ث | ث | ث | ث |
| жим | Ж | ج | ج | ج | ج |
| чим | Ч | چ | چ | چ | چ |
| хо-е хутти | Ҳ | ح | ح | ح | ح |
| хе | Х | خ | خ | خ | خ |
| дол | Д | د | د | د | د |
| зол | З | ذ | ذ | ذ | ذ |
| ре | Р | ر | ر | ر | ر |
| зе | З | ز | ز | ز | ز |
| ж:е | ж: | ژ | ژ | ژ | ژ |
| син | С | س | س | س | س |
| шин | Ш | ش | ش | ش | ش |
| сод | С | ص | ص | ص | ص |
| зод | З | ض | ض | ض | ض |
| то | Т | ط | ط | ط | ط |
| зо | З | ظ | ظ | ظ | ظ |
| ъайн | - | ع | ع | ع | ع |
| гайн | Ў | غ | غ | غ | غ |
| фе | Ф | ف | ف | ف | ف |
| коф | Қ | ق | ق | ق | ق |
| коф | К | ك | ك | ك | ك |
| гоф | Г | گ | گ | گ | گ |
| лом | Л | ل | ل | ل | ل |
| мим | М | م | م | م | م |
| нун | Н | ن | ن | ن | ن |
| вов | В | و | و | و | و |
| хо-е ҳавваз | Ҳ | ه | ه | ه | ه |
| ё | й,и,ей | ي | ي | ي | ي |


Алифбодаги тўққизта унсурнинг ҳар бири бир неча янги ҳарфлар ҳосил қилишда иштирок этади. Қолган тўққизтаси эса ҳар бири биттадан ҳарф ясалишида иштирок этади. Бу унсурлар қуйидагилар:

ب ح د ر س ص ط ع ك


ب унсури орқали ҳосил қилинган ҳарфлар




ح унсури орқали ҳосил қилинган ҳарфлар




ر унсури орқали ҳосил қилинган ҳарфлар



د унсури орқали ҳосил қилинган ҳарфлар




س унсури орқали ҳосил қилинган ҳарфлар




ص унсури орқали ҳосил қилинган ҳарфлар




ط унсури орқали ҳосил қилинган ҳарфлар




ع унсури орқали ҳосил қилинган ҳарфлар



ك унсури орқали ҳосил қилинган ҳарфлар



Қолган ҳарф ясовчи унсурлар қуйидагилар:



Ҳар бир ҳарфни ёзишда нуқталарнинг ўрни ва миқдорига катта аҳамият беришимиз лозим. Чунки бир нуқта кам ёки кўп қўйилса ёки ўрни алмашса, аксинча бутунлай қўйилмаса, сўзнинг маъноси ўзгаришини кузатишимиз мумкин.

АРАБ ЁЗУВИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.

Форс алифбоси араб алифбосига асосланганлиги учун ёзувнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд араб ёзуви қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Араб алифбосида бош ҳарфлар мавжуд эмас.
2. Араб ёзуви ўнгдан чапга томон ёзилади ва ўқилади.
3. Сўз ўртасида қисқа унлилар ёзувда ифода этилмайди.
4. Араб ёзувида бўғин кўчирилмайди.

Мавзуги оид савол ва топшириқлар:

1. Форс тили қайси мамлакатнинг давлат тили ҳисобланади?
2. Форс тили қайси ёзувга асосланган?
3. Форс тилининг таянч диалекти қайси диалект?
4. Форс тили қайси тиллар оиласига мансуб?

5. Эроний тиллар неча гурухга бўлинади?
6. Форс тили қайси гурух эроний тилларига мансуб?
7. Форс тилининг тараккиёт босқичлари неча даврга бўлинади?
8. Қадимги форс тили даври қайси даврларни ўз ичига олади?
9. Ўрта форс тили даври қайси даврларни ўз ичига олади?
10. Ҳозирги форс тили даври қайси даврларни ўз ичига олади?
11. Форс тилида ижод қилган шоир ва адиблардан кимларни биласиз?
12. Эрон мамлакатининг ер майдони неча квадрат километр?
13. Эрон мамлакатининг пойтахти қайси шаҳар?
14. Эрон мамлакатининг пул бирлиги қандай номланади?
15. Эрон мамлакатининг байроғида қандай ранглар акс этган?
16. Эрон мамлакатининг аҳолиси неча кишини ташкил этади?
17. Эрон мамлакатининг йирик шаҳарларидан қайсиларини биласиз?
18. Эрон мамлакати дунёга қандай маҳсулотларни экспорт қилади?
19. Эрон мамлакатадаги кўзга кўринган олий ўқув юртлари қайсилар?
20. Эрон давлати қайси мамлакатлар билан чегарадош?

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Ю.А.Рубинчик, Грамматика современного персидского литературного языка. Москва 2011г.
2. Anousha Shahsavari, Blake Atwood, Persian of Iran today. An introductory course, Volume 1,2. Texas, 2015.
3. Plats J.T. and Ranking C.A. A grammar of the Persian language Oxford 1911 у.
4. Yodolloh Samareh Persian language teaching Iran 1993 у.

2 – МАШҒУЛОТ

МАВЗУ: ФОРС ТИЛИДА УНЛИЛАР

Режа:

1. Қисқа унлиларнинг ёзувда ифода этилиши.
2. Чўзиқ унлиларнинг ёзувда ифода этилиши.

Таянч сўз ва иборалар. Тил, ўзбек тили, форс тили, товуш, унли товуш, ундош товуш, ҳаракатлар, диакритик белгилар, забар (фатҳа), зир (касра), пиш (дамма) белгилари ва ҳойи ҳавваз, вов ҳарфи, чўзиқ унлилар, алиф ҳарфи, мадда, алифи мақсура, алифи шиксаста, вов ҳарфи, ё ҳарфи.

Ўқув машғулотининг мақсади. Тил, ўзбек тили, форс тили, товуш, унли товуш, ундош товуш, ҳаракатлар, диакритик белгилар, забар (фатҳа), зир (касра), пиш (дамма) белгилари ва ҳойи ҳавваз, вов ҳарфи, чўзиқ унлилар, алиф ҳарфи, мадда, алифи мақсура, алифи шиксаста, вов ҳарфи, ё ҳарфи ҳақидаги назарий маълумотлар бериш ва уларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш

ҚИСҚА УНЛИЛАРНИ ЁЗУВДА ИФОДАЛАНИШИ

Форс тилида унлилар иккига бўлинади. Қисқа ва чўзиқ унлилар. Форс тилидаги қисқа унлилар сони 3 та. Чўзиқ унлилар ҳам 3 та.


| ҚИСҚА УНЛИЛАР | ЧЎЗИҚ УНЛИЛАР |
|---------------|---------------|
| А | о |
| Э | и |
| Ў | у |

Форс тилида қисқа унлилар ҳарфларнинг ости ва устига қўйилганин ҳарикат деб аталувчи диакритик белгилар орқали ифодаланиди. Ҳарикат қайси ҳарфнинг устига ёки остига қўйилса, аввал ҳарикат қўйилган ундош ўқилиб, сўнгра ҳаракат талаффуз қилинади. Ҳаракатлар ҳарф бўлмаганлиги сабабли ёзувда тушиб қолади.

1. Сўз бошида қисқа а унлиси алиф ва айн ҳарфларининг устига забар белгиси қўйиш орқали ифода этилади. Форс грамматикасида бу белги *устид*, *тепасид* деган маъноларни ифода этади. Араб тилида забар белгиси фатҳа деб номланади. Забар белгиси ҳарф бўлмаганлиги сабабли ёзувда тушиб қолади. Масалан:

| | | | | | |
|-----|------|---------|-----|------|-----------|
| اثر | асар | асар | عمل | амал | иш |
| اشك | ашк | кўз ёши | عسل | асал | асал |
| ابر | абр | булут | علف | алаф | ўт, майса |

Изоҳ: Сўз бошида айнан алиф ва айн ҳарфларидан фойдаланишнинг сабаби шундаки, улар ҳаракатларсиз ёлғиз ҳолда умуман товуш ифода этмайди. Агар уларнинг ўрнига бошқа ҳарфлар қўйилса сўз бошидаги қисқа унлилар сўз ўртасига ўтиб қолади.



Қисқа а унлиси сўз ўртасида ўзидан олдин келадиган ундош ҳарфнинг устига забар белгисини қўйиш орқали ифодланади. Забар белгиси ҳарф бўлмаганлиги сабабли ёзувда тушиб қолади. Масалан:

مادر модар
وزير вазир
مَلخ малах


она
вазир, министр
чигиртка



Форс тилида қисқа а унлиси сўз охирида умуман учрамайди.

2. Сўз бошида қисқа э унлиси алиф ёки айн харфларининг остига зир белгиси қўйиш орқали ифода этилади. Форс тили грамматикасида бу белги *остуда*, *тагида* деган маъноларни англитгани. Араб тилида зир белгиси *касра* деб номланади. Зир белгиси харф бўлмаганлиги сабабли ёзувда тушиб қолади. Масалан:

| | | | | | |
|-------|-------|-------|-------|--------|--------|
| اسم | эсм | исм | عمارت | эморат | иморат |
| ادامه | эдомэ | давом | علم | элм | илм |
| اداره | эдорэ | идора | عشق | эшқ | ишқ |



Қисқа э унлиси сўз ўртасида ўзидан олдин келаётган ундош харфнинг остига зир белгисини қўйиш орқали ифодаланади. Зир белгиси харф бўлмаганлиги сабабли ёзувда тушиб қолади. Масалан:

| | | |
|--------|----------|-----------------|
| سهارت | сэфорат | элчихона |
| زمستان | зэмэстон | қиш |
| دل | дэл | қалб, юрак, дил |




Сўз охирида ундош харфлардан сўнг хо-йэ ҳавваз харфининг сўз охиридаги “4” ёки алоҳида “5” шакллари орқали қисқа э унлисини ифодаланади. Форс тилида бу белги қисқа э унлини ифода этмаган хо-йэ ҳаввазнинг бу ҳолатидаги шакли бўлиши мумкин.

(های غیر ملفوظ) (ҳ тарзида талаффуз этилмайдиган ҳо-йё ҳавваз) дейилади. Бу ҳарф бўлганли сабабли ҳар доим ёзувда ифода этилади. Масалан:

| | | |
|---------|-----------|----------|
| نویسنده | нависандэ | ёзувчи |
| خانه | Хонэ | хона, уй |
| روزنامه | рузномэ | газета |


И з о ҳ: Сўз охирида ҳойи ҳавваз ҳарфидан олдин ундош ҳарф келса, ҳойи ҳавваз ҳарфи э тарзида ўқилади. Агар сўз охирида ҳойи ҳавваз ҳарфидан олдин қисқа ёки чўзиқ унлилардан бири келса, ҳойи ҳавваз ҳарфи ҳ тарзида ўқилади.

| ҲОЙИ ҲАВВАЗ ҲАРФИНИНГ Э ТАРЗИДА ЎҚИЛИШИ | | | ҲОЙИ ҲАВВАЗ ҲАРФИНИНГ Ҳ ТАРЗИДА ЎҚИЛИШИ | | |
|--|---------|----------|--|-----|--------|
| دانه | донэ | дона | شاه | шоҳ | шоҳ |
| راننده | ронандэ | ҳайдовчи | ده | дах | ўн |
| خاله | холэ | хола | ده | деҳ | қишлок |



3. Сўз бошида қисқа ў унлиси алиф ва айн ҳарфларининг устига пиш белгиси кўйиш орқали ифода этилади. Форс тили грамматикасида бу белги *олд*, *олдид*а деган маъноларни англатади. Араб тилида пиш белгиси дамма деб номланади. Пиш белгиси ҳарф бўлмаганлиги сабабли ёзувда тушиб қолади. Масалан:

| | | | | | |
|------|------|----------|-------|-------|------|
| افق | ўфқ | уфқ | عمر | ўмр | умр |
| الاغ | ўлоғ | эшак | عضو | ўзв | аъзо |
| اطاق | ўтоқ | уй, хона | عنوان | ўнвон | усул |



Қиска ў унлиси сўз ўртасида ўзидан олдин келаётган ундош ҳарфнинг устига пиш белгисини кўйиш орқали ифодаланади. Пиш белгиси ҳарф бўлмаганлиги сабабли ёзувда тушиб қолади. Масалан:

مر
хўнар
санъат

ناخن
нохун
тирноқ

شتر
шўтўр
туя



Баъзи ҳолларда сўз ўртасида қисқа ў унлиси **вов** ҳарфи орқали ҳам ифодаланади. Масалан:

| | | |
|-------------------|--------|-------|
| ۋا (ۋەلىك ۋلموۋى) | хўд | خود |
| تۋوم، ۋىكات، ۋمىش | хўрок | خوراك |
| ۋموك، ۋچموك | хўрдан | خوردن |

Сўз охирида ундош ҳарфлардан сўнг **вов** ҳарфининг боғланган ёки боғланмаган шакллари ёзилиб, қисқа ў унлисини ифода этади.

икки
сен

дў
тў

دو
تو



Форс тили лекцикасига кирган **айн** билан бошланувчи араб сўзларида диакритик белги **айн** ҳарфининг ости ёки устига қўйилиб, ўрнига кўра **а**, **э** ёки **ў** тарзида талаффуз қилинади. Бунда **айн** талаффуз этилмай, **алиф** каби воситачи ҳарф вазифасини бажаради. **Масалан:**

| | | |
|--------------|---------------|-----------|
| ўт, майса | алаф | عَلَف |
| иш | амал | عَمَل |
| иморат, бино | эморат | عِمَارَات |
| илм | элм | عِلْم |
| узр | ўзр | عِذْر |
| аъзо | ўзв | عِضْو |

ҲАРАКАТЛАР

ПИШ

ЗИР

ЗАБАР

---◌◌---

---◌◌---

---◌◌---

هَنْر

دِل

دَرَد

هنر

دل

درد

ЧЎЗИҚ УНЛИЛАРНИНГ ЁЗУВДА ИФОДАЛАНИШИ

Форс тилида чўзиқ унлилар 3 та. Чўзиқ унлилар ҳарфлар орқали ифода этилганлиги сабабли ёзувда ҳеч қачон тушиб қолмайди. Чўзиқ унлилар **алиф** (ا), **ё** (ي), **вов** (و) ҳарфлари орқали ифодаланади.

1. Сўз бошида чўзиқ **о** унлиси алиф ҳарфи устига мадд белгиси қўйиш ёки **айн** ва **алиф** ҳарфий бирикмалари орқали ифодаланади. **Айн** ва **алиф** ҳарф бўлганлиги сабабли ёзувда тушиб қолмайди. **Масалан:**

| | | | | | |
|-------|-------|-------|------|------|------|
| اب | об | сув | عاشق | ошэк | ошик |
| ارد | орд | ун | عادت | одат | одат |
| اسمان | осмон | осмон | عقل | оқэл | окил |

Чўзиқ о унлиси сўз ўртасида алиф ҳарфининг боғланган ёки боғланмаган шакллари орқали ифода этилади. Бундай ҳолларда алиф маддасиз ёзилади. Масалан:

| | | |
|-------|-------|------------------|
| دانا | доно | доно, Доно (исм) |
| مادر | модар | она |
| قانون | қонун | қонун |

Форс тилида чўзиқ о унлиси сўз охирида алиф ҳарфининг боғланган ёки боғланмаган шакллари орқали ифода этилади. Масалан:

| | | |
|-----|------|-------------------|
| غذا | газо | таом, овқат |
| صدا | сэдо | товуш, овоз, садо |
| گدا | гадо | гадо (гадой) |

Бундан ташқари форс тилига ўзлашган арабий сўзларда сўз охиридаги ё ҳарфи **о** тарзида ўқилади. Бу ҳарф алиф-э мақсурэ (қусурли алиф) ёки алиф-э шэкастэ (синдирилган алиф) дейилади. Масалан:

| | | | | | |
|-------|---------|---------|-------|---------|---------|
| تلقى | тақво | тақво | موسى | Мусо | Мусо |
| فتوى | фатво | фатво | عيسى | Исо | Исо |
| خاتو | ҳатто | ҳатто | مصطفى | Мўстафо | Мустафо |
| دعوى | даъво | даъво | يحيى | Яҳё | Яҳё |
| مرطضى | Муртазо | Муртазо | معنى | маъно | маъно |

2. Сўз бошида чўзиқ и унлиси (اى) - (اي) алиф ва ё ҳарфий бирикмиси орқали ифода этилади. Масалан:

| | | |
|---------|--------|--------|
| ایشان | ишон | улар |
| این | ин | бу, шу |
| ایستگاه | истгоҳ | бекат |

Чўзиқ и унлиси сўз ўртасида ўзидан олдин келаётган ундош ҳарфнинг олдидан ўрнига кўра ё ҳарфининг сўз бошидаги ёки сўз ўртасидаги шакллари кўйиш орқали ифода қилинади. **Масалан:**

| | | |
|-------|--------------|--------------|
| مريض | мариз | касал, бемор |
| ديروز | дируз | кеча |
| بيني | бини | бурун |
| سفيد | сэфид | оқ |

Сўз охирида чўзиқ и унлиси ё ҳарфининг алоҳида ва сўз охиридаги боғланган шакли орқали ифода этилади. **Масалан:**

| | | |
|-------|----------------|-------|
| قالی | қоли | гилам |
| بخاری | бўхори | печка |
| صندلی | сандали | стул |

3. Сўз бошида чўзиқ у унлиси алиф ва вов ҳарфий бирикмаси орқали ифода этилади. **Масалан:**

| | | |
|------|------------|-------------------|
| اوت | ут | август |
| اوبه | убэ | чодир, чайла |
| او | у | у(кишилиқ олмаши) |

Чўзиқ у унлиси сўз ўртасида ўзидан олдин келаётган ундош ҳарфнинг олдидан **вов** ҳарфининг боғланган ёки боғланмаган шакллари кўйиш орқали ифода қилинади. **Масалан:**

| | | |
|------|-------------|-----------------|
| دور | дур | узок |
| دود | дуд | тутун, дуд |
| توده | тудэ | халқ, омма, уюм |
| بوی | буй | хид |

Сўз охирида чўзиқ у унлиси **вов** ҳарфининг (э) сўз бошидаги ёки (о) сўз ўртасидаги шакллари кўйиш орқали ифода қилинади. **Масалан:**

| | | |
|------|--------------|-----------------|
| بانو | бону | бону, хоним |
| زانو | зону | тизза |
| كدو | каду | қовок (ошқовок) |
| گردو | гэрду | ёнғок |

И т о х: Агар вов (و) ёки ё (ى) сўз бошида алифсиз бўлса, в ва й ундонш товушларини ифодалайди. Масалан:

| | | |
|------|--------|-----------------|
| ورزش | варзэш | спорт |
| وطن | ватан | ватан |
| يار | ёр | ёр, дўст, ўрток |
| يخ | ях | муз |

1-топширик. Қуйида берилган сўзларни машқ дафтарингизга кўчириб ёзинг ва улардаги диакритик белгиларни аниқланг.

| | | | | | |
|---------|----------|---------|-------|--------|-----------|
| ساختمان | сохтэмон | тузум, | پل | пўл | кўприк |
| | | курилиш | | | |
| مژده | мўждэ | хабар | طلا | тэло | тилло, |
| | | | | | олтин |
| رافيل | Рафик | ўрток | صدا | сэдо | садо, |
| | | | | | товуш |
| ابریشم | абришўм | ипак | دختر | дўхтар | қиз бола |
| نمک | Намак | туз | پسر | пэсар | ўғил бола |
| اميد | Ўмид | умид | جوان | жавон | ёш, ўсмир |
| فاطمة | Фақат | фақат | انگشت | ангўшт | бармоқ |

2-топширик. Қисқа “а”, “э”, “ў” ва чўзиқ “о”, “и”, “у” унлиларининг ҳар бирига намунадагидек 5 тадан сўз ёзинг.
Намуна:

| Унлилар | Сўз бошида | Сўз ўртасида | Сўз охирида |
|---------|------------|--------------|-------------|
| А | اشك | در | - |
| Э | اسم | دگ | نامه |
| Ў | اميد | بلبل | تو |

3-топширик. Транскрипсияда берилган сўзларни араб графикасига ўгириг.

| | | | | |
|------|---------|------|------|---------|
| Абр | дирд | сабр | амал | акл |
| ’осм | ’омораг | дэл | хонэ | рузномэ |
| Ўфк | ўмр | пўр | тў | шўтўр |

Мавзуга оид савол ва топшириқлар:

- 1.Форс тилида нечта унли бор?
- 2.Қисқа унлилар нечта ва улар қайсилар?
- 3.“А” қисқа унлиси сўз бошида қандай ифодаланади?
- 4.“А” қисқа унлиси сўз ўртасида қандай ифодаланади?
- 5.“А” қисқа унлиси сўз охирида қандай ифодаланади?
- 6.“Э” қисқа унлиси сўз бошида қандай ифодаланади?
- 7.“Э” қисқа унлиси сўз ўртасида қандай ифодаланади?
- 8.“Э” қисқа унлиси сўз охирида қандай ифодаланади?
- 9.“Ў” қисқа унлиси сўз бошида қандай ифодаланади?
- 10.“Ў” қисқа унлиси сўз ўртасида қандай ифодаланади?
- 11.“Ў” қисқа унлиси сўз охирида қандай ифодаланади?
- 12.Қисқа унлиларни ифода этувчи белгилар қайсилар ва улар қандай номланади?
- 13.Нима учун қисқа унлиларни ифода этувчи белгилар ёзувда тушиб қолади?
- 14.Форс тилида нечта чўзиқ унли бор ва улар қайсилар?
- 15.Чўзиқ унлилар ёзувда нималар орқали ифодаланади?
- 16.“О” чўзиқ унлиси сўз бошида қандай ифодаланади?
- 17.“О” чўзиқ унлиси сўз ўртасида қандай ифодаланади?
- 18.“О” чўзиқ унлиси сўз охирида қандай ифодаланади?
- 19.“И” чўзиқ унлиси сўз бошида қандай ифодаланади?
- 20.“И” чўзиқ унлиси сўз ўртасида қандай ифодаланади?
- 21.“И” чўзиқ унлиси сўз охирида қандай ифодаланади?
- 22.“У” чўзиқ унлиси сўз бошида қандай ифодаланади?
- 23.“У” чўзиқ унлиси сўз ўртасида қандай ифодаланади?
- 24.“У” чўзиқ унлиси сўз охирида қандай ифодаланади?
- 25.Алифи максура деб нимага айтилади ва у қайси товушни ифода этади?

Мавзуга оид адабиётлар:

- 1.Ю.А.Рубинчик, Грамматика современного персидского литературного языка. Москва 2011г.
- 2.Anousha Shahsavari, Blake Atwood, Persian of Iran today. An introductory course, Volume 1,2. Texas, 2015.
- 3.Plats J.T. and Ranking C.A. A grammar of the Persian language Oxford 1911 y.
- 4.Yodolloh Samareh Persian language teaching Iran 1993 y.

3 – МАШҒУЛОТ

МАВЗУ: ОТ КЕСИМЛИ СОДДА ЙИҒИҚ ГАП. АСТ БОҒЛАМАСИ. КЎРСАТИШ ВА СЎРОҚ ОЛМОШЛАРИ.

Режа:

1. *От кесим содда йиғиқ гап.*
2. *Аст боғламаси.*
3. *Кўрсатиш ва сўроқ олмошлари.*


Таянч сўз ва иборалар. Ўзбек тили, форс тили, грамматика, морфология, синтаксис, гап, содда гап, қўшма гап, дарак гап, сўроқ гап, ҳис-ҳаяжон гап, буйруқ гап, эга, иккинчи даражали бўлак, аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол, кесим, от кесим, феъл кесим, аст боғламаси, морфология, сўз туркуми, олмош сўз туркуми, кўрсатиш олмоши, ин, он, ҳамин, ҳамон, ченин, чўнон, сўроқ олмоши, кэ, чэ, чанд, кишилиқ олмоши, ман, тў, у, вэй, мо, шўмо, онҳо, ишон, эгалиқ олмоши, ам, ат, аш, эмон, этон, эшон, ўзлик олмоши, хўд, хэш, белгилаш олмоши, ҳамэ, гумон олмоши, зидлов олмоши, биргалиқ олмоши.

Ўқув машғулотининг мақсади. Ўзбек тили, форс тили, грамматика, морфология, синтаксис, гап, содда гап, қўшма гап, дарак гап, сўроқ гап, ҳис-ҳаяжон гап, буйруқ гап, эга, иккинчи даражали бўлак, аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол, кесим, от кесим, феъл кесим, аст боғламаси, морфология, сўз туркуми, олмош сўз туркуми, кўрсатиш олмоши, ин, он, ҳамин, ҳамон, ченин, чўнон, сўроқ олмоши, кэ, чэ, чанд, кишилиқ олмоши, ман, тў, у, вэй, мо, шўмо, онҳо, ишон, эгалиқ олмоши, ам, ат, аш, эмон, этон, эшон, ўзлик олмоши, хўд, хэш, белгилаш олмоши, ҳамэ, гумон олмоши, зидлов олмоши, биргалиқ олмоши ҳақида назарий маълумотлар бериш ва уларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш.

ОТ КЕСИМЛИ СОДДА ЙИҒИҚ ГАП

Форс тилида ҳам худди ўзбек тилида бўлгани каби кесими феълдан бошқа сўз туркумлари билан ифодаланган гаплар от кесимли гап дейилади. От кесимли содда йиғиқ гап деб, фақат бош


бўлаклардан, яъни эга ва от кесимдан ташкил топган гаплар от кесимли содда йиғиқ гаплар дейилади. Бундай гапларда эга ҳар доим гап бошида, от кесим эса гап охирида келади. **Масалан:**



Мисолдан кўринадики, форс тилидаги от кесимли содда йиғиқ гаплардаги сўз тартиби ўзбек тилидаги от кесимли содда йиғиқ гаплардаги сўз тартиби билан тўлиқ мос келади.

ОТ КЕСИМЛИ СОДДА ЙИҒИҚ ГАПДА СЎЗ ТАРТИБИ

Форс тилидаги содда йиғиқ гаплардаги сўз тартибини худди ўзбек тилидагидек бўлади. **Масалан:** *Бу китобдир.*



АСТ БОҒЛАМАСИ

1. Форс тилида гапнинг кесими от, сифат ёки бошқа сўз туркумлари билан ифодаланса, яъни гап от кесимли гап бўлса, кесимлиликни ифодалаш учун улар охирига **аст** боғламаси қўйилади. **Аст** боғламаси ўзбек тилидаги кесимлик қўшимчаси –дир га тўғри келади. **Масалан:**

این کتاب است. **Ин кэтоб аст.**

Бу китобдир.

آن دفتر است. **Он дафтар аст.**

У дафтардир.

2. Ўзбек тилида кесимлик қўшимчаси - **дир** кўпинча тушиб қолади ва ёзувда ифода этилмайди. Лекин форс тилидаги **аст** боғламаси гапда ҳар доим мавжуд ва ёзувда ифода этилади. **Масалан:**

این خانه است.
آن در است.

Ин хонэ аст.
Он дар аст.

Бу хонадир.
У эшикдир.

3. Аст боғламаси талаффузда урғу қабул қилмайди. Кесим вазифасини бажарувчи сўз урғуси ўзгармай, ўз ҳолича қолади. Масалан:

این کتاب است. **Ин кэтоб аст.**
آن کارگر است. **Он коргар аст.**

Бу китобдир.
У ишчидир.

Аст боғламаси ундош ҳарфлар билан тугалланган сўзлардан сўнг шлоҳида ёзилади ва шлоҳида ўқилади. Масалан:

این در است. **Ин дир аст.**
آن میز است. **Он миз аст.**

Бу эшикдир.
У столдир.

Аст боғламаси чўзиқ о, и, у унлилар билан тугаган сўздан сўнг келса, боғламанинг и товуши тушиб қолиб, олдидаги сўз билан бирига бир сўз тартида талаффуз этилади. Масалан:

Ин донэшжуст. Бу талабадир.
Он сандалист. У студдир.

Бу қолда аст боғламаси ё тўла ҳолда ва баъзан боғламанинг шлоҳи қарфи тушиб қолиб, қолган қисми эса олдиндаги сўз билан қўшилган тарзда ёзилиши мумкин. Лекин ҳар икки ҳолатда ҳам бир сўз тартида яъни қўшиб ўқилади. Масалан:

این دانشجو است. → این دانشجو است. **Ин донэшжуст.**
آن صندلی است. → آن صندلی است. **Он сандалист.**

АСТ БОҒЛАМАСИНИНГ БЎЛИШСИЗ ШАКЛИ

Аст боғламасининг бўлишсиз шакли боғламага **на** (۴) – инкор юкламасини қўшиш орқали ҳосил қилинади ва ўзбек тилига **эмас** тартида таржима қилинади. **Аст** боғламаси билан **на** (۴) – инкор юкламаси бир-бири билан қўшилганда **аст** даги ва **на** (۴) даги қисқа и унлилари ёзувда тушиб қолади ва улар ўрнини бир чўзиқ унли и ташкил қилади. Масалан:

این روزنامه نیست. **Ин рузномэ нист.** Бу газета эмас.
 آن روزنامه نو نیست. **Он рузномэ нўв** У газета янги эмас.
нист.

نیست

Аҳмад савдогар эмас.
Аҳмад тужжор нист.
 احمد تاجار نیست.

Stol ustida qalam йўқ.
Руйэ миз мэдод нист.
 روی میز مداد نیست.

АСТ БОҒЛАМАСИНИНГ ТАЛАФФУЗДАГИ ХУСУСИЯТЛАРИ

1. Аст боғламаси ундош ҳарф билан ёки қисқа э унлиси билан тугалланган сўзлардан кейин келса **аст** боғламаси алоҳида ёзилади ва алоҳида ўқилади. **Масалан:**

این کارگر است. **Ин коргар аст.** Бу ишчидир. (Бу ишчи.)
 آن خانه است. **Он хонэ аст.** У хонадир. (У хона.)

2. Аст боғламаси чўзиқ **о, и, у** унлилари билан тугаган сўздан сўнг келса, боғламанинг **а** товуши тушиб қолиб, олдидаги сўз билан бирга бир сўз тарзида талаффуз этилади. **Масалан:**

این دانشجو است. **Ин донэшжуст.** Бу талабадир.
 آن صندلیست. **Он сандалист.** У стулдир.

Аст боғламасидан олдин келаётган сўз чўзиқ **о, и** ва **у** унлилари билан тугалланган бўлса **аст** боғламаси алоҳида ёки қўшилган шаклда ёзилиши мумкин. Лекин ўқилган вақтда **аст** боғламасини ўзидан олдинги сўзга қўшиб бир сўз каби ўқилади. **Масалан:**

| | | | |
|-----------------|---|-----------------|----------------------|
| این دانشجو است. | → | این دانشجو است. | Ин донэшжуст. |
| آن صندلی است. | → | آن صندلیست. | Он сандалист. |
| این دانا است. | → | این داناست. | Ин доност. |

КЎРСАТИШ ВА СЎРОҚ ОЛМОШЛАРИ

От, сифат, сон, равиш, феъл, баъзан ёрдамчи сўзлар, сўз бирикмалари ва гап ўрнида қўлланилиб, уларга ишора қилувчи сўз туркумига олмош дейилади. *Олмош* форс тилида **замир** (ضمير) (*олмошлар* “замојэр” (ضمایر)) дейилади.

Форс тилидаги олмошлар куйидаги турларга бўлинади:

1. Кишилик олмошлари: ман (من), тў (تو), у (او), вэй (وی), мо (ما), шўмо (شما), онҳо (آنها), ишон (ایشان)

اورائنده است.

У ронандэ аст.

У ҳайдовчи (дир).

2. Эғалик олмошлари: -ам (م), -ат (ت), -аш (ش), -эмон (مان), -этон (شان), -эшон (شان)

لباسم نو است.

Лебосам нўв аст.

Кийимим янги (дир).

3. Курсатиш олмошлари: ин (این), он (آن), хамин (همین), ҳамон (همان), чўнин (چنین), чўнон (چنان)

این دیوار بلند است.

Ин дивор бўланд аст.

Бу девор баланддир.

4. Сўроқ олмошлари: кэ? (کە؟), ки (کی؟), чэ? (چه؟), чи? (چی؟), чанд? (چند؟), кўдом? (کدام؟)

با کی صحبت می کنی؟

Бо кэй сўхбат микўни?

Ким билан суҳбатлашяпсан?

5.Белгилаш олмошлари: ҳар (هر), ҳамэ (همه)

همه ی دانشجویان گروه ما کوشا هستند.

Ҳамэ-йэ донэшжуён-э гӯруҳ-э мо кушо ҳастанд.
Гуруҳимизнинг ҳамма (барча) талабалари тиришқокдир.

6.Ўзлик олмошлари: хӯд (خود), хэш (خویش)

من خود را در آینه دیدم.

Ман хӯд ро дар ойнэ дидам.
Мен ўзимни ойнада кўрдим.

7.Гумон олмошлари: баъзи (بعضی), барҳи (برخی), фалон (فلان), каси (کسی), чизиғи (چیزی), шахси (شخصی)

بعضی ها برای گردش بیرون شهر رفتند.

Баъзиҳо баройэ гардэш бирун-э шаҳр рафтанд.
Баъзилар айланиш учун шаҳар ташқарисига чиқдилар.

8.Зидлов олмошлари: ҳеч (هیچ), ҳечкас (هیچکس), ҳеч ек (هیچ یک), ҳечкӯдом (هیچکدام), ҳечгуне (هیچگونه)

هیچکدام از این نویسندگان را می شناسید؟

Ҳечкӯдом аз ин нависандгон ро мишэносид?
Сиз бу ёзувчилардан қайси бирини танийсиз?

9.Биргалик олмошлари: ҳам (هم), ҳамдигар (همدیگر), йэкдигар (یکدیگر)

هر روز باید یکدیگر به فارسی صحبت کنیم.

Ҳар руз бояд бо йэкдигар бэ форси сӯхбат кўним.
Ҳар куни биз бир-биримиз билан форс тилида сӯхбатлашимиз керак.

КЎРСАТИШ ОЛМОШЛАРИ

Кишилик олмошлари шахс ўрнида қўлланса, кўрсатиш олмошлари ҳам шахс, ҳам нарса ўрнида қўлланаверади. Шунингдек,

кишилик олмошлари гапда отлар бажарган грамматик вазифани бажарса, кўрсатиш олмошлари гапда сифатлар ўрнида келиб, шикловчи вазифасини бажаради. Кўрсатиш олмоши форс тилида **тамойэр-э эшорэ** (ضمایر اشاره) дейилади.

Форс тилида **ин** (این) кўрсатиш олмоши сўзловчига нисбатан **икнида** бўлган предметларни, **он** (آن) кўрсатиш олмоши эса сўзловчига нисбатан узоқда бўлган предметларни кўрсатиш учун ишлатилади. **Масалан:**

| | | |
|------------------|--------------------------|---------------|
| این مداد است. | Ин мэдод аст. | Бу қаламдир. |
| آن مقاله است. | Он мақолэ аст. | У мақоладир. |
| این نویسنده است. | Ин нависандэ аст. | Бу ёзувчидир. |
| آن کیف است. | Он киф аст. | У сумкадир. |


Юкоридаги мисолдан кўринадикки, **ин** (این) ва **он** (آن) кўрсатиш олмошлари аниқланмишдан олдин келиб, у билан изофасиз боғланади.

Чўнин (چنین) – *шундай, бундай*; **чўнон** (چنان) – *ундай, ўшандай* олмошлари **ин** (این) ва **он** (آن) кўрсатиш олмошларига **чўн** (چون) сўзини қўшиш орқали ҳосил бўлган.


Хамин (همین) – *худди шу* ва **хамон** (همان) – *худди ўша* олмошлари **ин** (این) ва **он** (آن) кўрсатиш олмошларига **хам** (هم) қўшимчасини қўшиш орқали; **хамчўнин** (همچنین) – *худди шундай*, **хамчўнон** (همچنان) – *худди ўшандай* олмошлари ҳам шу йўл билан ҳосил бўлган.




همین کتاب



این کتاب



همان کتاب



آن کتاب


3-топширик. Куйида берилган гапларни форс тилига таржима қилинг.

Бу китоб. У дафтар. Бу қалам. У ручка. Бу чизғич. У елим. Бу қоғоз. У сумка. Бу стол. У стул. Бу мактуб. У дераза. Бу эшик. У доска. Бу бўр. У доска артадиган латга. Бу талаба. У ўқитувчи. Бу она. У ота. Бу ёзувчи. У инженер. Бу мактаб. У боғча. Бу девор. У врач. Бу мактаб ўқувчиси. У аскар. Бу нимадир? Бу эшикдир. У ким? У Комрондир. Бу нима? Бу байроқ. У нима? У гул. Бу нима? Бу дарахт. У нима? У китоб. Бу нима? Бу эшик. У ким? У врач. Бу ким? Бу талаба. У ким? У ишчи. Бу нима? Бу қалам. У нима? У стол. Бу нима? Бу стул. У ким? У аскар. Бу нима? Бу эшик. У ким? У дохқон. У Аҳмаддир. Парвин ишчидир. Бу стол яхшидир. У стол ёмондир. Бу китобдир. У дафтардир. Бу талаба яхшидир. У киши ким? У киши врачдир. Бу аёл ким? Бу аёл ўқитувчидир. Бу нима? Бу қаламдир. Бу доскадир. У бўрдир. Бўр оқдир.

4-топширик. Нукталар ўрнига боғлама, лозим бўлган сўзлар ҳамда кўрсатиш олмошларини қўйиб жумлаларни ўқинг ва уларни машқ дафтарингизга кўчириб ёзинг.

.... چيست؟ آن ميز آن كتاب آن در اين گچ و آن دفتر جلال دانشجو اين کيست؟ اين دانشيار آن کيست؟ آن کارگر اين دانشجو خوب آن گچ بد گچ است. اين قلم است.

5-топширик. Куйида берилган расмда кўрсатилган ўқув қуролларининг номини машқ дафтарингизга ёзинг ва уларнинг форсча номланишини ёд олинг.



| | | |
|----------|---------|-------|
| стул – | сандали | صندلی |
| стол – | миз | میز |
| доска – | тахтэ | تخته |
| сумка – | киф | کیف |
| китоб – | кэтоб | کتاب |
| дафтар – | дафтар | دفتر |
| қоғоз – | қоғаз | کاغذ |
| ручка – | қалам | قلم |
| қалам – | мэдод | مداد |

Мавзуга оид савол ва топшириқлар:

1. Гап деб нимага айтилади?
2. Гапнинг бош бўлақлари ҳақида маълумот беринг.
3. Гапнинг иккинчи даражали бўлақлари ҳақида маълумот беринг.
4. Эга қайси сўз туркумлари орқали ифода этилиши мумкин?
5. Кесим неча турли бўлади?
6. От кесим деб нимага айтилади?
7. Содда йиғиқ ва сода ёйиқ гап деб нимага айтилади?
8. От кесимли содда йиғиқ гап деб нимага айтилади?
9. Аст боғламаси ҳақида батафсил маълумот беринг.
10. Олмош сўз туркуми ҳақида маълумот беринг.
11. Олмошларнинг турлари ҳақида маълумот беринг.
12. Кўрсатиш олмошлари ҳақида умумий маълумот беринг.
13. Ин кўрсатиш олмоши ҳақида маълумот беринг.
14. Он кўрсатиш олмоши ҳақида маълумот беринг.
15. Сўроқ олмошлари ҳақида умумий маълумот беринг.
16. Кэ сўроқ олмоши ҳақида маълумот беринг.
17. Чэ сўроқ олмоши ҳақида маълумот беринг.

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Ю.А.Рубинчик, Грамматика современного персидского литературного языка. Москва 2011г.
2. Anousha Shahsavari, Blake Atwood, Persian of Iran today. An introductory course, Volume 1,2. Texas, 2015.
3. Plats J.T. and Ranking C.A. A grammar of the Persian language Oxford 1911 y.
4. Yodolloh Samareh Persian language teaching Iran 1993 y.

4 – МАШҒУЛОТ

МАВЗУ: СЎРОҚ ГАПНИНГ ТУЗИЛИШИ.

Реваз:

1. Интонация орқали сўроқ гаплар тузилиши.
2. Сўроқ олмошлари орқали сўроқ гаплар тузилиши.
3. Сўроқ юкламалари орқали сўроқ гаплар тузилиши.
4. Сўроқ сўзлар орқали сўроқ гаплар тузилиши.

Талич сўз ва иборалар. Форс тили, грамматика, гап, сўроқ гап, интонация, сўроқ олмошлари, кэ сўроқ олмоши, чэ сўроқ олмоши, сўроқ юкламалари, оё сўроқ юкламаси, магар сўроқ юкламаси, балэ сўроқ юкламаси, нист, чэ тўвр, чэ жур, чэ ранг, чэ ранги, чэ корэ, чэ корэ, кўжо, кўдом, чэгуна.

Ушбу машғулотининг мақсади. Форс тили, грамматика, гап, сўроқ гап, интонация, сўроқ олмошлари, кэ сўроқ олмоши, чэ сўроқ олмоши, сўроқ юкламалари, оё сўроқ юкламаси, магар сўроқ юкламаси, балэ сўзи, нахэйр сўзи, нист, чэ тўвр, чэ жур, чэ ранг, чэ ранги, чэ корэ, кўжо, кўдом, чэгуна ҳақида назарий маълумотлар бериш ва уларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш.

СЎРОҚ ГАПНИНГ ТУЗИЛИШИ

Форс тилида сўроқ гаплар асосан интонация, сўроқ олмошлари, сўроқ юкламалари ва сўроқ сўзлар орқали тузилади.

ИНТОНАЦИЯ ОРҚАЛИ СЎРОҚ ГАПЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ.

Дарак гапнинг сўнги қисмини сўроқ оҳангида талаффуз қилиш билан сўроқ гаплар тузилади. Масалан:

| | | |
|-----------------------|-----------------------|---------------|
| این مەلۇد ەست. | Ин мелод аст. | Бу қалам. |
| این مەلۇد ەست؟ | Ин мелод аст? | Бу қалам? |
| ان دۇختار دونەشжуест. | Он дүхтар донэшжуест. | У қиз талаба. |
| ان دۇختار دونەشжуест؟ | Он дүхтар донэшжуест? | У қиз талаба? |

СЎРОҚ ОЛМОШЛАРИ ОРҚАЛИ СЎРОҚ ГАПЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ.

Форс тилида жонли ва жонсиз предметлар учун ишлатиладиган кэ ва чэ сўроқ олмошлари ёрдамида сўроқ гаплар тузилади.
Масалан:

این کیست؟
این چیست؟

Ин кист?
Ин чист?

Бу ким(дир)?
У нима(дир)?

СЎРОҚ ЮКЛАМАЛАРИ ОРҚАЛИ СЎРОҚ ГАПЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ.

Кўпинча гап бошига оё (آيا) ва магар (مگر) сўроқ юкламаларини орқали ҳам сўроқ гаплар тузилади. Масалан:

این روزنامه است؟
آيا، آن کاغذ سفید است؟
آيا، آن دختر دانشجو است؟

Ин рузномэ аст?
Он қоғаз сэфид аст?
Оё, он дўхтар донэшжуст?

Бу газетами?
У қоғоз оқми?
У қиз талабами?

Магар сўроқ юкламаси сўроқ гапда айтилган фикрга нисбатан шубҳа, ишончсизлик маъноларини билдирган ҳолларда ишлатилади ва ўзбек тилидаги наҳотки сўзига тўғри келади.
Масалан:

مگر، آن دختر نویسنده است؟

Магар он дўхтар нависандэ аст?

Наҳотки, у киз ёзувчи (бўлса)?

مگر، این مداد است؟

Магар ин мэдод аст?

Наҳотки, бу қалам (бўлса)?

Талаффузда оё ва магар сўроқ юкламаларини гапнинг бошқа бўлақларидан кичик пауза билан ажратиб талаффуз қилинади.
Ундан сўнг эса гап сўроқ интонацияси билан ўқилади. Масалан:

آيا، این میز است؟
مگر، آن کاغذ است؟

Оё, ин миз аст?
Магар, он қоғаз аст?

БАЛЭ ВА НАХЭЙР СЎЗЛАРИ

Сўрок гапнинг жавоби ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Шунинг учун гапда ҳа ёки йўқ деган сўзлар ишлатилади. Уларнинг ишлатилиш ўринларини куйидаги ҳолатларда кузатишимиз мумкин.

1. Сўрок гапнинг жавоби ижобий бўлса, жумла бошига тасдиқ маъносини англатувчи бале (بلى) сўзи қўйилади ва ўзбек тилига ҳа деб таржима қилинади. Масалан:

آيا، اين گل است؟
بلى، اين گل است.

Оё, ин гўл аст?
Балэ, ин гўл аст.

Бу гулми?
Ҳа, бу гул.

Изоҳ: Сўрок гапнинг жавоби ижобий бўлган ҳолларда балэ (بلى) сўзининг (بلى) шакли ҳам ишлатилиши мумкин. Бундан ташқари **оро (ارو)** сўзи ҳам ишлатилади. У сўз ҳам ўзбек тилига ҳа тарзида таржима қилинади. Масалан:

آيا، اين داس است؟
بلى، اين داس است.

Оё, ин дос аст?
Балэ, ин дос аст.

Бу ўроқми?
Ҳа, бу ўроқ.

2. Сўрок гапнинг жавоби салбий бўлса, гап бошига инкор маъносини англатувчи нахэйр (نخیر) сўзи қўйилади ва ўзбек тилига **йўқ** деб таржима қилинади. Бу ҳолда инкор сўзидан ташқари, гап **булардан ҳам бўлишомэ** шаклида қолади. Масалан:

آيا، ان روزنامه است؟
Оё, он рузномэ аст?
У газетамэ?

خير، ان روزنامه نيست، مجله است.

Нахэйр, он рузномэ нист, мажаллэ аст.

Йўқ, у газета эмас, журнал.

Бале ва нахэйр сўзлари оё юклагаси каби гапнинг бошқа сўзларини билан грамматик шлоқада бўлмайди. Талаффузда эса бу сўзлардан сўнг кичик ишчи ҳосил қилиниб, сўнг гапнинг бошқа сўзлари ўқилади.

СЎРОҚ СЎЗЛАР ОРҚАЛИ СЎРОҚ ГАПЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ.

Форс тилида сўроқ гап сўроқ сўзлар ёрдами билан ҳам тузилиши мумкин. Бу ҳолатни қуйида келтирилган маълумотларда кўришимиз мумкин.

1. **Чэтўвр** (چطور) ёки **чэ жур** (چه جور) сўроқ сўзлари бирор шахснинг ҳол-аҳволини (*яхши ё ёмон, соғ ё касал эканлигини*), предмет ва ҳодисанинг ҳолатини ёки ҳажм-киёфасини (*ески ёки янги, катта ё кичик, чиройли ё хунук эканлигини*) билиш учун ишлатилади. **Масалан:**

احوال شما چطور است؟

Аҳвол-э шўмо чэтўвр аст?
Сизнинг аҳволингиз қандай?

این خانه چه جور است؟

Ин хонэ чэ жур аст?
Бу уй (хона) қандай?

Изоҳ: Чэтўвр ва чэ жур сўроқ сўзлари гапда бири ўрнида иккинчиси ишлатилиши мумкин. **Масалан:**

این باغ چطور است؟

Ин боғ чэтўвр аст?
Бу боғ қандай?

این باغ چه جور است؟

Ин боғ чэ жур аст?
Бу боғ қандай?

2. **Чэ ранг** (چه رنگ) ёки **чэ ранги** (چه رنگی) предметнинг қайси рангда эканлигини билиш учун ишлатилади. **Масалан:**

سیب چه رنگ است؟

Сиб чэ ранг аст?
Олма қандай рангда?

تخته چه رنگی است؟

Тахте чэ рангист?
Доска қандай рангда?

3. **Чэкорэ** (چکاره) бирор шахснинг ким бўлиб ишлашини, унинг мутахассислиги бўйича ким эканлигини билиш учун ишлатилади. Ўзбек тилига **ким** ёки **мутахассислиги** бўйича ким тарзида таржима қилинади. **Масалан:**

جلال چكاره است؟

Жалол чэкорэ аст?

Жалол мутахассислиги бўйича ким? (Жалол ким?)

اين مرد چكاره است؟

Ин мард чэкорэ аст?

Бу киши мутахассислиги бўйича ким? (Бу киши ким?)

4. **Кўжо** (كجا) сўроқ сўзи предмет ёки шахснинг йўналиши ёхуд унинг ўрнини билиш учун ишлатилади ва ўзбек тилига **қаер?** **қаерда?** **қаерга?** тарзида таржима қилинади. Масалан:

| | | |
|----------------|------------------------|-----------------------|
| اينجا كجاست؟ | Инжо кўжост? | Бу ер қаер? |
| مداد كجاست؟ | Мэдод кўжост? | Қалам қаерда? |
| تو كجا مې روو؟ | Тў кўжо мирави? | Сен қаерга кетаяпсан? |

5. **Кўдом** (كدام) – **қайси?** сўроқ сўзи нарсалар ичидан ажратиб кўрсатиладиган белгига хос сўроқни билдиради. Бу сўз ўзбек тилидагидек ҳар доим ўзи тегишли бўлган сўз олдидан келади. Масалан:

| | | |
|---------------------|-----------------------------|------------------|
| ان كدام خېابان است؟ | Он кўдом хиёбон аст? | У қайси кўча? |
| اين كدام ميدان است؟ | Ин кўдом майдон аст? | Бу қайси майдон? |

6. **Чэгуна** (چگونه) сўроқ сўзи ўзбек тилидаги **қандай?** сўроғига тенг бўлади. Бу сўроқ олмоши предметларнинг шакли ва **ҳолати** (аҳволи) ни билишда ишлатилади. Масалан:

| | | |
|-----------------|---------------------------|----------------|
| دفتر چگونه است؟ | Дафтар чэгуна аст? | Дафтар қандай? |
| خانه چگونه است؟ | Хона чэгуна аст? | Хона қандай? |

1-топшириқ. Қуйида берилган гапларни форс тилига таржима қилинг.

У нима? У (ог. Бу нима? Бу сигир. У нима? У мушук. Бу нима? Бу илон. У нима? У ўрдак. Бу нима? Бу товуқ. У нима? У бузук. Бу нима? **Бу чигиртка.** Бу стулми? Ҳа, бу стул. Бу деразами? Йўқ бу дераза эмас, бу эшиқдир. У журналми? Ҳа, у журнал. Бу дафтарми? Ҳа, бу

дафтар. Девор окми ? Ҳа, девор оқ. Бу киз ким? Бу киз талабадир. Бу газета эскими? Йўқ, бу газета эски эмас, бу газета янги. Бу хона каттами? Ҳа, бу хона катта. Бу китобми? Ҳа, бу китоб. У китоб эскими? Йўқ, у китоб эски эмас, у китоб янгидир. Бу бино қандай? Бу бино катта. Девор қайси рангда? Девор оқдир. Бу қайси кўча? Бу Истиклол кўчаси. Бу ер қаер? Бу ер шифохона. Аҳмад қаерда? Аҳмад университетда. У ким (мутахассислиги бўйича)? У ёзувчи.

2-топшириқ. Қуйида траскрипсияда берилган гапларни араб - форс алифбосида ёзинг ва ўзбек тилига таржима қилинг.

Ин чист? Ин гўл аст. Ин панжарэ аст? Балэ, ин панжарэ аст. Панжарэ боз аст? Нахэйр, панжарэ боз нист, бастэ аст. Ин тахтэ аст? Балэ, ин тахтэ аст. Ин тахтэ сёёх аст? Нахэйр, ин тахтэ сиёх нист, ин тахтэ сэфид аст. Оё, ин миз аст? Нахэйр, ин миз нист, ин сандалист. Оё, он мэдод сўрх аст. Балэ, он мэдод сўрх аст. Он гач хам сэфид аст? Балэ, он гач хам сэфид аст. Оё, он киф нўв аст. Балэ, он киф нўв аст. Магар, ин дўхтар донэшжуст? Нахэйр, ин дўхтар донэшжу нист, ин дўхтар пээшк аст. Магар, он зан донэшёр аст? Балэ, он зан донэшёр аст. Магар, ин эморат нўв аст? Нахэйр, ин эморат нўв нист, ин эморат кўхнэ аст.

3-топшириқ. Қуйида берилган гапларни ўзбек тилига таржима қилинг.


این میز است. آن صندلی است. آن چه چیز است؟ آن کاغذ است. این مداد است. این چه چیز است؟ این کیف است. این قلم است. این پنجره است و آن دیوار است. آن روزنامه است و این مجله است. پس این چیست؟ این هم مجله است. آیا، آن دختر دانشجو است؟ بلی، آن دختر دانشجو است. مگر، آن زن هم دانشجو است؟ نخیر، آن زن دانشجو نیست، آن زن دانشیار است. آیا، آن مرد روزنامه نگار است؟ نخیر، آن مرد روزنامه نگار نیست، آن مرد منقد است. مگر، این بخاری نو است؟ بله، این بخاری نو است. آن چیست؟ آن برگ است؟ این چیست؟ این چسپ است. آن چیست؟ آن دست است. این چیست؟ این چیست؟ این چشم است. آن چیست؟ این چسپ است. این خطکش است.

خانه چطور است؟ آیا، گچ سفید است؟ جلال کجاست؟ عمارت چطور است؟ روزنامه نگار اینجاست؟ این کاغذ چه رنگ است؟ آیا، آن دختر مهندس است؟ این مرد چکاره است؟ آن چه چیز است؟ جلال چکاره است؟ دیوار چه رنگ است؟ آیا، این ادیب مشهور است؟ این باغ چطور است؟ دانشیار کجاست؟ این کدام خیابان است؟ کلاس چگونه است؟ این کدام دانشکده است؟ آن کدام دانشگاه است؟

4-топширик. Қуйида берилган саволларга жавоб ёзинг.

- | | |
|---------------------|---------------------------|
| ۱. سیب چطور است؟ | ۶. احوال شما چه جور است؟ |
| ۲. مداد کجاست؟ | ۷. این کدام دانشکده است؟ |
| ۳. اینجا کجا است؟ | ۸. آن چه چیز است؟ |
| ۴. احمد چکاره است؟ | ۹. آیا، این مداد سرخ است؟ |
| ۵. کیف چه رنگی است؟ | ۱۰. مگر، آن کتاب بد است؟ |

5-топширик. Қуйида берилган суратларнинг форсча номланишини машқ дкфтарингизга ёзинг ва улар иштирокида жумлалар тузинг.



Мавзуга оид савол ва топшириқлар:

1. Сўроқ гап деб нимага айтилади?
2. Сўроқ гаплар тузилишига қўра неча турли бўлади?
3. Интонация орқали сўроқ гаплар қандай тузилади?
4. Қў ва чэ сўроқ олмашлари орқали сўроқ гаплар қандай тузилади?
5. Оё сўроқ юкломаси ҳақида маълумот беринг.
6. Магар сўроқ юкломаси ҳақида маълумот беринг.
7. Ўзбек ва форс тилларидаги сўроқ гаплар тузилишидаги ўхшашликлар нимада?

8. Ўзбек ва форс тилларидаги сўрок гаплар тузилишидаги фарқлар нимада?

9. Балэ сўзи ҳақида маълумот беринг.

10. Нахэйр сўзи ҳақида маълумот беринг.

11. Чэтўвр сўрок сўзи қандай маъно англатади?

12. Чэжур сўрок сўзи қандай маъно англатади?

13. Чэ ранг сўрок сўзи қандай маъно англатади?

14. Чэ ранги сўрок сўзи қандай маъно англатади?

15. Чэ корэ сўрок сўзи қандай маъно англатади?

16. Кўжо сўрок сўзи қандай маъно англатади?

17. Кўдом сўрок сўзи қандай маъно англатади?

18. Чэгунэ сўрок сўзи қандай маъно англатади?

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Ю.А.Рубинчик, Грамматика современного персидского литературного языка. Москва 2011г.

2. Anousha Shahsavari, Blake Atwood, Persian of Iran today. An introductory course, Volume 1,2. Texas, 2015.

3. Plats J.T. and Ranking C.A. A grammar of the Persian language Oxford 1911 y.

4. Yodolloh Samareh Persian language teaching Iran 1993 y.

5 – МАШҒУЛОТ

МАВЗУ: КИШИЛИК ОЛМОШЛАРИ. БОҒЛАМАНИНГ ТУСЛАНИШИ.

Режа:

1. Кишилик олмошлари.
2. Боғламанинг тўлиқ шаклининг тусланиши.
3. Боғламанинг қисқа шаклининг тусланиши.
4. Ҳаст сўзининг мустақил маънода ишлатилиши.

Таянч сўз ва иборалар. Ўзбек тили, форс тили, морфология, олмош, замир, замойэрэ шахси, кишилик олмошлари, мўфрад, бирлик, жамъ, кўплик, ман, тў, у, вэй, мо, шўмо, онҳо, ишон, -ам, -и, -им, -ид, -анд, бор, йўк, ҳа, эмас, боғламанинг қисқа шакли, ундош, қисқа э унлиси, чўзиқ о унлиси, чўзиқ у унлиси, ё ҳарфи, боғламанинг қисқа шакли, ундош, қисқа э унлиси, чўзиқ о унлиси, чўзиқ у унлиси, ё ҳарфи.

Уқув машғулотининг мақсади. Ўзбек тили, форс тили, морфология, олмош, замир, замойэрэ шахси, кишилик олмошлари, мўфрад, бирлик, жамъ, кўплик, ман, тў, у, вэй, мо, шўмо, онҳо, ишон, -ам, -и, -им, -ид, -анд, бор, йўк, ҳа, эмас, боғламанинг қисқа шакли, ундош, қисқа э унлиси, чўзиқ о унлиси, чўзиқ у унлиси, ё ҳарфи, боғламанинг қисқа шакли, ундош, қисқа э унлиси, чўзиқ о унлиси, чўзиқ у унлиси, ё ҳарфи ҳақида назарий маълумотлар бериш ва уларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш.

КИШИЛИК ОЛМОШЛАРИ

Форс тилидаги кишилик олмошлари замойэрэ-э шахси (شمار شخصی) дейилади ва улар қуйидагилар:

| кўшлик | | | бирлик | | | шахслар |
|--------|------|------|--------|--------|-----|----------|
| جمع | жамъ | | مفرد | мўфрад | | |
| ما | мо | биз | من | ман | мен | I шахс |
| شما | шўмо | сиз | تو | тў | сен | II шахс |
| انها | онҳо | улар | او | у | у | III шахс |
| ایشان | ишон | | وی | вэй | | |

Ҳозирги замон форс жонли тилида **мо** (ما) – **биз**, **шўмо** (شما) – **сиз** олмошлари кўпликни ифодаласа ҳам, яна кўplik қўшимчасини олиб, **моҳо** (ماها) – **бизлар**, **шўмоҳо** (شماها) – **сизлар** шаклида қўлланади. Шунингдек, **шўмо** (شما) – **сиз** кишилиқ олмоши (ўзбек тилидаги сингари) бирликда хурмат маъносини ифодалашни нормал ҳолга айланган. Масалан:

شما کیستید؟ Шўмо кистид?
من پزشکم. Ман пээзшкам.

Сиз кимсиз?
Мен врачман.

| форс тилида | ўзбек тилида | форс тилида | ўзбек тилида |
|-------------|--------------|-------------|--------------|
| مفرد | бирлик | جمع | кўплик |
| من | мен | ما | биз |
| تو | сен | شما | сиз |
| او | у | آنها | улар |

Кўрганимиздек форс тилида кишилиқ олмошлари бирлик ва кўплик шакллари мавжуд бўлиб, III шахс бирлик ва кўпликдаги кишилиқ олмошларининг эквивалентлари мавжуд. Вэй (وی) ҳамда ишон (ишон) (ایشان) асосан классик матнларда учрайди.

БОҒЛАМАНИНГ ТУСЛАНИШИ (ТЎЛИҚ ШАКЛИ)

От кесимли гапларда эганинг қайси шахс ва сонда келишига қараб, кесим ҳам эга билан шу шахс ва сонда мослашади. Бу ҳолда боғлама **аст** III шахс бирликдан бошқа ҳамма шахсларда ўз эквиваленти бўлган **ҳаст** (هست) сўзи билан алмашинади. От кесим тусланганда III шахс бирликда шахс-сон қўшимчаси бўлмаганлиги учун **аст** боғламаси ўз ҳолича қолиб, бошқа барча шахсларда шахс-сон қўшимчалари **ҳаст** боғламасига қўшилади.

ШАХС – СОН ҚЎШИМЧАЛАРИ

| кўплик | | бирлик | | шахслар |
|----------|-------|-------------|------|----------|
| جمع жамъ | | مفرد мўфрад | | |
| یم - | - им | م - | - ам | I шахс |
| ید - | - ид | ی - | - и | II шахс |
| ند - | - анд | - | - | III шахс |

шахс-сон қўшимчаларини боғлама билан бириккан ҳолдаги кўриниши:

| جمع | | مفرد | |
|-------|---------|------|--------|
| هستيم | ҳастим | هستم | ҳастам |
| هستيد | ҳастид | هستى | ҳасти |
| هستند | ҳастанд | است | аст |

ОТ КЕСИМНИНГ ТУСЛАНИШИ

مفرد

من دانشجو هستم. **Ман донэшжу ҳастам.** Мен талабаман.
 تو دانشجو هستی. **Тў донэшжу ҳасти.** Сен талабасан.
 او دانشجو است. **У донэшжуст.** У талаба.

جمع

ما دانشجو هستیم. **Мо донэшжу ҳастим.** Биз талабамиз.
 شما دانشجو هستید. **Шўмо донэшжу ҳастид.** Сиз талабасиз.
 آنها دانشجو هستند. **Онҳо донэшжу ҳастанд.** Улар талабалар.

От кесимнинг тусланишида боғлама ҳаст (هست) мустақил урғу олиб, бу урғу шахс – сон қўшимчаларига тушади. Масалан:

مفرد

من کارگر هستم. **Ман коргар ҳастам.** Мен ишчиман.
 تو کارگر هستی. **Тў коргар ҳасти.** Сен ишчисан.
 او کارگر است. **У коргар аст.** У ишчи.

جمع

ما کارگر هستیم. **Мо коргар ҳастим.** Биз ишчимиз.
 شما کارگر هستید. **Шўмо коргар ҳастид.** Сиз ишчисиз.
 آنها کارگر هستند. **Онҳо коргар ҳастанд.** Улар ишчилар.

БОҒЛАМАНИНГ ҚИСҚА ШАКЛИНИНГ ТУСЛАНИШИ

От кесим таркибидаги боғлама қисқа шаклда ҳам ишлатилади. Вунда боғлама III шахс бирликдан бошқа ҳамма шахсларда шахс–

сон қўшимчаси кўринишида бўлади. Боғламанинг қисқа шакли бевосита от кесимнинг от қисмига қўшилиб ёзилади. **Масалан:**

من ادبیاتشناسم. **Ман адабиётшэносам.** Мен адабиётшуносман.

Боғлама олдидаги сўзнинг унли ёки ундош товуш билан тугашига қараб, турли кўринишларда бўлиши мумкин:

1. Ундош ҳарф билан тугаган сўздан сўнг ёзиладиган шакли.

Масалан:

| Шахслар | مفرد | | جمع | |
|----------|------|-----|-----|------|
| I шахс | م | -ам | يم | -им |
| II шахс | ى | -и | يد | -ид |
| III шахс | است | аст | ند | -анд |

Боғламанинг қисқа шаклига урғу тушмасдан, у боғлама олдидаги сўзнинг охириги бўғинига тушади.

2. Боғламанинг қисқа шакли кўшиладиган сўз қисқа э (ه) ёки чўзиқ и (ى) унлиси билан тугалланган сўзлардан сўнг қуйидаги кўринишда бўлади. **Масалан:**

| Шахслар | مفرد | | جمع | |
|----------|------|-----|-------|------|
| I шахс | - ام | -ам | - ايم | -им |
| II шахс | - اى | -и | - ايد | -ид |
| III шахс | است | аст | - اند | -анд |

3. Боғламанинг қисқа шакли кўшиладиган сўз чўзиқ о ёки у унлилари билан тугалланган сўзлардан сўнг қуйидаги кўринишда бўлади. **Масалан:**

| Шахслар | مفرد | | جمع | |
|----------|------|-----|-------|------|
| I шахс | - يم | -ям | - نيم | -им |
| II шахс | - نى | -и | - نيد | -ид |
| III шахс | است | аст | - يند | -янд |

1. Боғламанинг қисқа шакли кўшиладиган сўз ундош билан тугалланган бўлса, ҳеч қандай имло ўзгариши кузатилмайди. **Масалан:**

مفرد

| | | |
|---------------|------------------------|------------------|
| من مهندسم. | Ман мӯҳандэсам. | Мен муҳандисман. |
| تو مهندسی. | Тӯ мӯҳандэси. | Сен муҳандиссан. |
| او مهندس است. | У мӯҳандэс аст. | У муҳандис. |

جمع

| | | |
|--------------|--------------------------|-------------------|
| ما مهندسیم. | Мо мӯҳандэсим. | Биз муҳандисмиз. |
| شما مهندسید. | Шӯмо мӯҳандэсид. | Сиз муҳандиссиз. |
| انها مهندسن. | Онҳо мӯҳандэсанд. | Улар муҳандислар. |

2. Боғламанинг қисқа шакли қўшиладиган сўз қисқа э унлиси билан тугалланган бўлса, боғламанинг қисқа шакли олдидан бир алиф ҳарфи орттирилади. Масалан:

مفرد

| | | |
|-----------------|--------------------------|----------------|
| من نویسنده ام. | Ман нависандэ-ам. | Мен ёзувчиман. |
| تو نویسنده ای. | Тӯ нависандэ-и. | Сен ёзувчисан. |
| او نویسنده است. | У нависандэ аст. | У ёзувчидир. |

جمع

| | | |
|-------------------|----------------------------|--------------------|
| ما نویسنده ایم. | Мо нависандэ-им. | Биз ёзувчимиз |
| شما نویسنده اید. | Шӯмо нависандэ-ид. | Сиз ёзувчисиз. |
| انها نویسنده اند. | Онҳо нависандэ-анд. | Улар ёзувчилардир. |

Изоҳ: Боғламанинг қисқа шакли олдидан орттирилган алиф ҳарфи ўзидан олдинги сўзга қўшиб ёзилмайди. Агарда қўшиб ёзилса сўз охиридаги қисқа э унлисини ифода этиб келаётган хойи ханназ ҳарфи ҳ ундошига айланиб қолади.

3. Боғламанинг қисқа шакли қўшиладиган сўз чўзик и (ى) унлиси билан тугалланган бўлса, боғламанинг қисқа шакли олдидан бир алиф ҳарфи орттирилади. Масалан:

مفرد

| | | |
|---------------|-----------------------|----------------|
| من نظامی ام. | Ман нэзоми-ам. | Мен ҳарбийман. |
| تو نظامی ای. | Тӯ нэзоми-и. | Сен ҳарбийсан. |
| او نظامی است. | У нэзоми-ист. | У ҳарбий. |

جمع

| | | |
|-----------------|-------------------------|--------------------|
| ما نظامی ایم. | Мо нэзоми-им. | Биз ҳарбиймиз. |
| شما نظامی اید. | Шўмо нэзоми-ид. | Сиз ҳарбийсиз. |
| آنها نظامی اند. | Онҳо нэзоми-анд. | Улар ҳарбийдирлар. |

Изоҳ: Боғламанинг қисқа шакли олдидан орттирилган алиф ҳарфи ўзидан олдинги сўзга қўшиб ёзилмайди. Агарда қўшиб ёзилса сўз охиридаги чўзиқ и унлисини ифода этиб келаётган ё ҳарфи й ундошига айланиб қолади.

4. Боғламанинг қисқа шакли қўшиладиган сўз чўзиқ о (۱) ёки у (۲) унлилари билан тугалланган бўлса, боғламанинг қисқа шакли олдидан бир ё (۳) ҳарфи орттирилади. Орттирилган ё ҳарфи боғламанинг қисқа шакли билан қўшиб ёзилади.

مفرد

| | | |
|----------------|------------------------|----------------|
| من دانشجویم. | Ман донэшжу-ям. | Мен талабаман. |
| تو دانشجوئی. | Тў донэшжу-и. | Сен талабасан. |
| او دانشجو است. | У донэшжуст. | У талаба. |

جمع

| | | |
|-----------------|--------------------------|--------------------|
| ما دانشجوئیم. | Мо донэшжу-йим. | Биз талабамиз. |
| شما دانشجوئید. | Шўмо донэшжу-йид. | Сиз талабасиз. |
| آنها دانشجویند. | Онҳо донэшжу-янд. | Улар талабадирлар. |

Боғламанинг бўлишсиз шакли ҳамма шахсларда нист (نیست) сўзи орқали тўлиқ шаклда ишлатилади. Масалан:

ما نفاش نیستیم.

Мо наққош нистим.
Биз рассом эмасмиз.

آنها فروشنده نیستند.

Онҳо фўрушандэ нистанд.
Улар сотувчи эмаслар.

СҮРОҚ ОЛМОШИНИНГ ТУСЛАНИШИ

Боғламанинг бу шакли шахс-сонда тусланганда, урғу шахс-сон кўшимчаларига эмас, кист (کيست) бирикмасининг биринчи бўғинига тушади. Масалан:

مفرد
من کیستم؟
تو کیستی؟
او کیست؟

мўфрад
Ман кистам?
Тў кисти?
У кист?

бирлик
Мен кимман?
Сен кимсан?
У ким?

جمع
ما کیستیم؟
شما کیستید؟
انها کیستند؟

жамъ
Мо кистим?
Шўмо кистид?
Онҳо кистанд?

кўплик
Биз киммиз?
Сиз кимсиз?
Улар кимлар?

БОГЛАМАНИНГ ИНКОР ШАКЛИ ВА УНИНГ ТУСЛАНИШИ

Боғламанинг инкор шаклининг тусланишида шахс-сон кўшимчалари нист (نیست) сўзига қўшилади. Урғу бу ерда нист (نیست) сўзининг биринчи бўғинига, яъни инкор юкламасига тушади. Масалан:

مفرد
من دانشجو نیستم.
تو دانشجو نیستی.
او دانشجو نیست.
جمع
ما دانشجو نیستیم.
شما دانشجو نیستید.
انها دانشجو نیستند.

Ман донэшжу нистам.
Ту донэшжу нисти.
У донэшжу нист.

Мо донэшжу нистим.
Шўмо донэшжу нистид.
Онҳо донэшжу
нистанд.

бирлик
Мен талаба эмасман.
Сен талаба эмассан.
У талаба эмас.

кўплик
Биз талаба эмасмиз.
Сиз талаба эмассиз.
Улар талаба эмаслар.

ҲАСТ СЎЗИНИ МУСТАҚИЛ МАЪНОДА ИШЛАТИЛИШИ

Ҳаст (هست) сўзи боғламанинг тўлиқ шаклидан ташқари мустақил маъно англатувчи сўз сифатида ҳам ишлатилади.

1. Ҳамма шахсларда (III шахс бирликда ҳам) қўлланиб, **борлик**, **мавжудлик** маъноларини билдиради.

Масалан, икки жумлани таққослаб кўрайлик:

جلال ایرانی است. **Жалол ирони аст.** Жалол эронликдир.
اینجا ایرانی هست؟ **Инжо ирони ҳаст?** Бу ерда эронлик борми?

Бу икки жумлада **ҳаст (هست) ва аст (است)** III шахс бирликда келган бўлса ҳам, биринчи жумлада **аст** боғлама бўлиб, **ирони (ایرانی)** билан бирга кесим вазифасини бажариб келган. Иккинчи жумлада эса **ҳастнинг** ўзи кесим вазифасида келган. **Масалан:**

اینجا کتاب هست. **Инжо кэтоб ҳаст.** Бу ерда китоб бор.
در کلاس دانشجو **Дар кэлос донэшжу** Аудиторияда талаба бор.
هست. **ҳаст.**

2. **Ҳаст** сўзи мустақил урғу олиб, гапда боғловчи бўлиб эмас, ўзи мустақил кесим вазифасида келади. Тусланганда урғу шахс—сон қўшимчаларига эмас, **ҳаст** сўзининг биринчи бўғинига тушади. **Масалан:**

مفرد
من هستم. **Ман ҳастам.** Мен борман.
تو هستی. **Тў ҳасти.** Сен борсан.
او هست. **У ҳаст.** У бор.

جمع
ما هستیم. **Мо ҳастим.** Биз бормиз.
شما هستید. **Шўмо ҳастид.** Сиз борсиз.
آنها هستند. **Онҳо ҳастанд.** Улар борлар.

مفرد
من اینجا هستم. **Ман инжо ҳастам.** Мен бу ердман.
تو اینجا هستی. **Тў инжо ҳасти.** Сен бу ердасан.
او اینجا است. **У инжост.** У бу ерда.

جمع
ما اینجا هستیم. **Мо инжо ҳастим.** Биз бу ердамиз.
شما اینجا هستید. **Шўмо инжо ҳастид.** Сиз бу ердасиз.
آنها اینجا هستند. **Онҳо инжо ҳастанд.** Улар бу ердлар.

Мустақил маънодаги ҳастнинг бўлишсиз шакли **нист** сўзи ўзбек тилига **йўқ** ёки **эмас** деб таржима қилинади. **Нист** сўзини боғловчи ёки мустақил маънодаги сўз эканлиги асосан гапнинг мазмунига қариб белгиланади. Масалан:

مفرد

| | | |
|-----------------|-------------------------|---------------------|
| من اینجا نیستم. | Ман инжо нистам. | Мен бу ерда йўқман. |
| تو اینجا نیستی. | Тў инжо нисти. | Сен бу ерда йўқсан. |
| او اینجا نیست. | У инжо нист. | У бу ерда йўқ. |

جمع

| | | |
|--------------------|---------------------------|----------------------|
| ما اینجا نیستیم. | Мо инжо нистим. | Биз бу ерда йўқмиз. |
| شما اینجا نیستید. | Шўмо инжо нистид. | Сиз бу ерда йўқсиз. |
| آنها اینجا نیستند. | Онҳо инжо нистанд. | Улар бу ерда йўқлар. |

1-топширик. Қуйида берилган сўзларга боғламанинг бўлишсиз шаклини қўшиб шахс ва сонда тусланг.

| | | |
|---------|------------------|-------------------|
| دانشیار | донэшёр | ўқитувчи |
| آموزگار | омузгор | мактаб ўқитувчиси |
| ایرانی | ирони | эронлик |
| نویسنده | нависандэ | ёзувчи |

2-топширик. Қуйида берилган сўзларга боғламанинг бўлишли шаклини қўшиб, шахс ва сонда тусланг.

| | | |
|---------|------------------|-----------------|
| سرباز | сарбоз | аскар |
| هنرپیشه | хўнарпишэ | артист |
| دانا | доно | доно, донишманд |

3-топширик. Қуйида берилган гапларни форс тилига таржима қилинг.

Сен кимсан? Мен журналистман. У ким? У тилчи. Сизлар кимсизлар? Улар ҳарбийлар. Улар ҳам талабами? Йўқ, улар талаба эмас, улар инженер. Бу аёл ким? Бу аёл журналист. У қиз ким? У қиз адабиётшунос. Сиз ҳам муаллимсиз? Ҳа, мен ҳам муаллимман. Бу ерда врач борми? Ҳа, бу ерда врач бор. Бугун

навбатчи ким? Бугун мен навбатчиман. Столнинг устида нима бор? Столнинг устида гулдон бор. Портфелда нималар бор? Портфелда китоб, журнал, қалам ва қоғоз бор. Сен ишчимисан? Ҳа, мен ишчиман.

4-топшириқ. Куйида берилган сўзларга боғламанинг қисқа шаклини қўшиб, шахс ва сонда тусланг.

| | | |
|---------|-----------|-----------------|
| هنرپیشه | хўнарпишэ | артист |
| دانا | доно | доно, донишманд |
| کارگر | коргар | ишчи |
| مهندس | мўҳандэс | инженер |
| ایرانی | ирони | эронлик |
| نویسنده | нависандэ | ёзувчи |

5-топшириқ. Куйида берилган саволларга жавоб беринг ва уларни машқ дафтارينгизга ёзинг.

- | | |
|------------------------------|-----------------------------|
| ۱. تو هم خبرنگاری؟ | ۶. آیا، آنها ادبیاتشناسند؟ |
| ۲. آنها کیستند؟ | ۷. آیا، شما زبانشناسید؟ |
| ۳. شما دانشجویید یا دانشیار؟ | ۸. احمد افسر است یا راننده؟ |
| ۴. آیا، این دختر مهندس است؟ | ۹. آنها هم ایرانی اند؟ |
| ۵. مگر، آن پسر نویسنده است؟ | ۱۰. آیا، آنها فروشنده اند؟ |

Мавзуга оид савол ва топшириқлар:

1. Форс тилида нечта кишилик олмошлари бор?
2. Учинчи шахс бирлик кишилик олмошининг эквиваленти қандай?
3. Учинчи шахс кўпликдаги кишилик олмошининг эквиваленти қандай?
3. Кишилик олмошлари форс тилида қандай номланади?
4. Аст боғламаси неча шаклда бўлади?
5. Аст боғламасининг тўлиқ шакли қандай?
6. Шахс-сон қўшимчалари нечта ва улар қайсилар?
7. Бирлик сўзи форс тилида қандай номланади?
8. Кўплик сўзи форс тилида қандай номланади?
9. Мустақил маънода келган ҳаст қандай маъно англатади?
10. Боғламанинг тўлиқ шакли қандай?

11. Боғламанинг қисқа шакли қандай?

12. Ундон билан тугалланган сўзларга боғламанинг қисқа шакли қўшилганда қандай имло ўзгаришлари кузатилади?

13. Қисқа э ушлиси билан тугалланган сўзларга боғламанинг қисқа шакли қўшилганда қандай имло ўзгаришлари кузатилади?

14. Чучик и ушлиси билан тугалланган сўзларга боғламанинг қисқа шакли қўшилганда қандай имло ўзгаришлари кузатилади?

15. Чучик о ушлиси билан тугалланган сўзларга боғламанинг қисқа шакли қўшилганда қандай имло ўзгаришлари кузатилади?

16. Чучик у ушлиси билан тугалланган сўзларга боғламанинг қисқа шакли қўшилганда қандай имло ўзгаришлари кузатилади?

17. Нима учун учинчи шахс бирликда аст боғламасининг ўзи қолади?

18. Боғламанинг қисқа шакли сўзларга қўшилган ҳолда қандай имло ўзгаришлари кузатилади?

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Ю.А. Рубинчик, Грамматика современного персидского литературного языка. Москва 2011г.

2. Anousha Shahsavari, Blake Atwood, Persian of Iran today. An introductory course, Volume 1,2. Texas, 2015.

3. Plata J.T. and Ranking C.A. A grammar of the Persian language Oxford 1911 y.

4. Yedollah Samareh Persian language teaching Iran 1993 y.

6 – МАШҒУЛОТ

МАВЗУ: ФОРС ТИЛИДА ИЗОФА. ОТЛАРДА СОН КАТЕГОРИЯСИ. ИЗОФА ЗАНЖИРИ.

Режа:

1. *Изофа ва унинг имлоси.*
2. *Форс тилида кўплик.*
3. *Изофа занжири.*

Таянч сўз ва иборалар. Сўз, бирикма, содда бирикма, аниқловчи, аниқланмиш, қаратқич, қаралмиш, мўдоф, мўдоф-э элайх, эзофэ-йэ мўлки, эзофэ-йэ баёни, эзофэ-йэ замони, эзофэ-йэ макони, эзофэ-йэ ташбиҳи, таркиб-э нэсфи-йэ васфи. от, бирлик, кўплик, ҳо кўплик кўшимчаси, он кўплик кўшимчаси, арабий тўғри кўплик, от кўшимчаси, ин кўшимчаси, ун кўшимчаси, арабий синиқ кўплик, ички флекция, изофа занжири, мураккаб брикмалар, ҳамэ олмоши.

Ўқув машғулотининг мақсади. Ўзбек тили, форс тили, грамматика, сўз, бирикма, содда бирикма, аниқловчи, аниқланмиш, қаратқич, қаралмиш, мўдоф, мўдоф-э элайх, эзофэ-йэ мўлки, эзофэ-йэ баёни, эзофэ-йэ замони, эзофэ-йэ макони, эзофэ-йэ ташбиҳи, таркиб-э нэсфи-йэ васфи. от, бирлик, кўплик, ҳо кўплик кўшимчаси, он кўплик кўшимчаси, арабий тўғри кўплик, от кўшимчаси, ин кўшимчаси, ун кўшимчаси, арабий синиқ кўплик, ички флекция, изофа занжири, мураккаб брикмалар, ҳамэ олмоши ҳақида назарий маълумотлар бериш ва уларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш.

ФОРС ТИЛИДА ИЗОФА

Изофа сўзи арабча сўз бўлиб, кўшиш, орттириш деган маънони англатади.

Форс тилида аниқловчи билан аниқланмиш ёки қаратқич билан қаралмиш ўртасидаги муносабат урғусиз э товуши орқали боғланади. Шу муносабатни ифода этувчи урғусиз э товушига **эзофэ** (اضافه) дейилади.

Форс тилидаги изофий бирикмада сўз тартиби ўзбек тилига қарима-қаршидир. Агар ўзбек тилида аввал аниқловчи, сўнг аниқланмиш ёхуд аввал қаратқич, сўнг қаралмиш келса, форс тилида эса аксинчи, аввал аниқланмиш, сўнг аниқловчи ёки аввал қаралмиш, сўнг қаратқич келади.

BOSH + OG'RIQ = BOSH OG'RIG'I

درد + سر = دردِ سر

| ЎЗБЕК ТИЛИДА | ФОРС ТИЛИДА |
|--------------------------|------------------------------|
| → аниқловчи → аниқланмиш | аниқловчи ← аниқланмиш ← |
| форс тили | زبان فارسی забон-э форси |
| бўланд иморат | عمارت بلند эморат-э бўланд |
| → қаратқич → қаралмиш | қаратқич ← қаралмиш ← |
| қўлтуғичнинг қалами | مداد دانشوار мэдод-э донэшёр |
| қўғиз қоғози | کاغذ او коғаз-э у |

Ўзбек адабий тилида форс тилидан ўзлашган кўплаб форсий изофий бирикмалар ишлатилади. Масалан:

| | | | |
|---------------|-----------------|---------------|-------------|
| афри найсон | луқман ҳалол | вазири аъзам | рўзи маҳшар |
| алламаи замон | мардўми Фарғона | волидаи | сарвари |
| | | муҳтарама | қоинот |
| афси маъруф | мушқи анбар | гуноҳи қабира | сарви равон |
| афси давлат | ойинаи жаҳон | дарди бедаво | тарҷимаи |
| | | | ҳол |
| афси илм | оғзи чор | дарди сар | толиби илм |
| балон ҳифо | афати жон | жумлаи жаҳон | фасли |
| | | | навбаҳор |
| банди ночор | оғзи беқарор | жумлаи мўмин | ҳалвойи тар |

| | | | |
|---------------|------------------|-------------|--------------|
| боги шамол | ошиқи зор | зоти шариф | шаби ялдо |
| боги эрам | падари бузруквор | лаби хандон | шоми |
| | | | ҳижрон |
| Бухорои шариф | пири муришид | руйи зебо | гули раъно |
| сарви қомат | пойи тахт | оби дида | нури дида |
| лаби гунча | девони Фоний | оби ҳаёт | нуқтаи назар |
| Луқмони Ҳаким | девоани Машраб | оби равон | пири комил |

Форс тили грамматикасида изофий бирикмадаги аниқланмиш **мўдоф** (مضاف) ва аниқловчи **мўдоф-ун-элэйх** (مضاف اليه) деб номланади. Изофа кўрсаткичи доимо **мўдоф** (مضاف) дан сўнг кўйилади ва **мўдоф** (مضاف) билан **мўдоф-ун-элэйх** (مضاف اليه) бир – бирига боғланади ва шу тарика изофий бирикма ҳосил қилади. Изофий бирикмадаги сўзлар ажралиб ўқилмай, бир бутун, умумий интонация билан талаффуз этилади. Одатда изофий бирикма бир бутун синтактик бирлик ҳисобланади.

Форс тилида гап ва сўз бирикмаларда сўз тартиби қатъийдир. Изофали бирикмаларда ҳам биринчи ўринда аниқланмиш ёки қаралмиш, иккинчи ўринда аниқловчи ёки қаратқич келиши қатъий. Бу тартибнинг бузилиши бирикма мазмунининг бузилишига олиб келади.

Изофий бирикмада сўз тартиби қуйидагича бўлади: биринчи навбатда аниқланмиш ёки қаралмиш келиб, сўнгра урғу олмаган морфологик кўрсаткич э келиб, ундан сўнг эса аниқловчи ёки қаратқич келади. **Масалан:**

| | | |
|--------------|-----------------|---------------------|
| کتاب کهنه | кэтоб-э кўҳнэ | эски китоб |
| ديوان مشرب | дивон-э Машраб | Машраб девони |
| ميدان بيرونى | мэйдон-э Беруни | Беруний майдони |
| کتاب احمد | кэтоб-э Аҳмад | Аҳмаднинг китоби |
| دانشگاه ما | донэшгоҳ-э мо | бизнинг университет |

Ўзбек тилида ҳам аниқловчи ва аниқланмиш, қаратқич ёки қаралмиш тартибини ўзгартирсак, аниқловчи ва аниқланмиш ёки қаратқич ва қаралмиш муносабати бўлмайдиган балки эга ва кесим муносабати вужудга келади. **Масалан:** *чиройли кўча* ---- *Кўча чиройли.*

ИЗОФАНИНГ ИМЛОСИ

1. Ундош билан тугаган сўзлардан сўнг изофа **зир** белгиси орқали ёзилиб, э тарзида талаффуз этилади. Одатда **зир** белгиси ҳарф бўлмаганлиги сабабли ёзувда ифода этилмайди. Талаффузда эса доимо сакланади. Масалан:

| | | |
|---------------|------------------|------------------------|
| ساعت طلا | соат-э тэло | тилла соат |
| زبان فارسی | забон-э форси | форс тили |
| تاریخ ادبیات | торих-э адабиёт | адабиёт тарихи |
| سعدی "گلستان" | Гүлэстон-э Саъди | Саъдийнинг «Гулистони» |

$$\boxed{\text{زود سر}} = \boxed{\text{سر}} + \boxed{\text{زود}}$$

2. Э (ё) қисқа унлиси билан тугаган сўзлардан сўнг изофа **ё** (ё) ҳарфи орқали ифода этилиб, йэ тарзида талаффуз қилинади. Ё (ё) ҳарфи ҳарф бўлганлиги сабабли ёзувда тушиб қолмайди. Масалан:


| | | |
|----------------|----------------------|---------------------|
| صلحه ی اول | сифҳэ-Иэ аввал | биринчи саҳифа |
| "خمسه" ی اولی | ҳамсэ- Иэ Навои | Навойнинг «Ҳамса»си |
| لويسته ی مشهور | нависандэ- Иэ машҳур | машҳур ёзувчи |
| مجله ی نو | мажиллэ- Иэ нув | янги журнал |
| خانه ی دوستم | хонэ- Иэ дустан | дўстимнинг уйи |
| دانشکده ی طب | донэшқадэ- Иэ тэбб | тиббиёт факултети |

Эслитма: изофа кўрсаткичи вазифасини бажарётган ё ҳарфи қисқа э унлисини ифода этиб келаётган ҳойи ҳавваз ҳарфига қўшилмайди. Агар кўшиб ёзилса, қисқа э унлиси х ундошига айланиб қолади.

$$\boxed{\text{نامه ی احمد}} = \boxed{\text{احمد}} + \boxed{\text{نامه}}$$

3. Чўзиқ о ва у унлилари билан тугаган сўзлардан сўнг изофа ё (ى) ҳарфи орқали ифодаланиб, йё тарзида талаффуз этилади. Масалан:

| | | |
|-----------------|----------------------|-------------------|
| بوى گل | бу-йё гўл | гулнинг ҳиди |
| دانشجوی دانشکده | донэшжу-йё донэшкадэ | факултет талабаси |
| صدای ترکستان | сэдо-йё Тўркэстон | Туркистон овози |



4. Чўзиқ и унлиси билан тугаган сўзлардан сўнг изофа бирор белги, ҳаракат ёки ҳарф орқали ифода этилмасдан фақатгина талаффузда и (ى) унлисидан сўнг бир йё кўшиб ўқилади. Масалан:

| | | |
|------------|-------------------|---------------|
| صندلى بزرگ | сандали-йё бўзўрг | катта стул |
| ماهى دريا | моҳи-йё дарё | денгиз балиғи |



ИЗОФАЛИ БИРИКМА АНГЛАТГАН МАЪНОЛАР

1. Изофали бирикмадаги аниқловчи от ва кишилиқ олмошлари билан ифодаланган бўлса, у ҳолда бирикма аниқланмиш билдирган нарсанинг маълум шахсга хослигини, мансублигини билдиради. Бу форс тилида эзофэ-йё мўлки (اضافه ى ملكى) дейилади. Масалан:

| | | |
|--------------|-----------------|--------------------|
| کتاب پدرم | кэтоб-э пэдарам | отамнинг китоби |
| ديوان لاهوتى | дивон-э Лоҳути | Лоҳутийнинг девони |

2. Агар аниқланмиш бирор жонсиз нарсанинг номини билдирса, у ҳолда изофали бирикма нарсанинг жинсини, турини билдиради. Бундай изофали бирикма эзофэ-йэ баёни (اضافه ی بیانی) дейилади. Масалан:

| | | |
|-----------|--------------|------------|
| ساعت طلا | соат-э тэло | тилла соат |
| راه آهنین | роҳ-э оҳанин | темир йўл |

3. Агар аниқланмиш ўрин, пайт маъноларини билдирувчи сўзлар билан ифодаланган бўлса, у ҳолда изофали бирикма ўрин-пайт муносабатларини билдиради. Бу форс тилида эзофэ-йэ замони ва макони (اضافه ی زمانی و مکانی) дейилади. Масалан:

| | | |
|-----------|---------------|------------|
| هنگام صبح | ҳангом-э сўбҳ | тонг пайти |
| بالای کوه | боло-йэ куҳ | тоғ тепаси |

4. Аниқланмиш билан аниқловчи бирикмаси бир нарсани иккинчи нарсага ўхшашлигини билдиради. Бундай изофали бирикма эзофэ-йэ ташбиҳи (اضافه ی تشبیهی) дейилади. Масалан:

| | | |
|---------|-------------|------------|
| لب عنجه | лаб-э ғунҷэ | ғунча лаб |
| لد سرور | қадд-э сарв | сарв комат |

5. Аниқловчи волий ёки нисбий сифатлар билан ифодаланса, изофали бирикма нарсанинг қандайлигини билдиради. Форс тилидаги бундай бирикмаларга таркиб-э нэсби-йэ васфи (تركيب نسبی وصفی) дейилади. Масалан:

| | | |
|----------------|------------------|---------------|
| ديوار بلند | дивор-э бўланд | баланд девор |
| روزنامه ی ادبی | рузномэ-йэ адаби | адабий газета |

6. Агар аниқловчи тартиб сон билан ифодаланган бўлса, изофали бирикма тартиб, даража маъноларини билдиради. Бундай изофали бирикма форс тилида таркиб-э адади (تركيب عددی) дейилади. Масалан:

| | | |
|------------|-----------------|---------------|
| كلاس چهارم | кэлос-э чаҳорўм | тўртинчи синф |
| جلد پنجم | жэлд-э панжўм | бешинчи жилд |

ОТЛАРДА СОН КАТЕГОРИЯСИ.

Форс тилида ҳам отлар худди ўзбек тилидагидек икки сон шаклида бўлади:

1.Бирлик

2.Кўплик

Отларнинг кўплик шакли уларнинг бирлик шаклига **ҳо** (ها) ва **он** (ان) кўплик кўшимчаларини кўшиш билан ясалади. Булардан **ҳо** (ها) кўшимчаси одатда жонсиз предметларни билдирувчи отларга, **он** (ان) эса жонли предмет номлари ва инсонларнинг баъзи жуфт аъзоларини билдирувчи отларга кўшилади. **Масалан:**

ҳо (ها) кўшимчаси билан:

| БИРЛИК | | КЎПЛИК | |
|---------|---------|------------|-----------|
| مجله | мажлалэ | مجله ها | мажлалэхо |
| روزنامه | рузномэ | روزنامه ها | рузномэхо |
| شهر | шаҳр | شهرها | шаҳрҳо |
| صندلی | сандали | صندلی ها | сандалиҳо |
| | журнал | | журналлар |
| | газета | | газеталар |
| | шаҳар | | шаҳарлар |
| | стул | | стуллар |

он (ان) кўшимчаси билан:

| БИРЛИК | | КЎПЛИК | |
|--------|---------|----------|-----------|
| دختر | дўхтар | دختران | дўхтарон |
| کارگر | коргар | کارگران | коргарон |
| دهقان | деҳқон | دهقان ان | деҳқонон |
| گوسفند | гусфанд | گوسفندان | гусфандон |
| | қиз | | қизлар |
| | ишчи | | ишчилар |
| | деҳқон | | деҳқонлар |
| | қўй | | қўйлар |

он (ان) кўплик кўшимчаси жуфтликни англатувчи инсон аъзоси номларига ҳам кўшилиб улардан кўплик ясаши мумкин. **Масалан:**

| БИРЛИК | | КЎПЛИК | |
|--------|------|--------|--------|
| چشم | чэшм | چشمان | чэшмон |
| لب | лаб | لبان | лабон |
| دست | даст | دستان | дастон |
| | кўз | | кўзлар |
| | лаб | | лаблар |
| | кўл | | кўллар |

Ҳозирги форс тилида **он** (ان) кўшимчаси ўрнида **ها** - **ҳо** кўплик кўшимчаси кўпроқ ишлатилмоқда. Натижада, **ҳо** (ها) кўплик кўшимчаси **он** (ان) кўшимчаси билан бир қаторда жонли предметларга ҳам кўшилиб, улардан кўплик ясамоқда. **Масалан:**

| | | |
|----------|-----------|---------|
| دختران | дўхтарон | кизлар |
| دخترها | дўхтарҳо | |
| مردان | мардон | кишилар |
| مردها | мардҳо | |
| گوسفندان | гусфандон | қўйлар |
| گوسفندها | гусфандҳо | |

Лекин баъзи сўзларда кўплик қўшимчаси ҳо (ها) ўрнига он (ن) қўшимчасини ишлатиш натижасида сўзнинг маъноси бутунлай ўзгариб кетиши мумкин. Масалан:

| | | |
|------|-------|-----------|
| سر | сар | бош |
| سران | сарон | бошликлар |
| سرها | сарҳо | бошлар |

ОН (ن) КЎПЛИК ҚЎШИМЧАСИНИНГ ИМЛОСИ

1. Он кўплик қўшимчаси қўшиладиган сўз ундош ҳарф билан тугалланган бўлса, ҳеч қандай имло ўзгариши кузатилмайди. Масалан:

| | | |
|-------|--------|--------|
| زن | зан | аёл |
| زنان | занон | аёллар |
| چشم | чэшим | кўз |
| چشمان | чэшмон | кўзлар |

2. Он кўплик қўшимчаси қўшиладиган сўз қисқа э унлиси билан тугалланган бўлса, он кўплик қўшимчаси олдидан бир гоф (گ) ҳарфи орттирилади ва гон (گان) тарзида ўқилади. Масалан:

| БИРЛИК | | КЎПЛИК | |
|---------|-----------|-----------|--------------|
| نویسنده | нависиндэ | نویسندگان | нависандэгон |
| نماینده | намониндэ | نمایندگان | намојандэгон |
| بچه | бачэ | بچهگان | бачэгон |
| | ёзувчи | | ёзувчилар |
| | накил | | вакиллар |
| | болалар | | болалар |

3. Он кўплик қўшимчаси қўшиладиган сўз о, у, и чўзик унлилардан бирига тугалланган бўлса, кўплик қўшимчаси он (ن) олдидан бир й (ی) ҳарфи орттирилиб, ён (یان) шаклида ёзилади. Масалан:

БИРЛИК

| | | |
|--------|---------|-----------|
| دانشجو | донэшжу | талаба |
| دانا | доно | донишманд |
| ایرانی | ирони | эронлик |

КЎПЛИК

| | | |
|-----------|-----------|--------------|
| دانشجویان | донэшжуён | талабалар |
| دانايان | доноён | донишмандлар |
| ایرانیان | ирониён | эронликлар |

4. Он кўплик кўшимчаси кўшиладиган сўз чўзиқ у унлиси билан тугаган баъзи сўзларга он (ان) кўплик кўшимчаси кўшилганда, у товушини ифода этувчи вов (و) ҳарфи ўв каби талаффуз қилинади.

Масалан:

| | | |
|--------|---------|----------|
| ابرو | абру | қош |
| ابروان | абрўвон | қошлар |
| بانو | бону | хоним |
| بانوان | бонўвон | хонимлар |
| بازو | бозу | билак |
| بازوان | бозўвон | билаклар |
| زانو | зону | тицца |
| زانوان | зонўвон | тицзалар |

ФОРС ТИЛИДАГИ АРАБИЙ КЎПЛИКЛАР

Отлардан кўплик ясаш учун форс тилида он (ان) ва ҳо (ها) аффиксларидан ташқари, араб тилидан ўзлашган аффикслар ёрдамида ҳосил қилинувчи «тўғри кўплик», ҳамда «синиқ кўплик» деб аталувчи махсус кўплик шакллари ҳам мавжуддир.

Отларнинг бирлик шаклига кўшимча кўшиш орқали ҳосил қилинган кўплик тўғри кўплик дейилади. Тўғри кўплик кўшимчалари қуйидагилар: **-ин** (ين), **-ун** (ون) ва **-от** (ات) лардир. Бу кўшимчалардан от кўшимчаси орқали ҳосил қилинган кўпликлардан бир нечасини ўзбек тилида ҳам учратишимиз мумкин. **Масалан:** *махсулот, ҳайвонот, таълимот, ...*

Арабий кўпликнинг бу шакли ўзбек тилидаги кўплик шаклига тўлиқ мос келади. **Масалан:**

1) **-ин** (ين) кўплик кўшимчаси шахс номини билдирувчи араб сўзларидан кўплик ясади. **Масалан:**

| | | |
|---------|--------------|---------------|
| منقد | мўнаққэд | танкидчи |
| منقدين | мўнаққэдин | танкидчилар |
| متخصص | мўтахассэс | мутахассис |
| متخصصين | мўтахассэсин | мутахассислар |
| مالك | молэк | мулкдор |
| مالكين | молэкин | мулкдорлар |
| ساير | сойэр | бошқа |
| سايرين | сойэрин | бошқалар |

2) -ун (ون) (-юн) кўплик кўшимчаси и (ى) унлиси билан тугаган шахс номини билдирувчи баъзи араб сўзларидан кўплик ясади. Бу **вффикс** форс тилида жуда кам учрайди. Масалан:

| | | |
|-----------|------------|----------------|
| روحانى | руҳони | руҳоний |
| روحانيون | руҳониюн | руҳонийлар |
| اعتصابى | эътэсоби | иш ташловчи |
| اعتصابيون | эътэсобиюн | иш ташловчилар |

3) -от (ات) кўшлик кўшимчаси анча маҳсулдор бўлиб, араб сўзларидан кўшлик ясади. Масалан:

| | | |
|---------|----------|-----------------------|
| حيوان | ҳэйвон | хайвон |
| حيوانات | ҳэйвонот | хайвонлар |
| تعليم | галим | таълим |
| تعليمات | гаълимот | таълимлар |
| اطلاع | эттэло | хабар, маълумот |
| اطلاعات | эттэлоот | хабарлар, маълумотлар |

4) Агар сўз э (ه) қисқа унлиси билан тугалланган бўлса, -от (ات) кўшлик кўшимчаси кўшилганда сўз охиридаги қисқа э (ه) унлиси **эзида** тушиб қолади. Чунки э қисқа унли бўлганлиги сабабли сўз **фурқатида** тушиб қолади. Масалан:

| | | |
|--------|----------|-----------|
| مجله | мажиллэ | журнал |
| مجلات | мажиллот | журналлар |
| اداره | эдорэ | идора |
| ادارات | эдорот | идоралар |
| مقاله | мақолэ | мақола |
| مقالات | мақолот | мақолалар |

-от (ات) кўплик кўшимчаси баъзи бир форс сўзларидан ҳам кўплик ҳосил қилади. Масалан:

| | | |
|-------|-------|-----------|
| باغ | боғ | боғ |
| باغات | боғот | боғлар |
| ده | дэх | қишлоқ |
| دهات | дэхот | қишлоқлар |

Қисқа э (ه) унлиси билан тугаган форс сўзларига -от (ات) кўплик кўшимчаси қўшилганда от кўплик кўшимчаси олдидан бир жим (ج) ҳарфи орттирилади. Бу ҳолда сўз охиридаги э (ه) ёзувда тушиб қолади. Масалан:

| | | |
|-----------|------------|------------|
| ميوه | мивэ | мева |
| ميوجات | мивэжот | мевалар |
| كارخانه | корхонэ | корхона |
| كارخانجات | корхонэжот | корхоналар |
| روزنامه | рузномэ | газета |
| روزنامجات | рузномэжот | газеталар |
| سبزه | сабз | кўкат |
| سبزجات | сабзэжот | кўкатлар |

4) Форс тилида араб кўплик аффиксларидан ташқари, кўп миқдорда арабий «синиқ кўплик» шакллари ҳам мавжуддир. Сўзнинг ўзагини ташкил этувчи ундошлар орасидаги унлиларнинг ўзгариши, ноўзак ундошларнинг кириши, умуман, сўз ички таркибининг ўзгариши (ички флекция) натижасида ҳосил бўлувчи кўплик синиқ кўплик дейилади. Бу йўл билан ясалган кўшлик шаклидаги сўзлар форс тилига тайёр ҳолда, ўзларининг кўплик шаклларида кириб келган. Араб синиқ кўшлик шаклларида ясалиши бирмунча мураккаб бўлгани учун, одатда луғат ва дарсликларда сўзнинг бирлик шакли билан бир қаторда, унинг кўплик шакли ҳам берилади. Юқорида айтганимиздек, синиқ кўшликнинг шаклланишида маълум қонуният йўқ. Шу сабабли ҳар бир сўз ўзининг кўплик вазни билан бирга ўрганилгани мақсадга мувофиқдир. Масалан:

| ملرد | جمع | таржимаси |
|---------|---------|---------------|
| ريف | ريفقا | ўртоқлар |
| وزير | وزرا | вазирлар |
| شاعر | شعرا | шоирлар |
| اديب | ادبا | адабиётчилар |
| اشخاص | اشخاص | шахслар |
| شعر | اشعار | шеърлар |
| مرکز | مراكز | марказлар |
| وسيله | وسايل | воситалар |
| علم | علوم | ўлум |
| فن | فنون | фўнун |
| رجل | رجال | кишилар |
| دولت | دول | давлатлар |
| مillet | ممل | миллатлар |
| جمهورىي | جمهورىي | республикалар |
| کتاب | کتاب | китоблар |
| رسم | رسوم | расмлар |
| آثار | اثار | осор |
| وقت | اوقات | авқот |
| عالم | علماء | ўламо |
| نهار | انهار | анҳор |
| روح | ارواح | арвоҳ |

ИЗОФА ЗАНЖИРИ

Форс тилида учтидан кам бўлмаган аниқловчилар бир-бири билан изофа орқали боғланиб келса, ёки бир аниқланмишни учдан кам бўлмаган аниқловчилар ўзаро изофа орқали бўғланиб аниқлаб келса бундай кўринишларга изофа занжири дейилади. Форс тилидаги изофа занжири ўзбек тилидаги мураккаб бирикмага тўғри келиди.

| ФОРС ТИЛИДА | ЎЗБЕК ТИЛИДА |
|-----------------------------|---|
| ИЗОФА ЗАНЖИРИ | МУРАККАБ БИРИКМА |
| قانون اساسى جمهورى ازبکستان | Ўзбекистон республикасининг конституцияси |
| روستاهاى قشماگ کشورمان | мамлакатимизнинг чиройли қишлоқлари |

من دانشجوی سال دوم دانشگاه زبان و ادبیات ازبکی دولتی تاشکند به نام علیشیر نوابی هستم.

Ман донэшжу-йэ сол-э дүввүм-э донэшгох-э забон ва адабиёт-э ўзбаки-йэ дүвлати-йэ Тошканд бэ ном-э Алишер Навоий ҳастам.

Мен Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети иккинчи курс талабасиман.

نویسنده ی بزرگ ایران
нависандэ-йэ бӯзүрг-э Ирон
Эроннинг буюк ёзувчиси

Изофа занжирида аниқловчи сўзлар бир-бирини аниқлаб, изохлаб ва маъносини тўлдириб келади ҳамда ўзаро изофа кўрсаткичи орқали боғланадилар. **Масалан:**

دانشجوی سال اول
донэшжу-йэ сол-э аввал
биринчи курс талабаси

دانشجوی سال اول دانشکده ی روزنامه نگاری
донэшжу-йэ сол-э аввал-э донэшкадэ-йэ рузномэнэгори
журналистика факултетининг биринчи курс талабаси

Аниқловчи билан аниқланмиш сўзлар бир-бирлари билан изофа кўрсаткичи орқали занжир каби боғланиб кетади ва бир бутун изофий бирикмани ҳосил қиладилар. Изофий занжирдаги ҳамма сўзлар (**охирги сўздан ташқари**) изофа кўрсаткичини олади. Бирикмадаги охирги аниқловчи эса ҳар доим изофа қабул қилмайди, яъни изофалар сони ҳар доим аниқловчилар сонидан битта кам бўлади.

Изофа занжирида қатъий сўз тартиби мавжуд. Бу тартибнинг бузилиши сўз бирикмасидаги мазмуннинг ўзгаришига сабаб бўлади.

ИЗОФА ЗАНЖИРИ ТАРКИБИДА КИШИЛИК ОЛМОШЛАРИ ВА КЎРСАТИШ ОЛМОШЛАРИНИНГ ЎРНИ

Агар бирикма таркибида кишилик олмошларидан бири бўлса, иштирок этаётган кишилик олмоши доимо бирикма охирида келади. **Масалан:**

کتاب زبان فارسی دانشیار ما

кэтоб-э забон-э форси-йэ донэшёр-э мо
бизнинг ўқитувчимизнинг форс тили китоби

Агар бирикмада кўрсатиш олмошларидан бири бўлса, иштирок этаётган кўрсатиш олмоши доимо ўзига тегишли бўлган сўз олдида шайлашади. **Масалан:**

کتاب درسی زبان فارسی این دانشیار

кэтоб-э дарси-йэ забон-э форси-йэ ин донэшжу
бу талабанинг форс тили дарслиги

ҲАМЕ ОЛМОШИ ҲАҚИДА

Форс тилида ҳамэ (همه) олмоши гапда изофа билан ва изофасиз ўқилиши мумкин. Агар ҳамэ (همه) олмошидан кейин келган сўз мушрик шаклида бўлса, ҳамэ (همه) изофа билан birlik шаклида бўлса, изофасиз ўқилади. **Масалан:**

| ИЗОФАЛИ | | ИЗОФАСИЗ | |
|----------------------|------------|------------|----------|
| همه ی دانشجو یان | همه ی ما | همه خانه | همه جا |
| хамэ-йэ донэшжуён | хамэ-йэ мо | хамэ хонэ | хамэ жо |
| барча талабалар | хаммамиз | хамма хона | хамма ер |

Итоҳ: ҳамэ олмошидан кейин келган сўз кўпликдаги кишилик олмошлари бўлса ҳам ҳамэ олмоши изофа қабул қилади. **Масалан:**

همه ی آنها хамэ-йэ онҳо

уларнинг барчаси

1-топширик. Қуйида берилган гапларни изофа қоидасига риюя қилиб ўқинг ва ўзбек тилига таржима қилинг.

اسم شما چیست؟ اسم من سلطنت است. اسم خانوادگی (نام خانوادگی) شما چیست؟ اسم خانوادگی (نام خانوادگی) من مرادوفه است. خانه ی شما کجا است؟ خانه ی ما در خیابان نوانی است. خیابان نوانی کجا است؟ خیابان نوانی در مرکز شهر است. کامران کیست؟ کامران دوست من است. او اهل کجاست؟ او اهل ایران نیست. دلمراد کیست؟ او همسایه ی من است. او هم اهل ایران نیست؟ نخیر او اهل ازبکستان است. پایتخت ازبکستان کدام شهر است؟ پایتخت ازبکستان شهر تاشکند است.

2-топширик. Қуйида берилган транскрипцияда берилган бирикмаларни изофа имло қоидасига риюя қилган ҳолда араб-форс алифбосида машқ дафтарингизга ёзинг.

Руз-э эстэклол, конун-э асоси, парчам-э Ўзбакэстон, сўруд-э Ўзбакэстон, лебос-э мелли, жашн-э нўвруз, торих-э Ўзбакэстон, донэшқадэ-йэ рузномэнэҗори, кэтоб-э ман, донэшжужэ-йэ донэшқадэ, нависандэ-йэ машхур, дарс-э панжўм, ҳамсэ-йэ Навои, донэшқадэ-йэ тэбб, дўстэ ман, мэдод-э сиёх, хоҳар-э ман, доэшёр-э мо, эморат-э бўланд, кэтоб-э хуб, боғ-э эстэроҳат, хиёбон-э Эстэқлол, мэйдон-э варзш, дивор-э сефид, сиб-э сўрх, шаҳр-э Самарқанд, нон-э Самарқанд, бу-йэ гўл.

3-топширик. Қуйида берилган ўзбек тилида учрайдиган форсий бирикмаларни араб ёзувида машқ дафтарингизга ёзинг.

| | | | |
|---------------|-----------------|---------------|----------------|
| абри найсон | луқмаи ҳалол | вазири аъзам | рўзи маҳшар |
| алломай замон | мардўми Фарғона | гуноҳи кабира | сарвари коинот |
| амри маъруф | мушки анбар | дарди бедаво | сарви равон |
| аркони давлат | ойинаи жаҳон | дарди сар | таржимаи ҳол |
| аҳли илм | офати жон | жумлаи жаҳон | толиби илм |
| балои ҳафс | ошиқи беқарор | жумлаи мўмин | фасли навбахор |
| бандаи ночор | ошиқи зор | зоти шариф | ҳалвои тар |
| боғи шамол | пири муршид | лаби хандон | шаби ялдо |
| боғи эрам | пойи тахт | руйи зебо | шоми хижрон |
| Бухорои шариф | девони Фоний | оби дида | нури дида |
| сарви қомат | девознаи Машраб | оби ҳаёт | нуктаи назар |
| лаби ғунча | Луқмони Ҳаким | оби равон | пири комил |

4-топширик. Қуйида берилган гапларни форс тилига ёзма таржима қилинг.

Бу киши ким? Бу киши менинг дўстим. Бу қиз ўртоғимнинг синглиси. Бу йигит университет талабаси. Университет биноси бу ерда чиройлидир. Бизнинг аудитория катта ва ёруғ. Сизнинг китобингиз қайерда? Менинг китобим столнинг устида. Бу қалам қайси рангда? Бу қалам қизил рангда. Сизнинг дўстингиз қайерда? Менинг дўстим Самарқанд шахрида. Бу бино журналистика факултети биносидир.

Ўзбекистон республикасининг байроғи, Ўзбекистон республикасининг конституцияси, Ўзбекистон республикасининг гимни, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг тилшунослик институти илмий ходимлари, Эрон мамлакатининг асосий қишлоқ кўчалари маҳсулотлари, Ўзбекистон республикасининг қишлоқ кўчалари, Ўзбекистон ёшлари, шарқ факултетининг талабалари, санъат ва адабиёт байрамлари, болалар спорт майдончалари, Ўзбекистоннинг олий ўқув юртлири, шахримизнинг гўзал кўчаларидан бири, факултетимиз талаба ёшлари, Умар Ҳайём рубоийлари, ўзбек тили ва адабиёти факултетининг талабалари, калқаро журналистика факултетининг иккинчи курс талабалари

5-топширик. Қуйида берилган сўзларнинг бирлик шаклини таъкидлаш ва уларни бирлик шакли билан бирга машқ дафтарингизга ёздинг.

| | | | | | |
|------|--------|--------|--------|-------|-------|
| قالب | الخباز | السلام | اطراف | ارواح | حدود |
| الزر | جمامه | رفقا | اشخاص | اشعار | شرايط |
| مك | اهم | ادبا | المراد | انحار | كتب |

Мавзуга оид савол ва топшириқлар:

1. Итофа сўзининг луғавий маъноси нима?
2. Форсий итофа деганда нимани тушунаси?
3. Ўзбек ва форс тилларидаги бирикмалар таркибидаги сўзлар тартиби қандай бўлади?
4. Ўзбек тилида учрайдиган форсий изофаларни биласизми?
5. Мўзоф сўзининг луғавий маъноси нима?
6. Мўзоф-э-лейх сўзининг луғавий маъноси нима?

7. Агар аниқланмиш ёки қаралмиш ундош билан тугалланган бўлса, изофа қандай ифодаланади?

8. Агар аниқланмиш ёки қаралмиш қисқа э унлиси билан тугалланган бўлса, изофа қандай ифодаланади?

9. Агар аниқланмиш ёки қаралмиш чўзиқ о ва у билан тугалланган бўлса, изофа қандай ифодаланади?

10. Агар аниқланмиш ёки қаралмиш чўзиқ и унлиси билан тугалланган бўлса, изофа қандай ифодаланади?

11. Форс тилидаги кўплик кўшимчалари қайсилар?

12. Ҳо кўплик кўшимчаси қандай отлардан кўплик ҳосил килади?

13. Он кўплик кўшимчаси қандай отлардан кўплик ясади?

14. Ҳо ва он кўплик кўшимчалари бири ўрнида иккинчи бири ишлатилиши мумкинми?

15. Ундош билан тугалланган отларга он кўплик кўшимчаси кўшилганда қандай имло ўзгариши кузатилади?

16. Қисқа э унлиси билан тугалланган отларга он кўплик кўшимчаси кўшилганда қандай имло ўзгариши кузатилади?

17. Чўзиқ о ва у унлилари билан тугалланган отларга он кўплик кўшимчаси кўшилганда қандай имло ўзгариши кузатилади?

18. Чўзиқ у унлиси билан тугалланган баъзи отларга он кўплик кўшимчаси кўшилганда қандай имло ўзгариши кузатилади?

19. Тўғри кўплик деб нимага айтилади?

20. Синик кўплик деб нимага айтилади?

21. Тўғри кўплик кўшимчалари қайсилар?

22. Изофа занжири ҳақида батафсил маълумот беринг.

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Ю.А. Рубинчик, Грамматика современного персидского литературного языка. Москва 2011 г.

2. Anousha Shahsavari, Blake Atwood, Persian of Iran today. An introductory course, Volume 1,2. Texas, 2015.

3. Plats J.T. and Ranking C.A. A grammar of the Persian language Oxford 1911 y.

4. Yodolloh Samareh Persian language teaching Iran 1993 y.

7 – МАШГУЛОТ

МАВЗУ: ФОРС ТИЛИДА СОН. ФЕЪЛ. ЎТГАН ЗАМОН АНИҚ ФЕЪЛИ. ФОРС ТИЛИДА ОЛД ҚЎШИМЧАЛАР.

Режа:

1. Форс тилида сон.
2. Форс тилида феъл.
3. Ўтган замон аниқ феъли.
4. Форс тилида йил, ой, ҳафта ва кунларни ифодаланиши.

Таянч сўз ва иборалар. Ўзбек тили, форс тили, грамматика, сон, миқдор сон, санок сон, адодэ асли, тартиб сон, адодэ тартиби, фасл, баҳор, тобэстон, поиз, зэмэстон, ҳафтэ, руз, феъл, содда феъл, олд қўшимчали (префиксли) феъл, мураккаб феъл, масдар, феъл негизлари (асослари), ришэ-йэ афъол, феъл замонлари, мози-йэ мўтлақ, ўтган замон аниқ феъли, феълнинг бўлишли шакли, феълнинг бўлишсиз шакли, бирлик, кўплик, шахс-сон қўшимчалари, -на инкор юкламаси, кишилиқ олмошлари, келишиқ, хўруфэ эзофэ, предлог, олд қўшимча, орт қўшимча, изофали предлоглар (зир, ру, пўшт, ақаб, назд, паҳлу, пиш, боло, бэйн, миён, пэй, ту, бробар, сар), мураккаб предлоглар (дар боб, дар борэ, дар хўсус, дар атроф, дар роҳ, бэвасилэ, бэвоситэ, рожэ бэ, ойэд бэ, гэйр аз, нас аз, баъд аз, пиш аз, қабл аз), изофали мйраккаб предлоглар, **изофасиз мураккаб предлоглар.**

Уқув машгулотининг мақсади. Ўзбек тили, форс тили, грамматика, сон, миқдор сон, санок сон, адодэ асли, тартиб сон, адодэ тартиби, фасл, баҳор, тобэстон, поиз, зэмэстон, ҳафтэ, руз, феъл, содда феъл, олд қўшимчали (префиксли) феъл, мураккаб феъл, масдар, феъл негизлари (асослари), ришэ-йэ афъол, феъл замонлари, мози-йэ мўтлақ, ўтган замон аниқ феъли, феълнинг бўлишли шакли, феълнинг бўлишсиз шакли, бирлик, кўплик, шахс-сон қўшимчалари, -на инкор юкламаси, кишилиқ олмошлари, келишиқ, хўруфэ эзофэ, предлог, олд қўшимча, орт қўшимча, изофали предлоглар (зир, ру, пўшт, ақаб, назд, паҳлу, пиш, боло, бэйн, миён, пэй, ту, бробар, сар), мураккаб предлоглар (дар боб, дар борэ, дар хўсус, дар атроф, дар роҳ, бэвасилэ, бэвоситэ, рожэ бэ,

ойэд бэ, гэйр аз, пас аз, баъд аз, пиш аз, қабл аз), изофали мйраққаб предлоглар, изофасиз мураққаб предлоглар ҳақида назарий маълумотлар бериш ва уларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш.

МИҚДОР СОНЛАР

Рақамлар (араб. رقم – сон, номер)—сонлар ифодаланадиган шартли белгилар. Энг қадимда сонлар сўзлар орқали ифодаланган. Халқларнинг ижтимоий-хўжалик ҳаёти ривожланиши билан мукамалроқ белгиларга ва ҳисоблаш системаларини ишлаб чиқишга эҳтиёж туғилди.

Энг қадимги рақамлар бобилликлар ва мисрликларга мансубдир. Миср иероглиф рақамларида (мил. ав 3000-2500 йилда пайдо бўлган) сонларни ифодалаш учун махсус расм-белгилар, кейинроқ иератик ва демотик ёзувлари пайдо бўлди. Бобил рақамлари (мил. ав. 2000 йил боши) асосан 1, 10, 60 ва 100 ни билдирувчи миҳхат белгилари бўлиб, бошқа барча рақамалар шулар асосида ифодаланган. Миср иератик ёзувидан Яқин ва Ўрта Шарқдаги барча ёзувлар ва Юнон-Иония ёзуви, шу билан бирга алифбога асосланган рақамлар келиб чиқди. Босма юнон алифбоси славян-кириллитса ва ҳарфий рақамларга асос солди. Ҳозирги рақамларнинг тимсоллари (нол билан биргаликда) Ҳиндистонда V асрга яқин юзага келган. Бунгача Ҳиндистонда кхарошти рақамлари ва у билан деярли бир вақтда браҳми рақамлари бўлган. Браҳми рақамларидан ҳинд гвалиор рақамлари келиб чиқди. Гвалиор рақамлари эса араб рақамларига асос солган. Араб рақамлари икки турли шарқий ва ғарбий (ғубор) рақамлардан иборат. Шарқий араб рақамлари Миср ва ундан шарқдаги араб мамлакатлари, Эрон ҳамда Афғонистонда қўлланилади. ғарбий араб рақамлари (ғубор) эса Мисрдан ғарбдаги араб мамлакатларида қўлланилади. Эвропада IX асрдан бошлаб ғубор рақамлари тарқалади ва тезда оммалашади. Шарқ мамлакатларида эса ғубор рақамлари XVIII асргача ҳам кенг тарқалмади. Қадимги рақамлардан фақат Рим рақамлари ҳозиргача қўлланади

Ҳозирги замон рақамларининг эволютсия жадвали.

| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 0 |
|-------------------------------------|---|----|-----|----|---|----|-----|------|----|---|
| Браҳми | — | = | ≡ | ∴ | ∵ | ∶ | ∷ | ∸ | ∹ | |
| Гваллор | ᳚ | ᳛ | ᳜ | ᳝ | ᳞ | ᳟ | ᳠ | ᳡ | ᳢ | ᳣ |
| Шарқий араб рақамлари | ١ | ٢ | ٣ | ٤ | ٥ | ٦ | ٧ | ٨ | ٩ | ٠ |
| Губор | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | |
| 976 йил қўл ёзма (Европа) | I | II | III | IV | V | VI | VII | VIII | IX | |
| XII-аср бошидаги қўл ёзма | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 0 |
| Саярбосно асарининг кўлиниши (1442) | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 0 |
| А.Давлат рақамлари (1925) | 2 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | |
| Индиянинг бошқа рақамлари (1400) | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 0 |

Араб рақамлари -- Унга математик белги: 0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9. Бу рақамлар билан исталган катта ёки кичик сонни ёзиш мумкин. Араб рақамларининг ишлатилишида машҳур ўзбек математиги Абу Абдулло Муҳаммад ибн Мусо Хоразмийнинг муҳим ҳиссаси бор.

Араблар Ироқ, Миср ва Сурияни истило қилишгунча юнон алифбосига асосланган рақамлардан фойдаланганлар. VI асрдан бошлаб араб алифбоси ҳарфлари билан ифодаланувчи рақамлар қўлланилган. Муҳаммад Хоразмий Ҳиндистонда кашф этилган ўн рақамдан иборат нозитсион системани ўргангани, соддалаштиради, кенгайтиради ва биринчи марта араб тилида баён этади. Хоразмий «Арифметика»си билан бирга бу ҳинд рақамлари араб Шарқига кириб қолади. Хоразмийнинг бу асари арабчадан лотинчага таржима қилиниб, X асрда Испанияга, XII асрда Европанинг бошқа мамлакатларига тарқалади ва ҳанузгача жаҳонда мазкур рақамлар араб рақамлари номи билан юритилади. Араб рақамларини жаҳонга тарқатган Муҳаммад Хоразмий эканилиги ҳақида Абу Райҳон Бериуний ўзининг «Ҳиндистон» асарида айтиб ўтган.

Форс ёзувида ҳозир араб рақамлари деб аталаётган (аслида ҳинд рақамлари бўлса ҳам, оммага араб рақамлари номи билан сингдирилган) рақамлардан фойдаланилган. Бу рақамларнинг баъзи шакллари ҳамда кўпликни ифода этиш тартиби ҳозирги ёзувимиз рақамлари ҳамда унинг тартибидан катта фарқ қилмайди.

Сон предметнинг саноғини, тартибини кўрсатувчи сўз туркумидир².

Форс тилида сон куйидаги грамматик белгиларга эга:

1. Доим отлар билан бирга қўлланиб, отларнинг аниқловчиси бўлиб келади.

2. Сонлар ҳеч қачон белги ифодаловчи сўзларни ўзига тобе қилиб келмайди – аниқловчи олмайди.

3. Бошқа сўз туркумларидан сон ясалмайди. Сондан эса турли сўз туркумлари ясаши мумкин.

4. Предметнинг миқдорини ифодалашда баъзан предмет билан сон ўртасида ҳисоб сўзлари (нумеративлар) қўлланади.

5. Сон мустақил ишлатилганда (отлашганда ва мавҳум миқдор тушунчасини билдирганда), олд ва орт комакчиларни (ўзбек тилида эса келишик ва эгалик кўшимчаларини) қабул қилиши мумкин.

Бир сонидан катта барча сонлар отнинг кўплик шаклига хос бирдан ортиклик, кўплик тушунчасини конкретлаштириб, аниқлаб ифодалашга хизмат қилади. Шунинг учун бундай сонлар билан бириккан от кўплик шаклсиз ишлатилади. Солиштиринг:

دانشجویان آمدند.

Донэшжуён омаданд.

Талабалар келишди.

پنج دانشجو آمد.

Панж донэшжу омад.

Беш талаба келди.

Форс тилида сонлар хусусиятларига кўра иккига бўлинади.

1. Миқдор сонлар. 2. Тартиб сонлар.

Предметнинг миқдорини билдирувчи сонлар миқдор сонлар дейилади ва улар форс тилида **аъдод-э асли** (اعداد اصلی) деб юритилади.

Предметнинг тартибини билдирувчи сонлар тартиб сонлар дейилади ва улар форс тилида **аъдод-э тартиби** (اعداد ترتیبی) деб юритилади.

Форс тилида сонлар ёзувда худди ўзбек тилидагидек икки кўринишда бўлади.

1. Сўз билан.

² Сон саналадиган предмет билан бирга қўлланмаганда, яъни математик сон маъносида у сон оти ҳисобланади. Бундай вақтда соннинг маъноси мавҳум характерга эга бўлади. Сонлар саналадиган предметлар билан бирга қўлланганда, у сон туркумини ташкил қилади.

3. Рақам билан.

Форе тилида сонлар сўз билан ифодаланса, ўнгдан чапга томон ёзилади ва ўкилади. Масалан:

| | | |
|------------|------|------|
| چهار و چهل | هزار | بیست |
| ← | ← | ← |

Форе тилида сонлар рақам билан ифодаланса, чапдан ўнгга томон ёзилади ва ўкилади. Масалан:

| | | | | | |
|-----|-----|------|------|------|------|
| ۱۲۳ | 123 | ۲۰۳۴ | 2534 | ۶۸۷۹ | 6879 |
| → | → | → | → | → | → |

0 ДАҢ 10 ГАЧА БЎЛГАН МИҚДОР СОНЛАР

| | | | |
|----|------|-------|--------|
| ۰ | سفر | сэфр | нол |
| ۱ | یک | йэк | бир |
| ۲ | دو | дў | икки |
| ۳ | سه | сэ | уч |
| ۴ | چهار | чаҳор | тўрт |
| ۵ | پنج | панж | беш |
| ۶ | شش | шэш | олти |
| ۷ | هفت | ҳафт | етти |
| ۸ | هشت | ҳашт | саккиз |
| ۹ | نه | нўх | тўккиз |
| ۱۰ | ده | дах | ўн |

0 дан 10 гача бўлган миқдор сонлардан кўплари ўзбек тилига ўнланган. Масалан: 1-ск: **якшанба** (биринчи шанба), **якка** (битта), **чорик** (тўртдан бир), ...; 2-дў: **душанба** (иккинчи шанба), **дугор** (икки тор), **дугоҳ** (шашмақомнинг иккинчи мақоми), ...; 3-се: **сешанба** (учинчи шанба), **сэгоҳ** (шашмақомнинг учинчи мақоми), ...; 4-чаҳор: **чоршанба** (тўртинчи шанба), **чорраҳа** (тўрт йўлнинг биригашган жойи), **чордарвеш** (тўрт дарвеш), **чорбоғ** (тўрт боғ ёки тўрт томони боғ), **чортоқ** (тўрт тоғ ёки тўрт томони тоғ), **чорсу** (тўрт томон), **чоргоҳ** (шашмақомнинг тўртинчи мақоми), **Чори** (тўртинчи ўғил фарзандга қўйиладиган исм), ...; 5-панж: **пайшанба** (бешинчи шанба), **панжа** (панжа? Беш бармоқ), **паншаха** (беш шохли ничан ортишда ишлатиладиган хўжалик ускунаси), **Панжи**

(бешинчи ўғил фарзандга қўйиладиган исм), ...; 6-шеш: **шашмақом** (олти мақом), **шашқатор** (олти қатор), ...; 7-хафт: **хафта** (еттилик), **хафтияк** (еттидан бир), **хафт авранг** (етти ранг), ...; 8-ҳашт: **ҳаштибеҳишт** (сакиз жаннат), ...; 10-дах: **даҳа** (ўн кунлик). Шу билан бирга форс тилидаги 40 **чэхэл** ёки **чил** ва 1000 **ҳазор** миқдор сонлари ҳам ўзбек тилида учрайди. **Масалан: чилтор** (қарқ тор), **чилла** (қирқ кунлик), **чилган** (қирқ киши), **ҳазорасп** (минг от).

11 ДАН 20 ГАЧА БЎЛГАН МИҚДОР СОНЛАР

Форс тилидаги 11 дан 20 гача бўлган миқдор сонларнинг ясалишига аҳамият берадиган бўлсак, ушбу сонлардаги ўнликлар ва бирликлар ўрни алмашгани, ҳамда, бирлик шаклдаги миқдор сонлар ўзининг аслий номланишидан кескин фарқ қилишини кўрамиз. Шу сабабли форс тилидаги 11 дан 20 гача бўлган миқдор сонлар ўзгаришга учраган сонлар деб аталади.

| | | | |
|----|--------|----------|-----------|
| ۱۱ | يازده | ёздаҳ | ўн бир |
| ۱۲ | دوازده | давездаҳ | ўн икки |
| ۱۳ | سیزده | сиздаҳ | ўн уч |
| ۱۴ | چهارده | чаҳордаҳ | ўн тўрт |
| ۱۵ | پانزده | понздаҳ | ўн беш |
| ۱۶ | شانزده | шонздаҳ | ўн олти |
| ۱۷ | هفده | ҳэфдаҳ | ўн етти |
| ۱۸ | هجده | ҳэждаҳ | ўн саккиз |
| ۱۹ | نوزده | нуздаҳ | ўн тўккиз |
| ۲۰ | بیست | бист | йигирма |

ЎНЛИК СОНЛАР

| | | | |
|-----|-------|--------|---------|
| ۱۰ | ده | дах | ўн |
| ۲۰ | بیست | бист | йигирма |
| ۳۰ | سی | си | ўттиз |
| ۴۰ | چهل | чэхл | қирқ |
| ۵۰ | پنجاه | панжоҳ | эллик |
| ۶۰ | شصت | шаст | олтмиш |
| ۷۰ | هفتاد | ҳафтод | етмиш |
| ۸۰ | هشتاد | ҳаштод | саксон |
| ۹۰ | نود | навад | тўқсон |
| ۱۰۰ | صد | сад | юз |

ЮЗЛИК СОНЛАР

| | | | |
|-----|--------|----------|-----------|
| ۱۰۰ | صد | сад | юз |
| ۲۰۰ | دويست | дэвист | икки юз |
| ۳۰۰ | سيصد | сисад | уч юз |
| ۴۰۰ | چهارصد | чаҳорсад | тўрт юз |
| ۵۰۰ | پانصد | понсад | беш юз |
| ۶۰۰ | ششصد | шэшсад | олти юз |
| ۷۰۰ | هفتصد | хафтсад | етти юз |
| ۸۰۰ | هشتصد | ҳаштсад | саккиз юз |
| ۹۰۰ | نه صد | нўҳсад | тўккиз юз |

МИНГЛИК ВА МИЛЛИОНЛИК СОНЛАР

| | | | |
|---------|------------|--------------|-------------|
| ۱۰۰۰ | هزار | ҳэзор | минг |
| ۲۰۰۰ | دو هزار | дў ҳэзор | икки минг |
| ۷۰۰۰ | هفت هزار | хафт ҳэзор | етти минг |
| ۸۰۰۰ | هشت هزار | ҳашт ҳэзор | саккиз минг |
| ۱۰۰۰۰ | ده هزار | дах ҳэзор | ўн минг |
| ۵۰۰۰۰ | پنجاه هزار | панжоҳ ҳэзор | эллиқ минг |
| ۶۰۰۰۰ | شصت هزار | шаст ҳэзор | олтмиш минг |
| ۷۰۰۰۰ | هفتاد هزار | хафтод ҳэзор | етмиш минг |
| ۸۰۰۰۰ | هشتاد هزار | ҳаштод ҳэзор | саксон минг |
| ۹۰۰۰۰ | نود هزار | навад ҳэзор | тўксон минг |
| ۱۰۰۰۰۰۰ | یک مليون | йэк мэлюн | миллион |

Йигирмадан юқори бўлган барча миқдор сонлар (ўнликлар, юзликлар, мингликлар ва бошқа сонлар) бир-бирлари билан ва (۹) боғловчиси орқали боғланиб, мураккаб сон ҳосил қилади. Боғловчи талаффузда ўз олдидаги сонга кўшилиб, ў тарзида талаффуз қилинади. Ёзувда эса алоҳида ёзилади. Масалан:

چهل و چهار
чэхэл-ў чаҳор
кирк тўрт

سيصد و بيست و پنج
сисад-ў бист-ў панж
уч юз йигирма беш

چهار هزار و دويست و پنجاه و شش
чаҳор ҳэзор-ў дэвист-ў панжоҳ-ў шэш

1. Микдор сонларга -ўм (م) кўшимчаси кўшиш орқали тартиб сонлар ҳосил қилинади. Масалан:

| | | |
|------|--------|------------|
| پنج | панж | беш |
| پنجم | панжўм | бешинчи |
| هشت | ҳашт | саккиз |
| هشتم | ҳаштўм | саккизинчи |
| ده | дах | ўн |
| دهم | дахўм | ўнинчи |

Форс тилидаги дў, сз, си микдор сонларидан тартиб сонлар ҳосил қилинади, баъзи фонетик ўзгаришлар юз беради. Масалан:

| | | |
|-------|--------|-----------|
| دو | дў | икки |
| دوم | дўввўм | иккинчи |
| سه | сз | уч |
| سوم | сзввўм | учинчи |
| سى | си | ўттиз |
| سى ام | сийўм | ўттизинчи |

2. Микдор сонларга - ўмин (مين) кўшимчасини кўшиш орқали тартиб сонлар ҳосил қилинади. - ўмин (مين) кўшимчасини - ўм (م) га нисбатан кам ишлатилиб, асосан адабий тилда кўп учрайди. Масалан:

| | | |
|---------|-----------|----------|
| چهار | чаҳор | тўрт |
| چهارمين | чаҳорўмин | тўртинчи |
| شش | шэш | олти |
| ششمين | шэшўмин | олтинчи |
| چهل | чэхэл | кирк |
| چهلمين | чэхэлўмин | киркинчи |

3. Форс тилида йэкўм (يکم) – биринчи тартиб сони билан бир қаторда шу соннинг арабча шакли аввал (اول) ҳам кўп қўлланади. Масалан:

| | | |
|-----------|----------------|-----------------|
| درس يكم | дарс-э йэкўм | биринчи дарс |
| درس اول | дарс-э аввал | биринчи дарс |
| استاد يكم | ўстод-э йэкўм | биринчи муаллим |
| استاد اول | ўстод-э аввал | биринчи муаллим |
| تمرين يكم | тамрин-э йэкўм | биринчи машқ |
| تمرين اول | тамрин-э аввал | биринчи машқ |

Шу билан бирга, форс тилида бошқа араб тартиб сонлари ҳам учрайди: **сони** – (ثانى) иккинчи, **солэс** – (ثالث) учинчи ва ҳоказо.

Мураккаб сонларда **-ўм (م)** ва **-ўмин (مين)** қўшимчалари соннинг охириги қисмига қўшилади. **Масалан:**

صد و بيست و پنجمين
сад-ў бист-ў панжўмин
 бир юз йигирма бешинчи

دو هزار و نهصد و هفتاد و پنج
дў ҳазор-ў нўҳсад-ў панжўм
 икки минг тўккиз юз этмиш бешинчи

ТАРТИБ СОНЛАРНИНГ СИНТАКТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

1. **Ўм (م)** қўшимчаси ёрдамида ясалган тартиб сонлар синтактик хусусияти жихатидан, ўзбек тилидаги сингари, сифатларга якин туради ва гапда аниқловчи вазифасини бажариб, ўзидан олдинги сўз билан изофа орқали боғланади. **Масалан:**

| | | |
|-----------|------------------|-----------------|
| درس نهم | дарс-э нўҳўм | тўккизинчи дарс |
| روز چهارم | руз-э чаҳорўм | тўртинчи кун |
| طبقه هفتم | табақэ-йэ ҳафтўм | еттинчи қават |
| سال دوم | сол-э дўввўм | иккинчи йил |

2. **Ўмин (مين)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган тартиб сонлар ҳам гапда аниқловчи вазифасини бажариб келади. Лекин бу тартиб сонлар ўзи аниқлайдиган сўздан олдин келиб, у билан оддий битишув йўли отқали боғланади **Масалан:**

سى و يکمين سالگرد استقلال جمهورى ازبکستان
сийў йэкўмин солгард-э эстэқлол-э жўмхури-йэ Ўзбакэстон
Ўзбекистон республикаси мустақиллигининг 31 йиллиги

سال دو هزار و ششم

сол-э дў ҳазор-ў шэшўм
икки минг олтинчи йил

Ўмин (مين) кўшимчаси билан ясалган тартиб сондан сўнг вақтни билдирувчи сол (سال) (йил) сўзи келган пайтда, иккала сўз бирикиб, бирор воқеа ёки ҳодисанинг бўлиб ўтганига маълум вақт бўлганлигини ҳам билдириши мумкин. Масалан:

دو هزار و ششمين سال

дў ҳазор-ў шэшўмин сол
икки минг олтинчи йил

زنده باد سى و دومين سال استقلال ازبکستان!

Ўиндэ бод си-йў дўввўмин сол-э эстэқлол-э Ўзбакэстон!
Яшасин Ўзбекистон мустақиллигининг 32 йиллиги!

ФОРС ТИЛИДА ЙИЛ, ОЙ ВА КУНЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Йилни ифодалаш учун сол сўзи йил миқдорини кўрсатувчи сон олдига қўйилиб, ўзаро изофа орқали боғланади. Масалан:

سال هزار و نهصد و هفتاد و شش

сол-э ҳазор-ў нўҳсад-ў ҳафтод-ў шэш
бир минг тўққиз юз этмиш олтинчи йил

Ўзбек тилида йил миқдорини билдирган сўз тартиб сон шаклида келади, лекин форс тилида эса йил миқдорини билдирган сўз тартиб сон кўшимчасини қабул қилмай, доимо миқдор сон шаклида бўлади. Масалан:

سال دو هزار و صد و بيست و پنج

сол-э ҳазор-ў сад-ў бист-ў панж
икки минг бир юз йигирма бешинчи йил

ИЗОҲ: Форс тилида йил миқдорини кўрсатишда ишлатилаётган сонлар тартиб сон кўшимчаларини олмайди. Чунки, улардан сўнг йил ҳисоби номи саналган милодий ёки ҳэжрий сўзлари келади.

Масалан:

دو هزار و صد و بیست و پنج میلادی
хазор-ў сад-ў бист-ў панж-э милоди
милодий икки минг бир юз йигирма бешинчи йил

| نام فصلهای سال | | | |
|----------------|---------|-------|--------|
| بهار | تابستان | پاییز | زمستان |

حالا فصل تابستان است.

Ҳоло фасл-э тобэстон аст.

Ҳозир ёз фасли.

| نام ماههای سال | | | |
|----------------|-------|---------|--------|
| ژانویه | آوریل | ژویه | اکتبر |
| فوریه | می | اوت | نوامبر |
| مارس | ژوین | سپتامبر | دسامبر |

آوریل و می. نام ماههای فصل بهار چنینند: مارس

Номэ моҳҳо-йэ фасл-э баҳор чэнинанд: морс, оврил ва мэй.

Баҳор фасли ойлари қуйидагилар: март, апрел ва май.

| نام روزهای هفته | | | |
|-----------------|---------|----------|---------|
| دوشنبه | سه شنبه | چهارشنبه | پنجشنبه |
| جمعه | (آدنه) | شنبه | یکشنبه |

امروز چه روزی است؟

Эмруз чэ рузи аст?

Бугун ҳафтанинг қайси куни?

امروز روز یکشنبه است.

Эмруз руз-э йэкшанбэ аст.

Бугун якшанба.

| | | | | |
|-------|-------|-------------|--------|-----------|
| امروز | دیروز | پریروز | فردا | پس فردا |
| эмруз | дируз | парируз | фардо | пас фардо |
| бугун | кеча | аввалги кун | эртага | индин |

Ой кушлари куйидагича ифодаланади: Масалан:

امروز چندم ماه است؟

'Эмруз чандўм-э моҳ аст?
Бугун ойнинг нечанчи куни?

امروز بيست و يكم ماه مارس است.

Эмруз бист-э йкўм-э моҳ-э март аст.
Бугун март ойнинг йигирма биринчи куни.

Ф Е Ъ Л

Предметнинг ҳаракатини билдириб *нима қилди?* *нима қиляпти?*
нима қилади? каби саноқларига жаноб бўлган сўзларга феъл
дейлади.

ФЕЪЛЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ

Форс тилида феъллар туб, ясама ва қўшма бўлади.

Солда ва олд қўшимчали феълларнинг ясалиши.

1) Феъл отга *идан* (يدن) қўшимчаси қўшиш орқали ясалади:

| | | | |
|--------|----------|---------|---------|
| نام | ном | خواب | уйқу |
| ناميدن | номламоқ | خوابيدن | ухламоқ |

2) Феълга олд қўшимча қўшиш орқали ясалади:

а) *бар* (بر) юқорига ёки ичкарига бўлган ҳаракатни ифода этади.

| | | | |
|----------|------------|---------|----------|
| داشتن | эга бўлмоқ | گشتن | айланмоқ |
| بر داشتن | кўтармоқ | بر گشتن | қайтмоқ |

б) *лар* (در) ичкарига томон ҳаракатни ифодалайди.

| | | | |
|---------|--------|----------|-------------|
| آمدن | келмоқ | آوردن | келтирмоқ |
| در آمدن | кирмоқ | در آوردن | олиб кирмоқ |

с) *фаро* (فرا) бирор нарсанинг атрофига бўлган йўналишни
ифода этади.

| | | | |
|-----------|----------|------------|----------|
| گرفتن | олмоқ | خواندن | ўқимок |
| فرا گرفتن | органмоқ | فرا خواندن | чақирмоқ |

д) **Фўру** (فرو) ва **фўруд** (فرود) кўшимчалари нагга томон бўлган ҳаракатни ифодалайди.

| | | | |
|-----------|--------|----------|--------|
| آمدن | келмоқ | رفتن | бормоқ |
| فرود آمدن | тушмоқ | فرو رفتن | чўкмоқ |

э) **во** (وا) кўшимчаси ҳаракатни такрорланишини, тескари ҳаракатни ифода этади.

| | | | |
|-----------|---------------|-------|-----------|
| پرسیدن | сўрамоқ | زدن | урмоқ |
| وا پرسیدن | қайта сўрамоқ | وازدن | қайтармоқ |

ф) **боз** (باز) кўшимчаси такрор ҳаракат маъносини ифода этади.

| | | | |
|----------|---------------|----------|----------|
| آمدن | келмоқ | گشتن | айланмоқ |
| باز آمدن | қайтиб келмоқ | باز گشتن | қайтмоқ |

Мураккаб феълларнинг ясалиши

Мураккаб феъл бирдан ортиқ сўзларнинг бирикувидан ҳосил бўлади бунда икки ёки ундан ортиқ ўзақлар семантик ва грамматик томондан бир бутунликни ҳосил қилиб, феъл таркибидаги сўзлар бир маънони англатади.

Форс тилидаги мураккаб феъллар асосан от ва феълдан таркиб топиб, от қисми етакчи ҳисобланади: масалан:

| | | | |
|-----------|----------|----------|----------|
| حرف زدن | сўзламоқ | جمع کردن | тўпламоқ |
| جواب دادن | жавоб | کار کردن | ишламоқ |
| | бермоқ | | |

ФЕЪЛНИНГ НОАНИҚ ШАКЛИ

Форс тилидаги феъллар луғатларда ҳар доим масдар (مصدر) яъни ноаниқ шаклда берилади. Феълнинг бу шакли шахс, сон ва замонни англатмагани учун ҳам феълнинг ноаниқ шакли деб номланади. Масдар феълнинг отга яқин шакли бўлиб, ҳам феъллик, ҳам отлик

белгиларига эга. Масдарнинг феъллик белгиси ҳаракат, ҳолатни, утимли - утимсизлик ҳолатларини сақлаши, бошқа сўзларни бошқариши бўлса, унинг отлик белгилари эса отлар сингари турланиши на ташдиди от бажарган синтактик вазифаларни бажаришидир.

Фурс тилидаги феълларнинг ноаник шакли ҳар доим – дан (دن), -тан (ان), - идан (يدن) кўшимчалари билан тугалланган бўлади. Масалан:

| | | |
|--------|----------------|----------|
| امدن | رفتن | پرسيدن |
| омадан | рафтан | пўрсидан |
| келмоқ | бормоқ, кетмоқ | сўрамоқ |
| هوآدن | گفتن | پریدن |
| хондан | гўфтан | паридан |
| ўқимоқ | айтмоқ, демоқ | учмоқ |

ФЕЪЛЛАРНИНГ ТАРКИБИГА КЎРА ТУРЛАРИ

Фурс тилидаги феъллар ўзларининг тузилиши жиҳатидан қуйидагича бўлади:

1. Содда феъллар;
2. Префиксли феъллар;
3. Мураккаб феъллар.

1. Вир сўздан ташкил топган феъллар содда феъллар дейилади. Масалан:

ФОРС ТИЛИДА

نوشتن

خواندن

ЎЗБЕК ТИЛИДА

ёзмоқ

ўқимоқ

2. Префикс (олд кўшимча) ва содда феълдан ташкил топган феъллар префиксли феъллар дейилади. Масалан:

ФОРС ТИЛИДА

برگشتن

فراگرفتن

ЎЗБЕК ТИЛИДА

-

-

ЭСЛАТМА: Содда феъллар префиксли феъл таркибида келган вақтда ўзининг аслий лекцик маъносини йўқотади. **Масалан:**

ПРЕФИКСЛИ ФЕЪЛ

СОДДА ФЕЪЛ

| | | | |
|-----------|----------|--------|-----------|
| فرا گرفتن | در آوردن | گرفتند | آوردند |
| ўрганмоқ | чиқармоқ | олмоқ | келтирмоқ |

3. От (феълдан бошқа сўз туркумлари) ва содда феълдан ташкил топган феъллар **қўшма ёки мураккаб феъллар** дейилади. **Масалан:**

ФОРС ТИЛИДА

ЎЗБЕК ТИЛИДА

| | | | |
|------------|------------|----------------|----------------|
| ترجمه کردن | ادامه دادن | таржима қилмоқ | давом эттирмоқ |
|------------|------------|----------------|----------------|

Изоҳ: Форс тилидаги баъзи қўшма феъллар ўзбек тилига содда феъл шаклида, баъзи содда феъллар эса қўшма феъл тарзида таржима қилиниши мумкин. **Масалан:**

ФОРС ТИЛИДА

ЎЗБЕК ТИЛИДА

| | | | |
|-------|----------|-------------|---------|
| خریدن | کار کردن | сотиб олмоқ | ишламоқ |
|-------|----------|-------------|---------|

Қўшма феъл таркибига кирган содда феъллар асосан ўзларининг лекцик маъноларини йўқотиб, кўмакчи феъл вазифасини бажаради. **Масалан:**

| | | |
|---------------|--------|--------|
| جشن گرفتن | گرفتند | جشن |
| байрам қилмоқ | олмоқ | байрам |

Юқорида келтирилган мисолдаги қўшма феъл таркибига кирган گرفتن **гэрэфтан** содда феъли мустақил ҳолда келган вақтда ўзбек тилига **олмоқ** деб таржима қилинади. Лекин қўшма феъл таркибида эса етакчи феълдан англашилган иш ҳаракатни ифода этиб келади.

Форс тилида от ва кўмакчи феъл бирикуви орқали феъл яшаш жуда маҳсулдордир ва улар форс тилидаги феъл феъл сўз туркумининг асосий қисмини ташкил қилади.

ФЕЪЛ НЕГИЗЛАРИ

Форс тилида феъл замонларини ҳосил қилиш жараёнида феъл негизларидан фойдаланамиз. Форс тилида феъл негизлари **ришэ-йэ афъол** (ريشه و المال) дейилади. Форс тилида истеъмолда бўлган ҳар бир феълнинг иккита негизи мавжуд:

1. Ўтган замон феъл негизи;
2. Ҳозирги замон феъл негизи.

ЎТГАН ЗАМОН ФЕЪЛ НЕГИЗИ

Форс тилидаги феълларнинг мисдар яъни ноаниқ шаклидан **-ан** (ن) қисмини олиб ташлаш орқали ўтган замон феъл негизи ясалади.



Ушбу ҳолат истеъмолдаги содда, префиксли ва қўшма феълларнинг барчасига тегишлидир. Масалан:

СОДДА ФЕЪЛЛАР

| ЎТГАН ЗАМОН ЎЗАГИ | | ТАРЖИМАСИ | НОАНИҚ ШАКЛИ | |
|----------------------|------|-----------|-----------------|-------|
| РАФТ | رفت | бермок | рафтан | رفتن |
| ДОД | داد | бермок | додан | دادن |
| НЭШАСТ | نشست | ўтирмак | нэшастан | نشستن |

ПРЕФИКСЛИ ФЕЪЛЛАР

| ЎТГАН ЗАМОН ЎЗАГИ | | ТАРЖИМАСИ | НОАНИҚ ШАКЛИ | |
|----------------------|----------|-----------|-------------------|-----------|
| бар-гашт | بر گشت | қайтмоқ | бар-гаштан | بر گشتن |
| фаро- гэрэфт | فرا گرفت | ўрганмоқ | фаро- гэрэфтан | فرا گرفتن |
| дар-овард | در آورد | чиқармоқ | дар-овардан | در آوردن |

ҚЎШМА ФЕЪЛЛАР

| ЎТГАН ЗАМОН ЎЗАГИ | | ТАРЖИМАСИ | НОАНИҚ ШАКЛИ | |
|----------------------|-----------|-------------------|-------------------|------------|
| таржўмэ кард | ترجمه کرد | таржима қилмоқ | таржўмэ кардан | ترجمه کردن |
| эдомэ дод | ادامه داد | давом эттирмоқ | эдомэ додан | ادامه دادن |
| қасам хўрд | قسم خورد | қасам ичмоқ | қасам хўрдан | قسم خوردن |

ЎТГАН ЗАМОН АНИҚ ФЕЪЛИ

Иш - ҳаракатнинг ўтган замонда бўлиб ўтганлиги ва уни бажарилганлиги аниқ эканлигини ифодалаган феъллар **ўтган замон аниқ феъллари** дейилади. Ўтган замон аниқ феъли форс тилида **мози-йэ мўтлақ** (ماضى مطلق) дейилади. Шунга кўра бу феъл тугаллик маъносини билдиради. Ўтган замон феъл негизига ўтган замонга тегишли бўлган шахс-сон кўшимчаларини кўшиш орқали ўтган замон аниқ феъли ясалади. Яъни ўтган замон аниқ феълнинг ясалиши ўзбек тили билан бир хил бўлади. Масалан:

ЎЗБЕК ТИЛИДА

| | | | | |
|------------|---|---------|---|-----------------|
| бил | + | -дик | = | билдик |
| ўрган | + | -дингиз | = | ўргандингиз |
| байрам қил | + | -дилар | = | байрам қилдилар |

ФОРС ТИЛИДА

| | | | | |
|------------|---|----|---|----------|
| دانستيم | = | يم | + | دانست |
| فرا گرفتيد | = | يد | + | فرا گرفت |
| جشن گرفتند | = | ند | + | جشن گرفت |

Шахс-сон қўшимчалари қуйидагилар:

| ШАХСЛАР | бирлик | مفرد | мўфрад | кўплик | جمع | жамъ |
|----------|--------|------|--------|--------|------|------|
| I шахс | м - | | -ам | | م - | -им |
| II шахс | ى - | | -и | | يد - | -ид |
| III шахс | - | | - | | ند - | -анд |

Ўтган замон аниқ феъли қуйидагича ясалади:

| | | | | |
|-----------|---|-----------------------|---|---------------------------|
| ماضى مطلق | = | шахс-сон қўшимчаси | + | ўтган замон феъл ўзаги |
| لوشتم | = | م | + | نوشت |

Юқоридаги ҳолатга назар ташлайдиган бўлсак тузилиши жиҳатидан ўзбек тилига толиқ мос келади:

| ЎЗБЕК ТИЛИДА | | | | ФОРС ТИЛИДА | | | | |
|--------------|---|--------|-------------|-------------|---|----|---|------|
| бор | + | дим | = бордим | رفت | = | م | + | رفت |
| кел | + | дик | = келдик | آمد | = | يم | + | آمد |
| кўр | + | ди | = кўрди | ديد | = | - | + | ديد |
| айт | + | дингиз | = айтдингиз | گفتيد | = | يد | + | گفت |
| ич | + | дилар | = ичдилар | خوردند | = | ند | + | خورد |

| ШАХСЛАР | مفرد | | | جمع | | |
|----------|------|-------|---------|-------|--------|-----------|
| I шахс | ديدم | дидим | кўрдим | ديديم | дидим | кўрдик |
| II шахс | ديدي | диди | кўрдинг | ديديد | дидид | кўрдингиз |
| III шахс | ديد | дид | кўрди | ديدند | диданд | кўрдилар |

Юқоридаги мисолдан кўриниб турибдики, ўтган замон аниқ феъли III шахс бирликда ҳеч қандай шахс-сон қўшимчасини олмайди, яъни ўтган замон феъл ўзаги ўтган замон аниқ феълининг III шахс бирлигига мос келади. Чунки III шахс бирликда шахс – сон қўшимчаси манжуд эмас. Феълнинг тусланишида урғу шахс – сон қўшимчаларига тушади. Масалан:

ФОРС ТИЛИДА

مفرد
من نوشتم.
تو نوشتی.

مўفрад
Ман навэштам.
Тў навэшти.

ЎЗБЕК ТИЛИДА

бирлик
Мен ёздим.
Сен ёздинг.

او نوشت.

У навэшт.

У ёзди.

جمع
ما نوشتيم.
شما نوشتيد.
انها نوشتند.

жам
Мо навэштим.
Шўмо навэштид.
Онхо навэштанд.

кўплик
Биз ёздик.
Сиз ёздингиз.
Улар ёздилар.

| | | | | |
|------------|---|-----------------------|---|------------------------|
| ماضى مطلق | = | شاخص-сон қўшимчаси | + | ўтган замон феъл ўзаги |
| فرا گرفتيد | = | يد | + | فرا گرفت |
| فرو رفتند | = | ند | | فرو رفت |

ФОРС ТИЛИДА

ЎЗБЕК ТИЛИДА

مفرد
من برگشتم.
تو برگشتی.
او برگشت.

мўфрад
Ман бар-гаштам.
Тў бар-гашти.
У бар-гашт.

бирлик
Мен қайтдим.
Сен қайтдинг.
У қайтди.

جمع
ما برگشتيم.
شما برگشتيد.
انها برگشتند.

жам
Мо бар-гаштим.
Шўмо бар-гаштид.
Онхо бар-гаштанд.

кўплик
Биз қайтдик.
Сиз қайтдингиз.
Улар қайтдилар.

| | | | | |
|-------------|---|-----------------------|---|------------------------|
| ماضى مطلق | = | شاخص-сон қўшимчаси | + | ўтган замон феъл ўзаги |
| قسم خورديم | = | يم | + | قسم خورد |
| ادامه داديد | = | يد | + | ادامه داد |

ФОРС ТИЛИДА

ЎЗБЕК ТИЛИДА

مفرد
من کار کردم.
تو کار کردی.
او کار کرد.

мўфрад
Ман кор кардам.
Тў кор карди.
У кор кард.

бирлик
Мен ишладим.
Сен ишладинг.
У ишлади.

جمع
ما کار کرديم.
شما کار کرديد.
انها کار کردند.

жам
Мо кор кардим.
Шўмо кор кардид.
Онхо кор карданд.

кўплик
Биз ишладик.
Сиз ишладингиз.
Улар ишладилар.

ЎТГАН ЗАМОН АНИҚ ФЕЪЛИНИНГ БЎЛИШСИЗ ШАКЛИ

Ўтган замон аниқ феълининг бўлишсиз шакли бўлиошли шакли олдинга -на (د) инкор юкламасини қўшиш орқали ясалади. Бунда **асосий кучли ургу инкор юкламасига тушади, иккинчи кучсиз ургу ва шакл-сон қўшимчаларида бўлади.** Масалан:

ФОРС ТИЛИДА

مفرد
من لرفتم،
تو لرفتی،
او لرفت.

جمع
ما لرفتم،
شما لرفتید،
انها لرفتند.

مۇفрад
Мин нарафтам.
Ту нарафти.
У нарафт.

жам
Мо нарафтим.
Шўмо нарафтид.
Онҳо нарафтанд.

ЎЗБЕК ТИЛИДА

бирлик
Мен бормадим.
Сен бормадинг.
У бормади.

кўплик
Биз бормадик.
Сиз бормадингиз.
Улар бормадилар.

Префиксли ва қўшма феълларда -на (د) инкор юкламаси кўмакчи феълга қўшилади. Масалан:

ФОРС ТИЛИДА

مفرد
من فرا نگرافتم،
تو فرا نگرفتی،
او فرا نگرفت.

جمع
ما فرا نگرافتم،
شما فرا نگرفتید،
انها فرا نگرفتند.

مۇفрад
Мин фаро-нагэрэфтам.
Ту фаро-нагэрэфти.
У фаро-нагэрэфт.

жам
Мо фаро-нагэрэфтим.
Шўмо фаро-нагэрэфтид.
Онҳо фаро-нагэрэфтанд.

ЎЗБЕК ТИЛИДА

бирлик
Мен ўрганмадим.
Сен ўрганмадинг.
У ўрганмади.

кўплик
Биз ўрганмадик.
Сиз ўрганмадингиз.
Улар ўрганмадилар.

ФОРС ТИЛИДА

مفرد
 من ملاقات نکردم.
 تو ملاقات نکردی.
 او ملاقات نکرد.

جمع
 ما ملاقات نکردیم.
 شما ملاقات نکردید.
 آنها ملاقات نکردند.

مўфрад
 Ман мўлоқот накардам.
 Тў мўлоқот накарди.
 У мўлоқот накард.

жам
 Мо мўлоқот накардим.
 Шўмо мўлоқот накардид.
 Онҳо мўлоқот накарданд.

ЎЗБЕК ТИЛИДА

бирлик
 Мен учрашмадим.
 Сен учрашмадинг.
 У учрашмади.

кўплик
 Биз учрашмадик.
 Сиз учрашмадингиз.
 Улар учрашмадилар.

НА ИНКОР ЮКЛАМАСИНИНГ ИМЛОСИ

1. На (ن) инкор юкламаси қўшиладиган феъл негизи ундош ҳарф билан бошланган бўлса, ҳеч қандай имло ўзгаришлари кузатилмайди. Масалан:

ФОРС ТИЛИДА

مفرد
 من نخواندم.
 تو نخواندی.
 او نخواند.

جمع
 ما نخواندیم.
 شما نخواندید.
 آنها نخواندند.

мўфрад
 Ман нахондам.
 Тў нахонди.
 У нахонд.

жам
 Мо нахондим.
 Шўмо нахондид.
 Онҳо нахонданд.

ЎЗБЕК ТИЛИДА

бирлик
 Мен ўқимадим.
 Сен ўқимадинг.
 У ўқимади.

кўплик
 Биз ўқимадик.
 Сиз ўқимадингиз.
 Улар ўқимадилар.

2. На инкор юкламаси қўшиладиган феъл негизи чўзиқ о (ا) унлиси билан бошланган бўлса, -на инкор юкламасидан кейин бир ё (ی) ҳарфи орттирилади. Масалан:

ФОРС ТИЛИДА

مفرد
من نيمايم،
تو نيماي،
او نيماي،

جمع
ما نيمايم،
شما نيمايد،
انها نيمايدند،

мўфрад
Ман наёмадам.
Тў наёмади.
У наёмад.

жам
Мо наёмадим.
Шўмо наёмадид.
Онҳо наёмаданд.

ЎЗБЕК ТИЛИДА

бирлик
Мен келмадим.
Сен келмадинг.
У келмади.

кўплик
Биз келмадик.
Сиз келмадингиз.
Улар келмадилар.

3. На инкор юкламиси кўшиладиган феъл негизи а ёки ў қисқа унливи билан бошланган бўлса, -на (ن) инкор юкламасидан сўнг бир ۋ (و) карфи орттирилиб, феъл негизи бошидаги алиф (ا) ёзувда тушиб қолади. Мисалан:

ФОРС ТИЛИДА

مفرد
من نيمايم،
تو نيماي،
او نيماي،

جمع
ما نيمايم،
شما نيمايد،
انها نيمايدند،

мўфрад
Ман найўфтодам.
Тў найўфтоди.
У найўфтод.

жам
Мо найўфтодим.
Шўмо найўфтодид.
Онҳо найўфтоданд.

ЎЗБЕК ТИЛИДА

бирлик
Мен йиқилмадим.
Сен йиқилмадинг.
У йиқилмади.

кўплик
Биз йиқилмадик.
Сиз йиқилмадингиз.
Улар йиқилмадилар.

ФОРС ТИЛИДА КЕЛИШИКЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ.

Форс тилида келишик йўқ бўлиб, отларнинг ўзаро синтактик муносабатлари изофа, кўмакчи ва предлоғлар (олд кўмакчилари) орқали ифодаланади.

| | | ўзбек тилида | форс тилида |
|---|--------------------|--------------|-------------|
| 1 | Бош келишик | - | - |
| 2 | Қаратқич келишиги | -нинг | изофа |
| 3 | Тушум келишиги | -ни | را (ро) |
| 4 | Жўналиш келишиги | -га | به (бе) |
| 5 | Ўрин пайт келишиги | -да | در (дар) |
| 6 | Чиқиш келишиги | -дан | از (аз) |

ПРЕДЛОГЛАР

Форс тилида предлоглар хўруф-э эзофе (حروف اضافه) дейилади. Форс тилида предлоглар ўзларининг таркибига кўра 3 қисмга бўлинади:

1. А с о с и й п р е д л о г л а р .
2. И з о ф а л и п р е д л о г л а р .
3. М у р а к к а б п р е д л о г л а р .

А с о с и й п р е д л о г л а р форс тилида жуда махсулдор бўлиб, келишик муносабатларини ифодаловчи асосий восита ҳисобланади.

1. **Бэ (به)** предлоги отларнинг олдига қўйилиб, шу предметларнинг ҳаракат йўналишларини билдиради ва ўзбек тилидаги жўналиш келишигига тўғри келади. **Бэ** предлоги от билан қўшилиб ёки алоҳида ёзилиши ҳам мумкин. **Масалан:**

من به اداره ی نشریات آمدم.

Ман бэ эдорэ-йэ нашриёт омадам.

Мен нашриёт идорасига келдим.

ما به دانشکده ی روزنامه نگاری رفتیم.

Мо бэ донэшкадэ-йэ рузномэнэгори рафтим.

Биз журналистика факультетига бордик.

Э с л а т м а: **бэ (به)** предлоги **ин (این)** ва **он (آن)** кўрсатиш олмошлари, ҳамда у кишилиқ олмошига қўшилганда, икки хил шаклда ёзилиши мумкин.

| | | | | | |
|--------|-------|------|-------|------|-------|
| به ان | бэ он | بان | бэ он | بدان | бэдон |
| به اين | бэ ин | باين | бэ ин | بدين | бэдин |
| به او | бэ у | باو | бэ у | بدو | бэду |

2. Дар (در) предлоги отларнинг олдига қўшилиб, иш ва ҳаракат оодир бўлган Уриниши, вақтни билдиради ҳамда ўзбек тилидаги ўрин пайт келишиги кўшимчасига тўғри келади. Масалан:

ديروز من در دانشكده ی روزنامه نگاری بودم.

Дируз ман дар донэшкадэ-йэ рузномэнэгори будам.
Коча мен журналистика факултетига бўлдим (едим).

در آن وقت در خاله ی او کسی نبود.

Дар он вақт дар хонэ-йэ у каси набуд.
Уша вақтда унинг уйида ҳеч ким йўқ эди.

3. Аз (از) предлоги отларнинг олдига келиб, турли маъноларни ифода этиши мумкин. Лекин аксарият ҳолларда ўзбек тилидаги чиқиш келишигига мос келади. Аз предлоги орқали англашиладиган асосий маъно иш-ҳаракатнинг бошланиш ўрни, пайти ва умуман чиқишни бидиради. Масалан:

از ساعت چهار منتظر شما هستیم.

Аз соат-э чаҳор мўнтазэр-э шўмо ҳастим.
Соат тўртдан буён сизни кутяпмиз.

من از دوست ایرانی ام نامه گرفتم.

Ман аз дуст-э ирониям номэ гэрэфтам
Мен эронлик дўстимдан мактуб олдим.

4. Бо (بە) предлоги отларнинг олдига келиб, биргалик, ҳамкорлик маъноларини билдиради ва асосан ўзбек тилидаги **билан** кўмакчиси орқали англашиладиган маъноларни ифодалайди. Масалан:

من با خانواده ی خود به شهر سمرقند رفتم.

Ман бо хонэводэ-йэ хўд бэ шахр-э Самарқанд рафтам.
Мен оилам билан Самарқанд шахрига бордим.

ما با این نویسنده آشنا هستیم.

Мо бо ин нависандэ ошно ҳастим.
Биз бу ёзувчи билан танишимиз.

5. То (تا) предлоги отларнинг олдида келиб, ҳаракатнинг йўналишидаги энг сўнги ўринни ва вақт билдирувчи сўзлар билан келганда, вақт чегарасини англатади. Ўзбек тилидаги *-гача* кўшимчаси ё *қадар* кўмакчиси англатган маъноларни билдиради.
Масалан:

جلسه ی عمومی روزنامه نگاران تا ساعت شش ادامه داشت.

Жаласэ-йэ ўмуми-э рузномэнэгорон то соат-э шэш эдомэ дошт.
Журналистларнинг умумий йиғилиши соат олтигача (олтига қадар)
давом этди.

ما تا خبرگزاری ملی پیاده رفتم.

Мо то хабаргўзори-йэ мэлли пиёдэ рафтим.
Биз миллий ахборот агентлигигача пиёда бордик.

6. Баройэ (برای) предлоги отларнинг олдида кўйилиб, иш-ҳаракатнинг мақсад ва сабабини билдиради. **баройэ (برای)** предлоги ўзбек тилидаги *учун* кўмакчиси ёки *-га* кўшимчаси маъносига мос келадиган маънони англатади. **Масалан:**

برای دیدن دوستم به منزلش رفتم.

Баройэ дидан-э дустам бэ манзэлаш рафтам.
Дўстимни кўриш учун (-га) уйига бордим.

این روزنامه را برای دوستم آوردم.

Ин рузномэ ро баройэ дустам овардам.
Бу газетани дўстимга (учун) олиб келдим.

7. Бар (بر) предлоги асосан классик матнларда, поетик асарларда ва қисман хозирги форс тилида учрайди. Бу предлог иш-

ҳарикатнинг бирор предмет устида содир бўлишини ёки у томонга йўналишини билдиради. Масалан:

با چوب بزرگ بر سرش زد.

Бо чуб-э бўзўрг бар сараш зад.

Катта калтак билан (унинг) бошига урди.

درود بر شنوندگان گرامی رادیو تاشکند.

Дўруд бар шэнавандэгон-э гэроми-йэ родю-йэ Тошканд!

Хурматли Тошкент радиоси эшитувчиларига салом!

РО КЎМАКЧИСИ

Ро (ра) кўмакчиси ҳозирги замон форс тилида тушум келишигини ифодалаш учун хизмат қилади. Маълумки, бу шакл ўзбек тилида тушум келишиги кўшимчаси –ни ёрдами билан ифодланади. Масалан:

روزنامه ی "صدای ازبکستان" را به دوستم دادم.

Рузномэ-йэ «Сэдо-йэ Ўзбакэстон» ро бэ дустам додам.

«Ўзбекистон овози» газетасини дўстимга бердим.

دیروز من محرر مجله ی "سعادت" را دیدم.

Дируз ман мўхаррэр-э мажаллэ-йэ «Саодат»ро дидам.

Кеча мен «Саодат» журналининг муҳарририни кўрдим.

Форс тилида ро (ра) кўмакчиси ўзбек тилидаги – ни тушум келишиги кўшимчаси сингари ҳаракатни бевосита ўз устига олган нарсани-воситасиз объектни ифода этади, яъни форс тилидаги ро (ра) кўмакчиси кўшилган сўз ўзбек тилидаги тушум келишиги шаклидаги сўз каби ўтимли феъл томонидан бошқарилган бўлади ва ўзига тегишли бўлган сўз ёки сўз бирикмасидан кейин келади:

امروز از مغازه ی کتابفروشی دیوان شیرازی را خریدم.

Эмруз аз мағозэ-йэ кэтобфўруши дивон-э Широzi ро харидам.

Бугун китоб магазинидан Шерозийнинг девонини сотиб олдим.

Тушум келишигидаги сўз белгили ёки белгисиз бўлиши мумкин.

Тушум келишигидаги сўзнинг белгили ёки белгисиз келиши гапнинг мазмунига таъсир этади; тушум келишиги кўшимчасини олган сўз сўзловчи ва тингловчи учун аввалдан маълум бўлган аниқ нарсани кўрсатади. Тушум келишиги кўшимчаси олмаган сўз, яъни белгисиз тушум келишиги эса умуман шу турдаги нарсани билдиради.

Форс тилида ҳам **ро** (را) кўмакчиси аниқ, маълум бўлган нарса ёки ҳодисани ифодалаётган воситасиз тўлдирувчига кўшилиб кетади. **Масалан:**

دانشيار زبان فارسی اين كتاب را به من داد.

Донэшёр-э забон-э форси ин кэтоб ро бэ ман дод.
Форс тили ўқитувчиси бу китобни менга берди.

Ро (را) кўмакчиси қўшилмаган воситасиз тўлдирувчи аниқ бўлмаган нарсани билдиради. **Масалан:**

دانشجو از مغازه ی کتابفروشی کتاب خرید.

Донэшжу аз мағозэ-йэ кэтобфўруши кэтоб харид.
Талаба китоб магазинидан китоб сотиб олди.

Қуйидаги ўринларда **ро** (را) кўмакчиси тушиб қолмайди:

А) агар воситасиз тўлдирувчи атоқли от ёки кишилиқ олмошлари билан ифодаланган бўлса:

تو در دانشکده عمر را دیدی؟

Тў дар донэшкадэ Ўмар ро диди?
Сен факултетда Умарни кўрдингми?

در دانشکده عمر را دیدم. بلی

Балэ, дар донэшкадэ Ўмар ро дидам.
Ҳа, факултетда Умарни кўрдим.

Б) агар воситасиз тўлдирувчи кўрсатиш, кишилиқ олмошлари билан бирга келса:

من این دانشجو را خوب می شناسم.
Мин ин донгшжу ро хуб мишэносам.
Мен бу тилбани яхши танийман.

В) агар воиситани тўлдирувчи эгалик кўшимчаларини олган от билан ифодаланган бўлса:

از دوستم کتاب فارسی اش را گرفتم.
Аз дустам кэтоб-э форси-аш ро гэрэфтам.
Уртоғимдан форс тили китобини олдим.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, форс тилида ро (را) кўмакчиси билан келган отлар ўтимли феъл номинидан бешқарилиб, гагда ҳаракатни ўз зиммасига олган нарсани – воиситани объектни ифода этади.

Классни адабиётларда ро (را) кўмакчиси билан келган от воиситани тўлдирувчи бўлиб келган. Бунда ро (را) кўмакчисини олган от куйидаги маъноларни билдирган:

1) иш-ҳаракатнинг йўналишини аниqlатади. Масалан:

حاطم طائی را گفتند ...
Хотам Тойи ро гўфтанд...
Ҳотам Тойга дедилар...

2) Ро (را) кўмакчиси билан келган от нутқнинг бирор шахс, нарсани ёки бирор ҳодиса ҳақида бориётганини аниqlатади. Масалан:

پادشاهی را شنیدم که بکشتن اسیری اشارت کرد. (از سعدی)
Подшоҳи ро шэнидам кэ бэ кўштан-э асири эшорат кард.
Ҳинтишимча, бир подшоҳ бир асирни ўлимга буюрибди.
(Саъдийдан)

3) бирор нарсанига эга –молик бўлган шахс ёки нарсани аниqlатади. Масалан:

او را کتابی بود.
У ро кэтоби буд.
Унинг бир китоби бор эди.

Ро (را) кўмакчиси ўзидан олдинги сўзга қўшилиб ёки ундан ажратиб ёзилиши мумкин. **Масалан:**

| | | | |
|--------|---|----------|-------------------------------|
| کتابرا | کتاب را | кэтоб ро | китобни |
| | این کتاب را خواندم. این کتابرا خواندم. | | پزشک را دیدم. پزشکرا دیدم. |

Ин кэтобро хондам.
Бу китобни ўқидим.

Пэзэшкро дидам.
Врачни кўрдим.

Ро (را) кўмакчиси уюшиқ бўлакли гапларда уюшиқ бўлакка қўшилади ва ҳар доим уюшиқ бўлак охирида келади ҳамда уюшиқ бўлак таркибидаги барча сўзларга тегишли бўлади. **Масалан:**

مهمانان در شهر تاشکند موزه ی تاریخ خلقهای ازبکستان، دانشگاه زبان و ادبیات ازبکی دولتی تاشکند به نام علیشیر نوایی، دبیرستانها و چند کودکستانها را بازدید نمودند.

Мэхмонон дар шаҳр-э Тошканд музэ-йэ торих-э Ўзбакэстон, донэшгоҳ-э забон ва адабиёт-э ўзбаки-йэ дўвлати-йэ Тошканд бэ ном-э Алишер Навоий, дабирэстонхо ва чанд кудакэстонхо ро боз дид намуданд.

Меҳмонлар Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқлари тарихи музейини, Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, мактаблар ва болалар боғчаларини томоша қилдилар.

Ро (را) кўмакчиси I ва II шахс бирликдаги кишилиқ олмошлари билан бирга келганда, уларнинг иккинчи ҳарфи тушиб қолади. Қолган қисми эса **ро** (را) кўмакчиси билан доимо қўшилиб ёзилади. **Масалан:**

| | | | | | |
|----|---|----|---|-----|------|
| را | + | من | = | مرا | маро |
| را | + | تو | = | ترا | тўро |

Бу ҳол ўзбек тилидаги шу олмошларнинг тушум келишиги белгиси қўшилгандаги ўзгаришга ўхшайди.

| | | | | |
|-----|--|----|---|------|
| мон | | ни | = | мени |
| сон | | ни | = | сени |

ПРЕДЛОГЛАР НА РО КЎМАКЧИСИНИНГ ИЗОФИЙ БИРИКМАДА ИШЛАТИЛИШИ

Изофий бирикмада ёки изофий занжирларда предлог (олд **кўшимча**) доимо изофий бирикманинг бошида, кўмакчи (орт **кўшимча**) эса изофий бирикманинг охирида келади. Масалан:

نويسندگان کشور ايران به پایتخت ازبکستان آمدند.

Нависандэгон-э кэшвар-э Ирон бэ пойтахт-э Ўзбакэстон омаданд.

Эрон мамлакатининг ёзувчилари Ўзбекистон пойтахтига келдилар.

ما داستانهای نویسندگان مشهور ايران را خریدم.

Мо дostonхо-э нависандэгон-э машхур-э Ирон ро харидим.
Бит машхур Эрон ёзувчиларининг дostonларини сотиб олдик.

ФОРС ТИЛИДА

سبب را
سبب سرخ را
انار و انگورها را سبب

ЎЗБЕК ТИЛИДА

олмани
кизил олмани
олма, анор ва узумларни

ИЗОФАЛИ ПРЕДЛОГЛАР

Форс тилида мустақил маънодаги баъзи бир от ва равишлар предлог назифасида ҳам келиши мумкин. Бу сўзлар предлог бўлиб келганда, ўзларининг мустақил маъноларини йўқотиб, кўмакчи сўз аниқлашган грамматик маънони бажаради ва доимо ўзидан кейин келган сўзга изофа ёрдамида бирикади. Изофали предлоглар форс тилида 20 дан ортик бўлиб, гапда асосий предлоглар орқали ифодаланган маъноларни аниқлаштириш, улар муносабатини яна ҳам аниқроқ кўрсатиш учун хизмат қилади.

| | | |
|--|---|---|
| <p>پشت</p>  | <p>جلو</p>  | <p>بالا</p>  |
| <p>زیر</p>  | <p>کنار</p>  | <p>روی</p>  |
| <p>بین</p>  | <p>داخل</p>  | <p>نزدیک</p>  |

Масалан, **ру** (رو) (юз) сўзи гапда ўзининг мустақил лекцик маъносига эга бўлиши ёки лекцик маъносини йўқотиб, кўмакчи сўз бўлиб келиши ҳам мумкин. Масалан:

روی او زیبا است. **Ру-йэ у зибо аст.**
روی میز پاک است. **Ру-йэ миз пок аст.**

Унинг юзи чиройли.
Столнинг юзи (усти) тоза.

مجله روی میز است. **Мажаллэ ру-йэ миз аст.**
مداد روی کتاب است. **Мэдод ру-йэ кэтоб аст.**

Журнал столнинг устида.
Қалам китобнинг устида.

Мисолларнинг иккаласида ҳам **ру** (رو) сўзи кўмакчи сўз бўлиб келган, ҳамда ўрин, йўналиш маъноларини ифода этган. Бу мисолларда **ру** (رو) билан бирга ёзилиши керак бўлган **дар** (در) ва **бе** (به) предлоглари тушиб қолган, чунки изофали предлоглар ўрин ва йўналиш маъноларини ифода этганларида, **ўрин** ва **йўналиш** маъноларини англатувчи **дар** (در) ва **бе** (به) предлоглари кўпинча тушиб қолади. Уларнинг маънолари эса феълнинг семантикасига

Ғамлик. Бу ҳолни ҳамма изофали предлогларнинг ишлатилишида кузатиш мумкин.

Изофали предлогларнинг кўп учрайдиганлари куйидагилар:

1. пиш (پيش) олд. Бу сўз предлог вазифасида изофа билан ўқилса, *олдинда, олдига* маъноларини англатади. Масалан:

شخصى پيش كاتىبى رفت.

Шахси пиш-э котэби рафт.

Бир киши бир котибнинг олдига борди.

روزى شاعر فقيرى پيش آدم متمولى رفت.

Рузи шоёр-э фақири пиш-э одам-э мўтамаввэли рафт.

Бир куни бир камбағал шоир бир бой одамнинг олдига борди.

2. пахлу (پهلو) ён. Бу сўз предлог вазифасида изофа билан ўқилса, *ёнида, ёнига* маъноларини англатади. Масалан:

در جلسه ى علمى پهلوى دوستم نشستم.

Дар жаласэ-йэ элми пахлу-йэ дустам нэшастам.

Илмий мажлисда ўртоғимнинг ёнига ўтирдим.

پهلوى دانشكده ى ما مغازه ى بزرگ واقع بود.

Пахлу-йэ доншкэдэ-йэ мо мағозэ-йэ бўзўрг воқеъ буд.

Фанултётимиз ёнида катта магазин жойлашган эди.

3. зир (زير) ост, таг. Бу сўз предлог вазифасида изофа билан ўқилса, *остида, тагида, остига, тагига* маъноларини англатади. Масалан:

او مداد خود را زير روزنامه گذاشت.

У мэдод-э хўд ро зир-э рузномэ гўзошт.

У ўзининг қаламини газетанинг остига қўйди.

زير اشعه ى آفتاب همه چيز درخشان بود.

Зир ашэ-э офтоб ҳамэ чиз дэрахшон буд.

Қуёш нурлари остида барча нарса ялтирар эди.

4. **назд** (نزد) – *олд, ён*. Бу сўз предлог вазифасида изофа билан ўқилса, *ёнида, олдиди, ёнига, олдига*, маъноларини англатади. Масалан:

او مقاله ی خود را نزد محرر گذاشت.

У мақолэ-йэ хўд ро назд-э мўхаррэр гўзошт.
У ўзининг мақоласини муҳаррир олдига кўйди.

نزد او کسی نبود.

Назд-э у каси набуд.
Унинг олдиди ҳеч ким йўқ эди.

5. **сар** (سر) – *бош*. Бу сўз предлог вазифасида изофа билан ўқилса, ўз лекцик маносини бутунлай йўқотиб, фақат ўрин ва йўналиш маъноларини англатади.

دانشجویان سر درس بودند.

Донэшжуён сар-э дарс буданд.
Талабалар дарса эдилар.

دانشجویان سر جای خود نشستند.

Донэшжуён сар-э жо-йэ хўд нэшастанд.
Талабалар ўз жойларига ўтирдилар.

6. **боло** (بالا) – *тепа, юқори*. Бу сўз предлог вазифасида изофа билан ўқилса, *тепасида, юқорисида, тепасига, юқорисига* маъноларини англатади.

أهو بالای کوه بود.

Оху боло-йэ куҳ буд.
Кийик тоғнинг устида (тепасида) эди.

بالای درخت مرغی نشست.

Боло-э дэрахт мўрғи нэшаст.
Дарахтнинг устига бир куш кўнди.

7. **миён** (میان) ва **бэйн** (بین) - *ўрта, ора*. Бу сўзлар предлог вазифасида изофа билан ўқилса, *ўртада, орада, ўртага, орага* маъноларини билдиради. Масалан:

بين شرکت کنندگان روزنامه نگار هم بود.

Бэйн-э шэркат кўнандэгон рузномэнэгор хам буд.

Ишгирокчилар орасида жуналист хам бор эди.

ميان شاعر و متمول يک وجب تفاوت بود.

Мийн-э шоэр ва мўтамаввэл йэк важаб тафовўт буд.

Шоир ва бой орасида бир қарич фарк бор эди.

Булардан ташқари, ақаб (عقب) – орқа, пўшт (پشت) – орт, орқа, пей (پي) – из, ту (تو) – ич, ичкари, бирун (بيرون) – ташқари, сирт, баробар (برابر) - қарама - қарши, боло (بالا) – тепа, юқори, уст, юза, тараф (طرف) - томон, тараф ва бошқа шу каби сўзлар хам изофали предлог бўлиб қолади.

Шундай қилиб, изофали предлоглар асосий предлогларга нисбатан кенг ва абстракт маънони англатади. Асосий предлоглар бирор предметни ўрни ёки йўналишини ифодаласа, изофали предлоглар шу ўрин ёки йўналиш предметнинг қайси томонга қаратилганини билдиради. Масалан:

| | |
|--------------------------|--------------------------------------|
| روی ميز ру-йэ миз | столнинг устида, столнинг устига |
| زیر ميز зир-э миз | столнинг остида, столнинг остига |
| سر ميز сир-э миз | столнинг ёнида, столнинг ёнига |
| پشت ميز пўшт-э миз | столнинг орқасида, столнинг орқасига |
| بين دو ميز бэйн-э дў миз | икки стол орасида, икки стол орасига |

МУРАККАБ ПРЕДЛОГЛАР

Муракқиб предлоглар мустақил маънога эга бўлган айрим сўзларнинг дар (در), бэ (به), аз (از) предлоглари билан бирикиши орқали ҳосил қилинади. Муракқаб

предлоглар иккига бўлиниб, улар қуйидагилар:

1. **Изофали муракқаб предлоглар**

2. **Изофасиз муракқаб предлоглар**

Ўзидан кейин келган сўз билан изофа орқали боғланган предлоглар изофали муракқаб предлоглар дейилади. Ўзидан кейин келган сўз билан изофасиз боғланган предлоглар изофасиз муракқаб предлоглар дейилади.

| ИЗОФАЛИ МУРАККАБ ПРЕДЛОГЛАР | | |
|-------------------------------------|----------------------|------------------------------|
| در باب | дар боб-э | хақида, тўғрисида, хусусида |
| در باره | дар борэ-йэ | хақида, тўғрисида, хусусида |
| در خصوص | дар хўсус-э | хақида, тўғрисида, хусусида |
| در زمينه | дар заминэ-йэ | хақида, тўғрисида, хусусида |
| در اطراف | дар атроф-э | хақида, тўғрисида, хусусида |
| در راه | дар роҳ-э | йўлида |
| بوسيله | бэ василэ-йэ | орқали, воситаси билан, |
| بواسطه | бэ восэтэ-йэ | |
| ИЗОФАСИЗ МУРАККАБ ПРЕДЛОГЛАР | | |
| راجع به | роҷэ бэ | хақида, тўғрисида, ...га оид |
| عائيد به | ойэд бэ | |
| غير از | ғэйр аз | ...дан бошқа, ...дан бўлак |
| پس از | пас аз | ...дан аввал, ...дан илгари |
| بعد از | баъд аз | |
| پيش از | пиш аз | |
| قبل از | қабл аз | |

Юқорида қайд қилинган предлогларни биз қуйидаги мисолларда кўришимиз мумкин. **Масалан:**

این فیلم در باره ی زندگانی سعادتمند کارگران و دهقانان کشور ازبکستان حکایت می کند.

Ин филм дар борэ-йэ зэндэғони-йэ саодатманд-э коргарон ва дэхқонон-э кэшвар-э Ўзбакэстон ҳэқоят миқўнад.

Бу филм Ўзбекистон мамлакатининг ишчи ва дехқонларининг бахтиёр ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади.

نویسندگان در زمینه ی نقشه های خلاقه ی ادبی آینده ی خود سخن گفتند.

Нависандэгон дар заминэ-йэ нақшэхо-е халлоқэ-йэ адаби-йэ ояндэ-йэ ҳўд сўхан гўфтанд.

Ёзувчилар ўзларининг келгусидаги ижодий режалари ҳақида сўзлаб бердилар.

روزنامه ی "اطلاعات" کشور ایران راجع به روابط دوستی میان کشورهای ازبکستان و ایران چنین می نویسد:...

Рузном-и «Этлоот»-э кэшвар-э Ирон рожэ бэ равобэт-э дустини миби-э кэшварҳо-йэ Ўзбакэстон ва Ирон чэнин миनावисанд:...

Эрон мамлакатининг «Этлоот» газетаси Эрон ва Ўзбекистон мамлакатлари Уртасидаги дўстона алоқалар ҳақида шундай ёзади:...

ديروز نمايندگان دولتي کشور ايران بوسيله ی هوايما به شهر تاشکند آمدند.

Дируз намоиндэгон-э дўулати-йэ кэшвар-э Ирон бэ василэ-йэ хавопэймо бэ шаҳр-э Тошканд омаданд

Кечи, Эрон мамлакатининг давлат вакиллари самолёт билан Тошкент шаҳрига келдилар.

1-топширик. Куйидаги фсълларнинг ёзилиши, ўкилиши ва таржималарини ёд олинг.

| | | |
|-----------|-------------|----------------|
| لوشتن | навэштан | ёзмок |
| خواندن | хондан | ўкимок |
| گفتن | гўфтан | айтмок, демок |
| پرسیدن | пўрсидан | сўрамок |
| جواب دادن | жавоб додан | жавоб бермок |
| دیدن | дидан | кўрмок |
| گرفتن | гэрэфтан | олмок |
| آمدن | омадан | келмок |
| رفتن | рифтан | бормок, кетмок |
| خریدن | харидан | сотиб олмок |
| فرستادن | фэрэстодан | юбормок |

2-топширик. Куйида берилган рақамларни сўзлар билан ёзинг.

۱, ۹, ۵, ۳, ۷, ۷۶, ۵۴, ۳۲, ۹۷, ۸۷, ۱۰۱, ۱۲۵, ۲۰۴۵, ۳۰۰, ۶۶۰, ۷۷۷, ۸۹۸, ۹۸۸, ۹۷۷, ۱۰۰۲, ۱۲۳۵, ۷۸۷۸, ۸۷۸۷, ۶۵۶۷, ۸۸۸۷, ۷۳۳۴, ۹۰۰۲, ۷۰۰۸, ۱۰۰۰۸, ۳۰۰۰۵۶

3-топширик. Куйида берилган саволларга жавоб беринг.

امروز چندم ماه است؟ آیا امروز پنجشنبه است؟ امروز هوا چطور است؟
یک سال از چند فصل عبارت است؟ یک فصل از چند ماه عبارت است؟ یک ماه از چند هفته عبارت است؟ یک ماه از چند روز عبارت است؟ یک هفته از چند

روز عبارت است؟ یک شبانه روز چند ساعت است؟ یک ساعت چند دقیقه است؟ یک دقیق چند ثانیه است؟ خواهرم آمد. بچه گریه کرد. نویسنده نوشت. دانشجو جواب داد. دانشیار پرسید. مادرم خندید. پدرم رفت. باران بارید. او سلام داد. آنها استراحت کردند. ما بر گشتیم. شما دیدید. من گفتم. تو آمدی. او نیامد. آنها نپرسیدند. دوستم ترجمه کرد. ما کار کردیم. آنها جشن گرفتند.

4-топшириқ. Қуйида берилган гапларни форс тилига таржима қилинг.

Акаси келди. Укаси келмади. Опам айтди. Мен айтмадим. Уйнинг чироғи ёнди. Уйнинг чироғи ўчди. Ўқитувчи сўради. Талаба жавоб берди. Мен кетдим. Дўстим кетмади. Комрон қайтди. Умар қайтмади. Меҳмон жавоб бермади. Аҳмад ухлади. Ҳасан ухламади. Нимо югурди. Марям югурмади. Дарс тугади. Сен кулдинг. У йиғлади. У чақирди. У сотиб олди. У сотди. Мен уйга келдим. Комрон стадионга бормади. Парвин дарс матнини ўқиди. Шоир шеър ёзди. Мен китоб ўқидим. Парвин мактуб ёзди. Биз матн таржима қилдик. Ҳамма талабалар дам олишди. Навбатчи луғат олиб келди. Умар доскага ёзди. Биз боғда ишладик. У ўқитувчига жавоб берди. Фотима бугун дарсга келмади.

5-топшириқ. Қуйида берилган феълларни ўтган замон аниқ феълнинг бўлишли ва бўлишсиз шаклларида тусланг.

омадан (آمدن) - келмоқ, **бар доштан (برداشتن)** - қўтармоқ ва **эстероҳат кардан (استراحت کردن)** - дам олмоқ (бўлишли шаклида тусланг).

ўфтодан (افتادن) – йиқилмоқ, **дар овардан (در آوردن)** – чиқармоқ ва **таржўмэ кардан (ترجمه کردن)** – таржима қилмоқ (бўлишсиз шаклида тусланг).

Мавзуга оид савол ва топшириқлар:

1. Феъл деб нимага айтилади?
2. Феъл сўзи этимологик жиҳатдан қайси тилга мансуб ва қандай маъно англатади?
3. Форс тилида феъллар таркиби жиҳатидан нечага бўлинади?
4. Форс ва ўзбек тилларидаги феъллар таркиби жиҳатидан фарқ қиладими ёки йўқ?
5. Содда феъл деб нимага айтилади?

6. Префиксли феъл деб нимага айтилади?
7. Кушма феъл деб нимага айтилади?
8. Феълнинг повник шакли деб нимага айтилади?
9. Феъл негизи деб нимага айтилади?
10. Форс тилида феъл негизи қандай номланади?
11. Форс тилидаги феълнинг нечта негизи мавжуд?
12. Утган замон феъл негизи қандай ҳосил қилинади?
13. Ҳозирги замон феъл негизи қандай ҳосил қилинади?
14. Утган замон аниқ феъли деб нимага айтилади?
15. Утган замон аниқ феъли форс тилида қандай номланади?
16. Утган замон аниқ феъли қандай ясалади?
17. Утган замон аниқ феълени ясашидаги шахс-сон кўшимчалари қайсилар?
18. Утган замон аниқ феълнинг бўлишсиз шакли қандай ҳосил қилинади?
19. Чузик о унлиси билан бошланган феълларга -на инкор юкламаси кўшилганда қандай имло ўзгаришлари кузатилади?
20. Қисқа а ёки ў унлилари билан бошланган феълларга -на инкор юкламаси кўшилганда қандай имло ўзгаришлари кузатилади?
21. Микдор сон деб нимага айтилади?
22. Форс тилидан ўзбек тилига ўзлашган микдор сонлар мавжудми?
23. Нима учун 11 дан 20 гача бўлган микдор сонлар ўзгаришга учраган сонлар дейилади?
24. Микдор сонлар форс тилида қандай номланади?
25. Йигирмадан юқори микдор сонлар бири-бири билан қандай боғланади?
26. Тартиб сон деб нимага айтилади?
27. Форс тилида тартиб сонлар қандай номланади?
28. Тартиб сон ҳосил қилувчи кўшимчалар қайсилар?
29. Ўм кўшимчаси орқали тартиб сонлар қандай ясалади?
30. Ўмин кўшимчаси орқали тартиб сонлар қандай ясалади?
31. Ўм ва ўмин кўшимчалари ўртасидаги фарқ нимада?
32. /Ў, се ва си микдор сонларига ўм кўшимчаси кўшилганда қандай имло ўзгаришлари кузатилади?
33. Араб тилидан ўзлашган тартиб сонлар қайсилар?
34. Ўм ва ўмин кўшимчалари билан ясалган тартиб сонлар гапда синтактик жиҳатдан қандай вазифани бажаради?

35. Араб тилидан ўзлашган тартиб сонлар қайсилар?
36. Форс тилидаги йилни ифода этувчи сўзлар ҳақида маълумот беринг.
37. Форс тилидаги ойни ифода этувчи сўзлар ҳақида маълумот беринг.
38. Форс тилидаги кунни ифода этувчи сўзлар ҳақида маълумот беринг.
39. Форс тилидаги кун бўлақларини ифода этувчи сўзлар ҳақида маълумот беринг.

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Ю.А.Рубинчик, Грамматика современного персидского литературного языка. Москва 2011г.
2. Anousha Shamsavari, Blake Atwood, Persian of Iran today. An introductory course, Volume 1,2. Texas, 2015.
3. Platts J.T. and Rankin C.A. A grammar of the Persian language Oxford 1911 y.
4. Yodolloh Samareh Persian language teaching Iran 1993 y.

8 – МАШГУЛОТ

МАВЖУ: ҲОЗИРГИ-КЕЛАСИ ЗАМОН ФЕЪЛИ. ВАҚТНИ ИФОДАЛАНИШИ. ДОШТАН ФЕЪЛИ ВА ЁШНИНГ ИФОДАЛАНИШИ.

Ражас:

1. *Ҳозирги замон феъл негизлари ҳақида маълумот.*
2. *Ҳозирги-келаси замон феъли ҳақида маълумот.*
3. *Қўшма феълларнинг контакт ва дистант ҳолатлари ҳақида маълумот.*
4. *Доштан феъли.*
5. *Ёшнинг ифодаланиши.*

Талич сўз ва иборалар. *Ўзбек тили, форс тили, грамматика, феъл, ҳозирги замон феъл негизи, афъол-э том, афъол-э қэс, афъол-э сэмий, -ми олд қўшимчаси, ҳозирги замонга тегишли шахс-сон қўшимчалар, ҳозирги-келаси замон феъли, мўзорэ-йэ ахбори, қўшма феълнинг контакт ҳолати, қўшма феълнинг дистант ҳолати, доштан, дор, сол, ҳарф задан феъли, гўфтўгу қардан феъли.*

Ўқув машгулотининг мақсади. *Ўзбек тили, форс тили, грамматика, феъл, ҳозирги замон феъл негизи, афъол-э том, афъол-э қэс, афъол-э сэмий, -ми олд қўшимчаси, ҳозирги замонга тегишли шахс-сон қўшимчалар, ҳозирги-келаси замон феъли, мўзорэ-йэ ахбори, қўшма феълнинг контакт ҳолати, қўшма феълнинг дистант ҳолати, доштан, дор, сол, ҳарф задан феъли, гўфтўгу қардан феъли ҳақида назарий маълумотлар бериш ва уларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш.*

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ФЕЪЛ НЕГИЗИ

Ўтган дирелардан бизга маълумки, форс тилида ҳар бир феълнинг ўтган ва ҳозирги замон феъл негизлари мавжуд. Ўтган замон феъл негизи феълнинг ноаниқ шаклидан **-ан** (۰) кисмини олиб ташлаш орқали ясалади. Ҳозирги замон феъл негизи эса мураккаб бўлиб, уларнинг ҳозирги замон ўзаклари ясалишига кўра қуйидаги турларга ажратилади:

| | | | |
|---|-------------|---------------|----------------|
| ۱ | افعال تام | афьол-э том | том феъллар |
| ۲ | افعال قیاسی | афьол-э қэёси | киёсий феъллар |
| ۳ | افعال سماعی | афьол-э сэмои | семой феъллар |

И. Том феълларнинг ҳозирги замон ўзаклари масдардан яъни феълнинг ноаниқ шаклидан -дан (دن), -тан (تن), -идан (يدن) кўшимчаларини олиб ташлаш орқали ҳосил қилинади. Масалан:

| масдар | мазмун | ҳозирги замон феъл негизи |
|-----------------|-------------|---------------------------|
| خوردن хўрдан | емок, ичмок | خور хўр |
| پرسیدن пўрсидан | сўрамок | پرس пўрс |
| ماندن мондан | қолмок | مان мон |
| خریدن харидан | сотиб олмок | خر хар |
| خواندن хондан | ўқимок | خوان хон |
| فهمیدن фаҳмидан | фаҳхламок | فهم фаҳм |

ИИ. Қиёсий феълларнинг ҳозирги замон негизлари феълнинг ноаниқ шаклидан масдарлик кўшимчалари тушириб қолдирилгандан сўнг, феъл негизининг охирги ҳарфи ўрнига баъзи ҳарфларни кўшиш орқали ҳосил қилинади. Форс тилидаги феълларнинг кўпчилигини қиёсий феъллар ташкил этади. Бундай феъллардан ҳозирги замон ўзакларининг ясалиш қоидаси куйидагича:

1) -хтан (ختن) билан тугаган бир қанча қиёсий феъллардан масдар кўшимчаси тушириб қолдирилгач, унинг ўрнига зэ (ز) ҳарфини кўйиш орқали ҳосил қилинади.

| масдар | мазмун | хоз. замон феъл негизи |
|------------------|--|------------------------|
| آموختن омухтан | ўқитмок, ўқимок, ўргатмок, ўрганмок | آموز омуз |
| ساختن сухтан | куймок, ёнмок | سوز суз |
| دوختن духтан | тикмок | دوز дуз |
| ساختن сохтан | қурмок | ساز соз |
| انداختن андохтан | отмок, ташламок | انداز андоз |

- хтан (ختن) билан тугаган куйидаги феъллар бундан мустаснодир.

| масдар | мазмун | хоз. замон феъл негизи |
|------------------------|-----------------------|------------------------|
| شناختن шгнохтан | танимоқ | شناس шэнос |
| فروختن фўрухтан | сотмоқ | فروش фўруш |
| گسيختن гўсихтан | портламоқ, ёрилмоқ | گسل гўсэл |

2) - штан (شتن) билан тугаган киёсий феъллардан -тан (تن) қўшимчасини тушириб қолдиргач, ўзак охиридаги —шин (ش) харфи ўрнига -р) (ج) харфи қўйилади.

| масдар | мазмун | хоз. замон феъл негизи |
|---------------------------|-----------------------------|------------------------|
| داشتن доштан | сга бўломоқ, бор бўломоқ | دار дор |
| برداشتن бар-доштан | кўтармоқ | بر دار бар-дор |
| گذاشتن гўзоштан | қўймоқ | گذار гўзор |
| پداشتن пандоштан | ўйламоқ, фикр қилмоқ | پندار пэндор |
| گذشتن гўзаштан | ўтмоқ, кечмоқ | گذر гўзар |

- штан (شتن) билан тугаланган куйидаги феъллар бундан мустаснодир.

| масдар | мазмун | хоз. замон феъл негизи |
|------------------------|-----------|------------------------|
| لويشتن лавэштан | ёзмоқ | نويس навис |
| گاشتن гаштан | айланмоқ | گرد гард |
| هشتن хэштан | қолдирмоқ | هل хэл |
| ريستن ристан | йигирмоқ | ريس рис |

3) - удан (ودن) билан тугаган киёсий феъллардан -дан (دن) қўшимчасини тушириб қолдиргач, ўзак охиридаги вов (و) харфи алиф (ا) харфига алмашади.

| масдар | мазмун | хоз. замон феъл негизи |
|------------------------|-----------|------------------------|
| فرمودن фармудан | буюрмоқ | فرما фармо |
| نمودن намудан | кўрсатмоқ | نما намо |
| پيمودن пэймудан | ўлчамоқ | پيما пэймо |

- удан (ودن) билан тугаланган куйидаги феъллар бундан мустаснодир.

| масдар | мазмун | хоз. замон феъл негизи |
|---------------|--------------|------------------------|
| بودن будан | эмок, бўлмок | باش бош |
| دردون дўрудан | ўрмок | درو дэрўу |

4) - фтан (فتن) билан тугаган киёсий феъллардан - тан (تن) кўшимчасини тушириб қолдиргач, ўзак охиридаги фэ (ف) харфи бэ (ب) харфига алмашади.

| масдар | мазмун | хоз. замон феъл негизи |
|-----------------|--------------------------|------------------------|
| ياقتن ёфтан | топмок | ياب ёб |
| شئافتن шэтофтан | шошилмок | شئاب шэтоб |
| كوفتن куфтан | урмок, тақиллатмок | كوب куб |
| فريفتن фэрифтан | алдамок, фириб бермок | فريب фэриб |

Э С Л А Т М А:

А) –фтан (فتن) билан тугалланган куйидаги феъллар бундан мустаснодир. Масалан:

| масдар | мазмун | хоз. замон феъл негизи |
|--------------------|-------------------|------------------------|
| پذيرفتن пазирўфтан | қабул қилмок | پذير пазир |
| ياقتن бофтан | тўқимок | ياف боф |
| گفتن гўфтан | айтмок, демок | گو гу |
| رفتن рафтан | бормок, кетмок | رو рўу |
| گرفتн гэрэфтан | олмок, ушламок | گير гир |

Б) куйидаги тўрт феълнинг охиридан -одан (ادن) қисмини тушириб қолдириш орқали шу феълларнинг ҳозирги замон феъл негизи ҳосил қилинади. Масалан:

| | | |
|--------------------|----------|------------------------|
| масдар | мазмун | хоз. замон феъл негизи |
| استدان истодан | турмоқ | اىست ист |
| لهاندىن нэходан | қўймоқ | نه нэх |
| فرستادن фэрэстодан | юбормоқ | فرست фэрэст |
| افتادن ўфтодан | йиқилмоқ | افت ўфт |

ИИИ. Сомоний феъллардан ҳозирги замон феъл негизларини дошида маълум бир қоидага амал қилинмайди. Ҳозирги замон феъл негичи исалишига кўра мураккаб бўлиб, уларнинг баъзилари маълум бир қоидага бўйсунмаган ҳолда ясалади. Бундай феъллар ҳозирги форс тилида санокли бўлиб, буларни фақат ёдда сақлаш керак.

| | | |
|----------|----------------------|---------------------------|
| масдар | мазмун | ҳозирги замон феъл негизи |
| زىن | урмоқ | زن зан |
| بين | қўрмоқ | بين бин |
| دائىن | бермоқ | ده дэх |
| بىستان | ёймоқ | بند банд |
| خواستان | хохламоқ, истамоқ | خواه хоҳ |
| نېشېستان | ўтирмоқ | نېشېن нэшин |
| کردن | қилмоқ | كن кўн |
| چىستان | қидирмоқ | جو жу |


Юқорида келтирилган мисоллардан феълларнинг ҳозирги замон негичининг ясаллигини фақат уларни такрорлаш, ёдлаш ва машқ қилиш орқали ўйлаштириш мумкин. Одатда, дарслик ва луғатларда феълнинг повийқ шакли билан бир қаторда, уларнинг ҳозирги замон негичи ҳам берилади.

ҲОЗИРГИ-КЕЛАСИ ЗАМОН ФЕЪЛИ

Форс тилида ҳозирги-келаси замон феъли мўзорэ-йэ ахбори (مضارع اخبارى) дейилади. Ҳозирги – келаси замон феъли ҳозирги замон феъл негичи олдига ми- (می) олд қўшимчаси ва ҳозирги замон феъл негичи охирига ҳозирги замонга тааллуқли шахс-сон қўшимчаларини қўшиш орқали ясалади. Ҳозирги замонга тегишли бўлган шахс-сон қўшимчалари куйидагилар:

| шахслар | бирлик | مفرد | мўфрад | кўплик | جمع | жамъ |
|----------|--------|------|--------|--------|-----|------|
| I шахс | | م | -ам | | يم | -им |
| II шахс | | ى | -и | | يد | -ид |
| III шахс | | د | -ад | | ند | -анд |

| مضارع اخبارى | = | шахс-сон қўшимчалари | ҳозирги замон фёъл ўзаги | + | ми олд қўшимчаси |
|--------------|---|-------------------------|-----------------------------|---|---------------------|
| ми دائيم | = | يم | دان | + | ми |



Ўтган замон фёлида ишлатиладиган шахс-сон қўшимчалари билан ҳозирги-келаси замонда ишлатиладиган шахс-сон қўшимчалари фақат III шахс бирликдагина фарқ қилади.

Ҳозирги-келаси замон фёлининг тусланишида урғу **ми-** (ми) олд қўшимчасига тушади. **Масалан:**

نوشتن ناهستان - ёзмоқ фёлининг тусланиши

مفرد

من مى نويسم. **Ман минависам.** Мен ёзяпман.

تو مى نويسى. **Тў минависи.** Сен ёзяпсан.

او مى نويسد. **У минависад.** У ёзяпти.

جمع

ما مى نويسيم. **Мо минависим.** Биз ёзяпмиз.

شما مى نويسيد. **Шўмо минависид.** Сиз ёзяпсиз.

انها مى نويسند. **Онҳо минависанд.** Улар ёзяптилар.

انها به دوستان خود نامه مى نويسند.

Онҳо бэ дустон-э хўд номэ минависанд.

Улар дўстларига мактуб ёзяптилар.

او به دانشگاه مى رود.

У бэ донэшгоҳ миравад.

У университетга кетаяпти.

Префиксли феълларда ми- (ми) олд кўшимчаси кўмакчи феълга қўшилади.

| مطابق الطهاری | = | شاخه- сон қўшимчалари | ҳозирги замон феъл ўзаги | + | ми олд қўшимчаси |
|------------------|---|--------------------------|-----------------------------|---|---------------------|
| بر می گردید | - | ید | برگرد | + | می |
| کار می کنند | - | ند | کار کن | + | می |

бар-гаштан - қайтмоқ феълнинг тусланиши
مفرد

من برمی گردم. **Ман бар-мигардам.** Мен қайтяпман.
تو برمی گردی. **Ту бар-мигарди.** Сен қайтяпсан.
او برمی گردد. **У бар-мигардад.** У қайтяпти.

جمع

ما برمی گردیم. **Мо бар-мигардим.** Биз қайтяпмиз.
شما برمی گردید. **Шумо бар-мигардид.** Сиз қайтяпсиз.
انها برمی گردند. **Онҳо бар-мигарданд.** Улар қайтяптилар.

ما از دانشگاه برمی گردیم.

Мо аз донэшгоҳ бар-мигардим.
Биз университетдан қайтяпмиз.

Қўшма феълларда ҳам ми- (ми) олд кўшимчаси кўмакчи феълга қўшилади.

жавоб додан - жавоб бермоқ феълнинг тусланиши
مفرد

من جواب می دهم. **Ман жавоб мидэхам.** Мен жавоб беряпман.
تو جواب می دهی. **Ту жавоб мидэххи.** Сен жавоб беряпсан.
او جواب می دهد. **У жавоб мидэхад.** У жавоб беряпти.

جمع

ما جواب می دهیم. **Мо жавоб мидэхим.** Биз жавоб беряпмиз.
شما جواب می دهید. **Шумо жавоб мидэххид.** Сиз жавоб беряпсиз.
انها جواب می دهند. **Онҳо жавоб мидэханд.** Улар жавоб беряптилар.

دانشجو به داشيار جواب می دهد.

Донэшжу бэ донэшёр жавоб мидэхад.

Талаба ўкитувчига жавоб беряпти.

Агар ҳозирги замон феъл негизи ўу дифтонги билан тугаган бўлса, шахс-сон қўшимчалари қўшилганда **ав** деб талаффуз қилинади. Масалан: **рафтан** феълнинг ҳозирги негизи замон феъл негизи **рўу** тусланганда, **рав**; **шўдан** феълнинг ҳозирги негизи замон феъл негизи **шўв** туслаганда, **шав** деб ўқилади.

رافتن рафтан - кетмоқ, бормоқ феълнинг тусланиши

مفرد

من می روم. **Ман миравам.** Мен кетаяпман. (Мен бораяпман.)

تو می روی. **Тў мирави.** Сен кетаяпсан. (Сен бораяпсан.)

او می رود. **У миравад.** У кетаяпти. (У бораяпти.)

جمع

ما می رویم. **Мо миравим.** Биз кетаяпмиз. (Биз бораяпмиз.)

شما می روید. **Шўмо миравид.** Сиз кетаяпсиз. (Сиз бораяпсиз.)

آنها می روند. **Онҳо мираванд.** Улар кетаяптилар. (Улар бораяптидилар.)

آنها با دوستانشان به شهر قوقان می روند.

Онҳо бо дустонэшон бэ шахр-э Кўқон мираванд.

Улар дўстлари билан Кўқон шахрига бораяптилар.

Агар ҳозирги замон феъл негизи чўзиқ унлиси **о** ёки **у** билан тугаса, шахс-сон қўшимчалари олдидан I шахс бирлик ва III шахс бирлик ва кўпликда бир **ё** (ی), қолган шахсларда эса шахс-сон қўшимчалари олдидан бир **ҳамза** (ء) белгиси орттирилиб ёзилади.

آمدن омадан - келмоқ феълнинг тусланиши

مفرد

من می آیم. **Ман миоям.**

Мен келяпман.

تو می آئی. **Тў миойи.**

Сен келяпсан.

او می آید. **У миояд.**

У келяпти.

جمع

ما مى انهم. **Мо** миойим.
شما مى انهد. **Шӯмо** миойид.
انها مى ايلد. **Онҳо** миоянд.

Биз келяпмиз.
Сиз келяпсиз.
Улар келяптилар.

شرکت کنندگان کنفرانس علمى به دانشگاه ما مى ايلد.

Шаркит кӯнаидэгон-э кӯнфэронс-э элми бэ донэшгоҳ-э мо
миоянд.

Илмий конференция иштирокчилари бизнинг университетга
келяптилар.

Ҳозирги – келаси замон феълининг бўлишсиз шакли **ми-** (می)
олд кӯшимчаси олдига урғули на- (ن) **инкор юқламасини кӯшиш**
орқали ислади.

هوالم хондан- ўқимоқ феълининг тусланиши

مفرد

من نمى هوالم. **Ман** намихонам.
تو نمى هوالى. **Тў** намихони.
او نمى خواند. **У** намихонад.

Мен ўқимаяпман.
Сен ўқимаяпсан.
У ўқимаяпти.

جمع

ما نمى هوالمهم. **Мо** намихоним.
شما نمى هوالمهد. **Шӯмо** намихонид.
انها نمى خواندند. **Онҳо** намихонанд.

Биз ўқимаяпмиз.
Сиз ўқимаяпсиз.
Улар ўқимаяптилар.

من کتاب زبان هندی را نمى هوالم.

Ман кӯтоб-э забон-э ҳинди ро намихонам.

Мен ҳинд тили китобини ўқимаяпман.

امدن омадан - келмоқ феълининг тусланиши

مفرد

من نمى ايم. **Ман** намиоям.
تو نمى انى. **Тў** намиойи.
او نمى ايلد. **У** намиояд.

Мен келмаяпман.
Сен келмаяпсан.
У келмаяпти.

جمع

ما نمى انهم. **Мо** намиойим.
شما نمى انهد. **Шӯмо** намиойид.
انها نمى ايلد. **Онҳо** намиоянд.

Биз келмаяпмиз.
Сиз келмаяпсиз.
Улар келмаяптилар.

او هنوز از منزلش نمی آید.
У ҳануз аз манзэлаш намиояд.
У ҳалигача уйдан қайтмаяпти.

برگشتن бар-гаштан - қайтмоқ феълнинг тусланиши

مفرد

| | | |
|--------------------|------------------------------|---------------------|
| من بر نمی گردهم. | Ман бар-намигардам. | Men қайтмаяпман. |
| تو بر نمی گردی. | Тӯ бар-намигарди. | Sen қайтмаяпсан |
| او بر نمی گردد. | У бар-намигардад. | U қайтмаяпти. |
| جمع | | |
| ما بر نمی گردیم. | Мо бар-намигардим. | Biz қайтмаяпмиз. |
| شما بر نمی گرديد. | Шӯмо бар-намигардид. | Siz қайтмаяпсиз. |
| آنها بر نمی کردند. | Онҳо бар-намигарданд. | Ular қайтмаяптилар. |

آنها هنوز از تعطیلات تابستانی بر نمی گردند.

Онҳо ҳануз аз татилот-э тобэстони бар намигарданд.
Улар ҳалигача ёзги таътилддан қайтмаяптилар.

Ҳозирги – келаси замон феъли қуйидаги иш-ҳаракатларни билдиради:

1. Бирон бир иш-ҳаракатни айнан ҳозирги пайтда бажарилаётганини билдиради. **Масалан:**

تو چه می کنی؟

Тӯ чэ микўни?

Сен нима қияпсан?

من مقاله ی دوستم را می خوانم.

Ман мақолэ-йэ дустам ро михонам.
Мен дўстимнинг мақоласини ўқияпман.

2. Бирон бир иш-ҳаракатни доимий бўлиб туришини билдиради. **Масалан:**

برادر بزرگم در اداره ی نشریات روزنامه ی " ازبکستان " کار می کند.
Бародир-э бузургам дар эдорэ-йэ наشريёт-э рузномэ-йэ
«Ўзбакэстон» кор миқўнад.
Аким «Ўзбекистон» газетаси наشريёти идорасида ишлайди.

زمین دور خورشید می گردد.
Замин дўвр-э хўршид мигардад.
Ер куёш атрофида айланади.

3. Бирон бир иш-ҳаракатни келгусида бажарилишини билдиради.

ساعت دو بعد از ظهر درس ما تمام می شود.
Соат-э дў баъд аз зўхр дарс-э мо тамом мишавад.
Дарсимиз тушдан сўнг соат иккида тамом бўлади.

بعد از یک و نیم ساعت پدرم از کار برمی گردد.
Баъд аз йёк-ў ним соат пэдарам аз кор бар мигардад.
Бир ярим соатдан сўнг отам ишдан қайтади.

Баъзан шеъриятда ёки фолклорда ҳозирги-келаси замон феълининг олд кўшимчаси ми- (ми) тушиб қолиши мумкин.
Масалан:

دانا داند و پرسد نادان نداند و نپرسد.
Дона донад ва пўрсад, нодон надонад ва напўрсад.
Виладиган биледи ва сўрайди, билмайдиган билмайди ва сўрамайди.

Қондага мувофик шундай бўлиши керак эди. Масалан:

دانا می داند و می پرسد نادان نمی داند و نمی پرسد.
Дона мидонад ва мипўрсад, нодон намидонад ва намипўрсад.
Виладиган биледи ва сўрайди, билмайдиган билмайди ва сўрамайди.

اگر گویم زبان سوزد،
که مغز استخوان سوزد.

مرا دردیست اندر دل
وگر پنهان کنم ترسم

Юрагимда бир дардим бор
Агар айтсам тилим куяди,
Ва агар яширсам, қўрқаманки,
Суягимнинг илиги куяди.

Бу рубойда ҳам сузад (سوزد), тарсам (ترسم) феъллари мисузад (می سوزد), митарсам (می ترسم) шаклларида ёзилиши керак эди.

Форс тилида қабл аз (قبل از), пиш аз (پیش از), баъд аз (بعد از) ва пас аз (پس از) предлоглари пайтғни билдириб, бирор иш-ҳаракат ё ҳодисани иккинчи бир иш-ҳаракатдан аввал ёки сўнг бажарилишини кўрсатади. Масалан:

من صبح سوار اتوبوس خط نهم می شوم و پس از پانزده دقیقه به دانشکده می رسم.

Ман сўбҳ савор-э ўтўбус-э хатт-э нўхўм мишавам ва пас аз понздаҳ дақиқэ бэ донэшкадэ мирасам.
Мен эрталаб тўққизинчи (рақамли) автобусга ўтираман ва ўн беш дақиқадан сўнг факултетга етиб келаман.

آنها همیشه قبل از غذاخوری دست خود را می شویند.

Онҳо ҳамишэ қабл аз ғазохўри даст-э хўд ро мишуянд.
Улар ҳамиша овқатланишдан аввал қўлларини ювадилар.

Форс тилида ишлатилинадиган ушбу бирикмалардан қабл аз (قبل از) билан пиш аз (پیش از) ва баъд аз (بعد از) билан пас аз (پس از) ўзаро синонимик бирикмалардир.

ҚЎШМА ФЕЪЛЛАРНИНГ КОНТАКТ ВА ДИСТАНТ ҲОЛАТИ

Гапда қўшма феълларнинг от қисми кўмакчи феъл билан ёнма-ён келиб, улар орасида гапнинг бошқа бўлаклари бўлмаса, бу ҳолат қўшма феълнинг контакт ҳолати дейилади. Масалан:

آنها با دانشیار زبان فارسی خود صحبت می کنند.

Онҳо бо донэшёр-э забон-э форси-йэ хўд сўхбат микўнанд.
Улар форс тили ўқитувчилари билан суҳбатлашяптилар.

محرر مقاله ی روزنامه نگار خارجی را تحریر می کند.

Мўҳаррэр мақолэ-йэ рузномэнэгор-э хорэжи ро тахрир микўнад.
Мўҳаррир хорижий журналист мақоласини тахрир қияпти.

Қўшма феълнинг от қисми билан кўмакчи феъл орасида гапнинг бошига бўликлари келган бўлса, бу ҳолат қўшма феълнинг дистант ҳолати дейилади. Қўшма феъл дистант ҳолатда бўлса, қўшма феълнинг от қисми ҳар доим изофа билан ўқилади. Қўшма феъл дистант ҳолатида бўлган вақтда қўшма феълнинг от ва кўмакчи феъл қисми ўртасидаги сўзлар (бу сўзлар бирикма бўлганлиги сабабли) изофа билан ўқилади. Форс тилида баъзи феълларгина дистант ҳолатда ишлатилиши мумкин. Масалан:

| | | |
|------------|--------------|----------------------------|
| سوار شدن | савор шўдан | минмоқ, ўтирмоқ, чиқмоқ |
| داخل شدن | дохэл шўдан | кирмоқ |
| مشغول بودن | машғул будан | машғул бўлмоқ, шуғулланмоқ |
| وارد شدن | ворэд шўдан | кирмоқ |

نمایندگان جمهوری ازبکستان سوار هواپیمای شدند.

Намонидгон-э жўмхури-йэ Ўзбакэстон савор-э ҳавопэймо шўданд.

Ўзбекистон республикаси вакиллари самолётга чиқдилар.

دانشجویان دانشکده ی روزنامه نگاری بین المللی داخل کلاس شدند.

Донэшжувн-э донэшкадэ-йэ рузномэнэгори-йэ бэйнўлмэлали дохэл-э кэлос шўданд.

Халқаро журналистика факултети талабалари аудиторияга кирдилар.

همه ی آنها مشغول شام خوردن بودند.

Хамэ-йэ онҳо машғул-э шом хўрдан буданд.

Уларнинг ҳаммалари кечки овқатланиш билан машғулдирлар.

ما وارد نشریات روزنامه ی "صنعت و ادبیات ازبکستان" شدیم.

Мо ворэд-э нашриёт-э рузномэ-йэ «Санъат ва адабиёт -э Ўзбакэстон» шўдим.

Виз «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси нашриётига кирдик.

Келтирилган мисолларда жўналиш маъноси англашилса-да, қўшма феъл дистант ҳолатда бўлганлиги учун бэ (به) предлоги қатнашмайди. Бу каби ҳолатларда жўналиш маъносини қўшма феълнинг биринчи қисмидан сўнг орттирилган **изофа** бажаради.

Агар гапнинг кесими контакт ҳолатда келса, гапдан жўналиш маъноси англашилса бэ предлоги орқали ифодаланади. Масалан:

نمايندگان جمهورى ازبکستان به هوايما سوار شدند.

Намояндэгон-э жўмхури-йэ Ўзбакэстон бэ ҳавопэймо савор шўданд.

Ўзбекистон республикаси вакиллари самолётга чикдилар.

دانشجویان دانشکده ی روزنامه نگاری بین المللی به کلاس داخل شدند.

Донэшжуён-э донэшкадэ-йэ рузномэнэгори-йэ бэйнўлмэлали бэ кэлос дохэл шўданд.

Халқаро журналистика факултети талабалари аудиторияга кирдилар.

همه ی آنها به شام خوردن مشغول بودند.

Ҳамэ-йэ онҳо бэ шом хўрдан машғул буданд.

Уларнинг ҳаммалари кечки овқатланиш билан машғулдирлар.

ما به نشریات روزنامه ی " ادبیات و صنعت ازبکستان " وارد شدیم.

Мо бэ нашриёт-э рузномэ-йэ «Адабиёт ва санъат-э Ўзбакэстон» ворэд шўдим.

Биз «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси нашриётига кирдик.

ҲАРФ ЗАДАН ВА ГЎФТЎГУ ҚАРДАН ФЕЪЛЛАРИ

Форс тилида **ҳарф задан** (حرف زدن) ва **гўфтўгу қардан** (گفتگو کردن) феъллари бирор тилда **гапирмоқ, сўзламоқ, гаплашмоқ, сўзлашмоқ** маъноларини англатиб келганда, сўзлашиш вазифасини билидрга **забон** (زبان) (тил) сўзининг **бэ** (به) предлоги билан келишини талаб қилади: **Масалан:**

دوست شما به زبان فارسی حرف می زند؟ آیا

Оё, дуст-э шўмо бэ забон-э форси ҳарф мизанад?

Дўстингиз форс тилида гаплашадими?

بلى؛ دوستم به زبان فارسی حرف می زند.

Балэ, дустам бэ забон-э форси ҳарф мизанад.

Ҳа, дўстим форс тилида сўзлашади.

شما با مادر خود به کدام زبان گفتگو می کنید؟
Шумо бо модир-э худ бэ кўдом забон гўфтўгу микўнид.
 Сиз онангич билан қайси тилда гаплашасиз?

من با مادرم به زبان ازبکی گفتگو می کنم.
Ман бо модирам бэ забон-э ўзбаки гўфтўгу микўнам.
 Мен онам билан ўзбек тилида гаплашаман.

ДОШТАН ФЕЪЛИ

Доштан (داشتن) феъли ўзбек тилидаги **эга бўлмоқ, бор бўлмоқ** маъноларини англатади. Бу феъл бир сўздан ташкил топганлиги учун **содда феъл** дейилади. Доштан содда феълининг ҳозирги замон **феъл негизи дор (دار)** дир. Доштан содда феълининг ҳозирги замон **негизи ўзбек тилига** ҳам ўзлашган ва **бор** маъносини англатади.
Масалан:

ЎЗБЕК ТИЛИДА

| | | | |
|-----------------|------------------|----------------|----------------|
| <i>ийбдор</i> | <i>қарздор</i> | <i>ҳақдор</i> | <i>мулкдор</i> |
| <i>ҳиссидор</i> | <i>мансабдор</i> | <i>амалдор</i> | <i>пулдор</i> |

Маъно жиҳатидан рус тилидаги **имет** феълига ёки инглиз тилидаги **то** ҳаво феълига тўғри келади. Масалан:

من مطاب دارم. Я имею карандаш. I have a pen.

مفرد

| | | |
|------------------|--------------------|----------------------|
| من روزنامه دارم. | Ман рузномэ дорам. | Менинг газетам бор. |
| تو روزنامه داری. | Тў рузномэ дори. | Сенинг газетанг бор. |
| او روزنامه دارد. | У рузномэ дорад. | Унинг газетаси бор. |

جمع

| | | |
|---------------------|----------------------|--------------------------|
| ما روزنامه داریم. | Мо рузномэ дорим. | Бизнинг газетамиз бор. |
| شما روزنامه دارید. | Шўмо рузномэ дорид. | Сизнинг газетангиз бор. |
| انها روزنامه دارند. | Онҳо рузномэ доранд. | Уларнинг газеталари бор. |

Доштан содда феъли гапда қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Доштан содда феъли содда феъл шаклида гапнинг кесими вазифасида келса ва иш ҳаракат ҳозирги замонни англатсада -ми олд кўшимчасини олмайди. Масалан:

آنها مجله دارند.

Онҳо мажаллә доранд.

Уларда журнал бор.

ما مداد داریم.

Мо мэдод дорим.

Бизда қалам бор.

Доштан содда феъли кўшма феъл таркибида гапнинг кесими вазифасида келса ва иш ҳаракат ҳозирги замонни англатса -ми олд кўшимчасини олади. Масалан:

مادرم را دوست می دارم.

Ман модарамро дуст

мидорам.

Мен онамни яхши кўраман.

ما میهن خود را دوست می داریم.

Мо миҳан-э хўд ро дуст

мидорим.

Биз ватанимизни севамиз.

3. Доштан содда феъли ёшни ифода этишда ҳам ишлатилади. Масалан:

برادر بزرگم بیست و هشت سال دارد.

Бародар-э бўзўргам бистў ҳашт сол дорад.

Акам йигирма саккиз ёшда.

Ўзбек тилига **бор** сўзи ҳамда феъл ифодалаган моликликни (егаликни) билдирувчи сўзга эгалик кўшимчалари қўшиб таржима қилинади. Масалан:

من کتاب درسی زبان فارسی دارم.

Ман кэтоб-э дарси-йэ забон-э форси дорам.

Менинг форс тили дарслигим бор.

ما فرهنگ ازبکی به فارسی داریم.

Мо фарҳанг-э ўзбаки бэ форси дорим.

Бизнинг ўзбекча форсча луғатимиз бор.

Доштан (داشتن) феълининг ҳозирги – келаси замон инкор шакли **на-** (نہ) инкор юкламасини қўшиш орқали ясалади. Бунда урғу **на-** (نہ) инкор юкламасига тушади. Масалан:

مفرد

من مجله ندارم. **Ман мажаллә надорам.** Менинг журналим йўқ.
 تو مجله نداری. **Тў мажаллә надори.** Сенинг журналинг йўқ.
 او مجله ندارد. **У мажаллә надорад.** Унинг журнали йўқ.

جمع

ما مجله نداریم. **Мо мажаллә надорим.** Бизнинг журналимиз йўқ.
 شما مجله ندارید. **Шўмо мажаллә надорид.** Сизнинг журналингиз йўқ.
 آنها مجله ندارند. **Онҳо мажаллә надорид.** Уларнинг журнал(лар)и йўқ.

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ДОШТАН ФЕЪЛИНИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОН ИҲГИЗИ ИШТИРОК ЭТГАН СЎЗЛАР.

| | | |
|-----------|-----------|-----------|
| амалдор | мулкдор | пулдор |
| мансабдор | ҳақдор | қарздор |
| изадор | тождор | миннатдор |
| гулдор | рўзадор | хукмдор |
| булдор | хабардор | гарафдор |
| қилдор | чорнадор | ярадор |
| қилдор | байроқдор | диндор |

ЁШНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Форе тилида сол (سال) (йил, ёш) сўзининг доштан (داشتن) феъли билан бирикиши орқали ёш ифодаланади. Масалан:

دوست من بیست سال دارد.

Дуст-э ман бист сол дорад
Дустим Ингирма ёшда.

مادر بزرگ او شصت سال دارد.

Модар-э бўзўрг-э у шаст сол дорад
Унинг бувиси олтмиш ёшда.

Бирор шахснинг неча ёшда эканлигини билиш учун сол (سال) ни доштан (داشتن) бирикмаси олдида **чанд?** (چند) (неча?) сўрок олмоши қўйилади.

شما چند سال دارید؟
Шўмо чанд сол дорид?
Сиз неча ёшдасиз?

من بیست و پنج سال دارم.
Ман бист-ў панж сол дорам.
Мен йигирма беш ёшдаман.

مادر تان چند سال دارد؟
Модарэтон чанд сол дорад?
Бувингиз неча ёшда?

مادرم هفتاد سال دارد.
Модарам ҳафтод сол дорад.
Бувим етмиш ёшда.

Сол (سال) сўзига -э (ه) кўшимчаси кўшиш орқали ундан нисбий сифат ясалади ва ўзбек тилига яшар, йиллик деб таржима қилинади. Масалан:

ما هفتاد سالگی دانشگاه را جشن می گیریم.
Мо ҳафтод солэги-йэ донэшгоҳ ро жашн мигирим.
Биз университетнинг етмиш йиллигини байрам қиламиз.

خواهر بزرگم دختر چهار ساله دارد.
Хоҳар-э бўзўргам дўхтар-э чаҳор солэ дорад.
Опамнинг тўрт яшар кизи бор.

1-топширик. Куйида берилган гапларни форс тилига таржима қилинг.

Мен ўқияпман. Сен ёзаяпсан. У кўраяпти. Биз айтаяпмиз. Сиз ишлаяпсиз. Улар дам олаяптилар. Фотима йиғлаяпти. Мен кетаяпман. Аҳмад сўраяпти. Ўқитувчи жавоб бераяпти. У ўрганмаяпти. Дўстим қайтмаяпти. У кўрқаяпти. Комрон бераяпти. Парвин оляпти. Талаба кыряпти. Ўқитувчи чиқяпти. У қайтяпти. Темур кўтаряпти. Акам ухляяпти. Бошим оғрияпти. Мен филм кўраяпман. У университетдан қайтаяпти. Сиз ҳам кулаяпсизми? Ҳа биз ҳам куйлаяпмиз. Улар қайерга кетаяптилар? Улар Мустақиллик майдониға кетаяптилар. Мен эронлик дўстимға мактуб ёзаяпман. У Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романини ўқияпти. Нимо Лондонлик дўстиға форсча китоб юборди. Биз факултетға борапмиз. Унинг синглиси Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университетида ўқияпти. Сиз қайерга кетаяпсиз? Мен амалий санъат кўргазмасиға кетаяпман. Сиз дарсдан сўнг қайерга борасиз? Мен дарсдан сўнг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон

миллий кутубхонасига бораман. Аҳмад форс тили ўқитувчисига форс тилида жавоб берапти. Талабалар университет боғида ишляптилар. Гурухимиз талабалари Эрон ёзувчиси Содик Хидоятнинг "Синган ойна" ҳикоясини ўзбек тилига таржима қилляптилар.

2-топширик. Қуйида берилган гапларни намунада берилгани каби форс тилига таржима қилинг.

Намуна:

Биз форс тили китобини ўқиш билан машғул бўлдик.

ما به خواندن کتاب زبان فارسی مشغول شدیم.

ما مشغول خواندن کتاب زبان فارسی شدیم.









Мен отга миндим. У уйдан ташқарига чиқди. Аҳмад уйга кирди. Улар автобуга чиқдилар. Биз эрталаб понушта қилдик. Гурухимиз талабалари синф хонасига кирдилар. Харидорлар керакли нарсалар сотиб олиш билан машғул эдилар. Биз қишқи палто танлай бошладик.

3-топширик. Қуйида берилган суратлардаги предметларнинг форс тилидаги номларини машқ дафтарингизга араб ёзувида ёзинг.



4-топширик. Қуйида берилган суратлардаги сабзавот ва меваларнинг номларини худди намунада кўрсатилганидек, машқ дафтарингизда бажаринг.

واژه مربوط به هر تصویر را در جدول زیر بنویسید.

| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|--|---|---|---|---|---|---|---|---|--|--|--|--|--|--|--|---|--|---|
|  | → | <table border="1" style="border-collapse: collapse; width: 100%;"><tr><td> </td><td>ه</td><td>ن</td><td>ا</td><td>و</td><td>د</td><td>ن</td><td>ه</td></tr><tr><td> </td><td> </td><td> </td><td> </td><td> </td><td> </td><td> </td><td>س</td></tr></table> | | ه | ن | ا | و | د | ن | ه | | | | | | | | س |  | ← |
| | ه | ن | ا | و | د | ن | ه | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | س | | | | | | | | | | | | | |
|  | ⇒ | <table border="1" style="border-collapse: collapse; width: 100%;"><tr><td> </td><td> </td><td> </td><td> </td><td> </td><td> </td><td> </td><td>ا</td></tr><tr><td> </td><td> </td><td> </td><td> </td><td> </td><td> </td><td> </td><td> </td></tr></table> | | | | | | | | ا | | | | | | | | |  | ← |
| | | | | | | | ا | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|  | → | <table border="1" style="border-collapse: collapse; width: 100%;"><tr><td> </td><td> </td><td> </td><td> </td><td> </td><td> </td><td> </td><td>ن</td></tr><tr><td> </td><td> </td><td> </td><td> </td><td> </td><td> </td><td> </td><td>س</td></tr></table> | | | | | | | | ن | | | | | | | | س |  | ← |
| | | | | | | | ن | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | س | | | | | | | | | | | | | |
|  | ⇒ | <table border="1" style="border-collapse: collapse; width: 100%;"><tr><td> </td><td> </td><td> </td><td> </td><td> </td><td> </td><td> </td><td>ی</td></tr><tr><td> </td><td> </td><td> </td><td> </td><td> </td><td> </td><td> </td><td> </td></tr></table> | | | | | | | | ی | | | | | | | | |  | ⇒ |
| | | | | | | | ی | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |

5-топширик. Қуйида берилган матнни ўқинг ва ўзбек тилига таржима қилинг.

احمد و فرح

زمستان هوا سرد است. کوه و تپه ها پر از برف است. گاهی باد می وزد. احمد و فرح هنوز کوچک هستند. آنها در دبستان درس می خوانند. در زمستان آنها زود از خواب بیدار می شوند. چای و نان و پنیر یا گاهی شیر و سرشیر می خورند و به دبستان می روند. دبستان به خانه شان نزدیک است و آنها همیشه پیاده به آنجا می روند. آنها به فارسی می نویسند و می خوانند. مادرشان پرستار است. پدرشان دکتر است. آنها در بیمارستان کار می کنند. بیمارستان بزرگ و چند طبقه است.

زمستان سه ماه است. دی بهمن و اسفند. در زمستان هوا خیلی سرد می شود. برف می بارد و یا باد سردی می وزد. آهسته آهسته زمستان تمام می شود. بعد از فصل زمستان فصل بهار می رسد. آفتاب پر نور می شود. فورا گرم می شود. برفشہ پیدا می شود. موقع فصل بهار در ایران برفشہ فراوان می شود. بهار سه ماه است: فروردین اردیبهشت و خرداد. تابستان احمد و فرح درس نمی خوانند استراحت می کنند به ده می روند. پدربزرگ و مادربزرگشان در روستا زندگی می کنند. تابستان هم سه ماه است: تیر مرداد و شهریور. احمد و فرح این سه ماه در ده می مانند. آنها پاییز به دبستان می روند. پاییز هم سه ماه است: مهر آبان و آذر.

Минутга оид савол ва топшириқлар:

1. Ҳозирги-келаси замон феъли деб нимага айтилади?
2. Ҳозирги замон феъл негизи қандай ясалади?
3. Ҳозирги-келаси замон феъли форс тилида қандай номланади?
4. Ҳозирги келаси замон феълени ҳосил қилишда иштирок этадиган шахс-сон қўшимчалари қайсилар?
5. Ҳозирги-келаси замон феъли қандай ясалади?
6. Ҳозирги замон феъл негизи чўзиқ о унлиси билан тугалланган бўлса, шахс-сон қўшимчалари қўшилганда қандай имло ўзгаришлари кузатилади?
7. Ҳозирги замон феъл негизи чўзиқ у унлиси билан тугалланган бўлса, шахс-сон қўшимчалари қўшилганда қандай имло ўзгаришлари кузатилади?
8. Ҳозирги замон феъл негизи ув дифтонги билан тугалланган бўлса, шахс-сон қўшимчалари қўшилганда қандай фонетик ўзгаришлар кузатилади?
9. Ҳозирги-келаси замон феълени ҳосил қилишда иштирок этадиган ми олд қўшимчаси қўшиб ёзиладими ёки алоҳида?
10. Қўшма феълларнинг контакт ҳолати деганда нимани тушунаси?
11. Қўшма феълларнинг дистант ҳолати деганда нимани тушунаси?
12. Нарча қўшма феъллар дистант ҳолатда кела оладими?
13. Дистант ҳолатда келадиган феъллар қайсилар?
14. Косим вазифада келган қўшма феъл дистант ёки контакт ҳолатда келган вақтда таржимادا фарқ бўладими ёки йўқ?
15. Ҳарф талдан ва ўфғтуу кардан қўшма феъллари ҳақида маълумот бериш.
16. Довган феъленинг луғавий маъноси қандай?
17. Довган солда феъли қачон -ми олд қўшимчасини олмайди?
18. Довган солда феъли қачон -ми олд қўшимчасини олади?
19. Довган феълени яна қайси ҳолатларда иштирок этганлигини кузатишимиз мумкин?
20. Форс тилида ёш ифодаланишида қайси сўзлар иштирок этади?
21. Сол сўзи қандай маънолар англатади?
22. Сол сўзини қисқа э унлиси қўшилса қандай маъно англатади?

Мавзуга оид адабиётлар:

1.Ю.А.Рубинчик, Грамматика современного персидского литературного языка. Москва 2011г.

2.Anousha Shavsavari, Blake Atwood, Persian of Iran today. An introductory course, Volume 1,2. Texas, 2015.

3.Plats J.T. and Ranking C.A. A grammar of the Persian language Oxford 1911 y.

4.Yodolloh Samareh Persian language teaching Iran 1993 y.

9 – МАШГУЛОТ

МАВЗУ: ФОРС ТИЛИДА БУЙРУҚ МАЙЛИ. ҲОЗИРГИ-КЕЛАСИ ЗАМОН ШАРТ-ИСТАК МАЙЛИ. МОДАЛ ФЕЪЛЛАР ВА МОДАЛ СЎЗЛАР.

Ранга:

1. *Форс тилида буйруқ майли.*
2. *Ҳозирги-келаси замон шарт-истак майли.*
3. *Модал феъллар ва модал сўзлар.*

Талич сўз ва иборалар. *Ўзбек тили, форс тили, грамматика, феъл, феъл майиллари, буйруқ майли, важҳэ амри, шарт-истак майли, ҳозирги-келаси замон шарт-истак майли, мўзорэ-йэ элтэзоми, ўтган замон шарт-истак майли, мози-йэ элтэзоми, модал феъллар, хостан модал феъли, тавонестан модал феъли, бойвостан модал феъли, модал сўзлар, шояд, мўмкэн аст, мўмкэн нист эҳтэмол миравад, эҳтэмол намиравад.*

Уқув машгулотининг мақсади. *Ўзбек тили, форс тили, грамматика, феъл, феъл майиллари, буйруқ майли, важҳэ амри, шарт-истак майли, ҳозирги-келаси замон шарт-истак майли, мўзорэ-йэ элтэзоми, ўтган замон шарт-истак майли, мози-йэ элтэзоми, модал феъллар, хостан модал феъли, тавонестан модал феъли, бойвостан модал феъли, модал сўзлар, шояд, мўмкэн аст, мўмкэн нист эҳтэмол миравад, эҳтэмол намиравад ҳақида назарий маълумотлар бериш ва уларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш.*

БУЙРУҚ МАЙЛИ

Буйруқ майли форс тилида **важҳ-э амри** (وجه امرى) деб номланиб, буюриш, илтимос маъноларини ифодалайди. Бунда **кўта** **асосан** иккинчи шахс бирлик ва кўпликка қаратилган бўлади. **Буйруқ майлининг** бирлик шакли феълнинг (сода, префиксли ва кўшма) **ҳозирги замон** негизига **бе-** (ب) олд кўшимчасини кўшиш орқали ҳосил қилинади. **Мисалли:**

| | | | | |
|----------|---|-----------------------------|---|------------------|
| وجه امرى | = | ҳозирги замон феъл ўзаги | + | به олд кўшимчаси |
| بخوان | = | خوان | + | به |
| بر پدار | = | بر دار | + | به |
| کار بکن | = | ترجمه کن | + | به |

متن درس بیستم را بنویس.

Матн-э дарс-э бистўм ро бэнавис.

Ўигирманчи дарс матнини ёз.



Буйруқ майлининг кўплик шакли бирлик шаклига –ид (يد) шахс-сон кўшимчасини кўшиш орқали ясалади. Масалан:


| وجه امرى | = | بد шахс- сон кўшимчаси | ҳозирги замон феъл ўзаги | + | به олд кўшимчаси |
|-----------|---|---------------------------|-----------------------------|---|---------------------|
| بخوانيد | = | يد - | خوان | + | به |
| بر بخيزيد | = | يد - | بر خيز | + | به |
| کار بکنيد | = | يد - | ترجمه کن | + | به |

| | |
|----------|----------------|
| مفرد | جمع |
| برو | برويد |
| بدان | بدانيد |
| бэрўв | бэравид |
| бэдон | бэдонид |
| бор, кет | боринг, кетинг |
| бил | билинг |

این متن را بخوانید و بزبان فارسی ترجمه بکنید.

Ин матро бэхонид ва бэ забон-э форси таржўмэ бэкўнид.

Бу маттни ўкинг ва форс тилига таржима қилинг.



Агар ҳозирги замон феъл негизи чўзиқ о ёки у унлилари билан тугаган бўлса, буйрук майлининг кўплик шаклидаги шахс-сон қўшимчаси олтидан бир хамза (ء) белгиси орттирилиб ёзилади. Масалан:

| | | | | | |
|------|-----|-----|---------|--------|--------|
| مفرد | جمع | | | | |
| بىر | بىر | айт | بىگوئىد | бегуид | айтинг |
| با | با | кел | بيانىد | беёид | келинг |

فردا کار دارم خودتان بيانيد.

Фардо кор дорам хўдетон бэёид.
Ертага ишим бор ўзингиз келинг.

Буйрук майлида ургу бэ (ه) олд қўшимчасига тушади.

Префиксли феъллардан буйрук феъли ясалганда, бэ (ه) олд қўшимчаси кўпинча тушиб қолади ва шакл жиҳатидан феълнинг ҳозирги замон негизига мос қолади. Масалан:

| | | | | |
|----------|---|--------------------------|---|-----------------|
| وجه امرى | = | ҳозирги замон феъл ўзаги | + | ه олд қўшимчаси |
| بر خيز | = | بر خيز | + | به |

بر گرد
بر خيز

бар-гард
бар-хиз

қайт
тур

| | | | | | | |
|----------|---|--------------------|---|--------------------------|---|-----------------|
| وجه امرى | = | шахс-сон қўшимчаси | + | ҳозирги замон феъл ўзаги | + | ه олд қўшимчаси |
| بر خيزيد | = | - يد | + | بر خيز | + | به |

جمع

بر گرديد
بر خيزيد

бар-гардид
бар-хизид

қайтинг
туринг

Қўшма феъллардан буйрук майли ясалганда, бэ - (ه) олд қўшимчаси қўмакчи феълга қўшилади. Масалан:

Классик адабиётларда баъзан буйруқ маъносини ифодалаш учун **бе-** (بە) ўрнига **ма-** (مە) **ми-** (مى) олд қўшимчасини ишлатиш ҳоллари ҳам учрайди. Масалан:

بد مكن كه بد افتى،
چاه مكن كه خود افتى.

مى كوش به هر ورق كه خوانى
تا معنى آن تمام دانى. (نظامى)

Бад мақўнкэ бад ўфти,
Чоҳ мақўнкэ хўд ўфти.

микуш бэ ҳар варақ кэ хони,
то маъни-э он тамом дони.

Маъноси қуйидагича: ёмонлик килма ёмонлик кўрасан, чоҳ казима ўзинг йиқиласан.

Маъноси қуйидагича: Ҳар бир варақни ўқир экансан, унинг маъносини бутунлай тушуниб етишга ҳаракат қил.

Буйруқ майлининг инкор шакли **бэ-** (بە) олд қўшимчасининг тушиб қолиши ва унинг ўрнига **на-** (نە) инкор юкламасининг қўйилиши орқали ясалади. Масалан:

برو
نرو
برو يد
نرو يد

бэрўв
нарўв
бэравид
наравид

бор
борма
боринг
борманг

Префиксли феълларда ёки қўшма феълларда **на-** (نە) инкор юкламаси префикс ёки отга эмас, кўмакчи феълга қўшилади. Масалан:

بر دار
بر ندار
جواب بده
جواب نده

бар дор
бар надор
жавоб бэдэх
жавоб надэх

кўтар
кўтарма
жавоб бер
жавоб берма

Безлам буйруқни кучайтириш учун на- (نە) ўрнига **ма-** (مە) инкор юкламаси ҳам ишлатилади. Инкорнинг бу шакли кўпроқ панд-насихат маъноларидаги мақоллар ва постик асарларда учрайди. Масалан:

کار امروز را به فردا مگذار.

Кор-э эмрузро бэ фардо магүзор.

Бугунги ишни эртага қўйма.

آنجا که نمک خوردی نمکدان مشکن.

Онжо кэ намак хўрди намакдон машэкан.

Туз ичган ерингда, туздонни синдирма.

Содда, префиксли ва қўшма феълларнинг инкор шаклида урғу доимо **на-** ва **ма-** инкор юкламаларига тушади. Агар феъл чўзиқ унли **о** билан бошланган бўлса, **-бэ** олд қўшимчаси ёки **на-** инкор юкламасидан сўнг бир **й (ى)** орттирилиб ёзилади. **Масалан :**

омадан (آمدن) - келмоқ феълининг бўлишсиз шаклда тусланиши

| | | |
|--------|--------|----------------|
| بیا | бэё | кел, бор |
| نیا | наё | келма, борма |
| بیائید | бэёйид | келинг, боринг |
| نیائید | наёйид | келма, борма |

овардан (اوردن) - келтирмоқ феълининг бўлишсиз шаклда тусланиши

| | | |
|---------|----------|------------|
| بیاور | бэёвар | келтир |
| نیاور | наёвар | келтирма |
| بیاورید | бэёварид | келтиринг |
| نیاورید | наёварид | келтирманг |

Агар феъл **а** ёки **ў** қисқа унлиси билан бошланган бўлса, унга **бе-** олд қўшимчаси ёки **на-** инкор юкламаси қўшилганда ёзувда **алиф** ҳарфи тушиб қолади ва унинг ўрнига бир **й (ى)** қўйилади. **Масалан: андохтан (انداختن) – ташламоқ, ҳозирги замон феъл негизи андоз (انداز) :**

اندوختان андохтан - ташламоқ феълининг бўлишсиз шаклда тусланиши

| | | |
|---------|-----------|-----------|
| بهداز | бэяндоз | ташла |
| نهداز | наяндоз | ташлама |
| بهدازيد | бэяндозид | ташланг |
| نهدازيد | наяндозид | ташламанг |

افتادن (افتادن) - йиқилмоқ феълининг бўлишли ва бўлишсиз шаклда тусланиши.

| | | |
|-------|----------|-----------|
| بھت | бэйўфт | йиқил |
| نھت | найўфт | йиқилма |
| بھتيد | бэйўфтид | йиқилинг |
| نھتيد | найўфтид | йиқилманг |

داشتان (داشتان) – эга бўлмоқ феълининг буйруқ шакли алоҳида хусусиятга эга бўлиб, бу феълнинг ўтган замон сифатдоши **доштэ** (داشته) билан (будан) (بودن) феъллининг ҳозирги замон негизи **бош** (باش) нинг бирикиши орқали ясалади. Масалан:

Доштэ бош (داشته باش) – эга бўлмоқ, бор бўлмоқ феъллининг бўлишли ва бўлишсиз шаклда тусланиши

| | | |
|--------------|---------------|-------------|
| داشته باش | доштэ бош | эга бўл |
| نداشته باش | надоштэ бош | эга бўлма |
| داشته باشيد | доштэ бошид | эга бўлинг |
| نداشته باشيد | надоштэ бошид | эга бўлманг |

Агар доштан (داشتان) феъли кўшма ёки префиксли феъл таркибиди кумакчи феъл бўлиб келса, унинг буйруқ шаклиси умумий қондаги кўра ясалади. Масалан:

дуст доштан (دوست داشت) – севмоқ феълнинг ҳозирги замон
феъл негизи дуст дор (دوست دار) :

| | | |
|-------------|--------------|--------|
| | مفرد | |
| دوست بدار | дуст бэдор | сев |
| دوست بداريد | дуст бэдорид | севинг |

| | | |
|-------------|--------------|---------|
| | جمع | |
| دوست ندار | дуст надор | севма |
| دوست نداريد | дуст надорид | севманг |

من و ساير زنبورهای عسل دوست نداريم مزاحم کسی باشيم.

**Ман ва сойэр занбурҳо-йэ асал дуст надорим мўзоҳэм-э каси
бошим.**

Мен ва бошқа асаларилар ҳеч кимга азият етказишни ёқтирмаймиз.

ФЕЪЛНИНГ ШАРТ – ИСТАК МАЙЛИ

Хошиш, истак, зарурат ва шарт маъноларини англатган феъл шаклларига шарт-истак майли дейилади. Форс тилида феълнинг шарт-истак майли икки замонда бўлади:

1. Ҳозирги-келаси замон шарт-истак майли;
2. Ўтган замон шарт-истак майли.

ҲОЗИРГИ- КЕЛАСИ ЗАМОН ШАРТ-ИСТАК МАЙЛИ

Форс тили грамматикасида бу феъл шакли мўзорэ-йэ элтэзони деб аталади. Рус тилида нашр этилган форс тилига оид адабиётларда «аорист» деб аталади. Бу грамматик категория шарт-истак майли деб аталса ҳам, гапда шарт ва истақдан бошқа яна бир неча маъноларни англатиб келади.

Ҳозирги-келаси замон феъли бирор иш-ҳаракатнинг бажарилиши аниқ эканлигини кўрсатса, мўзорэ-йэ элтэзони (مضارع التزامی) иш-ҳаракат маълум шарт, истақ, зарурият, мажбурият орқали амалга ошиши ёки унинг бажарилиши гумон эканлигини билдиради.

Мўзорэ-йэ элтэзони (مضارع التزامی) ҳозирги замон феъл негизига шахс-сон кўшимчалари ва бэ- (به) олд кўшимчасини кўшиш орқали ясалади. Масалан:

| | | | | | | |
|------------------|---|-------------------------|---|--------------------------------|---|---------------------|
| مضارع اللزامي | - | شاخص-сон қўшимчалари | + | ҳозирги замон фeyл ўзаги | + | به олд қўшимчаси |
| بخرائيم | - | يم | + | خوان | + | به |

Мўзорэ-йэ элтэзоми (مضارع التزامي) тузилиши жиҳатидан ҳозирги-келаси замонга ўхшайди, фақат ми- (می) олд қўшимчаси ўрнида бе- (به) олд қўшимчаси ишлатилади.

خواندن хондан - ўқимоқ фeyлининг тусланиши

| | | |
|----------|----------|---------------------|
| | مفرد | |
| بخرائيم | бэхонам | ўқисам, ўқий |
| بخرائي | бэхони | ўқисанг |
| بخرائد | бэхонад | ўқиса, ўқисин |
| | جمع | |
| بخرائيم | бэхоним | ўқисак, ўқийлик |
| بخرائيد | бэхонид | ўқисангиз |
| بخرائدند | бэхонанд | ўқисалар, ўқисинлар |

Соғда фeyлларнинг мўзорэ-йэ элтэзоми (مضارع التزامي) шаклида ургу бе- (به) олд қўшимчасига тушади. Масалан:

| | | |
|-------|--------|---------------|
| بگويم | бэгуим | айтсам, айтай |
| بگويد | бэгуид | келсам, келай |

| | | | | | | |
|------------------|---|-------------------------|---|--------------------------------|---|---------------------|
| مضارع اللزامي | - | شاخص-сон қўшимчалари | + | ҳозирги замон фeyл ўзаги | + | به олд қўшимчаси |
| بر بگويده | - | يد | + | برگرد | + | به |
| كار بگويده | - | ند | + | كار كن | + | به |

Шуни айтиш лозимки, қўшма ва префиксли фeyлларда бе- (به) олд қўшимчаси одатда тушиб қолади.

حرف زدن ҳарф задан - гаплашмоқ, сўзлашмоқ феълнинг тусланиши

| | | |
|------------|-------------|-----------------------------|
| | مفرد | |
| حرف بزنىم | ҳарф занам | сўзлашсам |
| حرف بزنى | ҳарф зани | сўзлашсанг |
| حرف بزند | ҳарф занад | сўзлашса |
| | جمع | |
| حرف بزنىم | ҳарф заним | сўзлашсак |
| حرف بزنىد | ҳарф занид | сўзлашсангиз |
| حرف بزندند | ҳарф зананд | сўзлашсалар |
| بر خاستن | бар-хостан | - турмоқ феълнинг тусланиши |

| | | |
|---------|-----------|---------------|
| | مفرد | |
| بر خيزم | бар-хизам | турсам, турай |
| بر خيزى | бар-хизи | турсанг |
| بر خيزد | бар-хизад | турса, турсин |

| | | |
|----------|------------|---------------------|
| | جمع | |
| بر خيزيم | бар-хизим | турсак, турайлик |
| بر خيزيد | бар-хизид | турсангиз |
| بر خيزند | бар-хизанд | турсалар, турсинлар |

Префиксли феълларда урғу префиксга, қўшма феълларда эса қўшма феълнинг от қисмидаги сўзнинг охириги бўғинига тушади. Масалан:

| | | |
|--------------|-------------------|---------------------|
| بر خيزم | бар-хизам | турсак, турайлик |
| استراحت بكنم | эстэроҳат бэкўнам | дам олсам, дам олай |

Қўшма ва апрефиксли феълларда бэ- (ه) олд қўшимчаси тушиб қолиши ҳам мумкин. Масалан:

| | | |
|-------------|-----------------|---------------------|
| بر خيزم | бар-хизам | турсак, турайлик |
| استراحت كنم | эстэроҳат кўнам | дам олсам, дам олай |

Инкор шаклида эса бэ- (ه) олд қўшимчаси тушиб қолиб, унинг ўрнига на- (ن) инкор юкламаси қўйилади. Масалан:

كفن гуфтан - айтмоқ, демоқ феълининг тусланиши (бўлишли)

مفرد

بگويم
بگوئي
بگويد

бэгуям

айтсам, айтай

бэгуйи

айтсанг

бэгуяд

айтса, айтсин

جمع

بگويم
بگوئي
بگويد

бэгуйим

айтсак, айтайлик

бэгуйид

айтсангиз

бэгуянд

айтсалар, айтсинлар

كفن гуфтан - айтмоқ, демоқ феълининг тусланиши (бўлишсиз)

مفرد

ناگويم
ناگوئي
ناگويد

нагуям

айтмасам, айтмай

нагуйи

айтмасанг

нагуид

айтмаса, айтмасин

جمع

ناگويم
ناگوئي
ناگويد

нагуйим

айтмасак, айтмайлик

нагуйид

айтмасангиз

нагуянд

айтмасалар,

айтмасинлар

Кўшма ва префиксли феълларнинг бўлишсиз шакли ҳам шу тарзда болади. Мисалан:

حرف لازيم
حرف لازيد

харф назаним

сўзлашмасак

харф назанид

сўзлашмасангиз

بر ناخيزيم
بر ناخيزيد

бар-нахизим

турмасак, турмайлик

бар-нахизид

турмасангиз

Кўридаги мисолдан кўринадики, кўшма ва префиксли феълларнинг бўлишсиз шаклида урғу доимо **на-** (ن) инкор юзламасига тушади.

Музоар-иэ элтэзими (مضارع التزامی) асосан:

- 1) орзу-истак мильносини англаган содда гапда;
- 2) модал феъл ва модал сўзлар иштирок этган гапда;
- 3) мақсад эргани гапда;

- 4) тўлдирувчи эргаш гапда;
5) шарт эргаш гапларда ишлатилади.

Бундан ташқари **пиш аз ин-кэ** (پیش از اینکه), **қабл аз ин-кэ** (قبل از اینکه) (...дан аввал, ...дан илгари); **пас аз он-кэ** (پس از آنکه), **ба-д аз он-кэ** (بعد از آنکه) (...дан кейин, ...дан сўнг); **би он-кэ** (بی آنکه), **бэдун-э ин-кэ** (بدون اینکه) (...масдан) боғловчиларидан сўнг келган гапнинг кесими ҳам **مضارع التزامی** **мўзорэ-йэ элтэзоми** () шаклида бўлади.

Мўзорэ-йэ элтэзоми (مضارع التزامی) орзу-истак маъносини билдирган гапларда **иш-ҳаракатнинг бажарилиши гумон эканлигини** кўрсатади. Бунда гап кўпинча сўроқ маъносини билидиради. **Масалан:**

این مقاله را بخوانم؟
Ин мақолэ ро бэхонам?
Бу мақолани ўқийми?

پنجره را باز بکند؟
Панжарэ ро боз бэкўнад?
Деразани очсинми?

فردا پیش محرر روزنامه ی "ترکستان" بروم؟
Фардо пиш-э мўхаррэр-э рузномэ-йэ «Тўркэстон» бэравам ?
Эртага «Туркистон» газетаси муҳаррири олдига борайми?

Баъзи ҳолларда **бэ - (به)** олд қўшимчаси тушиб қолиши ҳам мумкин.

کار کن **кор кўн**
کار کنید **кор кўнид**

ишла
ишланг

МОДАЛ ФЕЪЛЛАР

Форс тилида 40 дан зиёд модал феъллар мавжуд бўлиб, улардан энг кўп ишлатиладиганлари учта ва улар қуйидагилар:

| модал феъллар | | ҳозирги замон ўзаги | | таржимаси |
|---------------|------------|---------------------|-------|----------------------------|
| خواستن | хостан | خواه | хоҳ | хоҳламоқ, истамок |
| توانستن | тавонэстан | توان | тавон | қила олмақ, қодир бўлмақ |
| بایستن | бойэстан | بای | бой | керак бўлмақ, зарур бўлмақ |

Бу мустақил маънодаги феъллар гапда кўшимча модал маънони ишлитиб келади. Бу ҳолда юқоридаги модал феъллар ўзининг кесий лекцик маъносини йўқотиб, етакчи феълнинг маъносига турли кўшимча маъно бағишлайдилар.

Ҳақиқат модал феъл етакчи феъл билан бирга семантик жиҳатдан бир бутунлик ҳосил қилади. Модал феъллардан сўнг келган етакчи феъл доимо мўзорэ-йэ элтэзоми шаклида бўлади.

1. **Хостан** (خواستن) модал феъли етакчи феълдан англашилган иш-ҳаракатни бажаришга хоҳиш, истак борлигини билдиради.
Мисалан:

ما می خواهیم رمان "روزهای گذشته" ی عبد الله قادری را بخوانم.

Мо миҳоҳим рўмон-э «Рўзҳо-йэ гўзаштэ» -йэ Абдулло Қодэрий ро бэхоним

Иш Абдулло Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романини ўқимоқчимиз.

دوستم می خواهد رمان "نوانی" ایبک را بخرد.

Дустам миҳоҳад рўмон-э «Навойи» - йэ Ойбэк ро бэхарад

Дўстим Ойбекнинг «Навойи» романини сотиб олмақчи.

Юқоридаги мисолдан кўринадики, **хостан** (خواستن) модал феъли гапда куйидаги хусусиятларга эга:

1. **Хостан** (خواستن) модал феъли асосан эгадан сўнг келади;

2. **Хостан** (خواستن) модал феъли жумланинг бош бўлаклари **бўлган эга** на кесим билан шахс-сонда мослашади;

3. **Хостан** (خواستن) модал феъли жумла таркибида ўзининг лекцик маъносини йўқотиб кесим англаган иш-ҳаракатни ифода этиб келади;

4. **Хостан** (خواستن) модал феъли иштирок этган жумланинг кесими ҳар доим мўзорэ-йэ элтэзоми (مضارع التزامی) шаклида бўлади.

5. на инкор юклагасини ҳар доим модал феъл қабул қилади.

Мисалан:

مفرد

من می خواهم این مقاله را بنویسم.

Ман миҳоҳам ин мақолэ ро бэнависам.

Мен бу мақолани ёзмокчиман.

تو می خواهی این مقاله را بنویسی.

Тў миҳоҳи ин мақолэ ро бэнависи.

Сен бу мақолани ёзмокчисан.

او می خواهد این مقاله را بنویسد.

У миҳоҳад ин мақолэ ро бэнависад.

У бу мақолани ёзмокчи.

جمع

ما می خواهیم این مقاله را بنویسیم.

Мо миҳоҳим ин мақолэ ро бэнависим.

Биз бу мақолани ёзмокчимиз.

شما می خواهید این مقاله را بنویسید.

Шўмо миҳоҳид ин мақолэ ро бэнависид.

Сиз бу мақолани ёзмокчисиз.

آنها می خواهند این مقاله را بنویسند.

Онҳо миҳоҳанд ин мақолэ ро бэнависанд.

Улар бу мақолани ёзмокчилар.

آنها می خواهند این مقاله را بنویسند.

Онҳо намиҳоҳанд ин мақолэ ро бэнависанд.

Улар бу мақолани ёзмокчи эмаслар.

2. **Тавонэстан** (توانستن) модал феъли ўзбек тилига қила олмок ёки қодир бўлмок тарзида таржима қилинади. Бу феъл етакчи феълдан англашилган иш-ҳаракатни бажаришга кодирликни, шу ишни бажара олишликка имкон борлигини билдиради.

ما می توانیم متن درس بیستم را به زبان عربی ترجمه کنیم.

Мо митавоним матн-э дарс-э бистўмро бэ забон-э араби таржўмэ кўним.

Биз йигирманчи дарс матнини араб тилига таржима қила оламиз.

Юқоридаги мисолдан кўринадики, **тавонэстан** (توانستن) модал феъли гапда қуйидаги хусусиятларга эга:

1. **Тавонгэстан** (توانستن) модал феъли асосан эгадан сўнг келади;
 2. **Тавонгэстан** (توانستن) модал феъли жумланинг бош бўлаклари булган билан шахс-сонда мослашади;
 3. **Тавонгэстан** (توانستن) модал феъли иш-ҳаракатнинг баъжарилиш вақтига қараб ўтган ёки ҳозирги замон кўринишида бўлади;
 4. **Тавонгэстан** (توانستن) модал феъли иштирок этган жумланинг ноими ҳар доим мўзорэ-йэ элтэзоми (مضارع التزامی) шаклида бўлади.
 5. —на инкор юклагасини ҳар доим модал феъл қабул қилади.
- Масалан:**

مفرد

من می توانم این مقاله را بنویسم.

Мен митавонам ин мақолэ ро бэнависам.

Мен бу мақолани ёза оламан.

تو می توانی این مقاله را بنویسی.

Тў митавони ин мақолэ ро бэнависи.

Сен бу мақолани ёза оласан.

او می تواند این مقاله را بنویسد.

У митавонад ин мақолэ ро бэнависад.

У бу мақолани ёза олади.

جمع

ما می توانیم این مقاله را بنویسیم.

Мо митавоним ин мақолэ ро бэнависим.

Вич бу мақолани ёза оламиз.

شما می توانید این مقاله را بنویسید.

Шумо митавонид ин мақолэ ро бэнависид.

Сиз бу мақолани ёза оласиз.

آنها می توانند این مقاله را بنویسند.

Онҳо митавонанд ин мақолэ ро бэнависанд.

Улар бу мақолани ёза оладилар.

آنها می توانند این مقاله را بنویسند.

Онҳо намитавонанд ин мақолэ ро бэнависанд.

Улар бу мақолани ёза олмайдилар.

3. **Бойэстан** (بايستن) модал феъли ўзбек тилига **керак бўлмоқ** ёки **зарур бўлмоқ** тарзида таржима қилинади. Бу феъл етакчи феълдан англашилган иш ҳаракатни бажариш кераклигини, зарурлигини билдиради. **Масалан:**

أنها باید اینجا بیایند.

Онҳо бояд инжо бэйоянд.

Улар бу эрга келишлари керак.

Юқоридаги мисолдан кўринадики, **бойэстан** (توانستن) модал феъли гапда қуйидаги хусусиятларга эга:

1. **Бойэстан** (بايستن) модал феъли асосан эгадан кейин келади;

2. **Бойэстан** (بايستن) модал феъли жумланинг бош бўлақлари билан шахс-сонда мослашмайди;

3. **Бойэстан** (بايستن) модал феъли ўзининг лекцик маъносини йўқотмайди;

4. **Бойэстан** (بايستن) модал феъли иштирок этган жумланинг кесими ҳар доим **мўзорэ-йэ элтэзоми** (مضارع التزامی) шаклида бўлади.

5. –на инкор юкламасини ҳар доим модал феъл қабул қилади.

Масалан:

Юқоридаги мисолдан кўринадики, **бойэстан**³ (بايستن) модал феъли фақат III шахс бирлик шаклида **бояд** (بايد) ишлатилиб, ҳамма шахсларда ўзгаришсиз қолади.

مفرد

من باید او را ببینم.

Ман бояд уро бэбинам.

Мен уни кўришим керак.

تو باید او را ببینی.

Тў бояд уро бэбини.

Сен уни кўришинг керак.

او باید او را ببیند.

У бояд уро бэбинад.

У уни кўриши керак.

³ Бойэстан феъли фақат ИИИ шахс бирлик шаклида ишлатилгани учун, у нокис феъл ҳам дейилади.

جمع

ما بايد او را ببينيم.

Мо бояд уро бэбиним.

Биз уни кўришимиз керак.

شما بايد او را ببينيد.

Шумо бояд уро бэбинид.

Сиз уни кўришингиз керак.

آنها بايد او را ببينند.

Онҳо бояд уро бэбинанд.

Улар уни кўришлари керак.

Модал маънодаги феълларнинг инкор шаклида -на (ن) инкор юклаган модал феълга қўшилади. Масалан:

حالا من نمی خواهم به ورزشگاه بروم.

Ҳале ман намихоҳам бэ вартэшгоҳ бэравам.

Хозир мен стадионга бормоқчи эмасман.

امروز من نمی توانم سر درس بیايم.

Эмруз ман намитавонам сар-э дарс бэоям.

Бугун мен дарсга бора олмайман.

تو بايد اين کار را بکنی.

Тў бояд ин кор ро бэкўни.

Сен бу ишни қилишинг керак.

Модал феъллар гапдаги маъноларига қараб ўтган замон шаклларида ҳам қилишлари мумкин. Масалан:

می خواستم او را ببينم.

Михостам у ро бэбинам.

Уни кўрмоқчи эдим.

تو چه می خواستی بگونی؟

Тў чэ михости бэгуи?

Сен нима демоқчи эдинг?

من می توانستم اين کار را بکنم.

Ман митавонэстам ин кор ро бэкўнам.

Мен бу ишни қилш олар эдим.

من می خواستم ببایم ولی نمی توانستم.

Ман михостам бэбям палэ намитавонэстам.

Мен келмоқчи эдим, лекин кела олмадим.

آنها می بایستی ساعت سه بیایند.

Онхо мибойэсти соат-э сэ бэйоянд.

Улар соат учда келишлари керак эди.

او می بایستی از براندم نامه بیاورد.

У мибойэсти аз бародарам номе бэйоварад.

У акамдан мактуб келтириши керак эди.

Баъзан **бойэстан** (بایستن) модал феълининг **бояд** (باید) ва **бойэсти** (بایستی) шаклларида келин келган етакчи феъл ўтган замон давом феъли шаклида ҳам келиши мумкин. **Масалан:**

ما می بایستی در حیاط دانشکده جمع می شدیم.

Мо мибойэсти дар хаёт-э донэшкадэ жамъ мишўдим.

Биз факултет ховлисида йиғилишимиз керак эди.

Лекин бу маънодаги гапларда **бойэсти жам мишўдим** (بایستی جمع می شدیم) бирикмаси ўрнида кўпинча етакчи феъл мўзорэ-йэ элтэсоми (مضارع التزامی) шаклида кўлланилади. **Масалан:**

ما می بایستی در حیاط دانشکده جمع بشویم.

Мо мибойэсти дар хаёт-э донэшкадэ жамъ бэшавим.

Биз факултет ховлисида тўпланишимиз керак эди.

Э с л а т м а: Баъзан **бояд** (باید) нинг синоними сифатида **бойест, бойести** (بایستی) шакллари ҳам ишлатилади. Масалан; **бояд бэйояд** (باید بیايد), **бойест бэйояд** (بایست بیايد) ва **бойэст бэйояд** (بایست بیايد) ва **бойэсти бэйояд** (بایستی بیايد) бирикмаларининг барчаси **келиши керак** деб таржима килинади.

МОДАЛ СЎЗЛАР

Форс тилида яна модал маънони англатадиган бир неча феъл, сўз ва сўз бирикмалари мавжуд. Бундай сўзлар одатда гап бошида келиб, гап бўлаклари билан грамматик алоқада бўлмайдилар. Қуйидаги модал сўзларга аҳамият беринг:

| | | |
|--------------|-----------------|--------------------------------|
| شاید | шояд | эхтимол, балки, шояд, мумкин |
| ممکن است | мумкэн аст | мумкин, эхтимол |
| ممکن نیست | мумкэн нист | мумкин эмас |
| احتمال میرود | эхтэмол миравад | эхтимол, эхтимолки, кутилади |
| احتمال | эхтэмол | бўлиши мумкин эмас, эхтимолдан |
| نمیرود | намиравад | йироқ |

Бу модул сўзлардан сўнг келган гапнинг кеисми мўзорэ-йэ мтэзоми (مضارع التزامی) шаклида бўлиши шарт. Масалан:

هو سرد است شاید برف ببارد.

Хано сард аст шояд барф борад.

Хано сонук, эхтимол қор ёғар.

ممکن است بعد از چند ماه کار علمی خود را پایان برساند.

Мумкэн аст бэзд аз чанд моҳ қор-э элми-йэ хўдро бэпоён бэрасонам.

Бир неча ойдан кейин у ўзининг илмий ишини тамом қилиши мумкин.

ممکن نیست شما هر روز درس خود را حاضر نکنید.

Мумкэн нист шўмо ҳар руз дарс-э хўдро ҳозэр нақўнид.

Сиз ҳар куни дарсни тайёрламаслигингиз мумкин эмас.

احتمال می رود موقع تعطیلات تابستانی ما به شهر تهران برویم.

Эхтэмол миравад мўнкэ-йэ таътилот-э тобэстони мо бэ шаҳр-э Тэхрон бэравим.

Эхтимол, бчги таътил вақтида Тэхрон шаҳрига борармиз.

احتمال نمی رود تا فردا او را ببینم.

Эхтэмол намиравад то фардо у ро бэбинам.

Дртагача уни кўришим эхтимолдан йироқ.

ЛЕКСИК ИЗОХ

Хуш омадан (خوش آمدن) қўшма феъли ўзбек тилига ёқмоқ деб таржима қилинади ва бу феъл ўзбек тилида III шахс бирлик яъни **хушмад** шаклида учрайди. Масалан: *Акмал ранжиган онасининг қўнелини олиш мақсадида уларга хушмад қиларди.*

Хўш омадан (خوش آمدن) қўшма феъли тусланишда қуйидаги икки хусусиятга эга бўлади:

1. Хўш омадан (خوش آمدن) феъли тусланганда, қўшма феълнинг от қисми хўш (خوش) эгалик аффиксларини қабул қилиб, кўмакчи феъл омадан (آمدن) эса доимо III шахс бирлик шаклида келади.

Омадан (آمدن) кўмакчи феъли гапнинг маъносига қараб турли замон шаклида бўлиши мумкин. Масалан:

ЎТГАН ЗАМОН

خوشام آمد. Менга ёқди.

ҲОЗИРГИ ЗАМОН

خوشام ميايد. Менга ёқпти. (Менга ёқади.)

2. Хўш омадан (خوش آمدن) қўшма феъли бошқарган тўлдирувчи, яъни ёқмиш объекти бўлган сўз аз аз предлогини қабул қилиб келади. Масалан:

خوش آمدن - ёқмоқ феълнинг тусланиши

مفرد

از اين شال گردن ابريشمی خوشم آمد.

Аз ин шол-э гардан-э абришўми хўшам омад.

Бу ипак шарф менга ёқди.

از اين شال گردن ابريشمی خوشت آمد.

Аз ин шол-э гардан-э абришўми хўшат омад.

Бу ипак шарф сенга ёқди.

از اين شال گردن ابريشمی خوشش آمد.

Аз ин шол-э гардан-э абришўми хўшаш омад.

Бу ипак шарф унга ёқди.

جمع

از اين شال گردن ابريشمی خوشمان آمد.

Аз ин шол-э гардан-э абришўми хўшэмон омад.

Бу ипак шарф бизга ёқди.

از اين شال گردن ابريشمی خوشتان آمد.

Аз ин шол-э гардан-э абришўми хўшэтон омад.

Бу ипак шарф сизга ёқди.

از اين شال گردن ابريشمی خوششان آمد.

Аз ин шол-э гардан-э абришўми хўшэшон омад.

Бу ипак шарф уларга ёқди.

Хуш омадин (خوش آمدن) феълнинг тусланиши ўзбек тилидаги **уйқу келмоқ** кўшма феълнинг тусланишини эслатади: **уйқим келди, уйқинг келди** каби.

Хуш омадин (خوش آمدن) феълнинг тусланишида урғу кўшма феълнинг от қисмига тушади. Масалан:

| | |
|----------------------------------|-------------------------------------|
| از این پیراهن خوشم آمد. | از این پیراهن خوشمان میاید. |
| Аз ин пирохан хўшам омад. | Аз ин пирохан хўшэмон миёяд. |
| Бу кўйлак менга ёқди. | Бу кўйлак бизга ёқади. |

Хуш омадан (خوش آمدن) феълнинг бўлишсиз шакли **-на** (ند) **инкор** юкламасини кўмакчи феълга кўшиш орқали ҳосил бўлади. **Вунда урғу -на** (ند) **инкор** юкламасига тушади. Масалан:

| | |
|---|-----------------------------------|
| از جواب شما خوشم نیامد. | از این مقاله خوشش نیامد. |
| Аз жавоб-э шўмо хўшам наёмад. | Аз ин мақолэ хўшаш наёмад. |
| Сизнинг жавобиңгиз менга ёқмади. | Бу мақола унга ёқмади. |

1-топширик. Қуйида берилган феълларни **мўзорэ-йэ** элтэомининг бўлишли шаклида тусланг.

| | | |
|-------------|-----------------------|----------------|
| اوردن | овардан | келтирмоқ |
| الغان | ўфтодан | йиқилмоқ |
| فرا گزفتان | фаро гэрэфтан | ўрганмоқ |
| فرورفتان | фўру рафтан | чўкмоқ, ботмоқ |
| توسطیح دادن | тўвзих додан | тушунтирмоқ |
| ملاکت شدن | мўлтафэт шўдан | тушунмоқ |

2-топширик. Қуйида берилган феълларни **мўзорэ-йэ** элтэомининг бўлишсиз шаклида тусланг.

| | | |
|------------|----------------------|----------------|
| آمدن | омадан | келмоқ |
| گفتان | гўфтан | айтмоқ, демок |
| بر داشتان | бир-доштан | кўтармоқ |
| بر خاستان | бир-хостан | турмоқ |
| ادامه دادن | эдомэ додан | давом эттирмоқ |
| تماشا کردن | тамошо кардан | томоша қилмоқ |

3-топширик. Қуйида берилган гапларни форс тилига таржима қилинг.

Сиз бу мактабда ишламоқчимисиз? Ҳа, мен бу мактабда ишламоқчиман. Сиз араб ва форс тилларида сўзлаша оласизми? Ҳа, мен араб ва форс тилларида сўзлаша оламан. Сиз форс ва араб тилларида ёза оласизми? Ҳа, мен араб ва форс тилларида ёза оламан. Мен янги шарф сотиб олмоқчиман. Чой қуяйми? Мен кетишим керак. Мен араб тилида гаплаша оламан. Сиз қайердан келяпсиз? Мен кутубхонадан келяпман. Мен магазиндан соат сотиб олмоқчиман. Отам синглим учун портфел сотиб олмоқчи. Улар қайси кўчада яшайдилар? Улар Амир Темур кўчасида яшайдилар. Мен бугун кутубхонага бора олмайман. Биз албатта учрашишимиз керак. Сен кутубхонадан қандай китоб олмоқчисан? Биз қачон форс тилида сўзлаша оламиз. У икки кундан кейин ўзининг илмий ишини тугатмоқчи. Сиз форсча сўзлаша оласизми? Биз ўқитувчимиз билан форсча сўзлаша оламиз. Бугун бизнинг уйга Андижон шаҳридан меҳмонлар келмоқчи. Сиз уни бугун факултетда кўра олсизми? Бизнинг форс тили ўқитувчимиз Умар Хайём рубоийларини ўзбек тилига таржима қилмоқчи. Мен сенга телефон қила олмайман. Бугун мен Бунёдкор стадионига боришим керак.

4-топширик. Қуйида берилган гапларни ўқинг ва ўзбек тилига таржима қилинг.

من می خواهم فردا به خانه ی شما بیایم و مادر تان را ببینم. شما نمی خواهید امشب به تاتر بروید؟ دانشیار نتوانست کتاب خود را به من بدهد. دوستم اسم او را نتوانست به من بگوید. پارسال هر روز می توانستم به زبان فارسی حرف بزنم. دانشجویان نتوانستند این جمله ی مشکل را درست بنویسد. من می خواهم که دوستم هم از این کتاب فرهنگ استفاده بکند. تو می خواهی پهلوی همدیگر بنشینیم و تاریخ ایران را با هم بخوانیم و یاد بگیریم. ما هر روز با هم می نشینیم تا درس زبان فارسی را حاضر کنیم. در کتابخانه چه روزنامه ای می خواهی بخوانی: روزنامه ی ازبکی یا روزنامه ی فارسی؟ آیا، می توانید این روزنامه ها را بمن بدهید؟ بلی می توانم این روزنامه ها را به شما بدهم. من می خواهم پس فردا در خیابان نوانی گردش کنم.

8-топширик. Қавс ичида берилган модал феълларни тегишли шакли ва сон шаклига кўйиб, гапларни кўчириб ёзинг ва уларни ўзбек тилига таржима қилинг.

برادرىم مى خواهد امشب (رقصيدن). تو مى توانى فردا به خانه ى ما (آمدن).
دانشيار مى خواهد كه دانشجويان زبان فارسى را خوب (دانستن). ما مى خواهيم بعد
از ظهر به مركز شهر (رفتن) و ميدان شهيدان را (تماشا كردن). چرا شما لمى
خوايد در خيابان نوانى (گردش كردن). تو مى خواهى زبان فارسى را خوب
(دانستن)? آيا شما مى توانيد (گفتن) کدام شهر قشنگتر است سمرقند يا بخارا. ايا مى
توانى اين كتاب را بزبان فرانسوى (ترجمه كردن)? من مى توانم به زبان فارسى
حرف (زدن) ولى نمى توانم (نوشتن).

Мавзуга оид савол ва топшириқлар:

1. **Шарт-истак** майли деб нимага айтилади?
2. **Форе** тилида шарт-истак майллари нечага бўлинади?
3. **Ҳозирги-келаси** замон шарт-истак майли деб нимага айтилади?
4. **Ҳозирги-келаси** замон шарт-истак майли форс тилида қандай номланади?
5. **Ҳозирги-келаси** замон шарт-истак майли қандай ясалади?
6. **Префиксли** ва қўшма феъллардан **ҳозирги-келаси** замон шарт-истак майли ҳосил қилинганда қандай ўзгаришларни кузатишимиз мумкин?
7. **Ҳозирги-келаси** замон шарт-истак майли рус тилидаги манбаларда қандай номланади?
8. **Ҳозирги-келаси** замон шарт-истак майлининг бўлишсиз шакли қандай ҳосил қилинади?
9. Қайси гапларнинг кесими **ҳозирги-келаси** замон шарт-истак майли шаклида бўлади?
10. Қайси ҳолатларда гапнинг кесими **ҳозирги-келаси** замон шарт-истак майли кўринишида бўлади?
11. **Модал феъл** деб нимага айтилади?
12. **Форе** тилида нечта модал феъл мавжуд?
13. **Хостан** модал феъллининг қандай хусусиятлари бор?
14. **Тавонэстан** модал феъллининг қандай хусусиятлари бор?
15. **Бойэстан** модал феъллининг қандай хусусиятлари бор?
16. Агар бирор гап таркибида модал феъл бўлса, кесим қандай шаклда бўлади?

17. Форс тилида нечта модал сўз мавжуд?

18. Форс тилидан ўзбек тилига ўзлашган модал сўзлар мавжудми?

19. Модал феъллар ва модал сўзлар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқлар нимада?

20. Модал сўзлар иштирок этган гапларнинг кесимлари қандай кўринишда бўлади?

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Ю.А. Рубинчик, Грамматика современного персидского литературного языка. Москва 2011г.

2. Anousha Shahsavari, Blake Atwood, Persian of Iran today. An introductory course, Volume 1,2. Texas, 2015.

3. Plats J.T. and Ranking C.A. A grammar of the Persian language Oxford 1911 y.

4. Yodolloh Samareh Persian language teaching Iran 1993 y.

10 – МАШГУЛОТ

МАЗМУ: МАҚСАД ЭРГАШ ГАП. ТЎЛДИРУВЧИ ЭРГАШ ГАП. ПАЙТ ЭРГАШ ГАП.

Рожи:

1. Мақсад эргаш гап ҳақида маълумот.
2. Тўлдирувчи эргаш гап ҳақида маълумот.
3. Пайт эргаш гап ҳақида маълумот.

Таллч сўз ва иборалар. Ўзбек тили, форс тили, грамматика, синтаксис, гап, бош гап, эршаш гап, мақсад эргаш гап, боғловчи, кэ боғловчиси, то боғловчиси, баройэ онкэ боғловчиси, баройэ инкэ боғловчиси, кесим, феъл кесим, шарт-истак майли, тўлдирувчи, тўлдирувчи эргаш гап, кэ боғловчиси, пайт эргаш гап.

Уқув машгулотининг мақсади. Ўзбек тили, форс тили, грамматика, синтаксис, гап, бош гап, эршаш гап, мақсад эргаш гап, боғловчи, кэ боғловчиси, то боғловчиси, баройэ онкэ боғловчиси, баройэ инкэ боғловчиси, кесим, феъл кесим, шарт-истак майли, тўлдирувчи, тўлдирувчи эргаш гап, кэ боғловчиси, пайт эргаш гап ҳақида назарий маълумотлар бериш ва уларни амалий жиҳатдан муостаҳкамлаш.

ФОРС ТИЛИДА ЭРГАШ ГАПЛАР

Бирдан ортик содда гапнинг мазмун жиҳатидан тобе-ҳоким муносабати асосида, яъни бирининг бошқасига эргашишидан тузилган қўшма гапга эргаш гапли қўшма гап дейилади. Эргаш гаплар тузилишига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. Мақсад эргаш гап.
2. Тўлдирувчи эргаш гап.
3. Пайт эргаш гап.
4. Анижончи эргаш гап.
5. Туеиксиз эргаш гап.
6. Шарт эргаш гап.
7. Сабиб эргаш гап.

МАҚСАД ЭРГАШ ГАП

Мақсад эргаш гап бош гапдан англашилган иш-харакатнинг мақсадини билдиради.

Эргаш гап бош гап билан кэ (که), то (تا), баройэ он кэ (برای آنکه), баройэ ин кэ (برای اینکه) эргаштирувчи боғловчилари орқали боғланади. Боғловчилар бири ўрнида бошқаси ишлатилиши мумкин.



Форс тилида аввал бош гап, сўнг боғловчи ундан кейин эса мақсад эргаш гап келади. Эргаш гапнинг кесими доимо мўзорэ-йэ элтэзومي (مضارع التزامی) шаклида бўлади. Лекин ўзбек тилида аввал мақсад эргаш гап, сўнгра бош гап келади. Масалан:

من به مغازه ی کتابفروشی رفتم برای اینکه کتابهای تازه بخرم.

Ман бэ мағозэ-йэ кэтобфўруши рафтам баройэ онкэ кэтобҳо-йэ тозэ бэхарам.

Мен янги китоблар сотиб олиш учун китоб магазинига бордим.

ما هر روز ورزش میکنیم برای اینکه سالم باشیم.

Мо ҳар руз варзэш микўним баройэ инкэ солэм бошим.

Биз соғлом бўлайлик деб, ҳар куни бадантарбия қиламиз.

او پنجره را باز کرد تا هوای اتاق عوض شود.

У панжарэ ро боз кард то ҳаво-йэ ўтоқ аваз шавад.

У уйнинг ҳавоси алмашсин деб, деразани очди.

من به کتابخانه رفتم که درس خودم را حاضر کنم.

Ман бе кэтобхонэ рафтам кэ дарс-э хўдам ро ҳозэр кўнам.

Дарсимни тайёрлаш учун кутубхонага бордим.

من این کتاب را به شما دادم که شما هم این حکایت را بخوانید.
**Ман ин китобро бэ шўмо додам кэ шўмо ин ҳэкоят ро
бэхонид.**

Сиз ҳам ҳикояни ўқишингиз учун, бу китобни сизга бердим.

من این کتاب را به شما دادم تا شما هم این حکایت را بخوانید.
**Ман ин китобро бэ шўмо додам то шўмо ҳам ин ҳэкоят ро
бэхонид.**

Сиз ҳам ҳикояни ўқишингиз учун, бу китобни сизга бердим.

من این کتاب را به شما دادم برای آنکه شما هم این حکایت را بخوانید.
**Ман ин китобро бэ шўмо додам баро-йэ онкэ шўмо ҳам ин
ҳэкоят ро бэхонид.**

Сиз ҳам ҳикояни ўқишингиз учун, бу китобни сизга бердим.

من این کتاب را به شما دادم برای اینکه شما هم این حکایت را بخوانید.
**Ман ин китобро бэ шўмо додам баро-йэ инкэ шўмо ҳам ин
ҳэкоят ро бэхонид.**

Сиз ҳам ҳикояни ўқишингиз учун, бу китобни сизга бердим.

**Кэ (۴۵), то (تا), баройэ он кэ (برای آنکه), баройэ ин кэ (برای اینکه)
боғловчилари бирининг ўрнида иккинчиси ишлатилиши мумкин.
Лекин булар орасида кэ боғловчиси кўпроқ учрайди.**

ТЎЛДИРУВЧИ ЭРГАШ ГАП

**Тўлдирувчи эргаш гап бош гапнинг кесимини тўлдириб келади.
Тўлдирувчи эргаш гапда аввал бош гап, сўнгра боғловчи, ундан
кейин эса тўлдирувчи эргаш гап келади.**

(Т.Э.Г.)



۴۵



Б.Г.

**Тўлдирувчи эргаш гап одатда бош гапдан кейин келиб, у билан
ке (۴۵) эргаштирувчи боғловчиси орқали боғланади. Масалан:**

همه می دانند که جمهوری ازبکستان طرفدار صلح پایدار است.
**Ҳамэ мидонанд кэ жўмхури-йэ Ўзбакэстон тарафдорэ сўлх-э
пойдор аст.**

Ҳамма биладикки, Ўзбекистон республикаси мустаҳкам тинчлик
тарафдоридир.

معلوم شد که او دیروز درس را حاضر نکرد.

Маълум шўд кэ у дируз дарс ро ҳозэр накард.
Унинг кеча дарс тайёрламаганлиги маълум бўлди.

معلوم شد که او دیروز به کتابخانه ی ملی ازبکستان به نام علی شیر نوایی
نرفته است.

**Маълум шўд кэ у дируз бэ кэтобхонэ-йэ мэлли-йэ
Ўзбакэстон бэ ном-э Алишер Навоий нарафтэ аст.**
Маълум бўлдики, у кеча Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
миллий кутубхонасига бормаган.

ПАЙТ ЭРГАШ ГАП

Пайт эргаш гап бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг
пайтини, қай вақтда бажарилганлигини билдиради ва кэй? (كى) чэ
вақт? (چه وقت) дар чэ вақт? (در چه وقت) (қачон? қайси вақтда?)
сўроқларига жавоб бўлади.

Бош гап билан пайт эргаш гапларни боғлайдиган боғловчилар
қуйидагилар:

| | | | |
|--------------|---------------|-------------|--------------|
| چون | чун | تا | то |
| وقتیکه | вақтикэ | تاکه | токэ |
| که | кэ | پس از آنکه | пас аз онкэ |
| هنگامیکه | хэнгомикэ | بعد از آنکه | баъд аз онкэ |
| همینکه | хаминкэ | پیش از آنکه | пиш аз онкэ |
| به محض اینکه | бэ махзэ инкэ | قبل از آنکه | қабл аз онкэ |

Бу эргаштирувчи боғловчиларнинг маънолари ўзбек тилида
қуйидаги воситалар орқали берилади.

1. Чун (چون), вақтикэ (وقتیکه), кэ (که), хэнгомикэ (هنگامیکه)
боғловчилари ўзбек тилидаги ўрин-пайт келишиги қўшимчасини

олган сифатдошлар ёрдамида ёки ўтган замон сифатдошидан сўнг
мақтда, пайтда, чоғида сўзларини келтириш йўли билан берилади.
Бу тўрт боғловчидан чун, вақтикэ, хэнгомикэ асосан эргашган
қўшма гапнинг бошида келади. Ке (که) боғловчиси эса ҳеч вақт гап
бошида келмайди.

Пайт эргаш гап асосан бош гапдан олдин, баъзан бош гапдан
сўнг келиди.

وقتیکه من آمدم در خانه بسته بود.

Вақтикэ ман омадам дар-э хонэ бастэ буд.

Мен келганимда, уйнинг эшиги ёпиқ эди.

موقعیکه پدرم داخل اطاق می شود ما همه از جای خود بلند می شویم و به او سلام
می دهیم.

**Мувқикэ пэдарам дохэлэ ўтоқ мишавад мо ҳамэ аз жойэ хўд
бўланд мишавим ва бэ у салом мидэхим.**

Дадим уйга кирган вақтда, ҳаммамиз ўрнимиздан турамыз ва ун
(улар) га салом берамыз.

هنگامیکه این داستان را می خواندم معنی چند کلمه را نفهمیدم.

**Хэнгомикэ ин достон ро михондам маънийэ чанд калэмэро
нафаҳмидам.**

Бу дostonни ўқиётган пайтимда, бир неча сўзнинг маъносига
тушунмадим.

2. Ҳаминикэ (همینکه), бэ мэхзэ инкэ (به محض اینکه) боғловчилари
бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг бевосита эргаш гапдан
сўнг, шу вақтнинг ўзидаёқ бажарилишини кўрсатади.

Ҳаминикэ (همینکه), бэ мэхзэ инкэ (به محض اینکه) боғловчилари
ўзбек тилига эғалик қўшимчалари олган ҳаракат номини
билдирувчи отлар ҳамда билан боғловчиси ёрдамида ёки –гача
қўшимчали равишдошлар орқали берилади. Масалан:

هنگامیکه احمد بزرگترها را دید سلام داد.

Хэнгомикэ Аҳмад бўзўргтарҳоро дид бэ онҳо салом дод.
Аҳмад катталарни кўргач (кўриши билан), уларга салом берди.

به محض اینکه ما به خلیج فارس رسیدیم باران شدید بارید.

Бэ маҳзэ инкэ мо бе халиж-э форс расидим борон-э шадид борид.

Форс кўрфазига етишимиз билан қаттиқ ёмғир ёғди.

3. То (تا), токе (تاکه) боғловчилари –гунча аффикси ёрдамида ясалган равишдош ёки жўналиш келишиги кўшимчаси олган сифатдош ва ундан сўнг қадар сўзини келтириш орқали таржима қилинади.

То, токэ бўловчилари билан боғланган кўшма гапда бош гап ва эргаш гап кесимидан англашилган иш-ҳаракат ўтган замонга оид бўлса бош ва эргаш гапнинг кесими ўтган замонга оид бўлса, бош гап ва эргаш гапнинг кесими ўтган замон феъл шаклларида бирида келади. **Масалан:**

تا او نیامد من به ورزشگاه بنیادکار نرفتم.

То у наёмад ман бэ варзэшгоҳ-э Бўнёдкор нарафтам.
У келмагунча мен Бунёдкор стадионига бормадим.

Агар бош ва Пайт эргаш гап кесимидан англашилган иш-ҳаракат келаси замонга таъллуқли бўлса, эргаш гапнинг кесими аорист шаклида, бош гапнинг кесими эса ҳозирги-келаси замон феъли ёки аниқ келаси замон феъли шаклида бўлади.

تا این کار را تمام نکنم از اینجا نخواهم رفت.

То ин кор ро ро тамом накўнам аз инжо наҳоҳам рафт.
Бу ишни тугатмагунча, бу ердан кетмайман.

تا بچه گیریه نکند مادرش به او شیر نمی دهد.

То бачэ гирйэ накўнад модараш бэ у шир намидэхад.
Бола йиғламагунча онаси унга сут бермайди.

4. Пас аз онкэ (پس از آنکه), баъд аз онкэ (بعد از آنکه), пиш аз онкэ (پیش از آنکه), қабл аз онкэ (قبل از آنکه) боғловчилари эргаш гап кесимидан англашилган иш-ҳаракатнинг бош гап кесими ифода этган иш-ҳаракатдан олдин ёки кейин бажарилишини билдиради. Бу боғловчиларнинг маъноси ўзбек тилида чиқиш келишиги кўшимчасини олган сифатдошлардан сўнг **аввал**, **илгари** сўзларини келтириш орқали ифода этилади. **Масалан:**

پس از آنکه دوره ی دبیرستان را تمام کردم وارد دانشگاه زبان و ادبیات ازبکی به نام علیشیر نوابی شدم.

Пас аз онкэ дўмр-иэ дабирэстонро тамом кардам ворэдэ доиэшгоҳ-э забон ни адабиёт-э ўзбаки бе ном-э Алишер Навоий шўдам.

Ўрта мактабни тугатгандан сўнг Алишер Навоий номидаги Тошкент даилат ўзбек тили ва адабиёти университетига ўқишга кирдим.

بعد از آنکه شاعر خلقی مردمی ازبکی اقبال میرزا سخترانی خود را تمام کرد شرکت کنندگان جشن سوالهایی از او کرد.

Бяъд аз онкэ шоэр-э мардўми-иэ ўзбаки Эқбол Мирзо суҳанрони-иэ хўдро тамом кард шэркат кўнандэгон-э жашн суълхо-и аз у карданд.

Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо ўз нутқини яқунлагандан сўнг, Байрам иштирокчилари унга савол беришди.

پیش از آنکه به درس کتابهای خود را عوض کردم.

Пиш аз онкэ бэ дарс кэтобхо-иэ хўдро аваз кардам. Дарсга боришдан олдин, ўз китобларимни алмаштирдим.

قبل از آنکه پیش پزشکی بباید تلفن کرد.

Қабл аз онкэ пиш пээзшк бэъяд тэлфўн кард. Врач олдиғи қилишидан илғари телефон қилди.

Пас аз онкэ (پس از آنکه), бяъд аз онкэ (بعد از آنکه), пиш аз онкэ (پیش از آنکه), қабл аз онкэ (قبل از آنکه) боғловчиларидан сўнг келган пайт эргаш ган иш-ҳаракат келаси замонга оид бўлса унинг кесими ворнет шаклида келади. М.:

پس از آنکه او بگوید من می گویم.

Пас аз онкэ у бэгуяд ман мигуям.

У айтгандан сўнг мен айтаман.

قبل از آنکه متن را ترجمه کنم متن را می خوانم.

Қабл аз онкэ мати ро таржумэ кўнам мати ро миҳонам.

Матнини таржима қилишдан олдин матнини ўқийман.

Юқоридаги боғловчилар гарчи ўзлари бир маънолари жиҳатидан бир неча гуруҳларга бўлинган бўлсалар ҳам, уларнинг кўпчилиги ўзаро ўрин алмашиши ва жумлаларнинг маъносига қараб пайт билдирган ҳамма воситалар орқали таржима қилиниши мумкин.

1-топширик. Қуйида берилган гапларни форс тилига таржима қилинг.

А) У мени кўриш учун олдимга келди. У жумлани таржима қилиш учун доскага чиқди. Биз ўқишга бориш учун автобусга чиқдик. Мажлис қилиш учун хонага йиғилдик. Холамини кўриш учун уларнинг уйига бордим.

Б) Унинг кеча дарсга келмаганлиги маълум бўлди. Сен уканг врачнинг олдига боришини хоҳлайсан. Мен сизни форс ва араб тилларида яхши гапиришингизни биламан. Мен дўстимдан кеч соат еттида келишини илтимос қилдим. Онам бугун опамга кўрғироқ қилмоқчи.

В) Акам дарсдан қайтгандан сўнг стадионга борамиз. Биз кинодан қайтганимизда соат тўққиздан қирқ дақиқа ўтган эди. Лочинлар кичик жўжа ва парандаларни кўриши билан уларни овлайди. Денгиз қирғоғига етишимиз билан ёмғир ёғди. Кечага боришдан олдин либосларимни алмаштирдим.




2-топширик. Қуйида берилган сўзларни керакли ўринларга қўйинг ва жумлани машқ дафтарингизга кўчириб ёзинг.

فرهنگ فارسی - ترجمه کند - متن درس را - برای آنکه - کشیک - به زبان ازبکی - آورد
مغازه ی کتابفروشی - رفتم - عبدالله قادری را - بخرم - به - تا - روزهای گذشته ی - رمان
پیش ایمران - جمع شدند - همکلاسان ما - بروند - برای اینکه - در حیاط دانشگاه
دستهای خود را - بخورد - برای آنکه - برادر کوچکم - طعام - شست
بهتر بداند - زیاد - کتاب - می خواند - زبان انگلیسی را - خواهر کوچکم - برای اینکه

3-топширик. Қуйида берилган саволларга жавоб беринг ва уларни машқ дафтарингизга ёзинг.

آیا شما میل دارید با ما به کشور ایران سفر کنید؟
مگر تو نمی خواهی پست سالم و قوی باشی؟
پیراهن های رنگی و چهارخانه و راه راه چه اندازه ای می خواهی؟
سال نو در کشور ایران مثل اروپا از اول ژانویه آغاز می شود؟
ساختمانهای این خیابان ها همه نو و تازه ساز است.

4-топширик. Қуйидаги суратларда берилган ҳашоратларнинг номини топишг на сурат остидаги жумлалардаги нуқталар ўрнига номини қуйиб машқ дафтарингизга ёзинг ҳамда жумлани ўзбек тилига таржима қилинг.

| زنبور وحشی | زنبور عسل | سنجاقک |
|---|---|---|
|  |  |  |
| این زنبور وحشی بیست' این است. | خانه ی ششگوشه ی خود را از موم می سازد. | در آسمان نیلگون پرواز می کند و از پرواز خود لذت مب یرد. |

5-топширик. Қуйида берилган матнни машқ дафтарингизга қўчириб ёзинг ва уни ўзбек тилига таржима қилинг.

حکایت

جوان ثروتمندی نزد یک روحانی رفت و از او الدرزی برای زندگی نیک خواست. روحانی وی را به کنار پنجره برد و پرسید: پشت پنجره چه می بینی؟ جواب داد: آدمهایی که می آیند و می روند و گدای کوری که در خیابان سدهله می گیرد. بعد اینکه بزرگی به او نشان داد و باز پرسید: در این آینه نگاه کن و بعد بگو چه می بینی؟ جواب داد: خودم را می بینم. دیگر دیگران را نمی بینی! آینه و پنجره هر دو از یک ماده ی اولیه ساخته شده اند، شیشه. اما در آینه لایه ی نازکی از نقره در پشت شیشه قرار گرفته و در آن چیزی جز شخص خودت را نمی بینی. این دو شی شیشه ای را با هم مقایسه کن. وقتی شیشه فقیر باشد، دیگران را می بینی و به آن ها احساس محبت میکند. اما وقتی از نقره «یعنی ثروت» پوشیده می شود، تنها خودش را می بینی. تنها وقتی ارزش داری که شجاع باشی و آن پوشش نقره ای را از جل چشم هایت برداری تا بار دیگر بتوانی دیگران را ببینی و دوستشان بداری.

Мавзуга оид савол ва топшириклар:

1. Гап деб нимага айтилади?
2. Бош ва эргаш гап деб нимага айтилади?
3. Мақсад эргаш гап деб нимага айтилади?
4. Мақсад эргаш гапларда бош ва эргаш гапларни қайси боғловчилар боғлайди?
5. Мақсад эргаш гапларнинг таркибий тузилиши қандай?
6. Тўлдирувчи эргаш гап деб нимага айтилади?
7. Тўлдирувчи эргаш гапларда бош ва эргаш гапларни қайси боғловчилар боғлайди?
8. Тўлдирувчи эргаш гапнинг таркибий тузилиши қандай?
9. Пайт эргаш гап деб нимага айтилади?
10. Пайт эргаш гап боғловчилари қайсилар.

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Ю.А.Рубинчик, Грамматика современного персидского литературного языка. Москва 2011г.
2. Anousha Shamsavari, Blake Atwood, Persian of Iran today. An introductory course, Volume 1,2. Texas, 2015.
3. Platts J.T. and Rankin C.A. A grammar of the Persian language Oxford 1911 y.
4. Yodolloh Samareh Persian language teaching Iran 1993 y.

**МАВЗУ: ЎТГАН ЗАМОН ДАВОМ ФЕЪЛИ. ЎТГАН ЗАМОН
НАТИЖАЛИ ФЕЪЛИ. УЗОҚ ЎТГАН ЗАМОН ФЕЪЛИ.**

Реваз:

1. *Ўтган замон давом феъли.*
2. *Ўтган замон натижалли феъли.*
3. *Узоқ ўтган замон феъли.*

Таянч сўз ва иборалар. Ўзбек тили, форс тили, грамматика, морфология, феъл, ўтган замон феъл негизи, ўтган замон шахс – сон қўшимчалари, ўтган замон давом феъли, мози-йэ эстэмрори, кўшлик, бирлик, бўлишли, бўлишсиз, -на инкор юкламаси, ўтган замон натижалли феъли, мози-йэ нақли, узоқ ўтган замон феъли, мози-йэ баъйид

Ўқув машгулотининг мақсади. Ўзбек тили, форс тили, грамматика, морфология, феъл, ўтган замон феъл негизи, ўтган замон шахс – сон қўшимчалари, ўтган замон давом феъли, мози-йэ эстэмрори, кўшлик, бирлик, бўлишли, бўлишсиз, -на инкор юкламаси, ўтган замон натижалли феъли, мози-йэ нақли, узоқ ўтган замон феъли, мози-йэ баъйид даст ҳақида назарий маълумотлар бериш ва уларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш.

ЎТГАН ЗАМОН ДАВОМ ФЕЪЛИ

Ўтган замон давом феъли иш-ҳаракатнинг ўтган замонда бошланиб, тугалланмаганлигини ёки ҳаракатнинг такрорий равишда бажарилиб келганлигини билдиради. Ўтган замон давом феъли форс тилида мози-йэ эстэмрори (ماضى استمرارى) деб номланади.

Ўтган замон давом феъли ўтган замон феъл негизи олдиға ми-
(ми) олд қўшимчаси ва охириға шахс-сон қўшимчаларини қўшиш
орқали ҳосил бўлади. Мисалан:

| | | | | | | |
|---------------|---|------------------|---|------------|---|---------------------|
| ماضى استمرارى | = | шахс-сон қўш. | + | феъл ўзаги | + | ми олд қўшимчаси |
| مى نويشت | = | مى | + | نوشت | + | مى |

Масалан: گفتن گўфтан - айтмоқ, демоқ феълининг тусланиши

مفرد

من می گفتم. **Ман мигўфтам.**
 تو می گفتی. **Тў мигўфти.**
 او می گفت. **У мигўфт.**

Мен айтар эдим.
 Сен айтар эдинг.
 У айтар эди.

جمع

ما می گفتیم. **Мо мигўфтим.**
 شما می گفتید. **Шўмо мигўфтид.**
 آنها می گفتند. **Онҳо мигўфтанд.**

Биз айтар эдик.
 Сиз айтар эдингиз.
 Улар айтар эдилар.

Ўтган замон давом феълида урғу иккита бўлиб, асосий кучли урғу **ми** - (می) олд кўшимчасига ва иккинчи кучсизроқ урғу шахс-сон кўшимчаларига тушади.

| ماضی استمراری | = | شاخص-сон кўш. | + | феъл ўзаги | + | می олд кўшимчаси |
|----------------|---|------------------|---|---------------|---|---------------------|
| بر می گشتید | = | ید - | + | بر گشت | + | می |
| من کار می کردم | = | م - | + | کار کرد | + | می |

Префиксли ва қўшма феълларда **ми-** (می) олд кўшимчаси кўмакчи феълга кўшилади. Масалан:

برگشتن бар-гаштан - қайтмоқ феълининг тусланиши

مفرد

من برمی گشتم.
 تو برمی گشتی.
 او برمی گشت.

Ман бар-мигаштам.
Тў бар-мигашти.
У бар-мигашт.

Мен қайтар эдим.
 Сен қайтар эдинг.
 У қайтар эди.

جمع

ما برمی گشتیم.
 شما برمی گشتید.
 آنها برمی گشتند.

Мо бар-мигаштим.
Шўмо бар-мигаштид.
Онҳо бар-мигаштанд.

Биз қайтар эдик.
 Сиз қайтар эдингиз.
 Улар қайтар эдилар.

کار کردن таржўме кардан - таржима қилмоқ феълининг тусланиши

مفرد

من کار می کردم.
 تو کار می کردی.
 او کار می کرد.

Ман кор микардам.
Тў кор микарди.
У кор микард.

Мен ишлардим.
 Сен ишлардинг.
 У ишларди.

جمع

ما کار می گردیم. **Mo** кор микардим. Биз ишлардик.
 شما کار می گردید. **Şumo** кор микардид. Сиз ишлардингиз.
 آنها کار می گردیدند. **Onxo** кор микарданд. Улар ишлардилар.

Ўтган замон давом феълининг инкор шакли бўлишли шаклдаги **MI-** (ми) олд қўшимчаси олдига **на-** (н) инкор юкламасини қўйиш орқали яшайди.

| ماضى استمراري | = | شاخص-сон қўш. | + | феъл ўзаги | + | ми олд қўш. | + | н инкор юкламаси |
|---------------|---|---------------|---|------------|---|-------------|---|------------------|
| ми نوشتم | = | им | + | نوشت | + | ми | + | н |
| бир ми گفتند | = | ид | + | برگشت | + | ми | + | н |
| кар ми کردند | = | дд | + | کارکرد | + | ми | + | н |

Ўтган замон давом феълининг инкор шаклида урғу **на-** (н) инкор юкламасига ўтади. Масалан:

هوالتن - ўқимоқ феълининг тусланиши

مفرد

من نمی خواندم. **Man** намихондам. Мен ўқимас эдим.
 تو نمی خواندی. **Tu** намихонди. Сен ўқимас эдинг.
 او نمی خواند. **U** намихонд. У ўқимас эди.

جمع

ما نمی خواندیم. **Mo** намихондим. Биз ўқимас эдик.
 شما نمی خواندید. **Şumo** намихондид. Сиз ўқимас эдингиз.
 آنها نمی خواندند. **Onxo** намихонданд. Улар ўқимас эдилар.

| ماضى استمراري | = | شاخص-сон қўш. | + | феъл ўзаги | + | ми олд қўш. | + | н инкор юкламачи |
|---------------|---|---------------|---|------------|---|-------------|---|------------------|
| бир ми گفتند | = | ид | + | برگشت | + | ми | + | н |
| кар ми کردند | = | дд | + | کارکرد | + | ми | + | н |

Префиксли ва кўшма феъллардан ўтган замон давом феъли ясалаётган вақтда —на (ن) ва —ми (می) олд кўшимчалари кўмакчи феълга кўшилади. Масалан:

بر داشتن - кўтармоқ феълнинг тусланиши

مفرد

| | | |
|------------------|----------------------------|---------------------|
| من بر نمی داشتم. | Ман бар-намидоштам. | Мен кўтармас эдим. |
| تو بر نمی داشتی. | Тў бар-намидошти. | Сен кўтармас эдинг. |
| او بر نمی داشت. | У бар-намидошт. | У кўтармас эди. |

جمع

| | | |
|---------------------|------------------------------|-----------------------|
| ما بر نمی داشتیم. | Мо бар-намидоштим. | Биз кўтармас эдик. |
| شما بر نمی داشتید. | Шўмо бар-намидошtid. | Сиз кўтармас эдингиз. |
| آنها بر نمی داشتند. | Онҳо бар-намидошtанд. | Улар кўтармас эдилар |

تکرار کردن - такрорламоқ феълнинг тусланиши

مفرد

| | | |
|-------------------|------------------------------|-------------------|
| من فرار نمی کردم. | Ман фэрор намикардам. | Мен қочмас эдим. |
| تو فرار نمی کردی. | Тў фэрор намикарди. | Сен қочмас эдинг. |
| او فرار نمی کرد. | У фэрор намикард. | У қочмас эди. |

جمع

| | | |
|----------------------|--------------------------------|---------------------|
| ما فرار نمی کردیم. | Мо фэрор намикардим. | Биз қочмас эдик. |
| شما فرار نمی کردید. | Шўмо фэрор намикардид. | Сиз қочмас эдингиз. |
| آنها فرار نمی کردند. | Онҳо фэрор намикарданд. | Улар қочмас эдилар |

НУМЕРАТИВЛАР (ҲИСОБ СЎЗЛАР)

Форс тилда миқдор билдирувчи сонлар одатда нумератив деб аталувчи ёрдамчи сўзлар билан қўлланиб, предметнинг сон-миқдорини нечталигини, донасини англатади. Нумеративлар сон ва саналувчи предметлар номини билдирган сўзлар орасига қўйилади. Нумеративлардан сўнг изофа келмайди. Форс тилида турли предметлар учун жуда кўп нумеративлар ишлатилади.

Уй-ручвор ва бошқа анжомлар учун – تا (то) *ta, dona*

| | | |
|-------------|---------------|---------------|
| دو تا پنجره | дў то панжарэ | иккита дераза |
| پنج تا مداد | панж то мэдод | бешта қалам |

Иноонлар учун نفر (нафар), تن (тан) *жон, киши*:

| | | | |
|----------------|--------------|-------|---------------------------|
| شش نفر دانشگاه | шэш | нафар | олтита талаба |
| | донэшжу | | |
| سه تن پسر | сэ тан пэсар | | учта (уч нафар) ўғил бола |

Нафар ва **тан** нумеративлари саналувчи предметсиз ҳам ишлатилиши мумкин. Бу ҳолда улар нумеративлик хусусиятини **Ишлатиб, мустақил сўз маъносига эга бўлади. Масалан:**

هشت نفر از دانشجویان در این موضوع سخنرانی کردند.

Ҳашт нафар аз донэшжуён дар ин мўвзу сўханрони карданд.
Талабалардан саккиз киши (нафари) шу мавзуда маъруза қилдилар.

1. Ҳаймонлар учун راس (раъс) *бош*

| | | |
|---------------|-----------------|------------------|
| صد راس گوسفند | сад рас гўсфанд | юз бош қўй |
| هشت راس گاو | ҳашт рас гов | саккиз бош сигир |

2. Ҳар турли машиналар, станок ва автомобиллар учун دستگاه (станок)

| | | | |
|--------------------|------------|---------|------------------|
| چهار دستگاه اتوبوس | чаҳор | дастгоҳ | тўртта автомобил |
| | ўтумўбил | | |
| سه دستگاه اتوبوس | сэ дастгоҳ | ўтубус | учта автобус |

3. Жуфт предметлар учун جفت (жўфт) *жуфт*

| | | |
|--------------|---------------|----------------|
| سه جفت جوراب | сэ жўфт журоб | уч жуфт пайпоқ |
| يك جفت کفش | ик жўфт кафш | бир жуфт туфли |

4.Баъзи кийимлар учун دست (даст) *дона*, *кўл*

| | | |
|-------------------|-----------------------------|--------------------|
| یک دست پیراهن | йэк даст пирохан | битта кўйлак |
| یک دست کت و شلوار | йэк даст кўт-ўшалвор | битта кастюм - шим |

5.Кема, пароход ва самолётлар учун *фарванд*

| | | |
|-------------------|-------------------------------|---------------|
| دو فروند کشتی | дў фарванд кашти | иккита кема |
| پنج فروند هواپیما | панж фарванд ҳавопэймо | бешта самолёт |

6.Уй ва иморатлар учун *باب* (**боб**) *эшик*

| | | |
|--------------|-----------------------|-------------|
| هفت باب خانه | ҳафт боб хонэ | еттита хона |
| چار باب بنا | чаҳор боб бано | тўртта бино |

7.Китоблар учун *جلد* (**желд**) *жилд*, *дона*

| | | |
|---------------|---------------------------|--------------|
| شش جلد کتاب | шэш жэлд кэтоб | олтита китоб |
| چار جلد فرهنگ | чаҳор жэлд фарҳанг | тўртта луғат |

8.Бошқа предметлар учун *دانه* (**донэ**) *дона* –адад, *قوطی* (**кути**) – кути

| | | |
|------------------|--------------------------|-----------------|
| یک دانه سیب | йэк донэ сиб | битта олма |
| هشت دانه روزنامه | ҳашт донэ рузномэ | саккизта газета |
| یک قوطی کبریت | йэк кути кэбрит | бир кути гугурт |

ЎТГАН ЗАМОН НАТИЖАЛИ ФЕЪЛИ

Агар ўтган замон аниқ феъли иш-ҳаракатнинг ўтган замонда аниқ бажарилганлигини, бўлиб ўтганлигини ифодаласа, ўтган замон натижали феъли иш-ҳаракатнинг ўтган замонда бўлиб ўтганлигини лекин ҳозир ҳам бажарилишини, тугалланмаганлигини билдиради. Бу феъл форс тилида **мози-йэ нақли** (ماضی نقلی) деб номланади. Ўтган замон натижали феъли ўтган замон сифатдошига **аст** (است) боғламасининг қисқа шаклини кўшиш орқали ясалади. **Масалан:**

| ماضى لفظى | = | است بوғلاماسининг قىسقا шаكلي | + | ўтган замон сифатдоши |
|-----------|---|----------------------------------|---|--------------------------|
| نوشتە | = | ايم | + | نوشتە |
| برگشته | = | ايد | + | برگشته |
| كار كرده | = | اند | + | كار كرده |

گفتان гуфтан - айтмоқ, демоқ феълнинг тусланиши

مفرد

من گفتم ام. **Ман гуфтэ-ам.** Мен айтганман.
 تو گفتم اي. **Ту гуфтэ-и.** Сен айтгансан.
 او گفتم است. **У гуфтэ аст.** У айтган.

جمع

ما گفتم ام. **Мо гуфтэ-им.** Биз айтганмиз.
 شما گفتم اي. **Шумо гуфтэ-ид.** Сиз айтгансиз.
 آنها گفتم اند. **Онҳо гуфтэ-анд.** Улар айтганлар.

Префиксели ва қўшма феълдан ўтган замон натижали феъли қуйидагича ксалади.

| ماضى لفظى | = | است بوғلاماسининг قىسقا шаكلي | + | ўтган замон сифатдоши |
|-----------|---|----------------------------------|---|--------------------------|
| برگشته | = | ايد | + | برگشته |
| كار كرده | = | اند | + | كار كرده |

بارگشتان бар гаштан - қайтмоқ феълнинг тусланиши

مفرد

من برگشتم ام. **Ман бар-гаштэ-ам** Мен қайтганман.
 تو برگشتم اي. **Тў бар-гаштэ-и** Сен қайтгансан.
 او برگشتم است. **У бар-гаштэ аст** У қайтган.

جمع

ما برگشتم ام. **Мо бар-гаштэ-им.** Биз қайтганмиз.
 شما برگشتم اي. **Шумо бар-гаштэ-ид.** Сиз қайтгансиз.
 آنها برگشتم اند. **Онҳо бар-гаштэ-анд.** Улар қайтганлар.

жавоб додан - жавоб бермоқ феълининг тусланиши жавоб دادن

مفرد

| | | | |
|-------------------|--------------------|-----------|-----------------|
| من جواب داده ام. | Ман жавоб додэ-ам. | Мен | жавоб |
| | | берганман | |
| تو جواب داده ای. | Тў жавоб додэ-и. | Сен | жавоб бергансан |
| او جواب داده است. | У жавоб додэ аст. | У | жавоб берган |

جمع

| | | | |
|---------------------|----------------------|-----------|-------|
| ما جواب داده ایم. | Мо жавоб додэ-им. | Биз | жавоб |
| | | берганмиз | |
| شما جواب داده اید. | Шўмо жавоб додэ-ид. | Сиз | жавоб |
| | | бергансиз | |
| آنها جواب داده اند. | Онҳо жавоб додэ-анд. | Улар | жавоб |
| | | берганлар | |

И з о х: III шахс бирликда баъзан **аст** (است) боғламаси тушиб қолиб, ўтган замон сифатдошининг ўзи келиши ҳам мумкин.
Масалан:

گفته

بر گشته

جواب داده

Ўтган замон натижали феълининг инкор шакли одатдагидек феъл олдига **на-** (نـ) инкор юкламасини кўшиш орқали ҳосил қилинади. Префиксли ва кўшма феълларда **на-** (نـ) инкор юкламаси кўмакчи феълга кўшилади. Бу ҳолда урғу **на-** (نـ) юкламасига тушади. **Масалан:**

| Содда феъл | Префиксли феъл | Кўшма феъл |
|-------------------|-----------------------|-----------------------|
| نرفته ام | بر نگشته ام | کار نکرده ام |
| нарафтэ-ам | бар-нагаштэ-ам | кор накардэ-ам |
| бормаганман | қайтмаганман | ишламаганман |

Ўтган замон натижали феъли иш-ҳаракатнинг ўтган замонда бўлиб ўтганлигини билдириш билан бирга, унинг бажарилиш факти, натижаси ҳозирда ҳам мавжуд эканлигини кўрсатади. Агар ўтган замон аниқ феълининг маъноси иш-ҳаракатнинг ўтган замонда аниқ бажарилганлигини, бўлиб ўтганлигини қайд қилиш

билан кифояланса, ўтган замон натижали феълида эса асосий диққат иш-ҳаракатнинг бажарилганлиги ёки бўлиб ўтганлигида омад, балки унинг натижасида - ҳозирги ҳолатида бўлади. Қиёс қилинг! Масалан:

دانشيار زبان فارسی ما از ايران آمد.

Донгшёр-э забон-э форси-йэ мо аз Ирон омад.
Бизнинг форс тили ўқитувчимиз Эрондан келди.

دانشيار زبان فارسی ما از ايران آمده است.

Донгшёр-э забон-э форси-йэ мо аз Ирон омадэ аст.
Бизнинг форс тили ўқитувчимиз Эрондан келган.

Биринчи гапда омад (آمد) иш-ҳаракатни бўлиб ўтганлигини билдиради, иккинчи гапда омадэ аст (آمده است) иш-ҳаракатнинг бажарилганлиги ҳозир ҳам борлиги кўринади. Масалан:

شما اثر "شیطنت" طاهر ملک را خوانده اید؟

Шумо осор-э «Шайтанат»-э Тоҳэр Малэк ро хондэ-ид?
Сиз Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» асарини ўқиганмисиз?

خیلی رنج کشیده و به مقصد رسیده ام.

Хэйли ранж кашидэ ва бэ мақсад расидэ-ам.
Кун мөҳнат қилиб мақсадга етганман.

Ўтган замон натижали феъли ўтган замон эшитганлик маъносини ҳам билдириши мумкин. Ўтган замон натижали феълининг бу маъносида иш-ҳаракатнинг бажарилиши сўзловчига олдиндан маълум бўлмай, иш-ҳаракатнинг бажарилган ё бажарилмаганлигини бошқа одамдан эшитиши ёки бошқа воситалар орқали маълум бўлиши қайд қилинади. Масалан:

آنها زبان فرانسوی را خوب یاد گرفته است.

Онҳо забон-э фироисави ро хўб ёд гэрэфтэ аст.
Улар француз тилини яхши ўрганибдилар

ناظمه به مادرش دروغ گفته است.

Нозэмэ бэ модараш дўрув гўфтэ аст.
Нозима онасига ёлғон гапирибди.

Истодан (ایستادن)-тикка турмоқ, **нешастан** (نشستن)-ўтирмоқ, **хобидан** (خوابیدن) - ухламоқ, **бидор шўдан** (بیدار شدن)-уйғонмоқ, **мариз шўдан** (مریض شدن) - касал бўлмоқ каби ҳолатни билдирувчи феъллардан ҳосил бўлган ўтган замон натижалари феъли кўпроқ ҳозирги замон билан боғлиқ бўлган иш-ҳаракатни билдиради. **Масалан:**

شتر عقب نگرسته دید که خر در کنار رود متحیر ایستاده است.

Шўтўр ақаб нэгарэстэ дид кэ хар дар кэнорэ руд мўтаҳаййэр истодэ аст.

Туя орқасига қараб кўрдики, эшак дарё бўйида ҳайрон бўлиб турибди.

УЗОҚ ЎТГАН ЗАМОН ФЕЪЛИ

Узоқ ўтган замон феъли иш-ҳаракатнинг ўтган замонда анча олдин бўлиб ўтганлигини билдиради ва форс тилида **мози-йэ баъид** (ماضى بعید) деб номланади.

Узоқ ўтган замон феъли ўтган замон сифатдоши, **будан** (بودن) кўмакчи феъли ва шахс-сон кўшимчалари бирикиши орқали ясалади. Узоқ ўтган замон феълининг тусланишида шахс-сон кўшимчалари **будан** (بودن) кўмакчи феълининг ўтган замон феъл ўзагига кўшилади. Тусланиши лозим бўлган феъл эса, ўтган замон сифатдоши кўринишида бўлади. Бу ҳол содда, префиксли ва кўшма феълларда ҳам айнан шу кўринишда бўлиши кузатилади. **Масалан:**

| | | | | | | |
|-------------|---|-------------------------|---|------|---|--------------------------|
| ماضى بعید | = | шахс - сон кўшимчаси | + | بودن | + | ўтган замон сифатдоши |
| نوشته بودیم | = | یم | + | بود | + | نوشته |

گفتن гўфтан - айтмоқ феълининг тусланиши

مفرد

من گفته بودم. **Ман гўфтэ будам.**

Мен айтган эдим.

تو گفته بودی. **Тў гўфтэ буди.**

Сен айтган эдинг.

او گفته بود. **У гўфтэ буд.**

У айтган эди.

جمع

ما گفته بودیم. **Мо гўфтэ будим.**

Биз айтган эдик.

شما گفته بودید. **Шўмо гўфтэ будид.**

Сиз айтган эдингиз.

آنها گفته بودند. **Онҳо гўфтэ буданд.**

Улар айтган эдилар.

Префиксли ва кўшма феъллардан узоқ ўтган замон феъллари куйидаги тартибда ясалади. Масалан:

| ماضى بعيد | = | شاхс сон қўшимчаси | + | بودن | + | ўтган замон сифатдоши |
|----------------|---|-----------------------|---|------|---|--------------------------|
| بر گشته بوديد | = | يد | + | بود | + | بر گشته |
| كار کرده بودند | = | ند | + | بود | + | كار کرده |

بار-گاشتن - қайтмоқ феълнинг тусланиши

مفرد

من بر گشته بودم. **Ман бар-гаштэ будам.** Мен қайтган эдим.

تو بر گشته بودی. **Ту бар-гаштэ буди.** Сен қайтган эдинг.
او بر گشته بود. **У бар-гаштэ буд.** У қайтган эди.

جمع

ما بر گشته بوديم. **Мо бар-гаштэ будим.** Биз қайтган эдик.
شما بر گشته بوديد. **Шўмо бар-гаштэ будид.** Сиз қайтган эдингиз.
انها بر گشته بودند. **Онҳо бар-гаштэ буданд.** Улар қайтган эдилар.

زندگی کردن - яшамоқ феълнинг тусланиши

مفرد

من زندگى کرده بودم. **Ман зэндэги кардэ будам.** Мен яшаган эдим.

تو زندگى کرده بودی. **Ту зэндэги кардэ буди.** Сен яшаган эдинг.
او زندگى کرده بود. **У зэндэги кардэ буд.** У яшаган эди.

جمع

ما زندگى کرده بوديم. **Мо зэндэги кардэ будим.** Биз яшаган эдик.
شما زندگى کرده بوديد. **Шўмо зэндэги кардэ будид.** Сиз яшаган эдингиз.
انها زندگى کرده بودند. **Онҳо зэндэги кардэ буданд.** Улар яшаган эдилар.

Узоқ ўтган замон феълда урғу иккита бўлиб, биринчи асосий урғу сифатдошнинг охириги бўғинига ва иккинчи кучсиз урғу эса шахс-сон қўшимчаларига тушади. Масалан:

رفتہ بودم. **Рафтэ будам.**
رفتہ بودى. **Рафтэ буди.**

Борган эдим.
Борган эдинг.

Кўшма феълларда эса уч сўзнинг ҳар бирининг ўз мустақил урғуси бўлади. **Масалан:**

ترجمه کرده بودم. **Таржўмэ кардэ будам.** Таржима қилган эдим.
ترجمه کرده بودى. **Таржўмэ кардэ буди.** Таржима қилган эдинг.

Узоқ ўтган замон феълнинг инкор шакли феълнинг сифатдош қисмига **на-** (ن) инкор юкламасини қўшиш орқали ҳосил қилинади. Узоқ ўтган замон феълнинг инкор шаклида асосий урғу сифатдошдан **на-** (ن) инкор юкламасига кўчади. **Масалан:**

زندگى كردن **зэндэги кардан** - яшамоқ феълнинг бўлишсиз шаклда тусланиши

مفرد
من زندگى نکرده **Ман зэндэги накардэ** Мен яшамаган
بودم. **будам.** эдим.
تو زندگى نکرده **Тў зэндэги накардэ буди.** Сен яшамаган
بودى. **буди.** эдинг.
او زندگى نکرده بود. **У зэндэги накардэ буд.** У яшамаган эди.

جمع
ما زندگى نکرده **Мо зэндэги накардэ** Биз яшамаган эдик.
بوديم. **будим**
شما زندگى نکرده **Шўмо зэндэги накардэ** Сиз яшамаган
بوديد. **будид** эдингиз.
انها زندگى نکرده **Онҳо зэндэги накардэ** Улар яшамаган
بودند. **буданд** эдилар.

من اين مجله را نخوانده بودم.
Ман ин мажаллэ ро нахондэ
будам.

Ман бу журнални ўқимаган
эдим.

او اين جمله را ترجمه نکرده بود.
У ин жўмлэ ро таржўмэ
накардэ буд.

У бу жумлани таржима қилмаган
эди.

Узоқ ўтган замон феъли иш-харакатни узоқ ўтган замонда бўлиб ўтганлигини кўрсатади. Масалан:

دوستم این روزنامه را از ایران آورده بود.
Дустим ин рузномэ ро аз Ирон овардэ буд.
Дустим бу газетани Эрондан келтирган эди.

Узоқ ўтган замон феъли ўтган замонда бошланган икки иш-харакатдан бири олдинроқ бўлиб ўтганлигини кўрсатади. Бу ҳолда узоқ ўтган замон феълидан англашилган иш-харакат иккинчи иш-харакат бошланишига қадар амалга ошган бўлади. Масалан:

وقتیکه من به دانشکده امدم، درس اهاز شده بود.
Вақтикэ ман бе донэшкадэ омадам дарс оғоз шўдэ буд.
Мен факултетга келган вақтимда дарс бошланган эди.

چون ما به فرودگاه رسیدیم مسافران به هواپیما سوار شده بودند.
Чун ма бе фурудгоҳ расидим мўсофэрон бэ ҳавопэймо савор шўдэ буданд.
Биз аэропортга етиб келганимизда, йўловчилар самолётга чиқиб ўтиришган эдилар.

Узоқ ўтган замон феъли аст (است) боғламасини қабул қилиб келиши мумкин. Бунда будан (بودن) кўмакчи феъли ўтган замон **оифатдош** шаклига кириб, шахс-сон маънолари боғлама орқали **ифода** этилади. Узоқ ўтган замон феълининг бу шакли узоқ ўтган замонда **бажарилган** иш-харакатнинг сўзловчига олдиндан маълум **бўлмай**, кейинчалик маълум бўлганлигини, бирор восита орқали аён бўлганлигини билдиради. Масалан:

فاطمه از دوستش رنجیده بوده است.
Фотэмэ аз дусташ ранжидэ будэ аст.
Фотима дўстидан хафа бўлган экан.

هزار سال پیش هم در شرق مردم با ذوب آهن و مس آشنا بوده اند.
Ҳазор сол пеш ҳам дар шарқ мардум бо зуб-э оҳан ва мэс ошно будэ-анд.
Минг йиллар илгари ҳам Шарқда одамлар темир ва мис эритишни билган эканлар.

1-топширик. Қуйида берилган феълларни ўтган замон давом феъллининг бўлиши ва бўлишсиз шаклида тусланг.

| | | |
|-----------|---------------------|-------------------|
| أوردن | овардан | келтирмоқ |
| خواستن | хостан | хоҳламоқ, истамоқ |
| برخاستن | бар-хостан | турмоқ |
| حاضر کردن | хозэр кардан | тайёрламоқ |

2-топширик. Қуйида берилган гапларни форс тилига таржима қилинг.

У доим спорт билан шуғулланар эди. Дарсдан сўнг у ҳамиша уйга пиёда кетар эди. Дарсдан сўнг у мени кутар эди. Биз дарсимизни кутубхонада тайёрлар эдик. У шеър ўқишни ёқтирар эди. У табиат манзарасини чизиғи шни яхши кўрар эди. У ёшлиги ўтган жойларни хотирлар эди. Биз ҳар йили қишда Чимёнга чиқар эдик.

3-топширик. Қуйида берилган феълларни ўтган замон натижали феъллининг бўлишли ва бўлишсиз шаклларида тусланг.

| | | |
|------------|--------------------|----------------|
| رفتن | рафган | бормоқ, кетмоқ |
| ادامه دادن | эдомэ додан | давом эттирмоқ |
| بر خاستن | бар-хостан | турмоқ |

4-топширик. Қуйида берилган феълларни узоқ ўтган замон феъллининг бўлишли ва бўлишсиз шаклларида тусланг.

| | | |
|------------|--------------------|----------------|
| افتادن | ўфтодан | йиқилмоқ |
| ادامه دادن | эдомэ додан | давом эттирмоқ |
| در آمدن | дар омадан | кирмоқ |

5-топширик. Қуйида берилган ҳикоятларни ўқинг ва ўзбек тилига таржима қилинг. Матндаги узоқ ўтган замон феълларини аниқланг.

حکایت

شخصی به مرتبه‌ی بزرگی رسیده بود. دوستش برای تبریک پهنش او رفت. آن شخص پرسید: کیستی و برای چه آمده‌ای؟ دوست شرمند شد و گفت: مرا نمی‌شناسی؟ دوست قدیمی تو هستم و برای تسلیت آمده‌ام زیرا که شنیده‌ام که گور شده‌ای.

حکایت

شخصی نامه‌ای می‌نوشت. آدمی نزدیک او نشسته بود و به نامه نگاه می‌کرد. آن شخص در نامه نوشت که آدم بیگانه و احمق پهلوی من نشسته است و این نامه را می‌خواند، از این سبب هیچ رازی نمی‌نویسم. آن شخص گفت: چرا تو مرا احمق می‌گویی و چرا راز خود را نمی‌نویسی؟ نامه تو را بخوانم چرا اینطور می‌نویسی؟ گفت: اگر نامه‌ی مرا نخوانده‌ای چطور به تو معلوم شد که چنین نوشتم؟

Мавзуга оид савол ва топшириқлар:

1. Ўтган замон давом феъли деб нимага айтилади?
2. Ўтган замон давом феъли форс тилида қандай номланади?
3. Ўтган замон дином феъли қандай ясалади?
4. Ўтган замон давом феъли билан ҳозирги-келаси замон феъллар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли томонлар нимада?
5. Ўтган замон давом феълнинг бўлишсиз шакли қандай ясалади?
6. Ўзбек ва форс тилларидаги ўтган замон давом феъллини қолашида ўхшаш ва фарқли томонлар мавжудми?
7. Нумератив деб нимага айтилади?
8. Нумеративларнинг асосий назифаси нима?
9. То нумеративи қайси ҳолатларда ишлатилади ва қандай маъно англатади?
10. Нафар нумеративи қайси ҳолатларда ишлатилади ва қандай маъно англатади?
11. Тан нумеративи қайси ҳолатларда ишлатилади ва қандай маъно англатади?
12. Риъс нумеративи қайси ҳолатларда ишлатилади ва қандай маъно англатади?
13. Дастгоҳ нумеративи қайси ҳолатларда ишлатилади ва қандай маъно англатади?
14. Жуфт нумеративи қайси ҳолатларда ишлатилади ва қандай маъно англатади?
15. Даст нумеративи қайси ҳолатларда ишлатилади ва қандай маъно англатади?

10. Фарванд нумеративи қайси ҳолатларда ишлатилади ва қандай маъно англатади?

16. Боб нумеративи қайси ҳолатларда ишлатилади ва қандай маъно англатади?

17. Желд нумеративи қайси ҳолатларда ишлатилади ва қандай маъно англатади?

18. Донэ нумеративи қайси ҳолатларда ишлатилади ва қандай маъно англатади?

19. Ўтган замон натижали феъли деб нимага айтилади?

20. Ўтган замон натижали феъли форс тилида қандай номланади?

21. Ўтган замон натижали феъли қандай ясалади?

22. Нима учун ўтган замон натижали феълени ҳосил қилишда боғламанинг қисқа шакли олдидан бир алиф ҳарфи орттирилади?

23. Ўтган замон натижали феъленинг бўлишсиз шакли қандай ясалади?

24. Ўзбек ва форс тилларидаги ўтган замон натижали феълени ясалашида ўхшаш ва фарқли томонлар мавжудми?

25. Узоқ ўтган замон феъли деб нимага айтилади?

26. Узоқ ўтган замон феъли форс тилида қандай номланади?

27. Узоқ ўтган замон феъли қандай ясалади?

28. Узоқ ўтган замон феъли таркибидаги кўмакчи феъл қайси?

29. Узоқ ўтган замон феъленинг бўлишли шакли қандай ясалади?

30. Узоқ ўтган замон феъленинг бўлишсиз шакли қандай ясалади?

31. Ўзбек ва форс тилларидаги узоқ ўтган замон феълени ясалашида ўхшаш ва фарқли томонлар мавжудми?

32. Узоқ ўтган замон феъленинг ясалишида шахс сон қўшимчаларини тусланаётган феъл қабул қиладими ёки будан кўмакчи феъли?

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Ю.А.Рубинчик, Грамматика современного персидского литературного языка. Москва 2011г.

2. Anousha Shahsavari, Blake Atwood, Persian of Iran today. An introductory course, Volume 1,2. Texas, 2015.

3. Plats J.T. and Ranking C.A. A grammar of the Persian language Oxford 1911 y.

4. Yodoloh Samareh Persian language teaching Iran 1993 y.

12 – МАШҒУЛОТ

МАВЗУ: ЎТГАН ЗАМОН СИФАТДОШИ. ЎТГАН ЗАМОН РАВИШДОШИ. ҲОЗИРГИ ЗАМОН СИФАТДОШИ.

Рамзи:

1. *Ўтган замон сифатдоши.*
2. *Ўтган замон равишдоши.*
3. *Ҳозирги замон сифатдоши.*
4. *Сифат даражалари.*

Таянч сўз ва иборалар. *Ўзбек тили, форс тили, грамматика, морфология, сифат, феъл, сифатдош, ўтган замон сифатдоши, сэфат-э мафъули, ҳозирги замон сифатдоши, ўтган замон феъл негизи, қисқа э унлиси, отлашиш, равиш, равишдош, ўтган замон равишдоши, нажҳ-э васфи, ҳозирги замон сифатдоши, сэфат-э фозли, феълнинг ҳозирги замон ўзаги, андэ кўшимчаси, он кўшимчаси, о кўшимчаси, ё-йэ лиёқат, ё-йэ масдари, оддий сифат даражаси, қийсий сифат даражаси, орттирма сифат даражаси.*

Уқув машғулотининг мақсади. *Ўзбек тили, форс тили, грамматика, морфология, сифат, феъл, сифатдош, ўтган замон сифатдоши, сэфат-э мафъули, ҳозирги замон сифатдоши, ўтган замон феъл негизи, қисқа э унлиси, отлашиш, равиш, равишдош, ўтган замон равишдоши, нажҳ-э насфи, ҳозирги замон сифатдоши, сэфат-э фозли, феълнинг ҳозирги замон ўзаги, андэ кўшимчаси, он кўшимчаси, о кўшимчаси, ё-йэ лиёқат, ё-йэ масдари, оддий сифат даражаси, қийсий сифат даражаси, орттирма сифат даражаси ҳақида натарий маълумотлар бериш ва уларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш.*

СИФАТДОШ


Барча тилларда бўлгани каби форс тилида ҳам феъллик ва сифатлик хусусиятларини аниқлашчи феъл шаклига сифатдош дейилади.

Сифатдош худди феъл каби замон тушунчасини ифодалайди, Ўтган замон сифатдоши бўлишли ва бўлишсиз шаклларда бўлади

хамда феълдек нисбатларда тусланади. Сифатдошнинг сифатлик хусусияти сифат каби предметнинг белгисини билдиришидир. Бунда сифатдош от олдин келиб, у билан изофа орқали бирикади ва гапда аниқловчи вазифасини бажариб келади.

ЎТГАН ЗАМОН СИФАТДОШИ

Ўтган замон сифатдоши ўтган замон феъл негизига қисқа -э (ё) унлисисни кўшиш орқали ясалади. Форс тили грамматикасида ўтган замон сифатдоши **сэфат-э мафъули (مفعولى صفت)** дейилади.



Ўтган замон сифатдоши аниқ ва мажхул нисбатда бўлиши мумкин. Ўтимсиз феъллардан аниқ нисбат ва ўтимли феъллардан мажхул нисбат маъноларидаги сифатдошлар ясалади.

ЎТИМЛИ ФЕЪЛЛАРДАН ЯСАЛГАН СИФАТДОШЛАР

| СИФАТДОШ | ЎЗАК | ФЕЪЛ |
|----------|--------|----------|
| آمدە | آمد | آمدن |
| омадэ | омад | омадан |
| келган | - | келмоқ |
| ترسيده | ترسيد | ترسيدن |
| тарсидэ | тарсид | тарсидан |
| кўрккан | - | кўркмоқ |
| نشسته | نشست | نشستن |
| нэшастэ | нэшаст | нэшастан |
| ўтирган | - | ўтирмоқ |
| مردە | مرد | مردن |
| мўрдэ | мўрд | мўрдан |
| ўлган | - | ўлмоқ |
| رفته | رفت | رفتن |

| | | |
|---------|--------|----------|
| рифтэ | рафт | рафтан |
| борган | - | бормок |
| گانشه | گاشت | گداشتن |
| гүзаштэ | гүзашт | гүзаштан |
| үтган | - | үтмок |

ЎТИМСИЗ ФЕЪЛЛАРДАН ЯСАЛГАН СИФАТДОШЛАР

| СИФАТДОШ | ЎЗАК | ФЕЪЛ |
|---------------|--------|---------------|
| خوانده | خواند | خواندن |
| хондэ | хонд | хондан |
| ўқиган | - | ўқимок |
| نوشتنه | نوشت | نوشتن |
| навэштэ | навэшт | навэштан |
| ёзилган | - | ёзмок |
| شسته | شست | شستن |
| шўстэ | шўст | шўстан |
| ювилган | - | ювмок |
| گفتنه | گفت | گفتن |
| гўфтэ | гўфт | гўфтан |
| айтилган | - | айтмок, демок |
| برده | بريد | بريدن |
| бўридэ | бўрид | бўридан |
| кесилган | - | кесмок |
| خریده | خرید | خریدن |
| харидэ | харид | харидан |
| сотиб олинган | - | сотиб олмок |

Баъзи феъллар бир вақтда ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиз бўлиши мумкин.

| | | |
|---------|----------|------------------------|
| شکستان | шэкистан | синган ва синдирилган |
| اموختان | омухтан | ўрганган ва ўргатилган |
| ريختان | рихтан | куйган ва куйилган |

Бу феълларидан ясалган сифатдошлар гапнинг мазмунига кўра шик ёки мажҳул нисбат маъносини англатиши мумкин. Масалан:

شکسته
آموخته
ریخته

шэкастэ
омухтэ
рихтэ

синган ва синдирилган
ўрганган ва ўргатилган
куйган ва куйилган

Сифатдошда урғу сифатдош охиридаги **о** -э қўшимчасига тушади.

Ўтган замон сифатдоши гапда:

1. Аниқловчи бўлиб келади. Масалан:

| | | |
|-----------------|-------------------|--------------------|
| سال گذشته | сол-э гўзаштэ | ўтган йил |
| دانشجوی نشسته | донэшжу-э нэшастэ | ўтирган талаба |
| خوراکهای ناپخته | хўроқҳо-э нопўхтэ | пиширилмаган овқат |

2. Баъзи бир сифатдошлар отлашади ва отга хос бўлган бутун морфологик белгиларни қабул қилади ҳамда гапда от бажарган вазифаларда ишлатилади. Масалан:

| СИФАТДОШ ШАКЛИ | | | ОТЛАШГАН ШАКЛИ | | |
|----------------|---------|--------|----------------|---------|-------|
| ديده | дидэ | кўрган | ديده | дидэ | кўз |
| مردہ | мўрдэ | ўлган | مردہ | мўрдэ | ўлик |
| شکسته | шэкастэ | синган | شکسته | шэкастэ | синик |
| خورده | хўрдэ | йеган | خورده | хўрдэ | овқат |


3. Ўтган замон сифатдоши баъзи бир отлар билан бирикиб, предметнинг белгисини билдирувчи мураккаб сифатдош ясади. Масалан:

| | | |
|-------------------|------------------------|--|
| روزنامه نگاری کار | рузномэнэгори-йэ кор | тажрибали |
| آزموده | озмудэ | журналист |
| کشورهای نو رسیده | кэшварҳо-йэ нўв расидэ | янги мустақилликка эришган мамлакатлар |
| درخت سبز شده | дэрахт-э сабз шўдэ | кўкарган дарахт |

РАВИШДОШ. ЎТГАН ЗАМОН РАВИШДОШИ

Форс тилида ўтган замон равишдоши учун махсус грамматик шакл йук бўлиб, ўтган замон сифатдоши шакли равишдош учун ҳам қўлланади ва сифатдошнинг бу шакли форс тилида **важҳ-э вавфи** (وجه وصفی) деб номланади.

Уларнинг маъноларига қараб сифатдош ёки равишдош эканлиги белгиланади.



Форс тилида ўтган замон равишдоши асосан эргаш гап составида кесим вазифасида келиб, пайтни ифодалайди ва бош гап кесим орқали ангилашилган иш-ҳаракат ҳамда ҳолатдан олдинроқ бўлиб ўтган иш-ҳаракатни билдиради. Ўзбек тилида **-иб**, **-б** қўшимчалари билан ясалган равишдошларнинг пайт билдирган маъносига тўғри келади. Масалан:

او پيش من آمده گفت که من نمی توانم به شبلیلی بروم.

У иш-э ман омадэ гуфт кэ ман намитаवонам бэ шабнэшини бравам.

У менинг олдимга келиб, кечага боролмаслигини айтди.

Биринчи кесими равишдош билан ифодаланган гап бош гап билан бириктирувчи *ва* боғловчиси орқали боғланиши ҳам мумкин. **Вундай** қўшма гап ўзбек тилига равишдош ёки тенг боғланган **қўшма гап** орқали таржима қилинади. Масалан:

او سوار اتوبوس برقی شده و بعد از بیست دقیقه به نهریات رسید.

У савор-э ўтубус-э барқи шўдэ ва баъд аз бист дақиқэ бэ нашриёт расид.

У троллейбусга ўтириб, йигирма дақиқадан сўнг нашриётга етиб келди.

Ўтган замон равишдошининг инкор шакли равишдош олдига **на-** инкор юклагмасини қўйиш орқали ҳосил қилинади. **Масалан:**

او اين كتاب را نخوانده نمى تواند مقاله ى خود را بنويسد.

У ин кэтобро нахондэ намитаванад мақолэ-йэ хўдро бэнависад.
У бу китобни ўқимамай, бу мақолани ёза олмайди.

ҲОЗИРГИ ЗАМОН СИФАТДОШИ

Ҳозирги замон сифатдоши ҳозирги замон феъл негизига –**андэ** (نده), –**он** (ان), –**о** (ا) қўшимчаларини қўшиш орқали ясалади. Форс тилида ҳозирги замон сифатдоши **сэфат-э фо-эли** (صفت فاعلى) дейилади.

1. **-андэ** (نده) қўшимчаси орқали ясалган сифатдошлар сер маҳсул бўлиб, кўпчилик феъллардан сифатдош ясайди.



| صفت فاعلى | = | نده қўшимчаси | + | феълнинг ҳозирги замон ўзаги | феъл |
|-----------|---|------------------|---|------------------------------------|--------|
| نويسنده | = | نده | + | نويس | نوشتن |
| خواننده | = | نده | + | خوان | خواندن |
| شنونده | = | نده | + | شنو | شنيدن |

Бу қўшимча орқали ясалган сўзлар **сифатдош** деб аталсада, лекин ҳозирги замон форс тилида ўзларининг сифатдошлик хусусиятларини йўқотиб, асосан от бўлиб келадилар. **Масалан:**

از فروشنده خواهش كرديم كه كشف ديگرى به ما نشان بدهد.

Аз фўрушандэ хоҳэш кардим кэ кафш-э дигари бэ мо нэшон бэдэхад.

Сотувчидан бизга бошқа туфли кўрсатишини илтимос қилдик.

Агар ҳозирги замон феъл негизи чўзиқ унли билан тугаган бўлса, **-индэ** (نده) кўшимча олдидан бир й (ى) орттирилади. **Масалани**

| صلىك لاطى | = | نده кўшимчаси | + | феълнинг ҳозирги замон ўзаги | феъл |
|-----------|---|------------------|---|---------------------------------|-------|
| گويده | = | نده | + | گو | گفتن |
| نمايده | = | نده | + | نما | نمودن |

-индэ (نده) кўшимча орқали ясалган сифатдошлар ўз хусусиятларига кўра от бўлиб келганликлари учун отларга хос бўлган бутун грамматик белгиларни қабул қиладилар. **Масалан:**

نويسندگان ازبکستان با خوانندگان آثار خویش ملاقات نمودند.

Нависиндэгон-э Ўзбакэстон бо хонандэгон-э осор-э хэш мўлоқот намуданд.

Ўзбекистон ёзувчилари ўз асарларининг ўқувчилари билан учрашдилар.

Бу кўшимча орқали ясалган ҳозирги замон сифатдошлари ўзбек тилига ўлашган. **Масалан:** *намоянда, паранда, шинаванда, сазанда, хонанда, сазанда, кашанда, кушанда, пазанда, ...*

3) -он (ان) кўшимчаси орқали ясалган сифатдошлар каммахсул бўлиб, баъзи феъллардангина сифатдош ясади. **Масалан:**

| صلىك لاطى | = | ان кўшимчаси | + | феълнинг ҳозирги замон ўзаги | феъл |
|-----------|---|-----------------|---|------------------------------------|--------|
| روان | = | ان | + | رو | رفتن |
| خندان | = | ان | + | خند | خندیدن |
| نگران | = | ان | + | نگر | نگرستن |



Бу қўшимча орқали ясалган сифатдошлар гапда **аниқловчи** ва **равиш холи** вазифасида келади. **Масалан:**

بچه گريه کنان از اتاق بيرون شد.
Бачэ гэрйэ – кўнон аз ўтоқ бирун шўд.
 Бола йиғлаб уйдан чикди.

آب روان
 گل خندان

об-э равон
гўл-э хандон

оқадиган сув, оқар сув
 куладиган гул, хандон гул

Бу икки мисолда **равон** ва **хандон** сўзлари сифатдошдир.

Бу қўшимча орқали ясалган ҳозирги замон сифатдошлари ўзбек тилига кам бўлсада ўзлашган. **Масалан:** *равон, бўрон, нигорон, ...*

3) – **о** (l) қўшимчаси орқали ясалган сифатдошлар ҳам каммаҳсул бўлиб, санокли феъллардангина сифатдош ясайди. **Масалан:**

| صفت فاعلى | = | ! қўшимчаси | + | ҳозирги замон феъл ўзаги | феъл |
|-----------|---|-------------|---|-----------------------------|--------|
| دانا | = | ا | + | دان | دانستن |
| بيننا | = | ا | + | بين | ديدن |
| شنوا | = | ا | + | شنو | شنيدن |

О (l) қўшимча орқали ясалган сифатдошлар феъл маъносида ифода этилган белгига (яъни сифатдош англатган маънога) доимий эгаликни билдириб келади.



Юқорида айтиб ўтилган усулда ясалган сифатдошлар отлашган холларда отлар бажарган бутун грамматик вазифаларни бажарадилар. **Масалан:**

گوش چپش شنوا ولی گوش راستش شنوا نیست.

Гуш-э чипш шнэво вали гуш-э ростав шэнаво нист
Чип кулоғи эшитади, лекин ўнг кулоғи эшитмайди.

نایبانی در شب تاریک در بازار راه می رفت.

Нобино-и дар шаб-э торик дар бозор роҳ мирафт
Бир кўр қоронғу кечада бозорда кетарди.

Бу қўшимча орқали ясалган ҳозирги замон сифатдошлари ўзбек тилига кам бўлсада ўзлашган. Масалан: *доно, ...*

ЎЗБЕК ТИЛИГА ЎЗЛАШГАН ФОРСИЙ ҲОЗИРГИ ЗАМОН СИФАТДОШЛАРИ

| ФОРСИЙ | ФОРС ТИЛИДА | ЎЗБЕК ТИЛИДА |
|--------|-------------|--------------|
| خواندن | خواننده | хонанда |
| پزندن | پزنده | пазанда |
| سازندن | سازنده | созанда |
| گزیدن | گزنده | газанда |
| کشیدن | کشنده | кашанда |
| پریدن | پرنده | паранда |
| شنیدن | شنونده | шинаванда |
| نماین | نماینده | намоянда |
| خوریدن | خوردن | хўранда |
| کوشیدن | کوشنده | кушанда |
| باریدن | باران | бўрон |
| نگرستن | نگران | нигорон |
| روان | روان | равон |
| دانستن | دانا | доно |

СИФАТ

Предметнинг белгисини билдириб, Чэтўвр? Чэжур? (қандай?)
Чэгуиэ? (қанака?), Чэ ранг? Чэ ранги? (қандай рангда? қайси
рангда?) ва шу киби сўроқларга жавоб бўлган сўзлар сифат
дейилади.

Сифатнинг лекцик белгилари:

Сифат нарса-буюмнинг белгисини (ранг-тусини, шакл-ҳажмини, маза-таъмини, характер- хусусиятини) билдириб, **Чэ ранг?** (چه رنگ؟), **Чэ ранги?** (چه رنگی؟), **Чэгүвр?** (چطور؟), **Чэ жур?** (چه جور؟), **Чэгунэ?** (چگونه؟) сўроқларига жавоб бўлади.

Морфологик белгиси:

1.Сифат даража категорияларига эга: а)оддий даража; б)қиёсий даража; д)орттиема даража;

2.Сифат бошқа сўз туркумларидан ясалади:

Сифатнинг синтактик белгиси:

1.Сифат гапда асосан аниқловчи бўлиб келади. Бунда сифат отга боғланади:

کشور ایران کوههای بلند و دشتهای پهناور دارد.

Кэшвар-э Ирон кухх-о-йэ бўланд ва даштх-о-йэ пахновар дорад.

Эрон мамлакатада баланд тоғлар ва бепаён даштлар бор.

2.Сифат гап охирида кесим (от кесим) бўлиб келади:

این سیب شیرین است .

Ин сиб ширин аст.

Бу олма шириндир.

3.Сифат феълга боғланганда ҳол бўлиб келади:

دختری به طرف ما نگرسته صمیمی خندید.

Дўхтари бэ тараф-э мо нэгарэстэ самимий хандид.

Бир қиз биз тарафга қараб, самимий кулди.

4.Сифат куйидаги гап бўлаги вазифаларида келади:

а) сифат отлашганда эга

نادان نداند و نپرسد. نادانا داند و پرسد

Доно донад ва пўрсат, нодон надонад ва напўрсат.

Доно билади ва сўрайди, нодон билмайди ва сўрамайди.

б) тўлдирувчи

خرمندان را دوست ميارند. همه

Ҳамэ, хэрадмандон ро дуст мидоранд.

Ҳамма, ақллиларни яхши кўришади.

г) қаратқич аниқловчи

به خانه ی مهماندوست همه ميايند.

Бэ хонэ-йэ мэхмондуст ҳамэ миёанд.

Мехмондўстнинг уйига ҳамма келади.

д) ундалма

جوانان، خوب بخوانيد!

Жавонон, хўб бэхонид!

Ёшлар, яхши ўқинг!

СИФАТЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ

Форс тилида ҳам ўзбек тилидаги сингари **бўланд (بلند)** - баланд, **сўрх (سرخ)**-қизил, **тиз (تيز)** -ўткир каби туб сифатлар билан бир қаторда, ясама сифатлар ҳам бор. Форс тилида сифат ясовчи қўшимчаларнинг асосийлари қуйидагилардир:

1. -манд (**مند**), -нок (**ناک**) қўшимчалари ўзақда ифода этилган нарсага ёки хусусиятга эгаликни билдирувчи сифатлар ясайди.

Масалан:

| | | | | | |
|-----|-------|-------|--------|-----------|-----------|
| خرد | хэрад | ақл | خرمند | хэрадманд | ақлли |
| هنر | хўнар | хунар | هنرمند | хўнарманд | хунарманд |
| غم | ғам | ғам | غمناک | ғамнок | ғамгин |
| غضب | ғазаб | ғазаб | غضبناک | ғазабнок | ғазабли |

2. -ин (**ين**), -инэ (**ينه**) қўшимчалари ёрдами билан ясалган сифатлар ўзақда ифода этилган нарсадан ясалганлик, ҳамжинслик маъноларини билдиради. **Масалан:**

| | | | | | |
|-----|-----|-------|-------|-------|-------------------|
| زر | зар | олтин | زرين | зарин | олтиндан ишланган |
| سيم | сим | кумуш | سيمين | симин | кумушдан ишланган |

3. –и (ى) ё-е несбат (پاى نسبت) форс тилида сермахсул сифат ясовчи кўшимча ҳисобланади. – и (ى) кўшимчаси бирор нарсанинг ўзакдан англашилган нарсага бўлган муносабатини, шунга тегишли эканлигини, бирор жойга бўлган нисбатини, ишланган материали маъноларини билдирувчи сифатлар ясайди⁴. **Масалан:**

| | | | | | |
|-------|-------|---------|--------|--------|---------|
| ادب | адаб | адаб | ادبى | адаби | адабий |
| ديوار | дивор | девор | ديوارى | дивори | деворий |
| طوس | Тус | Тус | طوسى | туси | туслик |
| | | (шаҳар) | | | |

Эслатма: о (آ), э (ه), и (ى) унлилари билан тугаган айрим сўзлар ё-е несбат (پاى نسبت) қабул қилганда, сўз охиридаги товуш ассимилятсияга учраб, и (ى) олдидан бир в (و) орттирилади: **Масалан:**

| | | | | | |
|------|-------|-------|-------|---------|-----------------------|
| دهلى | Дэхли | Дехли | دهلوى | Дэхлави | Дехлавий, деҳлилик |
|------|-------|-------|-------|---------|-----------------------|

4. **Бо (ب)** кўшимчаси ўзак орқали ифода этилган нарсага ёки хусусиятга эгаликни билдирувчи; **би (بى)** кўшимчаси эса ўзакда ифода этилган нарса ёки хусусиятга эга эмаслик маъноларини билдирувчи сифатлар ясайди. **Масалан:**

| | | | | | |
|-----|------|------|--------|--------|-----------------|
| ادب | адаб | адаб | با ادب | боадаб | адабли |
| ادب | адаб | адаб | بى ادب | биадаб | беадаб, адабсиз |

Форс тилида отларга –и (ى) кўшимчасини қўшиш орқали улардан **нисбий сифат** ясалади. Бу –и (ى) ни форс тили грамматикасида ё-е несбат (پاى نسبت) дейилади. Ё-е несбат (پاى نسبت) и (ى) деб ўқилиб, доимо урғу билан талаффуз этилади. **Масалан:**

⁴ Ю. А. Рубинчик, Грамматика современного персидского литературного языка. Москва 2011г.

| | | |
|---------|-----------|--------------|
| فارس | форс | форс |
| فارسی | форси | форс, форсча |
| دیوار | дивор | девор |
| دیواری | дивори | деворий |
| زمستان | зэмэстон | киш |
| زمستانی | зэмэстони | қишки |
| علم | элм | илм |
| علمی | элми | илмий |

Мисоллар:

| | | |
|------------------|----------------------|------------------|
| روزنامه ی دیواری | рузномэ-йэ дивори | деворий газета |
| جلسه ی علمی | жаласэ-йэ элми | илмий мажлис |
| تعطیلات فامیلی | таътилот-э тобэстони | ёзги таътил |
| مسئله ی اقتصادی | масалэ-йэ эктэсоди | иктисодий масала |

-онэ (اله) суффикси хақида

| صفت لاطعی | = | انه кўшимчаси | + | от |
|-----------|---|---------------|---|------|
| زنانه | = | انه | + | زن |
| مردانه | = | انه | + | مرد |
| دوستانه | = | انه | + | دوست |

Форе тилида -онэ (اله) суффикси отларга кўшилиб, улардан иновий сифат ксайди. Масалан:

| | | |
|--------|----------|--------------------|
| زنانه | зانونэ | аёлларга тегишли |
| مردانه | мардонэ | эркакларга тегишли |
| بهگانه | бачэгонэ | болаларга тегишли |

در طبقه ی چهارم شعبه های كفشهای مردانه، زنانه و بهگانه هم دارد.
**Дар табиқэ-йэ чэхорум шубъэхэ-йэ кафшэхэ-йэ мардонэ, зانونэ
 ни бачэгонэ хам дорад.**

**Туртинчи қаватда ҳам эркақлар, аёллар ва болалар оёқ кийимлари
 бўлимлари ҳам бор.**

СИФАТ ДАРАЖАЛАРИ

Форс тилида даража кўрсаткичи фақат сифатларга хос бўлиб, бу сифатни бошқа сўз туркумларидан ажратувчи асосий белгиларидан биридир. Форс тилида сифат даражалари **даражот-э сэфат** (درجات) дейилади.

Форс тилида сифатнинг уч даражаси бор:

- 1) **Сэфат-э мўтлақ** (صفت مطلق) оддий даража;
- 2) **Сэфат-э тафзили** (صفت تفضیلی) чоғиштирма даража;
- 3) **Сэфат-э олий** (صفت عالی) орттирма даража.


1. Сифатнинг оддий даражаси предметнинг муайян бир белгисини билдирувчи шаклдир. **Масалан:**

| | | |
|------|--------|---------|
| بلند | бўланд | баланд |
| خوب | хуб | яхши |
| کم | кам | оз, кам |

سنگ زدن به محل به از زر دادن بی محل

Санг задан-э бе маҳал бэх аз зар додан-э би маҳал.
Вақтида урилган тош бемаҳал берилган олгиндан яхши.

2. Сифатнинг чоғиштирма (киёсий) даражаси сифатнинг оддий даражасига **-тар** (تر) кўшимчасини кўшиш орқали ҳосил қилинади. **-тар** (تر) кўшимчаси ўзбек тилидаги **-роқ** кўшимчасига тўғи келади. **Масалан:**



کمتر
بدتر
بهتر

камтар
бадтар
бэхтар

озроқ, камроқ
ёмонроқ
яхшироқ

Одатда икки предметни бир-бири билан чоғиштириш аналитик

Шул билан олиб борилади. Бунда чоғиштирилувчи предмет аз (از) предлогини қабул қилиб, ундан сўнг келган сифат -тар (تر) қўшимчаси билан келади. Масалан:

از نان حسیس ستاره نزدیکتر است.

Аз нон-э хасис сэтэрэ наздиктар аст.

Хасис нонидан юлдуз яқинроқдир.

Ўзбек тилида ҳам -тар (تر) қўшимчаси орқали ясалган сифат даражалари учрайди. Масалан: баттар, камтар...

3. Сифатнинг орттирма даража оддий даражадаги сифатларнинг охирига -тарин (ترین) қўшимчасини қўшиш орқали ясалади. Масалан:



مەھتەرىن
درازترین
زىباترىن

мўҳэмтарин
дэрэзтарин
зйботарин

енг муҳим, жуда муҳим
жуда узун, энг узун
енг чиройли, жуда чиройли

И в о д: хуб (خوب) сифатининг қиёсий ва орттирма даражалари шу сўзнинг эквиваленти бўлмиш бэх (به) сўзидан ҳосил қилинади. Масалан:

خوب
بهتر
بهترین

хуб
бэхтар
бэхтарин

яхши
яхшироқ
енг яхши, жуда
яхши

Ваъдан қиёсий даражада -тар (تر) қўшимчаси тушиб қолиши ҳам мумкин. Бу ҳолда бэх (به) сўзининг ўзи қиёсий маъносини билдиради. Масалан:

نام بلند به از بام بلند.

Ном-э бўланд бэх аз бом-э бўланд.
Баланд ном баланд томдан яхширок.

Орттирма даражадаги сифат гапда аниқловчи вазифасида келиб, аниқланмиш билан изофасиз, оддий ёндашиш орқали бирикади.

Масалан:

بهترین دانشجو

бэхтарин донэшжу
Энг яхши талаба

Аниқланмиш кўплик шаклида ҳам келиши мумкин. **Масалан:**

جلال و احمد بهترین دانشجویان شعبه ما است.

Жалол ва Аҳмад бэхтарин донэшжуён-э шўъбэ-йэ мост.
Жалол ва Аҳмад бўлимимизнинг энг яхши талабаларидир.

Баъзи вақтларда ортторма даражадаги сифат (**аниқловчи**) ўзидан кейинги сўз (**аниқланмиш**) билан изофа орқали бирикиши ҳам мумкин. Бу ҳолда сифат ўзидан кейин келган сўзни кўплик шаклида келишини талаб қилиб, бир жинсдаги предметлардан бирини ёки бир нечасини ажратиб кўрсатиш маъносини англатади.

Масалан:

بهترین انگورها حسینی است.

Бэхтарин-э ангурҳо ҳусайни аст.
Узумларнинг энг яхшиси – ҳусайнидир.

جلال نزدیکترین برادران کوچک من است.

Жалол наздиктарин-э бародарон-э кучэк-э ман аст.
Жалол укаларим орасида менга энг яқинидир.

Шундай қилиб, ортторма даражадаги сифатдан сўнг келган сўз кўплик шаклида бўлса, икки хил ўқилиши ва икки маънода бўлиши мумкин. **Масалан:**

این قشنگترین خیابانهای تاشکند است.

К) қоридаги жумлани икки хил ўқиш мумкин:

Биринчиси; орттирма даражали сифатдан сўнг изофа қўймай, кетидаги сўз билан оддий битишув орқали қашангтарин хиёбонҳо (قشنگترین خیابانها) деб;

Иккинчиси; орттирма даражали сифатдан сўнг изофа қўйиб, ўзидан сўнг келган сўз билан изофа орқали бириктириб машинтирини-и хиёбонҳо (قشنگترین خیابانها) ўқиш мумкин.

Вундан ташқари, орттирма даражадаги сифатни изофали ёки изофасиз ўқилишининг маъно жиҳатдан ҳам катта фарқи бор. Мисалан:

این قشنگترین خیابانهای تاشکند است.

Ии қашангтарин хиёбонҳо-йэ Тошканд аст.

Бу – Тошкентнинг энг чиройли кўчалари.

این قشنگترین خیابانهای تاشکند است.

Ии қашангтарини-и хиёбонҳо-йэ Тошканд аст.

Бу – Тошкент кўчаларининг энг чиройлиси.

Бу икки гаининг ёзилишида ҳеч қандай фарқ бўлмаса ҳам, лекин орттирма даражадаги сифатни изофали ёки изофасиз ўқилишига қараб, маъно жиҳатидан бир-бирларидан фарқлари борлигини кўрамай. **Биринчи гапта** (орттирма даражадаги сифат изофасиз келганда) **бир жинсдаги предметларнинг энг юқори сифати ҳақида набар берилса,** **иккинчи гапта** (орттирма даражадаги сифат изофали келганда) **юқори сифатга эга бўлган шу жинсдаги предметлардан бири ажратиб кўрсатилганлиги ҳақида баён қилинади.**

Қўшича бир хил сифатга эга бўлган бир жинсдаги предметлардан бир ёки бир нечасини ажратиб кўрсатиш учун орттирма даражадаги сифат олдидан аз (از) предлоги ё ёки аз (یکی از) бирикмасининг келиши ҳам мумкин. Бу ҳолда орттирма даражадаги сифат ортидан келган сўз кўплик шаклида бўлади ва улар изофа орқали эмас, бирикув орқали боғланадилар. **Масалан:**

سعدی و حافظ از برجسته ترین شعرای قرن چهاردهمند.

Саъди ва Ҳофез аз баржастэттарин шўаро-йэ қарн-э

чаҳордахўманд.

Саъдий ва Ҳофиз XIV асрнинг энг машхур шоирларидандир.

شهر سمرقند يکي از بزرگترين شهرهاي ازبکستان است.

**Шаҳр-э Самарқанд йеки аз шаҳарҳо-йе бӯзӯргтарин-э
Ўзбакэстон аст.**

Самарқанд шаҳри Ўзбекистоннинг энг катта шаҳарларидан
биридир.

1-топширик. Қуйида берилган гапларни форс тилига таржима қилинг.

من رمان "روزهای گذشته"ی عبدالله قادری را از اول تا آخر خواندم. مرد دست شکسته پیش پزشک ماهر آمد. به نامه های گرفته را فوراً جواب نوشتم. متن درس گذشته را یاد نگرفتم. روزنامه های خریده را به منزل خود بردم. روزنامه نگاری سوال داده به جای خود نشست. من گذشته ی خود را به او نقل کردم. مهمانان آمده بمناسبت روز تولد من برایم تبریک گفتند. ماه گذشته دانشجویان گروه ما به شهرهای سمرقند، بخارا و خوارزم رفتند. خورشید فرو رفته خیلی قشنگ می شود. پروینه لباسهای دوخته را در بازار فروخت.

2-топширик. Қуйида берилган сифатларни ёзилиши билан ёд олинг.

| | | | | | |
|-------|--------|-------------|-------|--------|-------------|
| خوب | хуб | яхши | بد | бад | ёмон |
| بزرگ | бӯзӯрг | катта, улиғ | عظيم | азим | катта, улиғ |
| كبير | кабир | катта, улиғ | كوجك | кучэк | кичик |
| دراز | дэроз | узун | كوتاه | кутоҳ | қисқа |
| طويل | тавил | чўзик | دور | дур | узоқ |
| نزدیک | наздик | яқин | گرد | гэрд | думалок |
| بلند | бўланд | баланд | پست | паст | паст |
| قشنگ | қашанг | чиройли | زيبا | зибо | гўзал |
| زشت | зэшт | хунук | نو | нўв | янги |
| جدید | жадид | янги | كهنه | кўхнэ | ески |
| گران | гэрон | киммат | ارزان | арзон | арзон |
| روشن | рўвшан | ёруғ | تاریک | торик | қоронғи |
| زود | зуд | тез | تند | тўнд | тез |
| آهسته | оҳэстэ | секин | كند | кўнд | секин |
| قوی | қави | кучли | ضعيف | заиф | кучсиз |
| نازک | нозўк | нозик | لطيف | латиф | нозик |
| درشت | дўрўшт | дағал | نرم | нарм | майин |
| باریک | борик | юпка | كلفت | кўлўфт | қалин |

| | | | | | |
|----------|----------|------------|---------|-----------|-------------|
| ضميم | захим | калин | سخت | сахт | каттик |
| گرم | гирм | иссиқ | سرد | сард | совуқ |
| خشك | хўшк | курук | تر | тар | хўл |
| خيس | хайс | нам | پر | пўр | тўла |
| خالى | холи | бўш | پهن | пахн | кенг |
| وسيع | васиъ | кенг | تنگ | танг | тор |
| جالب | жолэб | кизиқарли | تميز | тамиз | тоза, пок |
| پاك | пок | тоза | تازه | тозэ | тоза |
| صاف | соф | тоза | كثيف | касиф | ифлос |
| سبك | сабўк | йенғил | سنگين | сангин | оғир |
| انبوه | анбўх, | куюк, | تنگ | тўнўк | сийрак, юпк |
| | | калин | | | а |
| تيز | тиз | ўткир | كند | кўнд | ўтмас |
| عميل | амик | чукур | كعميق | камамиқ | саёз |
| گود | гўад | чукур | عزیز | азиз | азиз |
| ارجمند | аржуман | кадрли | محترم | мўхтарам | хурматли |
| | д | | | | |
| فراوان | фаровон | кўи | رسیده | расидэ | пишган |
| نارس | норас | йетилмаган | سالم | солэм | соғлом |
| بیمار | бимор | бемор | خطرناك | хатарнок | хатарли |
| بىخطر | бихатар | бехатар | جوان | жавон | ёш |
| پير | пир | қари | چاق | чок | семиз |
| فربه | фэрбэ | семиз | لاغر | лоғар | орик |
| گورسته | гўрўснэ | оч | سير | сир | тўк |
| گوناگون | гуногун | турли | انواع | анвў | турли |
| مختلف | мўхталэф | турли | تنوع | танаввў | турли |
| كار دوست | кордуст | меҳнатсеза | زخمتك | захматка | меҳнаткаш |
| | | р | ش | ш | |
| باشكوه | бо шўкух | тантанали | مجلل | мўжаллал | тантанали |
| تنبيل | танбил | дангаса | راستگو | ростгу | ростгўй |
| دروغگو | дўруггу | ёлгончи | دلير | дэлир | кўркмас |
| دلاور | дэлавир | кўркмас | ترسو | тарсу | кўрқок |
| گوناگون | кутоҳқад | пақани | بلندقد | бўландқад | новча |
| خال | оқал | ақлли | خردمند | хэрадманд | ақлли |
| با اداب | боодоб | одобли | بی اداب | биодоб | одобсиз |
| الذمگين | андухгин | хафа | غمگين | ғамгин | хафа |
| دلشاد | дэлшод | хурсанд | خوشحال | хушхол | хурсанд |

3-топширик. Куйида берилган гапларни форс тилига таржима килинг.

Олинган мактубга жавоб ёздим. Ёзилган мақола столнинг устида. Ўқилган романни дўстимга бердим. Келган киши менинг амаким. Аҳмад янги очилган корхона ишчиси. Терилган гулларни гулдонга қўйдим. Талаба берилган саволга жавоб берди. Форсча ёзувларимни отамга кўрсатдим. Юборилган совғани олдим. Мен Содик Ҳидоятнинг «Синган ойна» ҳикоясини сотиб олдим. Жавоб берган талаба ўз жойига ўтирди. Ўтган куни мен ва акам тоғмнинг уйига боирдик. Жамол ўтган дарс мавзусини гапириб берди. Илон чакқан деҳқон врачнинг олдига борди.

4-топширик. Куйида берилган мақолларни дафтарингизга кўчириб ёзинг, таржима килинг ва сифатдошларнинг маъносини аниқланг.

کوزه گر از کوزه ی شکسته آب می خورد.
هر چه به دل فرود آید، به دیده نیکو نماید.
سخن گفته و تیر انداخته باز نگردهد.

5-топширик. Куйида берилган феъллардан ҳозирги замон сифатдоши ясанг.

| | | | | |
|-----------|--------------|---------|-----------|--------------------|
| گزیدن | газидан | گز | газ | чакмоқ |
| جستن | жўстан | جو | жу | кидирмоқ |
| نگریستن | нэгарэстан | نگر | нэгар | қарамоқ |
| دانستن | донэстан | دان | дон | билмоқ |
| یافتن | ёфтан | یاب | ёб | топмоқ |
| باریدن | боридан | بار | бор | ёғмоқ |
| پرسیدن | пўрсидан | پرس | пўрс | сўрамоқ |
| گرد آوردن | гэрд овардан | گرد آور | гэрд овар | тўпламоқ |
| کشیدن | кашидан | کش | каш | чекмоқ, тортмоқ |

Мавзуги оид савол ва топшириқлар:

1. Сифат деб нимага айтилади?
2. Сифатдош деб нимага айтилади?
3. Ўтган замон сифатдоши деб нимага айтилади?
4. Ўтган замон сифатдоши форс тилида қандай номланади?
5. Ўтган замон сифатдоши қандай ясалади?
6. Ўтган замон сифатдошининг бўлишсиз шакли қандай ҳосил қилинади?
7. Ўтган замон сифатдоши қайси ҳолатларда гапда аниқловчи вазифасини бажаради?
8. Ўтган замон сифатдоши қайси ҳолатларда гапда от бажарган вазифани бажаради?
9. Ўтган замон сифатдоши қайси ҳолатларда предмет белгисини билдирувчи мураккаб сифатдош ҳосил қилади?
10. Ўтган замон равишдоши деб нимага айтилади?
11. Ўтган замон равишдоши форс тилида қандай номланади?
12. Ўтган замон равишдоши қандай ясалади?
13. Ўтган замон сифатдоши билан ўтган замон равишдоши ўртасида қандай ўхшашлик ва фарқлар мавжуд?
14. Ўзбек тилида форс тилидан ўзлашган ўтган замон сифатдошлари мавжудми?
15. Ҳозирги замон сифатдоши форс тилида қандай номланади?
16. Ҳозирги замон сифатдоши қандай ясалади?
17. Анде аффикси ва у ҳосил қилган ҳозирги замон сифатдошлари ҳақида нималарни биласиз?
18. Он аффикси ва у ҳосил қилган ҳозирги замон сифатдошлари ҳақида нималарни биласиз?
19. О аффикси ва у ҳосил қилган ҳозирги замон сифатдошлари ҳақида нималарни биласиз?
20. Ҳозирги замон сифатдоши ҳосил қилишда ишлатиладиган аффиксларнинг қайсилари сермахсул ҳисобланади?
21. Ўзбек тилида форс тилидан ўзлашган анде аффикси орқали ҳосил қилинган ҳозирги замон сифатдошлари мавжудми?
22. Ўзбек тилида форс тилидан ўзлашган он аффикси орқали ҳосил қилинган ҳозирги замон сифатдошлари мавжудми?
23. Ўзбек тилида форс тилидан ўзлашган о аффикси орқали ҳосил қилинган ҳозирги замон сифатдошлари мавжудми?
24. Форс тилида нечта сифат даражаси мавжуд?

25. Оддий сифат даражаси деб нимага айтилади?
26. Қиёсий ёки чоғиштирма сифат даражаси деганда нимани тушунасиз?
27. Орттирма сифат даражаси деганда нимани тушунасиз?
28. Ўзбек тилида форс тилидан ўзлашган оддий сифат даражалари учрайдими?

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Ю.А.Рубинчик, Грамматика современного персидского литературного языка. Москва 2011г.
2. Anousha Shahsavari, Blake Atwood, Persian of Iran today. An introductory course, Volume 1,2. Texas, 2015.
3. Plats J.T. and Ranking C.A. A grammar of the Persian language Oxford 1911 у.
4. Yodolloh Samareh Persian language teaching Iran 1993 у.

13 – МАШҒУЛОТ

МАВЗУ: АНИҚЛОВЧИ ЭРГАШ ГАП. ШАРТ ЭРГАШ ГАП. ТҮСИКСИЗ ЭРГАШ ГАП. САБАБ ЭРГАШ ГАП.

Равжа:

1. Аниқловчи эргаш гап.

2. Тўсиқсиз эргаш гап.

3. Сабаб эргаш гап.

Талич сўз ва иборалар: Ўзбек тили, форс тили, грамматика, синтаксис, гап, эга, кесим, аниқловчи эргаш гап, эргаш гап боғловчилари, кэ, тўсиқсиз эргаш гап, бо онкэ, бо инкэ, бо вўжудэ онкэ, бо вўжудэ инкэ, агарчэ, гарчэ, сабаб эргаш гап, чун, чункэ, зиро, зирокэ

Укув машгулотининг мақсади. Ўзбек тили, форс тили, грамматика, синтаксис, гап, эга, кесим, аниқловчи эргаш гап, эргаш гап боғловчилари, кэ, тўсиқсиз эргаш гап, бо онкэ, бо инкэ, бо вўжудэ онкэ, бо вўжудэ инкэ, агарчэ, гарчэ, сабаб эргаш гап, чун, чункэ, зиро, зирокэ хақида назарий маълумотлар бериш ва уларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш.

АНИҚЛОВЧИ ЭРГАШ ГАП

Аниқловчи эргаш гап бош гапнинг эгасини ёки бошқа бирон бўлагини аниқлаб келади. Аниқловчи эргаш гап бош гап билан кэ (كە) боғловчиси орқали боғланади. Кэ боғловчиси бош гапнинг бевосита аниқланиб келган бўлагидан сўнг қўйилади. Одатда аниқловчи эргаш гапда аниқланиб келаётган сўз урғусиз -и (ى) қабул қилиб келади ва бу -и (ى) форс грамматикасида ё-йэ эшорэ (بى انشاء) дейилади. Мисалан:

کتابى که من مى خوانم "پستان" سعدى است.

Кэтоби кэ мин михонам «Бўстон»-э Саъдий аст.

Мен ўқийтган китоб Саъдийнинг «Бўстон» идир.

Аниқланиб келаётган сўз аниқловчи эргаш гап таркибида олмош тарзида яна қайтарилиши мумкин. Бу турдаги олмошлар гапдаги вазифаларига қараб маълум **предлог** ёки **кўмакчини** қабул қилган бўладилар. **Масалан:**

شخصی که با دانشجویان صحبت می کند برادر بزرگ من است.

Шахси кэ бо донэшжуён сўхбат микўнад бародар-э бўзўрг-э ман аст.

Талабалар билан суҳбатлашаётган киши менинг акамдир.

Аниқловчи эргаш гап аниқлаб келган сўз ўз аниқловчисига эга бўлиши ҳам мумкин. Бу ҳолда **ё-йэ эшорэ** (پای اشاره) изофий бирикманинг охирига қўшилади. **Масалан:**

دانشجویی که با رئیس دانشگاه صحبت می کند از ایران آمده است.

Донэшжуи кэ бо раис-э донэшгоҳ сўхбат микўнад аз Ирон омадэ аст.

Университет ректори билан суҳбатлашиб турган талаба Эрондан келгандир.

Агар аниқловчи эргаш гап аниқлаб келган сўз қисқа э (ё) унлиси билан тугаган бўлса, **-и (ё)** олдидан бир **алиф (!**) орттирилиб ёзилади. **Масалан:**

خانه ای که من زندگی می کنم بیرون شهر واقع است.

Хонэи кэ ман зэндэги микўнам бирун-э шахр воқэ аст.

Мен яшаб турган уй шаҳар ташқарисида жойлашган.

Агар аниқловчи эргаш гап аниқлаб келган сўз чўзик унли билан тугаган бўлса, **-и (ё)** олдидан бир **ҳамза (ё)** белгиси орттирилиб ёзилади. **Масалан:**

دانشجویی که پیش من آمده است تاریخ ازبکستان را خوب می داند.

Донэшжуи кэ пиш-э ман омадэ аст тарих-э Ўзбакэстон ро хуб мидонад.

Менинг олдимга келган талаба ўзбекистон тарихини яхши билади.

1. Агар аниқловчи эргаш гап аниқлаб келган сўз қаратқич **вазифасидagi** от ёки олмош билан бирикиб келаган бўлса: **Масалан:**

دانشجویان دانشکده که اینجا جمع شده اند در کنفرانس علمی سخنرانی خواهند کرد.
Донэшижуи-и донэшкадэ кэ инжа жам шўдэанд дар кўнфэронс-э
элми сўханрони хоҳанд кард.

Иу эрги йиғилган факултет талабалари илмий конференцияда доклад қиладилар.

2. Аниқловчи эргаш гап аниқлаб келган сўз эгалик **қўшимчасини қабул қилиб келган бўлса: Масалан:**

برادر بزرگتان که در دانشکده ی روزنامه نگاری تحصیل می کند نامش چیست؟
Барадар-э бузўргэтон кэ дар донэшкадэ-йэ рузномэнэгори таҳсил микўнад номаш чист?

Журналистика факултегида таҳсил олаётган акангизнинг исми нима?

3. Аниқловчи эргаш гап аниқлаб келган сўз атоқли от бўлса: **Масалан:**

شهر تاشکند که پایتخت ازبکستان است از لحاظ وسعت یکمین شهر در ازبکستان می باشد.

Шаҳр-э Тошканд кэ пойтахт-э Ўзбакэстон аст аз лэхоз-э вўсат йёкўмин шаҳр дар Ўзбакэстон мибошад

Ўзбекистоннинг пойтахти (бўлган) Тошкент шаҳри кенглиги жихатидан Ўзбекистондаги биринчи шаҳардир.

4. Аниқловчи эргаш гап аниқлаб келган сўз кишилик олмоши бўлса: **Масалан:**

تو که چراغ نبینی با چراغ چه بینی؟

Тў кэ чэроғ набини бо чэроғ чэ бини?

Сен чирокни кўрмайсанку, чирок билан нимани кўрасан?

ШАРТ ЭРГАШ ГАП

Шарт эргаш гап бош гапдаги иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг бажарилиш шартини билдиради.

Форс тилида шарт эргаш гап бош гап билан **агар** (اگر) боғловчиси орқали боғланади. Эргаш гапли кўшма гапларда шарт эргаш гап аввал, бош гап ундан кейин келади. Эргаштирувчи **агар** (اگر) боғловчиси эса эргаш гап бошида келади. Масалан:

اگر دوستم بيايد به دانشکده ی روزنامه نگاری می رويم.

Агар дустам бэёйд бэ донэшкадэ-йэ рузномэнэгорӣ миравим.

Агар дўстим келса, журналистика факултетига борамиз.



Шарт эргаш гап кўйилган шартнинг амалга ошиши мумкин ёки мумкин эмаслигига қараб иккига бўлинади:

- 1) реал шарт эргаш гап;
- 2) реал бўлмаган (нореал) шарт эргаш гап.

Шарт эргаш гапдаги иш-ҳаракат ё ҳолатнинг бажарилиши, унинг амалга ошиши мумкин, реал эканлигини билдирган шарт эргаш гап **реал шарт эргаш гап** дейилади. Шарт эргаш гап кесимида ифодаланган шартнинг характериға қараб, шарт эргаш гапнинг кесими турли замонларда келиши мумкин.

Шарт эргаш гапда иш-ҳаракат келаси замонга хос бўлса, шарт эргаш гапнинг кесими аорист шаклида келади. **Масалан:**

اگر باران نیارد فردا به ماهی گیری می رويم.

Агар борон наборад фардо бэ моҳигири миравим.

Агар ёмўир ёғмаса, эртага балиқ овига борамиз.

Шарт эргаш гапда иш-харакат ҳозирги замонга хос бўлса, шарт эргаш гапнинг кесими ҳозирги-келаси замон феъли шаклида келади.

Масалан:

اگر سرتان درد مى كند چرا پيش پزشك نرفتيد؟

Агар сарэтон дард микўнад чэро пиш-э пэзэшк нарафтид?

Агар бошингиз оғриётган бўлса, нега врачнинг олдига
бормадингиз?

Шарт эргаш гапда иш-харакат ўтган замонга хос бўлса, шарт эргаш гапнинг кесими (ماضى نقلى) ёки (ماضى التزامى) шаклида бўлади. **Масалан:**

اگر مريض شده باشيد (شده ايد) بايد بسترى شويد.

Агар мариз шўдэ бошид (шўдэид) бояд бастари шавид.

Агар касал бўлган бўлсангиз, ётишингиз керак.

Шарт эргаш гапда иш-харакат маъно жихатдан келаси замонга хос бўлса ҳам, баъзан шарт эргаш гапнинг кесими оддий ўтган замон феъли шаклида келиши мумкин. Бунда шарт эргаш гапнинг кесими бош гап кесими орқали ифодаланган иш-харакатга нисбатан илгари бажарилган иш-харакатни билдиради. **Масалан:**

اگر برف باريد زود به منزل برگرديد.

Агар барф борид зуд бэ манзэл бар гард.

Агар ёмғир ёғса (ёмғир ёғди), тезда уйга қайт.

Бу турдаги шарт эргаш гапларда шарт эргаш гапнинг кесими аорист шаклида ҳам келиши мумкин: **Масалан:**

اگر برف بهارذ زود به منزل برگرديد.

Агар барф бэборад зуд бэ манзэл бар гард.

Агар ёмғир ёғса, тезда уйга қайт.

Шарт эргаш гапдаги иш-харакат ёки ҳолатнинг бажарилиши, унинг амалга ошиши мумкин бўлмаган шарт эргаш гап реал бўлмаган шарт эргаш гап дейилади.

Реал бўлмаган шарт эргаш гап ўтган замонга оид бўлгани учун ҳам, бош ва эргаш гапнинг кесими ўтган замон давом феъли шаклида келади. Масалан:

اگر باران نمی بارید به ماهی گیری می رفتیم.

Агар борон намиборид бэ моҳигири мирафтим.
Агар ёмғир ёлмаганда эди, балиқ овига борар эдик.

Баъзан реал бўлмаган шарт эргаш гапнинг кесими узоқ ўтган замон феъли шаклида ҳам келиши мумкин: **Масалан:**

اگر آنها درسهای شان را حاضر کرده بودند با ما صحبت می کردند.

Агар онҳо даршойёшон ро хозэр кардэ буданд бо мо сўхбат микарданд.

Агар улар дарсларини тайёрлаб бўлганда эдилар, биз билан суҳбатлашар эдилар.

Доштан (داشتن) (ега бўлмоқ), будан (بودن) (бўлмоқ, емоқ) феъллари реал бўлмаган шарт эргаш гапнинг кесими вазифасида келганда, **ми-** (می) олд кўшимчаси тушиб қолиб, оддий ўтган замон феъли шаклида ишлатилади. **Масалан:**

اگر من فرهنگ زبان فارسی داشتم از آن استفاده می کردم.

Агар ман фарҳанг-э забон-э форси доштам аз он эстефодэ микардам.

Агар менинг форс тили луғатим бўлганда эди, ундан фойдаланган бўлар эдим.

اگر او مریض نبود سر درس می آمد.

Агар у мариз набуд сар-э дарс миёмад.
Агар у касал бўлмаганда эди, дарсга келар эди.

ТЎСИҚСИЗ ЭРГАШ ГАП

Тўсиқсиз эргаш гап бош гапдан англашилган иш-ҳаракат мазмунига зид бўлса ҳам, лекин унга тўсиқ бўла олмайдиган иш-ҳаракатни билдиради.

Форс тилида тўсиқсиз эргаш гап бош гапга асосан қуйидаги боғловчилар орқали боғланади:

| | | | |
|---------------|------------------|---------------|------------------|
| با اینکه | бо он кэ | با وجود اینکه | бо вўжуд-э ин-кэ |
| با اینکه | бо ин-кэ | اگر چه | агар чэ |
| با وجود اینکه | бо вўжуд-э он-кэ | گر چه | гарчэ |

Бу эргаштирувчи боғловчиларнинг деярли ҳаммаси маъно жиҳатдан бир-бирига яқин бўлиб, ўзбек тилига шарт маъносини ифода этувчи *-са*, *-ганда* грамматик шакллари ҳамда уларга қўшилиб келадиغان ҳам боғловчиси ёхуд *-да* юкламаси орқали таржима қилинади.



Тўсиқсиз эргаш гапни қўшма гапда тўсиқсиз эргаш гап бош гапдан олдин келади. Эргаштирувчи боғловчилар эса қўшма гап бошида келади. Масалан:

با وجود اینکه دستور زبان فارسی داشت از آن استفاده نمی کرد.
Во вўжуд-э ин-кэ дастур-э забон-э форси дошт аз он эстетфодэ
 намикард.

Форс тили грамматикаси бўлса ҳам, ундан фойдаланмасди.

گرچه خانه ی ما دور است هر روز به دانشکده پیاده می آیم.
Гарчэ хонэ-й ма дур аст хар руз бэ донэшкадэ пиэдэ миёйим.
 Уйимиз олис бўлса ҳам, факултетга пиёда келаимиз.

Қунипча зид ҳолатни кучайтириш учун бош гап олдига аммо (اما), ликин (لیکن), вали (ولی) каби зидлов боғловчилари ҳам қўйилади. Масалан:

گرچه برادر بزرگم سالم بنظر می آید لیکن قلبش درد می کند.

**Гарчэ бародар-э бўзўргам солэм бэназар миёяд ликан қалбаш
дард микўнад.**

Акам соғлом кўринса ҳам, унинг юраги касал.

САБАБ ЭРГАШ ГАП

Форс тилида мақсад, тўлдирувчи, пайт, аниқловчи, тўсиқсиз, шарт ва сабаб эргаш гаплар мавжуд. Шулардан бири сабаб эргаш гапдир. Сабаб эргаш гап бош гаптаги иш-ҳаракатнинг юзага келиши сабабини билдириб келади.

Сабаб эргаш гап бош гап билан куйидаги боғловчилар орқали боғланади:

چون **чун**
چونکه **чун-кэ**

زیرا **зиро**
زیرا که **зиро-кэ**

Бу боғловчилар маъно жиҳатидан бир-бирига яқин бўлиб, ўзбек тилига – *гани учун*, - *гани сабабли* бирикмалари ҳамда *чунки*, *учун* сўзлари орқали таржима қилинади.

Сабаб эргаш гап бош гап билан қайси боғловчи орқали боғланган бўлишига қараб, бош гапдан олдин ёки ундан кейин келиши мумкин.

1. Агар сабаб эргаш гап бош гапга **чун** (چون) боғловчиси орқали боғланган бўлса, сабаб эргаш гап бош гапдан олдин келади ва **чун** (چون) боғловчиси гап бошида бўлади. **Масалан:**

چون زياد باران باريد ما نتوانستيم در باغ دانشكده كار بكنيم.

**Чун зиёд борон борид мо натавонэстим дар боғ-э донэшкадэ кор
бэкўним.**

Кўп ёмғир ёққани учун, биз факултет боғида ишлай олмадик.



2. Агар сабаб эргаш гап бош гапга **чун-кэ** (چونکه), **зиро-кэ** (زیرا) (چونکه), **зиро** (زیرا) боғловчилари орқали боғланган бўлса, сабаб эргаш гап бош гандан кейин келади ва боғловчи ундан олдин қўйилади.
Маълум:


من نتوانستم پیش دانشیارم بیاید چونکه وقت نداشتم.

**Ман нитивонгэстам пиш-э донэшёрам бэёяд чун-кэ вақт
 надоштам.**

Нақтим бўлмагани учун, ўқитувчимнинг олдига кела олмадим.

تو می بایستی به او کمک بدهی زیرا که او دوست تو است.

**Тў мибонести бэ у кўмак бэдэхі зиро-кэ у дуост-э тў аст.
 Сен унга ёрдам беришини керак эди, чунки у сенинг дўстинг.**



1-топширик. Қуйида берилган гапларни ўзбек тилига таржима қилинг.

در زمان قدیم شاگرد آهنگری بود که خیلی علاقه داشت با سواد شود، سپس به صداهایی که از باغ می آمد گوش داد. دمی که ریزعلی در آن زندگی می کرد نزدیک راه آهن بود. ریزعلی روزهای را که به شمالی قطار می رفت به یاد آورد. در کندویی که من زندگی می کنم هزاران زنبور دیگر هم زندگی می کنند. حیف از عمری که به پای تو حرام کردم. چشم ره گزری به ماری که در لزدیک پای مرد می خزید افتاد و فوراً صدا نمود: برادر، به لزدیک پابت ماری در حرکت است.

2-топширик. Қуйида берилган мақолларни ўқинг, ўзбек тилига таржима қилинг ва ёд олинг.

۱. خرى كه جو دید كاه نمى خورد.
۲. تیری كه از كمان جست بر نگردهد.
۳. كسی كه از گرگ بترسد گوسفند نگاه ندارد.
۴. چاهی كه آب ندارد با آب ریختن ابدار نشود.

3-топшириқ. Реал шарт эргаш гапларга 5 та мисол ёзинг.

Намуна: اگر باران نبارد فردا به ورزشگاه می رویم.

4-топшириқ. Реал бўлмаган (нореал) шарт эргаш гапларга 5 та мисол ёзинг.

Намуна: اگر باران نمی بارد به ورزشگاه می رفتیم.

5-топшириқ. Куйида берилган гапларни форс тилига таржима қилинг.

Сени олдинга борган киз менинг синглим эди. Биз яшайдиган уй шаҳарнинг марказида жойлашаган. Уйимиз тўғрисида мактаб ва ёнига болалар боғчаси қурилди. Мен тиббиёт университетида ўқийдиган талаба билан суҳбатлашдим. Бу ўша мен кеча сотиб олган китоб. Бу ерга йиғилган факултет талабалари бир ҳафтадан сўнг Эронга кетадилар. Биз томоша қилган бу сахна кўриниши «Ўтган кунлар» романидан парчадир. Биз зиёрат қилган тарихий ёдгорлик VI асрга оид экан. Охириги йилларда Тошкентда қурилаётган иморатлар жуда чиройлидир. Талабалар кишки таътил вақтида ўз уйларига кетадилар. Сиз берган журнални ҳалигача эгасига топширганим йўқ. Франция, Италия, Испания ва Лондонга бориб келган талабалар шу мамлакатлар ҳақидаги ўз таассуротларини сўзлаб бердилар. Эрондан келган бир неча делегация аъзолари Хива шаҳрига жўнаб кетдилар. Бизнинг журналда талабаларнинг мақолалари ҳам чоп этилади.

Мавзуга оид савол ва топшириқлар:

1. Форс тилида эргаш гаплар неча турли?
2. Аниқловчи эргаш гап деб нимага айтилади?
3. Аниқловчи эргаш гап ҳақида маълумот беринг.
4. Аниқловчи эргаш гапнинг тузилиши ҳақида маълумот беринг.
5. Ё-йэ ишорэ ҳақида маълумот беринг.
6. Шарт эргаш гап деб нимага айтилади?
7. Шарт эргаш гап таркиби жиҳатидан нечага бўлинади?
8. Шарт эргаш бош гап билан қайси боғловчи орқали боғланади?
9. Шарт эргаш гаплар неча турли бўлади?
10. Реал шарт эргаш гап деб нимага айтилади?

11. Реал бўлмаган шарт эргаш гап деб нимага айтилади?

12. Шарт эргаш гапларнинг кесими қачон аорист шаклида бўлади?

13. Реал бўлмаган шарт эргаш гапларнинг кесими қандай шаклда бўлади?

14. Тўсиқсиз эргаш гап деб нимага айтилади?

15. Тўсиқсиз эргаш гап бош гап билан қайси боғловчилар орқали боғланади?

16. Тўсиқсиз эргаш гап таркибий жиҳатдан қандай тузилган?

17. Тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гап бош глдан олдин келадими ёки кейин?

18. Тўсиқсиз эргаш гапларда зид ҳолатни кучайтириш учун қайси зид боғловчилар қўйилади?

19. Сабаб эргаш гаплар қандай маъно англатади?

20. Сабаб эргаш гаплар таркибий жиҳатдан қандай тузилган?

21. Сабаб эргаш гап бош гап билан қайси боғловчилар орқали боғланади?

22. Чун боғловчиси ишлатилганда сабаб эргаш гап қандай таркибий тузилишга эга бўлади?

23. Чункэ, зиро ва зирокэ боғловчилари ишлатилганда сабаб эргаш гап қандай таркибий тузилишга эга бўлади?

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Ю.А. Рубинчик, Грамматика современного персидского литературного языка. Москва 2011г.

2. Anouha Shahnavari, Blake Atwood, Persian of Iran today. An introductory course, Volume 1,2. Texas, 2015.

3. Plata J.T. and Ranking C.A. A grammar of the Persian language Oxford 1911 y.

4. Yodolloh Samareh Persian language teaching Iran 1993 y.

ИККИНЧИ КИТОБ. ШАРҚ ТИЛЛАРИ. (ФОРС ТИЛИ)

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ҚИСМИ.

1-МАШҒУЛОТ

МАВЗУ: КИРИШ. ФОРС ТИЛИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ.

1-топшириқ. Эрон мамлакати қайси давлатлар билан чегарадош ва давлат ҳудудий бўлинишига кўра неча ўстон (вилоят) дан иборат эканлиги ҳақида маълумот беринг.

2-топшириқ. Форс тилининг таянч диалекти, тарихий тараққиёт босқичлари, шарқий ва ғарбий эроний тиллар гуруҳига мансуб тиллар ҳақида маълумот беринг.


3-топшириқ. Эронда араб ёзувининг муомалага киритилиши, араб-форс алифбоси, алифбога қўшилган ҳарфлар ва араб ёзувининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот беринг.

4-топшириқ. Араб – форс алифбосидаги мунфасил ва муттасил ҳарфлар ҳамда уларнинг хусусиятлари ҳақида маълумот беринг.

5-топшириқ. Куйида берилган ҳарфларни намунадагидек мунфасил ва муттасил ҳарфлар гуруҳларига ажратинг.

Намуна:

| Мунфасил ҳарфлар | | | Муттасил ҳарфлар | | |
|------------------|---|---|------------------|---|---|
| ا | د | ذ | ب | س | ص |
| ر | ز | ژ | ف | ظ | ی |



Мавзуга оид адабиётлар:

1. Ю.А.Рубинчик, Грамматика современного персидского литературного языка. Москва 2011г.

2. Anousha Shahsavari, Blake Atwood, Persian of Iran today. An introductory course, Volume 1,2. Texas, 2015.

3. Plats J.T. and Ranking C.A. A grammar of the Persian language Oxford 1911 у.

4. Yodoloh Samareh Persian language teaching Iran 1993 у.

2-МАШҒУЛОТ

МАВЗУ: ФОРС ТИЛИДА УРҒУ, БЎҒИН ВА ДИФТОНГ.

1-топширик. Араб – форс алифбосидаги шаклдош ҳарфлар ҳақида маълумот беринг.

2-топширик. Араб – форс алифбосидаги уч нуктали, икки нуктали, бир нуктали ва нуктасиз ҳарфлар ҳақида маълумот беринг.


3-топширик. Араб – форс алифбосидаги сатр усти, сатр ости ва сатр усти-ости ҳарфлари ҳақида маълумот беринг.

4-топширик. Форс тилида урғу, бўғин (очик ва ёпик) ва дифтонг (эй ва ўв) лар ҳақида маълумот беринг.

5-топширик. Куйида берилган ҳарфларни намунадагидек мунфасил ва мутгасил ҳарфлар гуруҳларига ажратинг.

Намуна:

| Мунфасил ҳарфлар | | | Мутгасил ҳарфлар | | |
|------------------|---|---|------------------|---|---|
| ا | د | ذ | ب | س | ص |
| ر | ز | ژ | ف | ظ | ى |



Мавзуга оид адабиётлар:

1. Ю.А.Рубинчик, Грамматика современного персидского литературного языка. Москва 2011г.
2. Anousha Shahsavari, Blake Atwood, Persian of Iran today. An introductory course, Volume 1,2. Texas, 2015.
3. Plats J.T. and Ranking C.A. A grammar of the Persian language Oxford 1911 y.
4. Yodolloh Samareh Persian language teaching Iran 1993 y.

3-МАШҒУЛОТ

МАВЗУ: ФОРС ТИЛИДА ҚИСҚА УНЛИЛАРНИНГ ЁЗУВДА ИФОДА ЭТИЛИШИ.

1-топширик. Форс тилида қисқа “а” унлисини сўз бошида, сўз ўртасида ва сўз охирида ифода этилишини мисоллар асосида тушунтиринг.

2-топширик. Форс тилида қисқа “э” унлисини сўз бошида, сўз ўртасида ва сўз охирида ифода этилишини мисоллар асосида тушунтиринг.

3-топширик. Форс тилида қисқа “ў” унлисини сўз бошида, сўз ўртасида ва сўз охирида ифода этилишини мисоллар асосида тушунтиринг.

4-топширик. Қуйида берилган ҳарфлардан **тун, болта, қўл, совук, бош, булут, эркак киши, бор, нам, ёмон** сўзлари ҳосил қилинг.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| ت | د | ب | ر | ر |
| س | ب | ا | ش | ب |
| ر | ت | س | د | م |
| د | ر | ر | چ | ر |
| ت | د | س | ب | گ |

5-топширик. Қуйида берилган сўзларни машқ дафтарингизга кўчириб ёзинг ва уларнинг форсча таржималарини ёд олинг.

| | | | | | |
|-----------------|---------------|----------------|----------------|-----------------|------------------|
| ин | он | кэтоб | дафтар | киф | коғаз |
| <i>бу, шу</i> | <i>у, ўша</i> | <i>китоб</i> | <i>дафтар</i> | <i>сумка</i> | <i>қоғоз</i> |
| мўдод | қалам | рузномэ | мажаллэ | нўв | кўхнэ |
| <i>қалам</i> | <i>ручка</i> | <i>газета</i> | <i>журнал</i> | <i>янги</i> | <i>эски</i> |
| ист | тахтэ | гач | дивор | сэфид | сўрх |
| <i>-дир</i> | <i>доска</i> | <i>бор</i> | <i>девор</i> | <i>оқ</i> | <i>қизил</i> |
| хонэ | коргар | мард | зан | дўхтар | пэсар |
| <i>уй, хона</i> | <i>ишчи</i> | <i>эркак</i> | <i>аёл</i> | <i>қиз бола</i> | <i>ўғил бола</i> |

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Ю.А.Рубинчик, Грамматика современного персидского литературного языка. Москва 2011 г.

2. Anousha Shahsavari, Blake Atwood, Persian of Iran today. An introductory course, Volume 1,2. Texas, 2015.

3. Plats J.T. and Ranking C.A. A grammar of the Persian language Oxford 1911 y.

4. Yodolloh Samareh Persian language teaching Iran 1993 y.

4-МАШҒУЛОТ

МАВЗУ: ФОРС ТИЛИДА ЧЎЗИҚ УНЛИЛАРНИНГ ЁЗУВДА ИФОДА ЭТИЛИШИ.

1-топширик. Форс тилида чўзиқ “о” унлисини сўз бошида, сўз ўртасида ва сўз охирида ифода этилишини мисоллар асосида тушунтиринг.

2-топширик. Форс тилида чўзиқ “и” унлисини сўз бошида, сўз ўртасида ва сўз охирида ифода этилишини мисоллар асосида тушунтиринг.

3-топширик. Форс тилида чўзиқ “у” унлисини сўз бошида, сўз ўртасида ва сўз охирида ифода этилишини мисоллар асосида тушунтиринг.

4-топширик. Куйида берилган ҳарфлардан **осмон, юз, кун, сичқон, чумоли, яхши, сут, қовоқ** (ошқовоқ) сўзлари хосил қилинг.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| ش | م | ا | خ | م |
| و | س | و | ا | ك |
| ر | ر | ز | ب | و |
| ش | و | م | ر | ن |
| و | ى | ر | و | د |

5-топшириқ. Куйида берилган сўзларни машқ дафтарингизга кўчириб ёзинг ва уларнинг форсча таржималарини ёд олинг.

| | | | | | |
|---------------|--------------|---------------|--------------|--------------|--------------|
| об | роз | кор | сэдо | бобо | бод |
| <i>сув</i> | <i>сир</i> | <i>иш</i> | <i>овоз</i> | <i>бобо</i> | <i>шамол</i> |
| Ирон | миз | сандал | моҳи | бини | миҳан |
| <i>Эрон</i> | <i>стол</i> | <i>стул</i> | <i>балиқ</i> | <i>бурун</i> | <i>ватан</i> |
| ут | дуд | жоду | бону | нур | ангур |
| <i>август</i> | <i>тутун</i> | <i>сеҳр</i> | <i>хоним</i> | <i>нур</i> | <i>узум</i> |
| орд | шонэ | тиғ | тир | руд | суд |
